

Л.Н.

---

---

**ЖИНОЯТ-**  
**ИЖРОИЯ**  
**ХУКУКИ**

---

---

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

# ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ХУҚУҚИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий ўқув юртларининг хуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган

## Муаллифлар:

1. **Б. Ахроров**, юридик фанлари номзоди, доцент — Кириш I, II, IV, V боблар.
2. **М. Рустамбоев**, юридик фанлари доктори, профессор — III, VI боблар.
3. **Ш. Иногомов**, юридик фанлари номзоди, доцент — VII боб.
4. **Р. Қодиров**, юридик фанлари номзоди, ички ишлар генерали,  
**М.Абдухоликов**, юридик фанлари номзоди. — XI боб.
5. **К. Пайзуллаев**, катта ўқитувчи — VIII боб.
6. **М. Абдухоликов**, юридик фанлари номзоди. — IX, X боблар.
7. **Ф. Тоҳиров**, юридик фанлари номзоди, доцент — XII боб.

**Масъул мұхтары:** юридик фанлари номзоди, доцент **Б.Ж.АҲРОРОВ**.

Такризчилар: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси «Криминология» кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор **З.С.ЗАРИПОВ**. Ўзбекистон Республикаси Миллий университети «Жиноят хуқуқи» кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент **Г.ШАРИПОВА**, Ўзбекистон Республикаси ИИВ қошидаги Жазоларни ижро этиш Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковники **С.СОБИРОВ**.

Ушбу дарсликда Жиноят-ижроия кодексининг жазоларни ижро этиш қонун-қоидалари, жиной жазоларни амалга ошириш, жазоларни ижро этиш, уларни тайинлаш ва озод қилиш қоидалари ёритилган. Шунингдек, мазкур дарсликда Ўзбекистон Республикаси ҳамда айрим хориж давлатларида жорий этилган ҳозирги даврдаги жиной жазоларнинг турлари ва уларнинг бир-бирларидан фарқлари талқин қилинади.



A **4306020700-148** Буюртма вараги—2002  
353(04)2002

ISBN 5-645-03968-8

© «Ўқитувчи» наприёти, 2002

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси XX асрни ҳам ўз бошидан ўтказди. Ўтган аср қай тарзда ўтган бўлишига қарамай, унинг энг катта ютуғи Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка юз тутгани бўлди. Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасида ўзини ҳар томонлама халқаро андозаларга мослаштириш ҳамда унга мувофик ҳолда ривожлантириш имкониятлари яратилди. Бундай имкониятлар учун энг аввало Ўзбекистоннинг келажаги, яъни ҳозирги кун ёшлари эркин яшашлари учун миннатдор бўлишлари керак.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз Конституцияси ва қонунларини халқаро андозаларга мослаштириш, халқаро таъабларга жавоб берса оладиган қонунларни қабул килиш вазифаларини баҳамжихатлик билан ҳал этмоқда. Гарчанд давлат жиноятчиликдан бутунлай ҳоли бўлиш имкониятига эга бўла олмаса-да, лекин унинг олдини олиш, унга қарши кураш, жиноятчиликни терғани ва жазолаш масалалари ҳам адолатли қонун нормалари билан тартибга солинади. Давлатнинг равнақига, унинг ривожланишига жиноятчилик жиддий түсик бўлишига қарамай, давлат бундай иллатга қарши факат адолатли қонун билангина курашади. Жиноятчилик ҳам ижтимоий-тариҳий ходиса, у ҳар бир даврнинг ўзига хос кўринишларига эга, жумладан, ўтиш даври жиноятчилиги ҳам ўзига хос хусусиятларни қасб этади.

«Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафакат ислоҳотлар йўлига жиддий түсик бўлмай, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради», — деб айтган эди И. А. Каримов<sup>1</sup>.

Ушбу жиноят-ижроия ҳукуки дарслигида Ўзбекистон Республикасида жиноий жазоларни ижро этиш тартиб-коидалари, уларнинг ҳукукий тартибга солиниши ёритиб берилади. Айнан давлатнинг шу соҳадаги қонунчилиги Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши билан қайта кўриб чикилиши лозимлигини такозо этади.

Айнан давлат бошқарувининг шу соҳаси билан содир этилган, жиноятчилик унинг сиёсатини коралаш ва муносабатини Англатриш масалалари намоён этилади. Ўзбекистон Республикаси жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш муаммоларини ҳал этишин бораеида собиқ Иттифоқ тузумидан фарқли, факат коралаш ёки аёвчин жазолаш билан эмас, балки кўпроқ афв этиши, уларни тўгри йўлга

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бусласиги. Тошкент: «Ўзбекистон», 1997 и. 85 бет.

бошлаш, жазолаш мұқаррар әкәнлигини англатиш билан курашиш яхши натижаларға олиб келгәнлиги жумладан, мустақиллик даври-нинг ўзіда ўңдан ортиқ Амнистия хусусидаги Фармоннинг әйлон қилиниши, әттө диний экстремизм йүлиға кирғанлар үз айбларини бүйніларига олиб келгәнларида, уларни бутунлай афв этиш хақида-ти Узбекистон Республикаси Президенти Фармонининг қабул қи-линиши бу соҳадаги катта ижобий қадам бўлди.

Бундан ташқари, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси то-монидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Узбекистон Респуб-ликасининг Жиноят, жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги конунларини либераллаштириш ҳакида»ги Қонуннинг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, жазоларни ижро этиш йўналишида жиддий ижобий ўзгариш-ларга сабаб бўлган эди.

Бундан ташқари, Узбекистон Республикасида жазони ижро этиш жойларида маҳкумлар шароитини конунан тартибга солиш, уларнинг хуқуқий ҳолатларидағи ўзгаришларни халқаро андозаларга мослаш-тиришга эришилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қи-линган Жиноят-ижроия кодексида давлатнинг жазони ижро этиш бўйича бошқарув сиёсати конунлаштириб берилиши билан бирга, бошқа хуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этиш масалалари қо-нунлаштириб берилди. Бу конун ушбу жиноят ижро хуқуки дарсли-гининг асосини ташкил этади.

Жиноят-ижроия хуқуки дарслиги хуқукининг бу соҳасида яра-тилган биринчи дарслик ҳисобланади. Ушбу дарсликда муаллифлар жазоларни ижро этишининг факат қоидаларини ёритиб беришга хара-кат қилдилар ва талабаларга ўзлари учун хulosса килишларига ҳам имконият яратилди.

Ушбу дарслик орқали нафакат хуқукшунос ёки талabalар, балки жазони ижро этиш идора ва органлар ходимлари ҳам ўз ишларини ташкил этишда ва уларни хуқукий тартибга солиш борасида фойда-ланадилар.

Ушбу дарсликда муаллифлар Ахлоқ тузатиш кодексини (1970 йил 24 июндаги варианти билан) таққослани ва унинг фарқларини тушунтиришга ҳам тўхталиб ўтдилар, натижада Жиноят-ижроия ко-дексининг афзалликлари, хозирги давр талабларига мувофиқлиги масалалари ёритиб берилди.

Ушбу дарслик Олий ўқув юртлари талабаларига ҳамда жазони ижро этиш соҳаси ходимлари, илмий мутахассислар ва бошқа ушбу соҳага қизиқувчиларнинг ҳам билимларини оширишда катта имко-ниятлар яратиб бера олали, леган умиддамиз.

# **І БОБ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ХУҚУҚИНинг АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

## **1-§. Жиноят-ижроия хуқуқи фани, унинг мақсади ва вазифалари**

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган Жиноят-ижроия кодекси (ЖИК) мустақил Ўзбекистон Республикасида нафқат жиноий жазоларни, балки бошқа хуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этишнинг хуқуқий асосини яратиб берди ва айнан шундай конун-коидалари билан илгариги жазони ижро этиш қонунчилигидан тамомила фарқ қиласди. Аввалги (1970 йил 24 июнданги) Ахлоқ тузатиш меҳнат кодексида жиноий жазоларнинг факат ахлоқ тузатиш билан боғлиқ бўлган жазоларнингтина хуқуқий асоси назарда тутилиб, жиноий жазоларнинг ахлоқ тузатиш ишлари назарда тутилмаган бошқа жазо турлари турли хилдаги хуқуқий актлар билан тартибга солинар эди. Лекин жиноий жазоларнинг бошқа ахлоқ тузатиш ишлари билан боғлиқ бўлмаган бир неча турлари ҳам мавжуд эди. Янги ЖИК жиноий жазоларнинг барча турларини, шу билан бир қаторда жазо билан боғлиқ бўлмаган бошқа хуқуқий таъсир чораларини ҳам ижро этиш қоидаларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси ЖИК нинг предметини ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизими ва тарбиявий ҳамда тиббий йўснадаги мажбурлов чоралари ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия қонунчилигини ЖИК ва жазоларни ижро этишнинг бошқа хуқуқий асослари ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг янги ЖИКнинг қабул қилиниши билан жазоларни ижро этиш борасидаги бир қанча қоидалар харакатдан тўхтатилди ёки янги қонунчиликка мослаштиришни тақозо этади. Бундай қоидаларни, асосан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ қошидаги жазоларни ижро этишнинг Бош бошкармаси томонидан ишлаб чиқиладиган йўрикномалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ушбу ном билан аталиши ҳам аввалги кодексдан фарқланиб, жиноят учун тайинланиши мумкин бўлган барча жазоларни ижро этишни назарда тутганилиги учун ҳам Жиноят-ижроия кодекси деб аталди. Бу ЖИКда ҳатто ўлим жазосини ижро этиш қоидалари ҳам белгилаб берилди. Илгариги қонунда бу йўқ эди. Собиқ Иттифоқ даврида ўлим жазосини ижро этиш тартиби маҳфий хисобланар эди ва факат маҳфий хужжатлардагина бу тартиб-қоидалар назарда тутилар эди. Ўзбекистон Республикасининг Умумжахон халқаро ташкилотларига аъзо бўлиши билан ўлим жазосининг ижро этилиши жазоларни ижро этиш қонунчилигига акс эттирилди. Тўгри, ўлим жазосига нисбатан халқаро муносабат ўзгариб бормокда, лекин халқаро нормалар уруш ёки фавқулодда ҳолатларда содир этилган жиноятлар учун ўлим жазосини ҳали инкор этган эмас.

**ЖИК** аввалинг қонунчиликдан фарқларини равишда, жазоларни ижро этиш тартиб-қоидалари билан биргаликда жиноят-хуқуқий таъсир чораларини ҳам акс эттириб берди. Жиноят-хуқуқий таъсир чоралари жиноят қонунчилигида ҳам тўлиқ ёритиб берилган, аммо **ЖИК** бундай чораларининг ижро этиш холатларининг ўзинигина ёритиб беради.

Бундан ташкири, **ЖИК** Жиноят кодексининг 42-моддасида баён қилинган җазонинг мақсадини амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган бўлишига қарамай, унинг 2-моддасида жиноят ижроия қонунининг вазифаларини кенгрок талкин килади. Жумладан, жазонинг мақсаллари билан маҳкумларнинг хуқук ва бурчларини белгилаш, жазонинг ижросини таъминлаш каби вазифаларни ҳам белгилаб беради. Жиноят-ижроия қонунчилиги эса жазонинг мақсадини амалга оширишни таъминлаш борасида маҳкумларнинг хуқукий ҳолатларини белгилаб берали. **ЖИК** жазонинг моҳиятидан келиб чи-киб, маҳкумларга нисбатан давлат сиёсати намоён бўлади. Бу сиёсат маҳкумларга тайинланган жазонинг ижросини таъминлаш билан бир қаторда, маҳкумларни ахлоқан тузатишига қаратилади. Маҳкумларнинг хуқукий ҳолатларининг белгиланиши ҳам уларни жамиятнинг тартиб-қоидаларини хурмат қилиш ва уни бажаришга ўргатишдан иборатдир.

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш масаласи ҳар бир жазонинг ўзига хос ҳусусиятларида акс эттирилади. Жиноят қонунчилигининг ошкоралиги содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишни ҳам ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифа Жиноят-ижроия хуқуқи фанида маҳкумларнинг жазони ўташ жараёнида, шунингдек, жазони ўтаб бўлганидан сўнг жиноят содир этишларини олдини олиш босқичларида амалга оширилади. Жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларда, яъни қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, жойларида маҳсус ҳарбий қўриклиш, назорат қилиш, доимий тинтуб ўтказиш каби восита-лар билан амалга оширилса, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларда, жумладан, муайян хуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш жазоларida шу ўрнатилган муддат мобайнида маҳсус текширув орқали амалга оширилади.

Жазони ўтаб чиккан шахсларнинг янги жиноят содир этишларининг олдини олиши, улар устидан маълум мулдатга маъмурий назорат қоилаларини ўрнатиш орқали амалга оширилади.

Амалдаги жиноят қонунчиликларида маҳкумларни ахлоқан тузатиш вазифаси ҳакида сўз юритилади. Аввалинг қонунчиликларда эса тарбиялаш ва қайта тарбиялаш ҳакида гапирилар эди. Бу тушунча мантикий талкин ҳизнини асосида ахлоқан тузатиш тушунчасига тўгри келади, деган хуносага сабаб бўлади. Яъни илгариги қонунларда тарбиялани, қайта тарбиялани, иборалари шахснинг муайян ёшга етганидан сўнг, уни бутунлай қайта тарбиялаш ёки кайтадан тарбиялаш тушунчаларига мантиқан тўгри келмайди. Иккинчидан, жиноят

содир этган шахсларни ҳар доим ҳам биз тарбиясиз шахслар дея олмаймиз. Бундай шахсларнинг ахлоқи бузилган шахслар дейилиши тўгрирок бўлади ва жазони ижро этиш жараёнида ҳам айнан ахлоқан тузатиш вазифаси амалга оширилади. Жиноят-ижроия хукуки қонунларида таъкидланган қонун нормаларида ҳам айнан ахлоқан тузалганлик туپунчаларини қўришимиз мумкин. Жумладан, муддатидан илгари жазодан озод қилишга тақдим этилганида, бу маҳкумнинг жазони ўташ давридаги ҳужжатларида қайта тарбияланганлик эмас, ахлоқан тузалганлик масаласига каратиласди.

Ахлоқан тузатиш масаласи ҳар бир жазода белгилангани каби аник вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади. Булар Жиноят-ижроия қонунларида ҳар бир жазони тартибга солувчи тартиб-коидаларида ифодаланади. Бу тартиб-коидалар бир вақтнинг ўзида давлат ва жамият манфаатларини химоя қилса, шу вақтнинг ўзида маҳкумларнинг хукуқ ва манфаатларини ҳам белгилаб беради. Бу вазифалар ҳар бир жазо ижросини таъминлашда ўзига хос хусусиятларга эга. *Масалан*, жарима жазосини ижро этишда ҳам давлат ёки жамият манфаатлари химоя қилинади ҳамда маҳкум учун маълум хукуқ ва манфаатлар ҳам химоя қилинади. Озодликдан маҳрум килиш билан шахснинг конституциявий хукуқларига чек қўйилади, лекин иккинчи тарафдан маҳкумлик даврида маълум хукуқ ва бурчлари ҳам белгиланади. Бу хукуқ ва бурчларнинг белгиланиши маҳкумнинг ахлоқан тузалишига каратилганлиги билан характерланади. *Масалан*, жазони ўташ жойларида каттиқ тартиб-коиданинг ўрнатилиши, маҳкумлар билан тарбиявий ишларнинг олиб борилиши, маҳкумларнинг ўз-ўзларини бошқариш ташкилотларининг тузилиши, турли хилдаги бадиий ва спорт тўғаракларини ташкил қилиш ва хоказолар.

Бу вазифаларни амалга ошириш давлатнинг ижтимоий ва иктисолий кафолати билан унинг хукукий механизми ва бир қатор хукукий-жиноят ижроия ташкилотларининг, шунингдек, айрим меҳнат жамоалари ва айрим шахсларнинг мажбуриятлари билан кафолатланади. Бу вазифаларни факат айрим жазони ижро этиш органларининг ўзи билангина амалга ошириш қийин, албатта. Бу вазифалар жазони ижро этиш органларидан ташқари оммавий ёрдамни ҳам талаб қиласди.

Жиноят-ижроия қонунчилиги жазоларни ижро этишнинг умумий тамойиллари ва коидаларини белгилаб, бошқа жиноят-хукукий таъсири чораларининг қўлланиш ҳолатларини ўзида ифода этади, жазоларни ўташ ва тугалланиш ҳолатлари шартларини эса белгилаб берали, маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситаларини, жазоларнинг ижро этувчи орган ва муассасалар фаолиятларининг тартиб-коидаларини белгилайди, жазоларни ижро этишда хокимият, ўзини ўзи бошқариш ва жамоат ташкилотларининг иштирок этиш коидаларини белгилайди. Бу ҳолатларни жиноят-ижроия хукуки фанида **жиноят-ижроия хукукий муносабатлари** дейилади. Жиноят-ижроия хуку-

кий муносабатлари давлат номидан жазо ва бошқа жиноят ҳукукий таъсир чораларни ижро этувчи орган, муассасалар ва иккинчи тарафдан суднинг ҳукми ёки уни ўзгартирувчи ажрим қарори, ёки жазодан озод қилувчи умумий, ёки маҳсус афв фармони қўлланган шахс ўрталарида вужудга келади. Бу ҳукукий муносабатлар асосида ҳар доим ҳукмларнинг ахлоқан тузатиш муносабатлари намоён бўлади. Маҳқумларни ахлоқан тузатиш жазо асосида амалга оширилганлиги учун ҳам қоралаш ва мажбур қилиш тамойилларидан келиб чиқади ва шунинг учун ҳам маҳқумлар билан муносабатга киришиш тартиб-қоидалари белгиланади. Шунинг учун ҳам Давлат жазоларнинг ижро этилиш тартиб-қоидаларини давлат органлари ёки бошқа муассасаларга ёхуд мансабдор шахсларга юкласа, жазони ўташнинг тартиб-қоидаларини эса маҳқумлардан талаб қиласди.

Жиноят-ижроия ҳукуки мустақил фан сифатида ўрганилиб, ўзининг асосий тамойилларига ҳам эга. Жумладан, қонунийлик адолат, инсонпарварлик, демократизм, жазони ижро этишда дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш, мажбуровлар воситаларини оқилона қўллаш ва маҳқумларнинг қонунга итоаткор хулқ-авторини рағбатлантириш тамойилларига асосланади. Бу тамойиллар **ЖИК**да берилган бўлишига қарамай, қонунан ёритилмайди. Уларнинг моҳиятини илмий ва амалий талқин қилиш йўли билан ёритиш лозим. Жиноят-ижроия қонуни тамойиллари амалдаги қонунчиликда ба-тафсил берилди, аввалги қонунчиликда фақат қонунийлик (АТМК 7-модда) тамойили ҳақидагина гапирилган эди. Бошқа тамойилларнинг айрим ҳолатлари ҳақида жиноят-ижроия ҳукуки фанида фикр юритилган эди. Янги қонунчиликда бу тамойиллар қонунан тизимлаб берилди. Жиноят-ижроия қонунчилиги тамойиллари алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, маҳқумларни, қонунбузарларни жазолаш орқали ахлоқан тузатишга эришиш учун айнан ижобий аҳамият касб этувчи қонун билангина эришиш мумкин. Қонун эса энг аввало, маҳсус тамойиллар асосида тузилиши лозим. Бу тамойиллар жиноят ижроия қонунчилигининг моҳиятини белгилаб беради ва уларга:

—ҳукуқнинг бу соҳаси ўз навбатида мақсадга мувофиқ йўналишларини белгилаб беради;

—жазоларни ижро этишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш йўналишларини белгилайди;

—жиноят-ижроия қонунларининг ҳалқаро қонунларга мувофиқлигини таъминлаш имконини яратади;

—маҳқумларнинг жазоланиш ва уларнинг инсонийлик муносабатларини тартибга солиш имкониятини яратади.

**ЖИК** тамойиллари ЖК тамойилларидан фарқли равищда, қонунда улар алоҳида-алоҳида таърифланган эмас. Бу тамойиллар ЖК тамойиллари билан айнан ўхшаш ва лекин жиноят-ижроия ҳукуки муносабатлари асосида намоён бўлади.

**Қонунийлик тамойили** ҳукуқ соҳаларининг бевосита асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ҳалқаро ва Ўзбекистон Республикаси

Конституциясида ҳам бу қонун мустаҳкамлаб ўтилган (Конституциянинг 14—15-моддалари).

Қонунийлик тамойили **Жиноят-ижроия** қонунида қўйидагиларда ифодаланади. Жумладан, жиноят содир этиб, суд хукмига кўра айбли деб топилган шахснинг жазони ўташининг барча ҳолатлари қонун билан тартибга солинади. Ҳаттоқи маҳкумларни жазодан озод қилиш ва жазони ижро этиш муассасаларидан чиқарилиш ҳолатлари ҳам қонун билан тартибга солинади. Бундай тамойил маҳкумларни қонунларни ҳурмат қилишга ва унга бўйсунишга ўргатади. Қонунийлик тамойилининг бажарилиши қонун бўйича (16—17-моддалари) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда прокурор томонидан назорат қилинади.

Адолат тамойили **Жиноят-ижроия** қонунчилигига катта аҳамият касб этади. Жумладан, ҳар қандай маҳкум гарчанд жиноятчи бўлишига қарамай, адолат тамойили асосида жазодан озод қилиниш имкониятига эга бўла олади. Адолат тамойилининг қонунга татбиқ этилиш қоидалари давлатнинг жиноят содир этган маҳкумларга нисбатан ижтимоий муносабатини англатади. Жиноят қонунчилиги нормаларида жиноят содир этган шахсларни афв этиш қонунининг сакланишининг ўзи адолат тамойилидан далолат беради. Шунингдек, ЖИК нормаларида маҳкумларнинг ахлоқан тузатиш йўлига ўтганилиги, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини ҳамда жамият қонунларини ҳурмат қилиш ва уларни бажариш руҳида бўлганлигини исботлай олиши, уларнинг шароитларини енгиллашишига ва ҳатто жазодан бутунлай озод бўла олишларининг қонунга киритилиши ҳам айнан адолат тамойилидан далолат беради.

**Инсонпарварлик тамойили** Жиноят-ижроия қонунчилигига турили хил йўналишлар ва шаклларда намоён бўлади. Жумладан, амалдаги ЖИКда аввалги қонунчиликдан фарқли равишда, маҳкумларнинг жазони ўташ шароитларига нисбатан инсонпарварлик кенг доирада қонулаштирилиб, бу масалалар ҳалқаро андозаларга мослаштирилишига ҳаракат қилинди. Масалан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сағлаш шароитларида уларнинг хуқуклари анча кенгайтирилди, тартиб турига қараб шароитлари янада яхшиланди. Вояга етмаганлар ва ҳомиладор аёллар ёки ёш боласи бор аёлларнинг жазони ўташ шароитлари имтиёзли қонулаштирилди. Ўлим жазосининг қандай жиноят содир этишларидан қатъи назар вояга етмаганлар ва аёлларга ҳамда 60 ёщдан ошган эркакларга нисбатан бутунлай қўлланмаслиги ҳолатларининг қонулаштирилиши айнан инсонпарварлик тамойилидан далолат беради. Шунингдек, жазонинг моҳиятидан келиб чиккан ҳолда маҳкумга азоб берувчи, кийноқка соловучи ёки бошқа хилдаги маҳкумнинг шахсини таҳқирловчи ҳолатларга чек қўйиш мақсадида маҳкумларнинг хуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш қонунларининг киритилганлиги инсонпарварлик тамойилининг кафолатидир. Шунингдек, маҳкумларга оила аъзолари, меҳнат жамоалиари билан учрашишларининг кенгайтирилганлиги ва ҳатто жазони

ўташ жойларидан ташкарида дийдор кўришувларга шароит яратилганлиги ёки телефон орқали сўзлашиб туришларини қонунга киритилганлиги ҳам инсонпарварлик тамо- йили маҳсулидир.

Шунингдек, маҳкумларга ўзларининг соғлигини саклаш юзасидан тиббиёт ёрдамини олиш ҳуқуқининг қонунлаштирилиши, бу вактларда иктисадий таъминланишлари ҳам айнан инсонпарварлик тамоилии асосида мустахкамланган. Маҳкумларнинг хохлаган вактларида юридик ёрдам олиш ҳуқуқларининг қонунлаштирилиши ҳам инсонпарварлик тамоилии натижасидир.

**Демократизм тамоилии.** Жиноят-ижроия конунчилиги бевосита Узбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ равишда тузылган бўлса ҳам, жиноят ижроия тизимида давлат ҳокимият ва бошқарув ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши, бу албатта жазоларни ижро этиш тизимида демократизм тамоилиининг намунасидир. Бундан ташқари, ЖИКнинг 99-моддасига биноан жамоатчилик ва фуқароларнинг маҳкумларни тарбиялашдаги иштирок этишларининг қонунлаштирилганлиги, шунингдек, озодликдан маҳрум қилиш жойларida маҳкумларни отряд, бригада ёки камераларга ажратилган ҳолда саклаш ва ўзларини ўзлари бошқариш тизимининг жорий этилганлиги асосида маҳкумлар маъмуриятга ўзларининг фикрлари ва талабларини баён қилиш имкониятлари ҳам яратилган ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида хомий ташкилотлар иштирокига ҳам йўл қўйилади. Бу масала, айникса, ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорликда иш юритилиши ҳам айнан демократизм тамоилиини намоён этади. Бундан ташқари, ЖИКнинг 79-моддасида маҳкумларнинг прокурор номига таклиф, ариза ва шикоятлари кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичida тегишилиги бўйича жўнатилади, дейилган. Буларнинг барчаси ҳам демократизм тамоилиининг натижасидир.

**Жазони ижро этишила дифференциация ва индивидуаллаштиришга риоя этиш тамоилии.** Бу тамоил, айникса, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, уларнинг илгари ҳам жиноят содир этиб, жазо ўтаб чиққанлиги, рецидивлиги ҳамда содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиги бу тамоил асосида тартибга солинади. Жумладан, жазони дифференциациялаш индивидуаллаштиришдан фарқ қиласи. Жазони дифференциациялашда маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигига кўра бир-биридан ажратилган ҳолда саклаш ва уларга ўзларининг ижтимоий хавфлилигига кўра мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутади. ЖИКнинг 45-моддасида жазони ижро этиш муассасаларининг турлари баён қилинанки, бу айнан маҳкумларни бир-биридан ажратилган ҳолда саклашни таъминлайди. Жазони ижро этиш муассасаларининг бу тарздаги турларидаги мажбурлов чоралари ҳам бир-биридан фарқ қилиб, бундай мажбурлаш коидалари ЖИКнинг 17—23-бобларида баён этилган.

Жазони дифференциациялаш асосида маҳкумларга қўлланиладиган тарбиявий чоралар ҳам алохидалаштирилади. (ЖИК, 97-модда, 4-кисм.)

Жазони индивидуаллаштириш чораси ҳам маҳкумни ахлоқан тузишига қаратилади. Маҳкумнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг содир этган жиноятининг хавфлилик даражасига қараб ажратиш, уни отряд ва бригадага тақсимлаш асосида унга нисбатан алохидаги жазони индивидуаллаштириш имкони яратилади. Шу бригада ёки отрядга тақсимланганларга нисбатан қандай чора қўллани мумкин, қандай тарбиявий чоралар қўлланади, бу масалалар жазони индивидуаллаштириш дейилади. Шундай усул билан ҳар қандай маҳкумни алохидаги назорат килиш ва хисобга олиб бориш имкони яратилади. ЖИКнинг 97-моддаси 3-кисмидаги таъкидланганидек, тарбиявий ишлар индивидуал тартибда ҳам олиб борилади. Бу чораларнинг самарадорлиги ҳам айнан маҳкумларни тўғри тақсимлашга боғлик бўлади.

**Мажбуровларини оқилона қўллаш тамойили.** Бу тамойил ҳам маҳкумларни ахлоқан тузишида катта аҳамият касб этади. Ҳар бир маҳкумга нисбатан мажбуровларини алохидаги қўлланилади. Унинг хусусияти ва воситаларини тўғри белгилаш асосида маҳкумларни ахлоқан тузишига эришиш мумкин бўлади. Мажбуровларини ҳам ҳар бир маҳкумнинг кимлиги, унинг ёши, жинси, ижтимоий дунёкараши, билими ва ҳоказоларга нисбатан қўлланилади.

ЖИКнинг 7-моддасида шундай дейилади: «Маҳкумни ахлоқан тузиши—унда қонунга итоаткор хулқ-атворни, инсонга, жамиятга, меҳнатга, жимиёт турмуш қоидалари ва анъаналарига хурмат муносабатини шакллантиришлан иборат». Шундай қилиб, сўз шахснинг ахлоқан тузилиши хақида юритилади. Маҳкумларни ахлоқан тузишида қонун кўйидагиларни санаб ўтади: жазони ўташдаги ўрнатилган тартиб-коида (режим), тарбиявий ишлар, ижтимоий-фойдали меҳнат, умумий маълумот олиш, касбий тайёргарлик ва ижтимоий таъсир чоралар. Ахлоқан тузиши жазонинг турига ва хусусиятига, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, яъни юкорида таъкидланганидек, жазонинг дифференциация ва индивидуаллаштиришга боғлик. ЖИКнинг 13-32-моддаларида маҳкумни мажбуровларини алохидаги бўйсунмасликдан келиб чиқиши мумкин бўлган хуқуқий чеклаш қонунлари киритилган. Бу ҳам мажбуровларини нормаларни кўплаб учратиш мумкин. Мажбуровларини оқилона қўллаш деганда, айнан ижобий характердаги мажбуровларини алохидаги назарда тутилади. Акс ҳолда олдинга қўйилган мақсадга эришиб бўлмайди.

**Маҳкумларнинг қонунга итоаткор бўлиши ва хулқ-атворини рафбатлантириш тамойили.** Бу тамойил ҳам маҳкумларни ахлоқан тузишида катта аҳамиятга эга бўла олади. ЖИКга биноан, маҳкумларнинг намунали хулқи, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишилиги, ички тартиб-интизомга риоя қилиш ва уни ҳурматлаш хулклари қонун

билан рағбатлантирилади. (ЖИКнинг 44-, 61-, 102—104, 113—135, 141—160-моддалари.) Агар маҳкумнинг бирорта ижобий хусусиятлари ижобий рағбатлантирилмаса, у ҳолда маҳкумни ахлоқан тарбиялашга эришиб бўлмайли. Бундай рағбатлантириш турли хил кўринишларда бўлиши мумкин. Буларга ташаккур эълон қилиш, илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш, кундалик сайдир вактини бир соатга узайтириш. маҳкумлар шароитини яхшироқ шароитларга ўзгаришиш, ҳатто бошқа енгилроқ жазолар билан алмаштириш ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

## **2-§. Жиноят-ижроия ҳуқуқига биноан маҳкумлар ҳуқукий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари**

Маҳкумлар ҳуқукий ҳолатининг қонун даражасида белгилаб олиниши алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, маҳкумлик ҳолатини белгилаб берса, иккинчидан, уларнинг манфаатларини химоя қилиш учун ҳам зарур бўлиб ҳисобланади. ЖИКда маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолатига қонунда алоҳида бир боб ажратилган бўлиб, бу боб 6 та моддани ўз ичига олади. Бу бобда маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолатларининг умумий ҳолатлари белгилаб берилди. Бундан ташқари, жазонинг тури ва қандай эканлигига нисбатан ЖИКнинг маҳсус қисмида ҳам бу масала янада аниқлаштириб берилган.

Маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолати—бу жазони ижро этишида вужудга келадиган жазонинг тури, мақсади ва маҳкумнинг хулқи билан боғлиқ бўлган, асосий фуқаролик маҳсус ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисидан иборатdir.

Маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолатларининг белгиланиши сиёсий ва ахлоқий аҳамиятга эга ҳисобланади. Жумладан, сиёсий жиҳатдан жамият ва давлатнинг маҳкумга бўлган муносабатини англатади. Чунки маҳкумнинг ҳуқукий ҳолати жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузумига боғлиқ бўлган жазонинг мақсади билан белгиланади.

Маҳкумлар ҳуқукий ҳолатининг қонунан белгиланишининг амалий аҳамияти жазонинг мақсадини амалга оширишнинг усули ва воситаларини англатади. Шунинг учун ҳам маҳкумлар ҳуқукий ҳолатларининг сиёсий ва амалий аҳамияти бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Жазони ўтаётган маҳкумлар уларнинг жазоси қандай бўлмасин, ўз мажбуриятларини бажарадилар, қонунда белгиланган доирада суд ҳукмida белгиланган тартиб билан боғлиқ бўлган ҳолатларда белгиланадиган ҳуқуқлардан фойдалана оладилар. Бунинг мазмунни шундаки жазонинг тури ва мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, маҳкум ўзининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ва жамият аъзолигидан ахрум қилинмайди. Уларда ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати, фуқаролик ҳуқукий муносабатларининг субъекти бўлиб қолиши сақланиб қолади. Аммо маҳкумлар ҳуқукий лаёқати бошқа барча фуқароларнинг ҳуқукий ҳолатидан фарқ қиласи. Бу фарқ маҳкумга жазо қўллаш,

рухий ва моддий жафо келтириш билан белгиланади. Бунда маҳкумга келтириладиган жафо маълум ҳуқуқий чеклашлар, яъни бошқа фуқароларга нисбатан ёмонроқ бўлган шароитдаги ҳуқуқий ҳолатида белгиланишидир.

ЖИКнинг 8-моддасида: «Маҳкумлар, ЖИК ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар», дебайилган. Бундан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиноят қонунчилиги ёки Жиноят-ижроия қонунида назарда тутилган асосларда факат суднинг ҳукми билангида чегараланиши мумкин. Бундай чегараланиш жазонинг аниқ тури моҳиятидан келиб чиқади. Маҳкумнинг қолган ҳуқуқ ва эркинликлари бошқа фуқаролар қатори қонун билан ҳимоя килинади. Давлат маҳкумни жазолаш билан жазонинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қиласиди ва бошқа ҳуқуқ ва манфаатларини қандай бўлишидан қатъи назар ҳимоя килишга мажбурдир. Бошқа ҳуқуқ ва манфаатлар деганда, жамият аъзолиги, фуқаролик ва оилавий муносабатлари, мулкий ва бошқа ҳуқуклари ва ҳоказолар назарда тутилади. Маҳкумлар жазо ўташ жараёнида ҳам фуқароликдан келиб чиқадиган мажбуриятлардан озод этилишлари мумкин эмас. Лекин, айрим қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. (Масалан, озодликдан маҳрум килинган маҳкум хақиқий харбий хизматга чақирилиши мумкин эмас, сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқидан маҳрум, мулкка бўлган эгалик ҳуқуклари сақланса-да, лекин фойдаланиш ҳуқуки берилмайди ва ҳоказолар.) Маҳкумлар ҳам эркин фуқаролар қатори ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини шахсан ўзлари ёки қонуний вакиллари орқали суд йўли билан ҳимоя қила оладилар.

Ҳуқм килинган ажнабий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халкаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишлари мумкин ва шу билан бир қаторда мажбуриятларини бажаришлари ҳам талаб этилади. Бундай шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ҳолатларидан келиб чиқади. Агар ажнабий фуқаро мансуб бўлган давлат билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида жиноий жазоларни ижро этиш бўйича ўзаро битимлар тузилган бўлса, бу битимларда келишилган ҳолатлардан фойдаланиш мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати деганда, энг аввало уларнинг мажбуриятларининг белгиланиши назарда тутилади. Бу суднинг ҳукмида белгиланган жазо учун белгиланган мажбуриятлардан келиб чиқади. Маҳкум жазонинг туридан келиб чиқсан ҳолда, унинг барча қийинчилик ва чеклашларига амал қилган ҳолда белгиланган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

Маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатининг дастлабки чекланиши маҳкумга белгиланган жазонинг турига боғлиқ бўлади. Жазо маҳкум-

нинг озодлигига қаратилган бўлса, у озодликдан маҳрум қилиниб, жамиятдан ажратилади, унинг эркин ҳаракатланишини, ўз хошии бўйича иш танлаш, яшаш жойини танлаш хукуқидан тўла маҳрум этилади. Кейинчалик, жазони ўташ жойининг турига қараб яна бошқа хукуқлари ҳам чекланади. Жазони ўташ жойларида озод шахслардан фарқли равишда умумжамоат қоидаларини бажариш мажбуриятлари келиб чиқади. Жумладан, ўзининг ётиш ва юриш жойларини озода саклаш, шаҳсий озодаликка риоя қилиш, ички тартиб-қоидала-рига бўйсуниш каби мажбуриятлар юклатилади.

Маҳкумларга, шунингдек, жазони ўташ тартиби ва шартлари билан боғлиқ бўлган қонунларни бажариш мажбурияти юклатилади.

Озодликдан маҳрум қилмай ахлоқ тузатиш ишларига хукм килинганда, маҳкумнинг хукуқий ҳолати фақат унинг меҳнати билан боғлиқ ҳолда чекланади. У ўз хошиига кўра меҳнат шаклини танлай олмайди, меҳнат ҳақининг 10 % дан 30 % гача кисми (суд хукмида кўрсатилади) давлат ҳисобига ўтказилади, эркин шахсларга бериладиган имтиёзлардан маҳрум қилинади ва хоказолар. Шу билан биргаликда, бундай шахслар доимий равищда Ички ишлар бўлинмалари томонидан ташкил қилинадиган инспекциялар назоратида бўладилар. Маҳкумнинг хукуқий муносабатини чеклаш фақат фуқаро хукуқининг камайиши деб қараш эмас, балки маълум хукуқий муносабатларнинг иштирокчиси деб қараш лозим. Яъни суд хукми билан жазо белгиланган маҳкум фақатгина хукуқ муносабатида чекланмай, фақатгина маҳкумларга таалуқли бўлган жазони ижро этишнинг субъекти бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумнинг хукуқий ҳолати суд хукмида кўрсатилган муддат мобайнида бир хилда бўлавермайди. Бу, асосан, маҳкумнинг хулқига боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин. Бундай ўзгариш бир тартибли жазони ўташ колонияси туркумида бўлиши ҳам мумкин ёки колония тури ўзгарганида бўлиши ҳам мумкин. Бир колония туркумида ўзгариш маҳкум интизомий жазоланганд (енгиллаштирилган саклаш шароитини бекор қилиш, интизомий бўлинмага киритиб қўйиш) ёки колония тури ўзгаришига сабаб бўлувчи интизомий жазоланганд (меҳнат манзил колониясидан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан маҳсус тартибли колонияга, колониядан турма камогига ўтказилганида) бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар маҳкумнинг ахлоқан тузалганида рафбатлантириш ҳолатларида ҳам содир бўлиши мумкин. Маҳкумни умумий ёки қаттиқ тартибли колониядан манзил колониясига ўтказилганида, унинг хукуқий ҳолатида жуда катта ўзгариш рўй беради.

Жиноят-ижроия қонунчилиги маҳкумларнинг озодликдан маҳрум қилиш хукуқий ҳолатларини ҳар томонлама акс эттиради. Лекин бундай тартибга солиш ҳам маҳкумнинг хукуқий ҳолатини тўлиқ акс эттира олмайди. Озодликдан маҳрум қилиш жойларининг тартиб турига қараб ҳам маҳкумлар хукуқий ҳолати бир-биридан фарқ қиласди. Лекин маҳкумликдан ташкири шахснинг жамият аъзолиги-

дан келиб чиқадиган ижтимоий ҳуқуқлари қай даражада чекланади, буни алоҳида қонунларда мужассамлаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатлар айрим соҳа қонун нормаларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, Оила кодексининг 43-модда биринчи қисмининг учинчи бандига биноан, эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, улардан бирининг аризасига кўра никоҳ бекор қилиниши мумкин. Мулк ҳуқуқидан суднинг хўкмига кўра маҳрум қилинмаган бўлса, шахс қанча муддат озодликдан маҳрум қилинган бўлишидан қатъи назар ҳеч ким бу ҳуқуқни буза олмайди, лекин жазони ўташ мобайнида шахс ўз мулкини тасарруф этиш ҳуқуқи вақтинча тўхтатилади ва ҳоказолар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир фуқаронинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, матбуот эркинлиги кафолатланади. Озодликдан маҳрум қилинганларнинг эса бундай ҳуқуқлари чекланади. Маҳкумлар ҳам мажлисларда сўзга чиқиши, доворий газеталарга маколалар бериши мумкин, аммо маъмурият рухсати ва назоратида амалга оширилади. Маҳкумларнинг виждан эркинлиги кафолатланади. Улар ҳар қандай динга эътиқод қилишга ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликка ҳам ҳақли. Лекин диний урф-одатларни амалга оширишга ҳам маъмурият рухсати билан бошқа маҳкумларга таъсир этмаган ҳолда, ички тартиб-интизомни ва иш вақтини бузмаган ҳолда рухсат берилади.

### **3-§. Жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этувчи орган ва муассасалар тушунчаси ва тизими ҳамда уларни текшириш ва назорат қилиш**

Ўзбекистон Республикасида жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларни турли хил ижроия ва суд ҳокимиятига кирувчи органлар ва муассасалар ижро этади. Янги ЖИК жазоларни ижро этувчи орган ва муассасалар тизимиға катта ўзгариш киритган эмас. Бу соҳа факат айрим янги жазолар ҳисобига кенгайтирилди. Масалан, қамоқ жазосини ИИВ нинг Жазолар ижро этиш бош бошқармасига, хизмат бўйича чеклаш жазосини Мудофаа вазирлигининг маҳсус ҳарбий қисмлари қўмондонлигига киритилди. Ҳарбий хизматчиларга қамоқ жазоси қўлланганда Мудофаа вазирлигининг гарнizon гауптваҳталари томонидан ижро этилиши киритилди.

ЖИК нинг 14-моддасида жазоларни ижро этувчи муассаса ва органлар тизими берилди. Жазоларни ижро этувчи орган ва муассасаларнинг вазифалари ҳам доим бир хил бўла олмайди. Бу масала ҳам бевосита уларнинг ички тартиб-қоидаларига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, Ички ишлар органлари тизимиға нафакат озодликдан маҳрум қилиш ва ўлим жазосини ижро этиш, шу билан биргаликда, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини ижро этиш масаласи ҳам юклатилади. Бундан

ташқари, Ички ишлар органларининг маҳсус инспекцияларига шартли ҳукм қилингандар устидан назорат қилиш ҳам юклатилади.

Судларға, одатлагилек жарима ва мол-мулкни мусодара қилиш жазосини ижро этиш юклатилди. Шунингдек, ҳарбий ёки бошқа маҳсус унвонлардан маҳрум қилиш судлар томонидан ижро этилиши назорат қилинали.

**Ҳарбий жазолардан**—хизмат бўйича чеклаш жазосини ҳарбий хизматчи хизматни ўтаетган ҳарбий қисмнинг қўмондонлиги томонидан, ҳарбий хизматчига қўлланилган қамоқ жазосини Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил қилинадиган гарнizon гауптваҳталари томонидан, интизомий қисмга жўнатиш тарикасидаги жазо маҳсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан ижро этилади.

Жазони ижро этиши муассасалари озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазони ижро этиши учун ташкил этилади. Ўлим жазоси маҳсус ташкил этилган тергов изоляторларида ёки турма қамоғида ижро этилади. Ички ишлар органларининг инспекциялари ахлок тузиши ишлари муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш жазоларини ижро этади. Улар, шунингдек, шартли ҳукм қилингандар устидан назорат ўрнатадилар, ҳисобга оладилар. Қамоқ тарикасидаги жазо тизимиға киравчи маҳсус тергов изоляторлари томонидан ташкил қилинадиган қамоқ уйларида ижро этилади.

Юқорида таъкидланганлардан ташқари, жазони ижро этиши муассасалари, қамоқ уйлари озодликдан маҳрум этилган ёки қамоқ жазосига ҳукм қилинган алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка йўлиқкан маҳкумларнинг жиноят-ҳукукий таъсир чораларини ҳам ижро этадилар.

Озодликдан маҳрум қилинмаган ёки қамоқ тарикасидаги жазога ҳукм қилинмаган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий қасалларга нисбатан тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади.

Бундан ташқари, суднинг қарорига кўра таносил ёки ОИТС қасаллигига, шунингдек, очик шаклдаги сил қасаллигига чалинган маҳкумларга ҳам мажбурий даволаниш қўлланилади. Айrim жазоларни ижро этиши бўйича айrim ташкилот, муассаса ёки уларнинг мансабдор шахслари ҳам жалб қилинадилар. Жумладан, суднинг муайян ҳукуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижросига маҳкум меҳнат қилалигини мумкин. Маҳсус ҳарбий ёки бошқа унвондан маҳрум қилиш жазосини шу унвон берган органга жазонинг ижроси юклатилиши мумкин. Таъкидланган ташкилот, муассаса ёки мансабдор шахслари жазоларни ижро этиши органларига кирмайди, улар факат суд ҳукми ижросини таъминлашга ёрдамлашадилар.

**ЖИК**да жазо ва бошқа жиноят-ҳукукий таъсир чораларни ижро этувчи орган ва муассасалар томонидан жазоларни ижро этишини текшириш ҳамда назорат қилиш тартибини ҳам белгилаб беради. Аввало, бундай текшириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари

томонидан амалга оширилиши назарда тутилган (ЖИК, 16-модда). Бу орган томонидан текширилиш кенг доирада бўлишлиги билан характерланиб, бир катор масалалар юзасидан бўлинин мумкин. Бундай масалаларга ҳатто маҳкумларни бир колония турдан бошқа турдаги колонияга ўтказиш комиссия фаолиятигача қамраб олиниши ҳам мумкин. Бундай текшириш доирасини ЖИКнинг 16-моддасида оддийгина килиб, давлат хокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-хукукий таъсир чораларини, ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текшириладилар, дейилади. Бундай текшириш шакллари ушбу Кодекснинг маҳсус нормаларида ва алоҳида бошқа хукукий нормаларда белгиланади. Бундай текширув бевосита прокурорни жайл қилган ҳолда бўлиши ҳам мумкин. Лекин шунга қарамай, жазоларни ва бошқа жиноят-хукукий таъсир чораларни ижро этувчи органлар фаолияти устидан доимий прокурор назорати ўрнатилади. Бундай назорат қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан доимий назорат тарзida амалга оширилади. Прокурор назорати Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонунига биноан, қонунининг бажарилиши юзасидан амалга оширилади. Прокурор жазони ёки жиноий таъсир чораларини ижро этувчи муассасаларга хоҳлаган вақтда, хоҳлаган хона ёки жойларга ва хоҳлаган маҳкум ёки бошқа шахс билан сұхбатлашиш ва маълумотлар олиш хукуқига эга. Бундан ташкари, бу жойларда маҳкумларнинг мавжудлигини қонунга мувофиқлигини текшириши, агар гайриконунан сақланадиган маҳкумни аниқласа, дарҳол чиқариб юбориш хукуқига эга. Шунингдек, бу жойлардан маҳкумни муддатидан олдин жазодан озод килиш ёки бошқа сиғилроқ жазога ўтказиш суднинг қарори билан ўтказилади.

Жазони ёки бошқа жиноят хукукий таъсир чораларни ижро этиш муассасалари ишида суднинг иштироки қонунда белгиланмаган. Лекин шунга қарамай, суднинг иштироки ҳам кенг доирада белгиланади. Жумладан, маҳкумларни муддатидан аввал жазодан озод килиш ёки сиғилроқ жазога ўтказиш суднинг қарори билан ўтказилади.

Суднинг хукмига биноан, жазони ижро этувчи орган ва муассасалар жазони ижро этиш қонуний кучга кирганлиги ҳақида хукм чиқарган судга дарҳол хабар килишлари шарт.



## **II БОБ. МАҲКУМНИ ЖАМИЯТДАН АЖРАТМА-ГАН ҲОЛДА ЖАЗОЛАШ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Маҳкумни жамиятдан ажратмаган ҳолда жазолашнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Жазолашнинг бундай шакли ҳам давлат мажбурлови асосида, лекин тарбиявий воситалар қўлланмай, шахснинг содир этган ижтиомий хавфли қилмишига қоралаш шаклида бериладиган баҳодир. Жазолашнинг бундай шаклининг ижобий хусусиятлари шундан иборатки, маҳкум ўзининг содир этган ижтиомий хавфли қилмишининг жамият тамоилиларига зид эканлигини аংглаш ва ўз қилмишини тушуниб этиш имкониятини яратади.

Жазонинг бундай шакллариға: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари бериш, ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазолари киради. Бу жазолар тушунчаси ЖКда (10-боб) баён қилинган, лекин ЖИКда бу жазоларни (II бўлим) ижро этиш тартиб ва шартлари баён қилинган.

### **1-§. Жарима жазосини ижро этиш асослари ва тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 44-моддасига биноан, *жарима* қонунда белгиланган микдор доирасида, суд томонидан маҳкумдан давлат фойдасига пул ҳисобида ундириладиган маблағдир. Жарима жазо тайинлаш вақтида давлат томонидан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан фоизлар ҳисобида белгиланади. Жарима альтернатив жазо тарикасида факат асосий жазо сифатида тайинланади. Жарима ойлик маоши ҳисобидан ёки бошқа жамгармадан ҳам туланиши мумкин.

Жиноий жазо сифатида жарима энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача микдорда белгиланиши мумкин. Жаримани суд маҳкумнинг содир қилган жиноятининг ижтиомий хавфлилигини ҳамда унинг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда тайинлайди. Маҳкум суд томонидан тайинланган жаримани тўлаш имкониятига эга бўлишилиги керак.

Вояга етмаганларга нисбатан жарима факат унинг мустақил ойлик иш ҳақи мавжуд бўлган тақдирдагина тайинланиши мумкин. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жариманинг микдори энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача микдорда белгиланиши мумкин.

Жарима жазосининг ижро этилиши суд органлариға юклатилган. Суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан маҳкумга уч ой муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаш учун имконият беради. Маҳкум ўзининг ойлик иш ҳақини жарима жазоси тарикасида давлат ҳисобига ўтказиши ҳам мумкин. Лекин давлат ҳисобига ўтказилаётган ойлик маош турли хил маош ҳисобидан тўланади. Жарима сифатида тўланадиган пул тўлови соликлардан озод қилиш учун сабаб бўла ол-

майди. Жарима жазосини белгилаб, ҳукмни эълон килгандан кейин, суд маҳкумни жаримани тўлаш тартиб-қоидалари билан танишириди, тўлаш муддатларини тушунтирали, тўлов шакли қандай усулларда бўлиши мумкинлигини тушунтириб берали ва тўлашдан бош тортганлик оқибатларини ҳам тушунтириб беради. Жарима суднинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказили ёки нақд пул тўлаш йўли билан ҳам тўланиши мумкин. Маҳкум тўлов хужжатини судга тақдим киласди.

Жиноят-ижроия қонунчилигига биноан (19-моддасининг 2-кисми), жаримани қонунда белгиланган муддат мобайнода тўлаш имкони бўлмаса, суднинг қарори билан бўлиб-бўлиб тўлашга ёки кечиктириб тўланга рухсат берилиши мумкин. Жиноят процессуал кодексининг 533-моддасига биноан, кечиктириш муддати олти ойдан ошиб кетмаслиги лозим.

Жаримани тўлашнинг имкони йўқ, деб ҳисоблаш учун маҳкумнинг ойлик маоши камлиги; даромадининг етишмаслиги, оилавий шароитининг оғирлиги, бокувчиларининг кўплиги ҳакидаги хужжатлар асос бўла олади.

Маҳкумнинг оғир касал бўлиб қолиши ёки шундай сабаблар билан жаримани тўлай олмаслиги ҳам жарима муддатини кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга асос бўла олади. Бундай ҳолларда маҳкумнинг оила аъзолари, рафиқаси, вакили ёки адвокатининг илтимоси ҳам суд томонидан асос сифатида инобатга олиниши мумкин. Бундай асослар, одатда, суд ижрочиси томонидан жамланиб, умумий холоса тайёрлашади ва судга тақдим қилинади, суд бу асосларни кўриб чиқиб, тегишлича қарор чиқаради. Суд узайтирилган муддат вактини қарорда аник белгилаб беради, лекин олти ойдан ортиқ вактга кечиктириш асоси олмайди.

Жаримани тўлаш учун маҳкумнинг ижобий сабабларга кўра тўлай олмаслик вактида ҳам, суд жаримани тўлаш муддат вактини узайтириб берганида ҳам жазони ижро этиш муддати (ЖКнинг 69-моддаси) ўтиб бораверади. Агар қонунда кўрсатилган муддат ўтиб кетса, у ҳолда жазони ижро этиш мумкин бўлмайди.

Айрим ҳолларда жаримани тўлашдан бўйин товлаш ҳоллари ҳам учраб туради. Жумладан, жаримани тўлашдан бўйин товлаш деганда, маҳкумнинг қонунда белгиланган вакт мобайнода ёки суднинг бу муддатни узайтириб берган вакти мобайнода сабабсиз тўламаслиги ва турли хилдаги нотўғри баҳоналар келтириши тушунилади. Бундай ҳолда суд жарима жазосини бошқа оғирроқ жазолар—ахлоқ тузатиш ишилари, хизмат бўйича чеклаш ва қамоқ жазоси билан алмаштириши мумкин. Бундай ҳолда жариманинг тўланмаган кисмини суд ахлоқ тузатиш ишилари ва хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримага, лекин уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинлаши мумкин. Қамоқ жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинлаши мумкин.

Шахснинг жаримани тұлашдан бўйин товлаши деганда, унинг суд ижрочиси томонидан бир неча бор огоҳлантиришига қарамай тұламаслиги ва турли хил асоссиз важлар келтириши тушунилади. Шундай ҳолда суд ижрочиси судга тұламаганлик ҳолати ҳакида ху-лоса, огоҳлантириш хulosалари ва маҳкумнинг тушунтириш хатини жамлаб, жаримани бошқа жазо билан алмаштиришта тақдим этади. Суд барча ҳолатларни күриб чиқиб, қақиқатан ҳам сабабсиз жаримани тұлашдан бош тортганлик ҳолатлари мавжуд деб ҳисобласа, жаримани бошқа жазо билан алмаштириш ҳакида қарор чиқаради ва ижрога юборади. Суднинг қарори асосида жазони ижро этувчи орган тегишлича ижрони амалга ошириши шарт бўлиб ҳисобланади.

## **2-§. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этиши асослари ва тартиби**

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси Жиноят кодексининг 45- моддасига биноан асосий жазо сифатида ҳам, күшимиңча жазо сифатида ҳам тайинланиши мумкин. Бу жазони тайинлашдан мақсад маҳкумнинг бевосита эгаллаб турған лавозими, касби ёки шуғулланадиган фаолияти билан боғлик ҳолатларда жиноят содир этганлиги сабабли, бундай жинояттнинг давом эттирилишини ёки яна содир бўлишилигини олдини олиш мақсадида тайинланади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг аниқ рўйхати берилмайди, бу масалани суд жиноятни мансаб, касб ёки фаолият билан боғлик ҳолда содир бўлганлигини аниқлаши ва шу касб, мансаб ёки фаолиятни тўхтатиб қўйиш масаласини ҳал қиласди.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жиноят қонунида асосий жазо сифатида бир йилдан беш йилгача, күшимиңча жазо тарикасида бир йилдан уч йилгача тайинланиши белгиланган. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жиноят қонуни санкциясида асосий жазо тарикасида кўрсатилган бўлса, күшимиңча жазо сифатида тайинланиши мумкин эмас. Суд бу жазони күшимиңча жазо тарикасида қонунда кўрсатилмаган ҳолларда ҳам тайинлашга ҳакли бўла олади. Суд ўз ҳукмida маҳкум қандай ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлигини аниқ кўрсатиб ўтиши лозим бўлади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этилиши бўйича **ЖИК**да катта ўзгариш бўлгани йўқ. Бу жазони маҳкум яшаб турған жойидаги ички ишлар органларининг жазоларни ижро этувчи инспекция томонидан ижро этилади. Агар күшимиңча жазо тарикасида тайинланган бўлса, у ҳолда асосий жазонинг моҳиятига боғлик ҳолда ижро этилади. Жумладан, жарима жазосига күшимиңча жазо тарикасида тайинланган бўлса, у ҳолда маҳкум яшаб турған ҳудуд ички ишлар органларининг жазони ижро этиш инспекцияси томонидан ижро этилаверади, агар ахлоқ тузатиш ишлари жазосига күшимиңча жазо тарикасида тайинланган бўлса, маҳкум жазони ўтаётган жойидаги ички ишлар органларининг жазони ижро этиш инспекцияси то-

монидан ижро этилади, лекин унинг яшаш жойидаги ички ишлар органи жазони ижро этиш инспекциясига хам хабар қилиши лозим бўлади.

Хизмат бўйича чеклаш, камоқ, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилини жазоларига қўшимча жазо тариқасида тайинланган бўлса, у ҳолда жазони ижро этиш органлари томонидан ижро этилади. Агар асосий жазонинг муддати тугаган ёки муддатидан олдин жазодан озод қилинган бўлса, у ҳолда муайян хукуқдан маҳрум қилини жазоси ижросининг давомини маҳкум яшаш жойидаги инспекция томонидан ижро этиш давом эттирилади. Асосий жазони ижро этган орган жазонинг тугаганлиги ёки муддатидан аввал озод этилганлиги ҳақидаги баённомага қўшимча жазоси мавжудлигини таъкидлайди. Бу баённома суд хукми нусхаси билан бирга маҳкум яшаб турган ички ишлар органларига топширилади.

**ЖИК**нинг 22- моддасида жазони ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари баён этилган. Жазони ижро этиш инспекцияси муайян хукуқдан маҳрум қилинган маҳкумларни рўйхатга олади; маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органга хукм талабларини ижро этиш ҳақида хабарнома юборади; маҳкум ишлайдиган корхона, ташкилот, муассаса маъмурияти, шунингдек, муайян фаолият тури билан шуғулланиш учун берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан хукм талаблари қандай бажарилаётганини текширади. Бундан ташқари, жазони ижро этиш инспекцияси маҳкумга жазони ўташ муддати мобайнida хукм талабларини бузмаслик ҳақида тушунтириш ишлари хам олиб боради. Конунда жазони ижро этиш инспекциясининг мажбуриятлари билан биргаликда маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг хукмни ижро этиш борасидаги мажбуриятлари хам баён қилинган (**ЖИК** нинг 23-моддаси). Жумладан, маъмурият ўз навбатида маҳкумни хукмда кўрсатилган жазога кўра уч кун ичидаги эгаллаш ёки шуғулланиш хукуқидан маҳрум этилган лавозимдан ёки меҳнат фаолиятидан озод қиласи; жазоларни ижро этиш инспекциясига хукм талаблари ижро этилганлиги ҳақида тегишли хужжатлар билан бирга хабар йўллайди; агар маҳкум бошқа ишга ўтган ёки у билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда бу ҳақда жазоларни ижро этиш инспекциясига хабар қиласи.

Конунда, бундан ташқари, илгариги конундан фарқли равиша маҳкум жазони ижро этиш мобайнida ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда жазони ижро этиш инспекциясининг вазифаси хам белгилаб берилади. Унга кўра инспекция хукмнинг нусхасини мудофаа ишлари бўлимига ёки маҳкум хизматни ўтаётган жойга юборади.

Муайян хукуқдан маҳрум қилингандан корхона маъмурияти маҳкунинг жазосини ўтани бўйича ҳам назорат олиб бориши керак. Жумладан, маҳкум хукм талабларини бузиши мумкин бўлган ҳолатларининг олдини олиши, маҳкумни огохлантириши ва унга тушунтириши ишлари олиб бориши керак. Бундан ташқари, маҳкум бу корхонадан бўшигандан ва бошқа жойга ишга кетадиган бўлса, маҳкумнинг меҳнат дафтарчасига хукмдаги жазони ва унинг муддатини киритиб қўйинши керак бўлади. Кейинчалик, хукм муддати тугаганидан кейин бу ҳақда ҳам меҳнат дафтарчасида даръидланиши лозим бўлади. Агар хукм қилингандан шахс жазо муддати тугаганидан кейин меҳнат дафтарчасида бундай маълумот бўлишини истамаса, маъмурият бу маълумотларни чиқарган ҳолда меҳнат дафтарчасининг нусхасини янгилашиб бериши мумкин.

Маҳкум маълум муассасалар руҳсати ёки лицензияси билан фаолият юргизётган ишларда ишлайдиган бўлса (масалан, хусусий ишлаб чиқариш фаолияти, хусусий аптека раҳбари, адвокатлик фаолияти, хусусий савдо ишлари ва ҳоказо), бундай ҳолларда суд хукми нусхаси ўз йўналиши бўйича тегишли ташкилотга юборилади ва бу ташкилот шу фаолият тури билан шугулланиш учун берилган руҳсатномани уч кун ичида бекор килиб, бу руҳсатномани олиб қўйиши шарт ва бу ҳақда жазони ижро этиш инспекциясига хабар юборади.

Муайян хукуқдан маҳрум қилингандан маҳкум хукм талабларини хукмда кўрсатилган муддат мобайнида бажариши шарт. У жазони ижро этиш инспекцияси талабларини бажариши, чакириғига кўра дарҳол бориши, иш жойидаги ўзғаришлари ҳақида хабардор қилиши лозим бўлади. Маҳкум хукм талабларини бузиб, маҳрум қилингандан фаолият билан шуғулланишини давом эттирадиган бўлса, у ҳолда бу жазони ўташ муддатига қўшилмайди. Лекин, бу фаолиятни тұхтатиш ҳақидаги инспекция баённомаси тақдимидан кейин ҳам давом эттирадиган бўлса, хукм талабини бажаришдан бўйин товлаган деб хисоблашга асос бўла олади.

Муайян хукуқдан маҳрум қилиш жазосининг муддати тугаши билан жазони ижро этиш инспекцияси бу ҳақда баённома тузади ва бу баённомани маҳкумга тақдим этади. Маҳкум бу баённомани ўз иш жойига топшириши мумкин. Бундан ташқари, муайян хукуқдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан аввал озод қилиниши ҳам мумкин. Бундай озод қилиш жазонинг камида ярми ўтганидан кейин инспекциянинг тақдимномасига биноан, суд томонидан ҳал қилинади.

### **3-§. Ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони ижро этиш асослари ва тартиби**

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси факат асосий жазо тариқасида конунда кўрсатилган ҳолларда ёки конунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинланганда тайинланиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишлари Жиноят кодексининг 46-моддасига биноан, иш хақининг

ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган миқдорда, давлат даромади хисобига ушлаб қолиш билан олти ойдан уч йилгача тайинланиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларини ўташ тартиби икки хил усулда ўталишлиги белгиланган. Жумладан, маҳкумнинг ўз иш жойида ўташлиқ ёки ички ишлар органлари томонидан белгиланган жойларда ўташлиқ белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган. Суд, маҳкумнинг ўз иш жойида ўташлиғи мумкин эмас, деган хуносага келганида ички ишлар органлари белгилаган жойда ўташлиқ учун юбориши мумкин. Лекин қаерда ўталигидан қатъи назар маҳкумнинг яшаши жойидаги жазони ижро этиш инспекцияси томонидан назорат қилинади. Жазонинг бу тури, асосан, маҳкумнинг содир этган жиноятига яраша озодликдан маҳрум қилмаган ҳолда ахлоқан тузатишга қаратилади. Шунинг учун ҳам маҳкумнинг, жазони ижро этиш инспекциясининг ва маҳкум жазони ўтайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмуриятининг мажбуриятлари белгилаб олиниши, бу масалани тўғри ҳал қилиш имкониятини яратади.

Албатта, ҳар қандай жазонинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ҳам ўзига хос мажбуровлор чоралари белгиланиши лозим бўлади. Бу жазо маҳкумдан ҳукм талабларини бажаришни, жазоларни ижро этиш инспекциясига жазони ўташ билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим этиши, яашаш ва иш жойидаги ўзгаришлар ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганилиги ҳақида инспекцияни хабар қилиши, чакирувга биноан инспекцияда ҳозир бўлиши шарт. Шунингдек, маҳкум жазони ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекциянинг ёзма рухсатисиз меҳнат шартномасини маҳкумнинг хошишига кўра бекор қилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда, албатта, инспекциянинг ёзма рухсатномаси талаб қилинади.

Шунингдек, маҳкумдан жазонинг талабларига кўра меҳнат талабларини бажариш, меҳнат интизомига бўйсуниш, ўзига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажариб бориш талаб этилади.

Маҳкумнинг ахлоқан тузалиши учун жазоларни ижро этиш инспекциясининг ва корхона, ташкилот ёки муассаса маъмуриятининг ҳам ўз мажбуриятларини белгиланиб олишлиги талаб этилади. Жумладан, жазони ижро этиш инспекцияси куйидагиларни бажарилари талаб этилади:

—ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади; маҳкумга жазони ўташнинг тартиб ва шартларини тушунтиради; бошқа жойларда ўталадиган ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларни ишга жўнатади; маҳкумлар томонидан жазони ўташ шартларига риоя этилишини текширади; маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини текширади; маҳкумни кидириб топиш юзасидан дастлабки тадбирларни ўтказади, зарур материалларни тайёрлайди ва тегишли хизматга оширади; ахлоқ тузатиш ишларини бошқа жойларда ўтаётган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини

бекор қилиш учун рухсатнома берин масаласини күриб чиқади. Бундан ташқары, инспекция зарур холларда маҳкумларни меҳнат биржалари билан тузылган шартномалари асосида ишга жұнатыши мүмкін. Шунингдек, инспекция маҳкумни ишдан бүш ва дам олиш вактларыда тегиниң жойлардан кетиб қолмаслигини, жамоат ва дам олиш жойларыда бүлмаслигини, маълум вактларда инспекция рўйхатидан ўтиб кетишпелгіни талаб қилиши мүмкін.

Жазони ижро этиш инспекциясининг вазифалари корхона, ташкилот ёки муассаса маъмуриятининг вазифалари билан мослаштирилиши лозим. Бу, албатта, маҳкумнинг ахлоқан тузалиши учун зарур хисобланади. Жумладан, маъмурият маҳкумни иш билан таъминлаши, унинг иш ҳақидан суд ҳукміда белгиланган фоиз микдорида чегириб қолиши ва чегириб қолинган қийматни давлат фойдасига ўтказиши, маҳкумга нисбатан қўлланилган рафбатлантириши ва интизомий жазо чоралари ҳақида, унинг жазони ўташдан бўйин товлагани, бошқа ишга ўтказилганлиги ёки у билан бузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақида жазоларни ижро этиш инспекциясини хабардор этиши лозим.

Жазонинг муддатини хисоблаш маҳкум ҳақидаги хужжатлар маҳкумнинг ёки жазони ижро этиш инспекцияси белгилаган корхона, ташкилот ёки муассасага келиб тушган кундан бошланади. Маҳкумнинг ҳукмда кўрсатилган муддат мобайнода меҳнат қилишдан бўйин товлаган ёки сабабсиз ишга чиқмаган вактлари муддатни хисоблашга қўшилмаслиги мүмкін. Натижада ҳукмда кўрсатилган муддат умумий вактдан ҳам ортиб кетиши мүмкін. Агар маҳкум касаллиги ёки бошқа ижобий сабабларга кўра ишга чиқа олмаган бўлса, бу вакт жазони хисоблаш вактига қўшилади.

Қонунга биноан маҳкум умумий жазо муддатига, маъмуриятнинг айби билан ишламаган вакти ҳам жазо муддатига қўшиб хисобланади. Лекин бу вакт маъмурият томонидан иш ҳақи тўлаш билан боялик бўлиши керак. Агар бундай бүш вактлар ёки ишламаган вактлар иш ҳақисиз ёки касаллик тўловсиз вактлар тарикасида бўлса, ёки маъмурий жавобгарликка тортилиб маъмурий қамоқ ёки жиноят содир этиб озодликдан маҳрум қилинган вакт мобайнидаги ишламаган вактлар ҳам жазо муддатига қўшиб хисобланиши мүмкін эмас.

Маҳкум ўз хошишига кўра ишдан бўшаши мүмкін эмас, агар ишдан бўшани ва бонка ишга ўтишлиги лозим бўлса, у жазони ижро этиш инспекциясининг рухсатини олиши лозим. Маҳкумга агар имконияти бўлса, бир неча жойларда ишлашга ҳам рухсат этилади, лекин ҳар бир иш жойи унинг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижро этиши талабларини бир хилда хисобга олиши лозим.

Маҳкум жазони ўташ мобайнода турли сабабларга кўра ишсиз бўлиб қолган тақдирда уз ташаббуси билан иш топиши лозим. Агар иш топа олмаса, у ҳолда меҳнат биржалари орқали ишга жойлаштирилиши лозим. Маҳкум жазони ижро этиш инспекцияси томонидан касбини ўзгартириши ҳам мүмкін, у пул тўланадиган жамоат ишларига ҳам жалб қилиниши мүмкін.

Жиноят-ижроия конунчилиги маҳкумнинг иш жойи ва яшаш жойи ўзгарганида кўпи билан ўн кун ичида жазони ижро этиш инспекциясига бу ҳақда хабар бериши зарур.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларга ҳам меҳнат таътили берилиши мумкин, лекин меҳнат таътили бериш маъмуритнинг жазони ижро этиш инспекциясининг розилиги билан берилади. Бошқа хилдаги таътиллар умумий асосларда берилаверади.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларнинг жазони ўташ вақтлари ҳам иш стажига қўшилади.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларнинг ҳам шахсий карточкалари олиб борилали. Бу карточкалари маҳкумнинг доимий интизомини кўрсатиб бериши имкониятини беради. Унда маҳкумга берилган интизомий ёки рағбатлантирувчи чоралар ҳар доим киришиб борилади ва маҳкумни муддатидан аввал жазодан озод қилиш жараённида катта аҳамиятта эга бўлади. Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар жазонинг камида ярмини ўтаб бўлганидан сўнг (ЖКнинг 73-моддаси 2-кисм, а банди) муддатидан аввал жазодан озод этилиши мумкин.

Конунга биноан маҳкумни муддатидан аввал жазодан озод қилишда маҳкум ахлоқан тузалиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, тартиб-интизомга доим риоя қилиб келганлиги каби ҳолатлар аҳамиятта эга бўлади. Маҳкумнинг ишини суд кўриб чиқиб, муддатидан аввал жазодан озод қилиш ҳақида қарор чиқарган кунидан маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан озод қилинган деб хисобланади. Агар маҳкумни муддатидан аввал жазодан озод қилиш мумкин эмас деб хисобланса, у ҳолда яна муддатидан аввал жазодан озод қилиш учун олти ой ўтиши лозим.

Ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларнинг жазо талабларини бажармаслик, меҳнатдан бўйин товлаш, турли хилдаги хукуқбузарликларга йўл қўйиши ҳам турли хил оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, маҳкумнинг шахсий карточкасига тайинланган интизомий жазоларни киришиб қўйиш, муддатидан аввал жазодан озод қилишга тавсия қиласлик ва ҳатто ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бошқа оғиррок жазо билан алмаштирилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. ЖКнинг 46-моддасининг 4-кисмига биноан, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бўйин товлаш деб хисоблаш учун жазонинг ўндан бир кисмидан кўпроқ вақтда жазони ўташдан бўйин товлаган бўлса, вақт жазонинг ўталган қисмига қўшиб хисобланмайди. Жазони ўташдан бўйин товлаш оқибатлари маҳкумга тушунирилиши лозим. Маҳкумнинг бундай ҳаракатлари ёзма равишда огоҳлантириш ва уни тартибга чакириш ҳаракатларидан кейин такрорланса ёки давом эттирилса, шунда маҳкумни ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан бўйин товлаган деб хисобланиши мумкин. Маҳкум ўзбошимчалик билан ишга чикмай, яшаш жойидан ҳам яширинса, у ҳолда жазони ўташдан ашаддий бўйин товлаш деб килирув ўзлон қилинади ва жазони озодликлан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилишига сабаб бўлиши мумкин.

### **ІІІ БОБ. ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

#### **I-§. Қамоқ тариқасидаги жазонинг ижтимоий-хуқуқий моҳияти**

Қамоқ жазосини қонунчиликка киритиш фикри жиноят хуқуқи назариясила янгилик эмас. Бундай фикр илгаридан, бевосита содир қилинадиган ижтимоий хавфли қилмишларнинг жазосини белгилаш максадида маъмурий қамоқ тарзида жазолаш фикри мавжуд эди. Бундай жазодан мақсад енгил жиноий ёки оғир маъмурий қилмишларни жазосини назарда тутишдан иборат эди. Бундай жазо қисқа муддатли озодликни чеклашни мақсад қилинган эди. Лекин янги жиноят қонунчилиги қабул қилинганда енгил жиноий қилмиш тушунчаси назарга олинмади, лекин қамоқ жазоси жиноят қонунчилигидан ўрин олди. Жиноят қонунчилигига киритилишида қонуншунос озодлик хукукини чегаралашнинг альтернатив турларини назарда тутишни мақсад қиласи. Бу жазо озодликдан маҳрум қилиш жазосидан енгилроқ жазолашни мақсад қиласи. Бу жазонинг ижтимоий-хуқуқий хусусияти ҳам айнан қисқа муддат ичиди маҳкум ўзининг ижтимоий хавфли қилмишини тушуниб этиши ва англашини назарда тутади. Шунинг учун ҳам қисқа муддатни назарда тутганлиги учун ҳам шу муддат мобайнида маҳкумни оғир шароитда сақлаш назарда тутилган. Қонуншунос бу жазонинг моҳиятини, оғир шароитда шахс ўз қилмишини тушуниб этиши лозимлигини назарда тутади. Қамоқ жазосини ўташ шароитларини таъминлаш максадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексини амалга киритиш тартиби тўгрисида»ги карорида қамоқ уйлари ҳакида фикр юритилади. Жумладан, қамоқ жазосининг таъминланиши учун бундай уйлар ташкил қилингунга қадар тергов хибсоналари ва турмада сақлаш, тергов хибсоналари ва турма қамоғида алоҳида қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар учун қамоқ жазосининг хуқуқий ҳолатлари таъминланиши таъкидланади. Бундан хulosса қилиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар қамоқ уйларида сақланиши учун маҳсус жойлар ташкил қилинади. Бундай жойлар вилоятларда, Коракалпогистон Республикасида, Тошкент шаҳрида ташкил этилиши лозим бўлади. Бу масалага, албаттa, катта маблағ талаб этилади, шунинг учун ҳам бу масаланинг муддати белгиланмаган.

Қамоқ жазосининг қонунга киритилиши маҳкумларни озодликдан маҳрум қилмай, енгилроқ жазолар билан жазолаш имконини янала кенгайтиради. Жиноят хуқуки назариясида маҳкумларни ахлок тузатиш муаммоларини енгилроқ жазолар билан ҳам амалга ошириш мумкин, деган хulosалар келтирилади. Бу масалани ҳал қилишда, айниқса, жарима, ахлок тузатиш ишлари каби жазоларнинг аҳамияти катта. Бу борала гарчанд қамоқ жазосида ахлок тузатиш чоралари

құлланилмаса ҳам, қисқа муддатта маҳкүмни жамиятдан ажратиб қўйиш маҳкүмни ахлоқан тузалишига катта ёрдам бера олади. Қамоқ жазоси жиноят қонунчилигида содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлашда кенг құлланишлыги назарда тутилған. Жумладан, аксарият холларда жарима, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан биргаликда, альтернатив жазо тарикасида учрайди. Шунингдек, асосан, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноятлар учун назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Қамоқ тарикасидаги жазо ЖКнинг 48-моддасида назарда тутилған. Унда таъкидланишига кўра, бир ойдан олти ойгача муддатта тайинланиб, шахсни жамиятдан батамом ажратилған холда сакланышлыги таъкидланади. Вояга етмаган, лекин ўн олти ёшга тўлганлар учун бир ойдан уч ойгача белгиланиши назарда тутилған. Лекин жарима жазоси қамоқ жазоси билан алмаштирилганда, бир ойдан кам бўлган муддатта алмаштирилиши ҳам мумкин.

Жиноят қонунида қонуншунос факат жарима жазосини қамоқ жазоси билан алмаштирилишини назарда тутган. Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини эса тўғридан-тўғри озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилиши қонунлаштирилған. Лекин ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан оғирроқ жазо бўлган қамоқ жазоси билан алмаштирилиши белгиланмаган. Агар қонунга, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан бош тортганда қамоқ жазоси ёки озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштирилиши мумкинлиги киритилса, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ҳатто ўн беш кунини ҳам қамоқ жазоси билан алмаштириш имконияти бўлар эди. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш жазоси камида олти ойга берилиши мумкин. Ахлоқ тузатиш ишларининг олти ойдан кам бўлган муддатини қамоқ жазоси билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай тажриба МДҲ давлатларида мавжуд. Масалан, Россия Федерацииси Жиноят кодексининг 50-моддаси 3-қисмига мувофиқ суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш, қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари билан алмаштириш мумкинлигини белгилайди. Лекин у қонунда ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг икки куни қамоқнинг бир кунига, уч куни озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига нисбатан қилиб белгиланган.

Қамоқ жазосига жўнаташ тартиби ва бажарилиши Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

## 2-§. Қамоқ жазосини ижро этиш

Қамоқ жазосини ижро этиш тартиби Жиноят ижроия қонунчилиги билан белгиланади. ЖИКнинг III бўлими айнан қамоқ жазосини ижро этиш тартиб-коидаларига багишланган. Одатда, қамоқ жазоси маҳкүмнинг яшаш жойида ташкил этилган маҳсус қамоқ уйларида ўталади. Бу ҳақда қонунда (ЖИКнинг 33-моддаси) жазони ҳукм чиқарилған жойдаги маҳсус қамоқ уйларида ўтайдилар, дейилади.

Суд ишлари, одатда, маҳкумнинг яшаш жойидаги судлар томонидан кўрилади. Агар маҳкум чет элдан келган ёки бошқа жойларга боргандা содир этилган жиноятлар бўлса, у ҳолда шу ҳудуддаги қамоқ уйларида жазони ўташи учун қолдирилиши мумкин. Қамоқ уйлари шундай ташкил қилиниши керакки, бу жойларда сақланаётган маҳкумлар жамиятдан батамом ажратилган ҳолда сақланиши белгиланганини учун ҳам уларнинг ахолига ёки яшаши уйларига зарари тегиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам маҳкумни ўзи яшайдиган ҳудуддан бошқа жойларга олиб бориб, қамоқ жазосини ўтаттиришнинг ҳожати ҳам йўқ. Шунингдек, маҳкум қисқа муддатларга (бир ойдан олти ойгача) хукм қилинади. Айнан қисқа муддатларга хукм қилинган маҳкумларни яна тегишлича харажатлар билан бошқа жойларга жўнатиб юбориш ҳам шарт эмас. Бундан ташқари, қамоқ уйлари камера типидаги хоналардан иборат ҳолда ташкил этилади. Бу хоналарни маҳкумларнинг таснифланишига қараб, бир-биридан ажратиш имконияти ҳам мавжуд. Демак, шундай экан маҳкумларни бошқа жойларга жўнатишнинг ҳам зарурати бўлмайди.

Лекин бир ҳудуддаги қамоқ уйларида **ЖИК**нинг 57-моддаси 2-қисмига биноан, маҳкумлар сони кўпайиб кетса, янги маҳкумларни шу ҳудудга якин бўлган бошқа қамоқ уйларига жўнатиш мумкин бўлади.

Қамоқ уйлари камера типидаги хоналардан иборат ҳолда ташкил килиниб, хоналарда қамоқнинг хусусиятларига ва таркибий ҳолагларига мос келадиган шароитларга мослаштирилган бўлиши лозим. Ҳозирги кунда тергов изоляторлари турма қамоғининг айрим хоналари шундай жойларга ажратилган қамоқ уйлари ҳам маҳкумни жамиятдан бутунлай ажратилган ҳолда саклаш учун маҳсус химояланган бўлиши талаб этилади. Жумладан, бундай манзиллардан кочиш имкониятларини олдини олувчи воситалар билан жиҳозланганини билан ажралиб туриши лозим. Камераларнинг катталиги жиҳатидан икки-тўрт кишига ёки умумий камера типларига мослаштирилиши лозим. Камера хоналарида маҳкумларнинг барча эҳтиёжлари учун шароит яратилиши лозим бўлади.

**ЖИК**нинг 33-моддаси 2-қисмига биноан, маҳкум қамоқ жазосини бутун муддатини, одатда битта қамоқ уйида ўтайди. Маҳкумларни бир қамоқ уйидан бошқасига ўтказишга рухсат этилмайди. Лекин айрим ҳолларда, масалан маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш учун, оғир касалликка учраганида ёки жазони ўташни давом эттириш учун имконият бермайдиган бошқа фавқулодда ҳолатларда маҳкумни бошқа қамоқ уйларига ўтказиш мумкин. Касаллиги туфайли бошқа қамоқ уйига ўтказиш учун бу қамоқ уйида маҳкумнинг касаллигини даволаш имконияти ёки шароити мавжуд бўлмаганидагина рухсат этилади. Одатда, ҳар бир қамоқ уйларида маҳсус шифокорлари бўлишлиги талаб қилинади.

Маҳкумнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бошқа қамоқ уйига кўчирилиши учун маҳкумнинг ҳам розилиги олиниши лозим бўлади. Шунингдек, маҳкумга унинг ҳаёти хавф остида қолганлиги хақидаги мурожаатномаси ҳам маъмурият маҳкумни бошқа қамоқ уйига кўчириши учун асос бўла олади. Бундай мурожаатни маъмурият асослигини кўриб чиқиб, ўтказиш лозим деган хуласага келса, вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармасига хабар қилинади, ўз навбатида вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармаси Ички ишлар вазирлигига хабар қилади. Ички ишлар вазирлигининг рухсат билан маҳкум бошқа қамоқ уйларига кўчирилади. Бундай рухсат билан вилоят ёки шаҳар ички ишлар бошқармаси маҳкумни этап қилиш наряди орқали бошқа қамоқ уйига кўчирилади.

Маҳкумларни бошқа қамоқ уйларига кўчиришнинг бошқа фавқулодда ҳолатлари булиб, қамоқ уйини сув босиши, ёнғин содир бўлиши, ер қимирилаши натижасида авария ҳолатининг келиб чиқиши, оммавий тартибсизликларнинг келиб чиқиши ва хоказо ҳолатлар бўлиши мумкин.

Маҳкумларни камераларга тақсимлаш масаласи ҳам уларни таснифлаш принциплари асосида амалга оширилади. Одатда, қамоқ жазосига хукм қилинган аёллар эркаклардан ажратиб сакланади. Вояга етмаганлар вояга етганлардан ажратиб сакланади. Илгари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқканлар ҳам алохидা сакланади. Бундан ташқари, илгари хукукни муҳофаза қилиш органдарда ишлаган шахслар ҳам иложи борича ажратиб сакланиши лозим бўлади. Маҳкумларни бундай таснифланган ҳолда саклашнинг қандай аҳамияти мавжуд. Маҳкумларни бундай ажратиб саклаш, аввало хавфсизликни таъминлаш учун, шунингдек камерадагиларнинг бир-бирига салбий таъсири бўлмаслиги учун, шунингдек маҳкумларнинг онги, дунёкараши, билими ва хоказоларнинг мос келишлиги ҳам лозим бўлади.

Маҳкумларни қамоқ жойларида саклаш талаблари оғирлиги билан характерланади. Жазонинг моҳияти, мақсади маҳкумни оғир шароитларда саклаш орқали уларни тарбиялашга эришишилар.

Қамоқ жойларидаги шароит озодликдан маҳрум қилиш жазосининг турма қамоги камерасидаги кўринишдаги шароитлар билан мос келади. Бундай шароитга тушиб қолган, биринчи марта жиноят содир килиб жазоланаётган шахсларнинг руҳиятига қаттиқ таъсири қилиши мумкин. Натижада тезрок бу жойлардан қутилиш ва тўғри йўлга кириш истаги пайдо бўлиши мумкин. Турма қамогида маҳкумларга бериладиган имтиёзлар ҳам шунга тўғри келиб қолади. Жумладан, қамоқ жазосига хукм қилинганлар ҳам, турмадаги шахслар ҳам бир кунда бир марта очик ҳавода сайрга олиб чиқилиши мумкин. Шунингдек, қамоқ жазосига хукм қилинганлар, умумий тарзда яқин қариндошлари билан учрашувга, телефон орқали сўзлашувга, посилкалар олишга, озиқ-овқатлар сотиб олишга рухсат этилмайди. Турма қамогида бир йил ичидаги бир марта кисқа муддатли

учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, иккита бандерол олиш хукуки берилиши мумкин. Бундан ташқари, турма қамоғидагиларга ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача бўлган қийматда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар ҳарид қилишларига рухсат берилиши мумкин. Қамоқ жазосини ўтаётган факатги на беморга, даволанишга ва кучли овқатга муҳтоҷларгагина, маҳсус тиббий хулоса асосида, уларнинг шахсий ҳисоб варагидаги маблағдан озиқ-овқат ҳарид қилишларига рухсат берилиши мумкин. Шунда ҳам ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача рухсат берилади. Қамоқ жазосига хукм қилинганларнинг вояга етмаганларига ҳар ойда бир марта, қиска муддатги учрашувга рухсат берилиши мумкин. Қамоқ жазосини ўтаётганларга алоҳида ҳолларда, жумладан, оғир касалликка учраганда, оғир операция қилиш зарурати бўлганда, қариндошлари вафот этганида, ер қимирлаш натижасида оғир ҳолатлар келиб чикқанида, якин қариндошлардан бирининг ҳақиқий ҳарбий хизматга чакирилганида, чет давлатга узок муддатта кетаётгандан ва ҳоказо ҳолатларда телефон орқали сўзлашувга рухсат берилиши мумкин. Бундай вакъларда телефон орқали сўзлашув ҳам қамоқ уйи ходимининг назорати остида ва маҳсус телефон тармоғи мавжуд бўлганидагина йўл қўйилиши мумкин. Қамоқ уйидан ташқарида телефон орқали сўзлашишларга рухсат берилмайди. Телефон орқали сўзлашувлар маҳкумнинг ҳисоб ракамидаги маблаги ҳисобига рухсат берилиши мумкин. Телефон орқали сўзлашув қоидлари ИИВ томонидан белгиланади. Телефон орқали сўзлашувга узоги билан 15 минутга рухсат берилиши мумкин. Телефонда сўзлашаётганда уришиш, сўкиш ёки маъмурият тушунмайдиган безорилик сўзларида сўзлаш мумкин эмас, акс ҳолда назоратчи сухбатни узиб қўйишиш мумкин.

Қамоқ жазосига хукм қилинганларга тарбиявий чоралар Жиноят-ижроия қонунчилиги принциплари асосида қўлланилади. Бу ҳам қамоқ уйи хоналарига мослаштирилиши лозим. Лекин маҳкумларнинг илтимосига кўра, уларга бадиий китоблар, матбуот янгиликлари, жамиятда бўлаётган янгиликлардан танишиш имкониятлари яратилиши мумкин. Маҳкумларни ўрта ёки қасб-хунар маълумотлари олишлари йўлга қўйилмайди. Бунинг сабаби, аввало, қамоқ жазосининг моҳияти ва шунингдек, қиска муддатларни назарда тутганлиги учун ҳам бу масалага зарурат бўлмайди. Лекин маҳкумларга буш вакълари кўп бўлганлиги учун ҳам мустақил равишда билимларини оширишга, қасб-хунар ўрганишга қаршилик қилинмайди.

Маҳкумлар қамоқ жазосида мажбурий меҳнатга жалб қилинмайдилар. Улардан факат қамоқ уйининг тозалиги ёки ҳўжалик ишларини амалга оширишдагина фойдаланиш мумкин. Лекин бундай ишларга ҳам маҳкумлар навбатма-навбат жалб қилинадилар. Маъмурият бундай ишларга ҳақ тўламайди. Маҳкумлар ўз камераларини ҳар доим ўзлари тозалашлари шарт бўлади.

Қамоқ жазосига хукм қилинган маҳкумларга ҳам бир қатор рафбатлантириш ва интизомий чоралар қўлланилади. Маҳкумларга ра-

батлантириш чоралари күллашга маҳкумнинг ижобий хулки асос бўлади. ЖИКнинг 44-моддасида бундай чораларнинг турлари санаб ўтилган, лекин қандай ҳолатларда кўлланишлиги белгиланмаган. Маъмурият бу масалани маҳкумнинг бевосита ижобий ёки салбий хулкини инобатга олган ҳолда ҳал қиласи. Жумладан, маҳкумга ижобий хулки учун ташуккур эълон қилиш, илгариги интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш, ҳар кунги сайд вактини бир соатта кўпайтириш каби рағбатлантириш чораларини кўллаши мумкин. Бу чоралардан факат ташаккур эълон қилиш ҳам оғзаки ёки ёзма равишда бўлиши мумкин. Қолган чоралар эса факат ёзма равишда амалга оширилади. Оғзаки равишда ташаккур ҳам бошқа рағбатлантириш чоралиридек маҳкумнинг шахсий хулқ-атвор дафтарига киритилади.

Маҳкумларнинг ёмон хулқига нисбатан кўриладиган чоралар унинг ички тартиб-коидага бўйсунмаслиги натижасида кўлланилади. Маҳкумларга нисбатан огохлантириш, ҳайфсан эълон қилиш ўн суткагача, аёллар ва вояга етмаганларни эса етти суткагача карцер хоналарига киритиб қўйиш, кунлик сайднинг рағбатлантириш тариқасидаги кўпайтирилган муддатини бекор қилиш каби интизомий чоралар кўлланилади. Интизомий чора кўлланилган маҳкумларга уларни муддатидан аввал жазодан озод қилишга, рағбатлантирувчи воситаларни кўллашга тўсқинлик қиласи ва кейинги интизомий чора кўлланишида ҳам таъсири бўлади. Карцер хоналарига киритиб қўйилган маҳкумларга овқат камайтирилган ҳолда берилади. Интизомий чоралар ҳам вақти билан олиб ташланниши мумкин. Интизомий чора олиб ташланган маҳкумлар жазоланмаган деб хисобланади.

Қамоқ жазоси ўтётган маҳкумларга турма камоги қоидалари жорий килинади. Моддий таъминот ва майший ахвол ҳам айнан турма камоги шароити асосида ташкил этилади. Вояга етмаганлар қамогида эса тарбия колонияларининг талаблари жорий килинади. Камера хоналарда ётиш каравоти, овқатланиш столи, хожатхонаси, ичимлик суви, радио билан таъминланган бўлиши керак. Қиши мавсумида хонанинг ҳарорати 18—20° дан пасайиб кетмаслиги учун иситиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак. Маҳкум мавсумга қараб кийим-бош, пойабзал билан таъминланади. Бир кунда уч маҳал овқат билан таъминланади.

Маҳкумларни кундуз кунлари очик ҳавога олиб чиқишига йўл қўйилади. Вояга етганларга кунига бир соатгача, вояга етмаганлар, ҳомиладор ва ёш болалик аёлларга бир ярим соатгача очик ҳавода сайд қилишга рухсат берилади. Бунинг учун қамоқ уйларида маҳсус жойлар ташкил қилиниши лозим.

Вояга етмаган маҳкумларга учрашувга рухсат этилади. Улар ҳар ойда бир марта яқин қариндошлари билан уч соатгача қисқа муддатли учрашувга рухсат этилиши мумкин. Маҳкумларга қамоқ уйларида чекланмаган миқдорда хат олишлари ва хат жўнатишларига рухсат этилади. Лекин хатлари цензурадан ўтказилиши лозим.

Қамоқ жазосидан озод қилиш умумий асосларда амалга оширилали.

# **IV БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

## **1-§. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, белгилари ва ахамияти**

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси суд томонидан шахснинг содир этилган ижтимоий хавфли харакати ёки харакатсизлиги учун айбli деб топилганида, олти ойдан йигирма йилгача тайинланиши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш факат қонунда назарда тутилган холлардагина асосий жазо тариқасида тайинланиши мумкин. Бу жазонинг ижро этилишининг хуқуқий холатларини **Жиноят-ижроия** кодекси нормалари билан тартибга солинади. Озодликдан маҳрум қилиш шахсни суд хукмида белгиланган жойларга мажбуран саклаш учун юборилишида ифодаланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси содир этилган қилмиш учун қўлланиладиган давлат кораловини ифода этиб, шахснинг озодлик хуқуқини маълум даражада чекланишини ифода этади. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг муҳим белгиси бу шахсни жамиятдан ажратилган холда саклашdir. Маҳкумни озодликдан маҳрум қилганда, жамиятдан ажратилган холда сакланар экан, унга нисбатан озод шахслардан фарқли равишда қонунга биноан, ўзгача ҳаёт кечириш қоидаларига мажбур этилади, бундай мажбуров чораларига биноан улар озод шахслардан фарқланади. Маҳкумни озодликдан маҳрум қилинганида унга қўлланиладиган мажбуров чораларининг хусусиятларига кўра маҳкумга бўлган давлат сиёсати, жамият сиёсати ўз ифодасини топади. Маҳкумнинг яшаш шароити қанчалик оғирлашиб борса, давлат ёки жамиятнинг бундай шахсларга ёки у содир килган жиноятларга нисбатан муносабатнинг ёмонлигидан далолат беради.

Хар қандай жазоларга нисбатан бўлганидек, озодликдан маҳрум қилишда ҳам ўзига хос бўлган бир қанча хусусиятлар мужассамлашади. **Давлат сиёсати** бўйича озодликдан маҳрум қилиш давлат мажбурови ҳисобланиб, жамиятни жиноятчилардан ҳалос этиш учун қўлланилади. Лекин жамият жиноятчини ўз сафидан чиқармайди ва шу ўринда бундай шахсларни, агар тузалиш йўлига ўтган такдирда, ҳалол шахслар қаторига кўшишга ҳам тайёр туради. **Юридик хусусияти** бўйича қоралаш суднинг қонунда белгиланган бир қатор хуқукий чеклашларидан иборат бўлиб, бундай чеклашлар озодликдан маҳрум қилишнинг хусусиятига қараб бир-биридан фарқланиши ҳам мумкин. Хуқукий чеклашлар, айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жазосида ўзига хос кенг бўлиши мумкин ва нафақат шахснинг янги жиноят содир этишининг олдини олиш ва ҳатто маҳкумга жиддий таъсир этувчи хусусиятларига ҳам эга бўла олади. **Рухий жиҳатдан** қоралаш маҳкумнинг ички хиссиятларига нисбатан таъсир этиб, ҳатто

маҳқумнинг хиссиёти бўйича жафо чекиши хусусиятларига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Қоралашнинг ижтимоий жихатдан тааллуклилиги жазонинг қонунда белгиланган мақсадларини ифодалайди ва турли хил хусусиятларга эга бўлади. Жазонинг мақсадлари Озодликдан маҳрум килишга ҳам тааллукли ҳисобланиб, у ижтимоий-тарбиявий моҳиятга эга бўлиб, маҳқумни ахлоқан тузатишга қаратилади. Шунингдек, бу бевосита хукукий—олдини олини хусусиятида ҳам ифодаланади. Бу мақсад жиноятчининг янги жиноят содир этишининг маҳсус огохлантирувчи, олдини оловчи хусусият ҳам ҳисобланади; умумий огохлантирувчи-бошқа шахсларнинг жиноят содир этганларида шундай жазоланиш хавфи билан огохлантирувчи хусусиятга ҳам қаратилади; жиноятчиликка барҳам бериш мақсад қилинади.

Таъкидлаб ўтилган мақсадлар ижтимоий-тарбиявий ёки хукукий огохлантирувчи хусусиятларда бўлганидан катъи назар уларга жазонинг қоралаш йўли билан эришилади. Жазонинг қоралаш хусусияти узлуксиз хусусиятларни мужассамлантиради. Жумладан, хукукни чеклаш, бу маҳқумга маълум даражада қулфат ва ҳатто фожиали жафоларни келтириб чиқаради, бунинг таҳдиди натижасида маҳқумни ва бошқаларни ҳам жазоланишидан қўрқиш ва натижада жиноят содир этишдан сақланишига ундайди. Лекин жазонинг огохлантириш руҳий механизмини чукур ўрганишни тақозо этади, бу ўрганиш Қўлланиладиган жазонинг илгари жиноят содир этганлар учун ҳам ёки жиноят қонунини биринчи бор бузган шахслар учун ҳам таъсир кучини аниқлаш лозим.

Жазонинг жумладан, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самарадорлигини, одатда илгари шу жазо билан жазолангандарнинг яна янги жиноят содир этишликлари билан аниқланади. Маҳқумнинг оғир қисмати бошқа шахсларни жиноят содир этишликларининг олдини олиши, уларни огохлантира олиши жазонинг самарадорлигини белгилаб беради.

Жазонинг самарадорлигини шунингдек, ижро этиш муассасаларида ички ҳолатларни ҳам аниқлаш имконини яратади. Лекин, бу жойлардаги ички тартиб ҳолатлари бу муассасаларнинг шароитини белгиловчи қонунга ҳам боғлик. Жазонинг самарадорлиги рецидив жиноятчиликнинг умумий ҳолатига ҳам боғлик. Рецидив жиноятчиликнинг кўпайиб бориши жазонинг самарасизлигидан далолат беради. Рецидив жиноятчилик камайиб бориши эса жазонинг самарадорлигини ошганлигидан далолат беради. Лекин рецидив жиноятчиликни факат жазонинг аҳамияти билан боғлаш ҳам тўғри эмас, рецидив жиноятчилик ҳам умумий жиноятчиликнинг бир қисми ҳисобланади ва жиноятчиликнинг умумий сабабларига ҳам боғликдир. Масалан, умумий хulosаларга асосан рецидив жиноятчиликларнинг аксариятлари ўзларининг дастлабки жиноятларини вояга етмаган ёшлирида содир этганларни кўп учрайди. Шунингдек, аксарият гаразгўйлик билан содир этиладиган жиноятларда ҳам рецидивлик

хусусияти юқори бўлишлиги кузатилади. Бундай шахсларда жиноятчиликнинг кейингиларининг содир бўлишлигида ҳам дастлабкисидаги сабабларда содир этилганлиги аникланади.

Рецидив жиноятчиликнинг алоҳида ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд, бу хусусиятлардан бири жазони ижро этиш муассасаларида шароит ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу сабаб рецидив жиноятчиликнинг сабабларидан биригина бўлиши мумкин.

Шунинг билан бирга, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг имкониятларини ошириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди, негаки ўёки бу жиноят содир бўлиши билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига мурожаат қилишга сабаб бўлади.

Бу жазонинг таъсир кучи, салбий хусусиятлари етарлича ўрганиб чиқилмасдан озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлланиши ҳам тўғри бўлмайди. Бу жазонинг самарадорлигининг паст кўрсаткичдаги бир қатор ижтимоий ва иқтисодий сабаблардан эканлиги маълум. Шахс жиноят содир этиш вақтида жазоланишдан кўркишга нисбатан фойда олиш мақсади устунроқ туриши ҳолатлари жиноят содир этилишига сабаб бўлганлиги кузатилади. Ёки бошқача айтганда, шахс жиноят содир этиш вақтида жазоланмай қолишлиги тушунчаси кўпроқ ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бундай жиноятчи ўзини аксарият ҳолларда тасодифан маълум шароитларга кўра ёки ўзининг лаёқатсизлиги сабабли қўлга тушганман, деб ҳисоблаиди ва ачинарлиси шундаки, кейинги сафар бундай лаёқатсизликка йўл қўймайман, деб ҳисоблаши ҳам учраб туради ва шундай ҳолатлар рецидив жиноятчиликка сабаб бўлади. Айрим ҳолларда шахс жиноят содир қилиш вақтида мен тўғри қиляпман, ҳаёт ўзи шундай ёки бу замон талаби деган ҳолатлар ҳам кўп учрайди. Бундай ҳолларда маҳкумга таъсир этиш жиддий қийинчиликларга сабаб бўлади, маҳкумни но-тўғри фикр юритаётганлигига ишонтириш ўта мушкул бўлади. Бундай ҳолларда маҳкум ўзини жазони цжро этиш муассасасининг маъмурияти ишончига кириши, ўзининг фикри ўзгарган қилиб кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Ҳамма шунга ўхаш ҳолатлар жазонинг самарадорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлади.

Лекин жазо шахсга ижобий таъсир этганида ҳам унинг кейинги озодликка чиққан давридаги шарт-шароит, унинг атрофлаги мухит ёки у ўзининг илгариги даврасига қўшилиб қолганлиги ҳолатларида шахсга салбий таъсир қилиш ҳолатлари юқорироқ ҳисобланади. Бундай таъсирнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд албатта. Жумладан, шахс жазоланиш даврида жазонинг кулфатларини қандай ҳис этганлиги, қилмишидан пушаймон бўлганлиги ёки умуман таъсир этмаганлиги бундай шароитларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолатларда шахснинг иродавий хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шахснинг иродаси қанчалик кучли бўлиши унинг салбий дунёқарашининг ўзгаришига шунча таъсир этиши мумкин.

Шунинг учун жазодан озод этилганларнинг ахлоқий хусусиятларига таъсир этувчи ҳолатларни қўйидагиларга бўлиш мумкин: а) жазонинг ва жазони ижро этиш муассасаларининг ахлоқка таъсири; б) озод этилган маҳкумларнинг кейинги мухити; в) шахснинг иродавий ёки ахлоқий хусусиятлари; г) вужудга келган ҳаётий хусу-сиятлар.

Юкоридаги таъкидланган хусусиятларнинг тўгри талқин қилиниши натижасида шахснинг кейинги ахлоқий хусусиятлари белгиланади. Бу хусусиятлар талкинининг салбий кўрсаткичлари маҳкумнинг жазони ўтаб чиққанидан кейинги, ҳаётининг дастлабки уч йилининг ўзида аникланиши мумкин. Жазони ўтаб чиққанларнинг ярмидан кўпроқ қисми дастлабки уч йил ичидаги жиноят содир этиб, жазони ижро этиш жойларига қайтганларини ташкил этади. Бундай шахсларнинг аксариятлари дастлабки уч йилнинг иккинчи ёки учинчи йилида жиноят содир этганликлари кузатилади. Бундан хулоса қилиб, ўталган жазонинг таъсир кучи шахсга маълум муддатгача ижобий таъсир этиб келади.

Жазонинг, айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самародорлигини талқин қилишда биз яна бир ҳолатга ҳам алоҳида аҳамият беришимиш лозим. Жумладан, илгари жазо ўтаб чиққан шахсларнинг аввалги ва кейин содир этган жиноятларини ўзаро таққослайдиган бўлсак, аксарият ҳолларда шахснинг кейинги содир этган жинояти аввалгисига нисбатан оғир ёки ўта оғир жиноятни ташкил этади. Бунинг аксинчаси бўлиб, кейинги содир этган жинояти аввалгисига нисбатан енгилроқ жиноятни ташкил этган ҳолатлар камдан-кам ҳолларда учрайди. Бундай ҳолларда енгилроқ жиноят содир этганлар ҳам, узок вақт мобайнида жамиятдан ажратилган ҳолда сақланганлиги сабабли, жамиятдаги ёки кундалик турмуш шароитидаги ўзгаришларни англамаган ҳолда, бундай ўзгаришларнинг бузилишига йўл қўювчи хукукбузарликларни содир этганликларини кузатиш мумкин. Масалан, безорилик, жамоат тартибини бузувчи бошқа ҳолатлар, ўғрилик ва ҳоказоларни содир этганликлари кузатилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ижобий ёки салбий самародорлигини талқин қилиш натижасида маҳкумга таъсири юкори эмаслиги таъкидланади, лекин шахсни ахлоқан тузатишни, факат уларга нисбатан тушунтириш ишлари олиб бориш билангина амалга ошириб ҳам бўлмайди. Жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятни жиноятчиликдан ҳолос этиш учун ҳам бу жазони жазо тизимида ҳозирча сақлаб туриш зарур ҳисбланади. Шахснинг ижтимоий ҳолатларига путур етказган ёки ўта хавфли рецидивистларни очикда қолдириш ҳам тўғри бўлмайди. Бундай шахсларга фақат жамиятдан ажратилган ҳоллардагина ахлоқан тузатиш таъсир чораларини кўллаш мумкин. Жазони ижро этиш муассасаларида ҳам бундай шахсларни ахлоқан тузатиш учун алоҳида таъсир чораларидан ўта самарали фойдаланиш лозим. Фақат шундагина бундай шахсларга ахлоқан таъсир этиш мумкин бўлади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг самарадорлигини ошириш учун бу жазони, асосан, оғир ёки ўта оғир жиноят билан содир этгандаргагина қўлланиши яхши самара бериши мумкин. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки оғир бўлмаган жиноятларга бошқа жазолар билан ҳам ахлоқан тузатиш чораларини қўллаш яхши самара бериши мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини бошқа жазоларни қўллаш мумкин бўлмаган ҳоллардагина қўллаш мақсадга мувофик бўла олади. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллани жараёнида ҳам жазони индивидуаллаштириш, яъни ҳар бир шахснинг шахсидан келиб чиқсан ҳолда жазони қўллаш чораларини белгилаш лозим. Қонунга биноан (ЖКнинг 50- моддаси), озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланган шахсларнинг ҳаммасининг хукукий ҳолати бир хилда бўлмайди. Жумладан, жазони ижро этиш муассасаларида турига қараб маҳкумлар хукукий ҳолатлари ҳам бир -биридан фарқ килади. Суд бундай хукукий ҳолатларни ҳар бир жиноятнинг турига қараб, жиноятчининг шахсига қараб, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларга қараб белгилашлари лозим. Қонунга биноан суд қонунда белгиланганидан ортиқ жазо бериши мумкин эмас, лекин қонунда белгиланганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлашига йўл қўйилади (ЖКнинг 57- моддаси). Лекин суд амалиётида бундай қоида камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Шахси ахлоқан тузатиш мумкин бўлмаган ҳолларда, судлар бу қонунинг имкониятидан ҳам тўғри фойдаланишлари жазонинг самарадорлигини янада оширилишига ёрдам бера олади. Жазо турини қанчалик тўғри танлаш, шунчалик маҳкумни ахлоқан тузатиш имкониятларини оширади. Ҳар бир маҳкумнинг жазо турига алоҳида-алоҳида эътибор бериш ва маҳкумларни таснифланган ҳолда, уларга ахлоқан таъсир чораларини қўллаш имкониятларини ҳам яратиш жазонинг самарадорлигини янада ошириш имкониятини яратади.

## **2-§. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни таснифлаш тушунчаси ва моҳияти**

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг ахлоқан тузалишини тўғри белгилаш ва жазонинг самарадорлигини ошириш учун албатта, маҳкумларни тўғри таснифлаш лозим бўлади.

Маҳкумларни бир-бирига ўз хусусиятларига кўра яқин бўлган тоифага ажратган ҳолда таснифлаш, уларга нисбатан ахлоқий таъсир чораларини татбиқ қилиш ва уларни бир-бирига нисбатан салбий хусусиятларининг таъсир қилишлигининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Айниқса, биринчи марта жиноят содир этгандарнинг ёки ўшларнинг ахлоқан янада бузилиб кетишининг олдини олиш мақсадида маҳкумлар таснифланади.

Бундай таснифлашнинг ижобий хусусиятлари яна уларни ахлоқан тузатиш чораларини тўғри белгилаш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Маҳкумларни таснифлаш ўз мақсадларига кўра кўп киррали ва турли хилда бўлиши мумкин. Маҳкумларни таснифлаш камидан иккى марта амалга оширилади. Биринчи таснифлашни суд жазо тайинлаш жараёнида, уларни қандай тартибли жазони ижро этиш муассаса турини белгилаганда амалга оширилса, иккинчи таснифлаш маҳкумни колония маъмурияти томонидан қайси гурухга ажратганлигига қараб амалга оширилади. Бундан ташқари, маҳкум жазони ўташ жараёнида ҳам, унинг хуқуқий ҳолатининг ўзгарган вақтида ҳам таснифланиши мумкин. Маҳкумни қайси босқичда таснифланишидан қатъи назар доим унга нисбатан ЖКнинг 42- моддасида белгиланган жазонинг асосий мақсадига самарали эришиш мақсади қўйилади. Маҳкумни таснифлашда маҳкумларни гурухларга ажратиш мақсад килинار экан, бу ўз номи билан маҳкумнинг хуқуқий ҳолатини белгилаш деб ҳам аталиши мумкин.

Маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларига тақсимлаш ко-нунан амалга оширилар экан, бу масала ЖКнинг 50- моддасида белгиланган тартибда, шунингдек ЖИКнинг бир қатор тегишли моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЖКнинг 50- моддаси ва ЖИКнинг 58- моддаси талабларига биноан, маҳкумни энг аввало жинсига қараб ажратилади. Эркак жинсидаги маҳкумлар учун алоҳида жазони ижро этиш колониялари ва аёллар учун алоҳида жазони ижро этиш колониялари ташкил этилади. Маҳкумларни таснифлашнинг бу принципига доим риоя этилади, ҳатто маҳкумнинг хуқуқий ҳолатлари ўзгарган тақдирда ҳам бу вазият сакланиб қолади. Маҳкумларни бундай тамойил асосида ажратилган ҳолда саклаш ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ ҳисобланади, уларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларини, уларга бериладиган имтиёзларни ва хукукларни тўғри амалга ошириш учун имконият яратади. Ўн саккиз ёшга етган маҳкумлар вояга етмаган маҳкумлардан ажратилган ҳолда сакланади. Вояга етмаганларга нисбатан алоҳида турдаги жазони ижро этиш колонияларининг ташкил этилиши, уларга нисбатан тарбиявий чораларнинг алоҳида турларини жорий этиш имкониятларини яратади. ЖКнинг 85- моддаси ва ЖИКнинг 45- моддасига биноан, вояга етмаган, озодликдан маҳрум килинган маҳкумлар тарбия колонияларида сакланадилар. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида бу қоидага қатъий амал қилинади ва факат суд хукмига қадар шахс тергов хибсанасида сакланадиган ҳоллардагина бу қоидага риоя қилинмаслиги мумкин. Бу вақтда улар ҳали озодликдан маҳрум килинган ҳисобланмайдилар.

Турли жинслаги маҳкумларни бир-бирларидан ажратилган ҳолда саклаш, шунингдек, турли хилдаги ахлоқий, гигиена ва бошқа ижтимоий қоидаларга риоя қилишни ҳам енгиллаштиради. Маҳкумни ёшига нисбатан ажратилган ҳолда саклаш вояга етмаганларни катталарнинг, жиноятчилик соҳасида тажрибали маҳкумларнинг салбий таъсиридан саклаш имкониятларини яратади.

Маҳқумларни таснифлаш, шунингдек, бир катор руҳий, дунёқараши, маълумоти, бошқа хилдаги назарий ва амалий тажрибаларни умумлаштирилган ҳолдаги хулосаларга асосан ҳам амалга оширилади. Бундай таснифлашда маҳқумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик хусусияти, унинг шахси, илгари ҳам жиноят содир этганлиги, айб шакли каби ҳолатларига караб ҳам маҳқумлар бир-биридан ажратилган ҳолда сакланади.

ЖКнинг 50- ва 85- моддаларига асосан, маҳқумни юқорида таъкидланган хусусиятларга кўра, қайси турдаги озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасасига юбориш масаласини белгилайди. Бу қонунларда ўрнатилган тартиб қатъий бўлиб, унда шахснинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиги, унинг шахси, содир этган жиноятга нисбатан айб шакли каби ҳолатларга нисбатан ажратишлик белгиланган. Бу қонунга биноан, шунингдек, ўта хавфли рецидивистлар ва ўлим жазоси афв этилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахслар ҳам алоҳида сакланиши белгиланган. Қонунга биноан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва эҳтиётсизликдан содир этилган унча оғир бўлмаган жинояти учун озодликдан маҳрум қилинганлар манзил колонияларида сакланишиллари белгиланган. Бундан ташқари, жазо колонияларининг умумий ва қаттиқ тартибли колонияларидан ўтказилган маҳқумлар ҳам манзил колонияларига юборилиши мумкин.

Жазони ижро этиш колонияларида маҳқумларни тартиб-қоидаларига караб ҳам таснифланади. ЖКнинг 50- моддасининг 5 -кисмига биноан, манзил колониялар ҳамда умумий тартибли, қаттиқ тартибли колониялар мавжуд. Манзил колонияларда эҳтиётсизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жинояти содир этганлар сакланади. Умумий тартибли колонияларда унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлар ва биринчи марта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган маҳқумлар сакланади.

Қаттиқ тартибли колонияларда ўта оғир жинояти учун хукм қилинган ёки илгари қасдан содир этилган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқиб, яна қасдан янги содир этилган жинояти учун хукм қилинган шахслар сакланиши мумкин.

Махсус тартибли колонияларда ўта хавфли рецидивистлар, ўлим жазоси афв этилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган маҳқумлар сакланади.

Қонун айrim имтиёзларни ҳам назарда тутади, жумладан, жинсига караб аёллар эркакларга нисбатан жиддий имтиёзлардан фойдаланишларини белгилаб берган. Жумладан, аёлларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмайди. Бундан ташқари, аёллар озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида ҳам эркаклардан фарқ киласди.

Аёлларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жойларининг маҳсус тартибли тури қўлланилмайди. Уларни фақат умумий манзил колонияларда, тартибли ва қаттиқ тартибли озодликдан маҳрум қилиш жойларида саклаш мумкинлиги белгиланган. Аёлларнинг ўта

оғир жиноят содир этганларида ёки ўта хавфли рецидивист деб то-пилганды, уларга нисбатан қаттиқ тартибли колонияларда сақлашлик белгиланган. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиёtsизлик оқибатида унча оғир бўлмаган жиноят содир этган аёллар озодликдан маҳрум қилинганларида манзил колонияларда сақланадилар. Қолган ҳолларда озодликдан маҳрум қилинган аёллар умумий тартибли колонияларда сақланадилар.

Озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан турма қамогини татбиқ этиш мумкинлиги ҳам назарда тутилади. Турма қамогини татбиқ этишлик ҳам маҳкумларни таснифлашнинг яна бир тури деб эътироф этилади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигини эътиборга олган ҳолда суд озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муайян қисмини турма қамогида ҳам белгилашга ҳақли хисобланади. Турма қамогига озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташлик учун юбориш қатъий эмас. Суд жиноятчининг шахси, унинг ижтимоий хавфлилиги ва ахлоқан тузатиш қийинлигини инобатта олган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг маълум қисмигагина турма қамогини қўллаши мумкин бўла олади. Турма қамогига юбориш шартлари ҳам ЖКнинг 50- моддаси 7- қисмida белгилаб берилган. Жумладан, озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни турма қамогига юбориш озодликдан маҳрум қилиш жазосининг факат беш йилдан кўп бўлмаган қисмигагина татбиқ этилиши мумкин. Турма қамогига ўта хавфли рецидивистлар, оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар юборилиши мумкин. Турма қамогига юбориш масаласини суд маҳкумга хукм чиқариш жараённида белгилаб бериб, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг факат дастлабки қисмida ўташни белгилай олади.

Маҳкумларни таснифлашнинг кейинги босқичи озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларининг кимларга мўлжалланганлиги ва уларни жойларга юборилишини ҳал қилиш жараёнини ҳал қилиш даврида амалга оширишdir. Бугунги кунда Ўзбекистонда озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш учун мўлжалланган 49 та муассасалар мавжуд. Улардан 37 таси жазони ижро этиш ва тарбия колонияларини, 1 таси турма ва 11 таси тергов ҳибсонасини ташкил этади. 37 та колониялардан 12 таси манзил колонияларни, 3 таси умумий тартибли, 12 таси қаттиқ тартибли, 1 таси маҳсус тартибли, 1 таси озодликдан маҳрум қилинган хотин-қизларни сақлаш учун мўлжалланган колонияларни, 1 таси суд ва хукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг маҳкум этилган собик ходимларини сақлаш учун мўлжалланган колонияларни, 2 таси сил касаллиги билан касалланган маҳкумларни сақлаш учун ташкил этилган колонияларни, 1 таси бошка турдаги оғир касалларни даволаш учун мўлжалланган колонияни ва 2 таси вояга етмаганларни сақлаш учун мўлжалланган тарбия колонияларини ҳамда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлар сақланishi учун мўлжал-

ланган манзил колониялари ва умумий ҳамда қаттиқ тартибли колонияларга ўтказилган маҳкумлар учун 12 манзил колониялари мавжуд.<sup>1</sup> Маҳкумларни бу муассасаларга тақсимлаш масаласи ҳам уларни таснифлашнинг тури бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумларни бир-биридан ажратилган ҳолда саклаш уларнинг турли хил хусусиятларига кўра ҳам ҳал этилади. Жумладан:

а) биринчи марта эхтиётизликдан жиноят содир этган маҳкумлар алоҳида ажратиладилар;

б) биринчи марта қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки оғир бўлмаган жиноятни содир этган маҳкумлар;

в) биринчи марта қасддан оғир жиноятни содир этган маҳкумлар;

г) биринчи марта қасддан ута оғир жиноятни содир этган маҳкумлар алоҳида ажратилади;

д) илгари ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқканлар алоҳида ажратиладилар;

е) алоҳида хавфли рецидивистлар ҳам алоҳида ҳолда сакланадилар;

ж) ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилганида улар ҳам алоҳида сакланади;

з) фуқаролиги бўлмаган ва чет эл фуқаролари ҳам озодликдан маҳрум қилинганида алоҳида, ажратилган ҳолда сакланишлари лозим. Лекин бундай шахслар кўпинча бошқа шахслар билан бирга сакланганликларини кўрсак ҳам, лекин уларнинг хукукий ҳолатлари ҳукмда белгиланган чеклашлардан кам фарқланади. Юқорида таъкидланган маҳкумлар таснифи эркак жинсидаги маҳкумларга тўлиқ татбиқ этилади, лекин аёлларга ёки вояга етмаган маҳкумларга нисбатан эса маълум даражада ўзгарган ҳолда татбиқ этилади.

Вояга етмаган маҳкумларда маҳкумларнинг таснифланиши уларнинг жинсига қараб ҳам фарқланади. Жумладан, илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқкан маҳкумларнинг эркак жинсидагилар, яна озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилингандирида, кучайтирилган тарбия колонияларида саклансалар, вояга етмаган қизларга эса бу қоида татбиқ этилмайди. Қизлар нечанчи марта озодликдан маҳрум қилинган бўлишларидан қатъи назар умумий тартибли колонияларга юбориладилар.

Вояга етмаганларнинг таснифланиши аксарият ҳолларда ёшига нисбатан татбиқ этилади. Жумладан, ўн олти ёшгача бўлганлар алоҳида ва ўн олти ёшдан ошганлар алоҳида ажратилади.

Аёлларни таснифлашда колония тартиб туридан ташқари ҳомиладор ёки эмизикли ёш боласи бор аёллар озодликдан маҳрум қилинганида улар учун маҳсус имтиёзлар яратилади.

<sup>1</sup> Инсонпарварлик тамойиллари асосида. (Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш муассасалари фаолияти тўгрисида). «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 23 август.

Махкумларни таснифлашнинг юкорида таъкидланган турларини, одатда, хукукий таснифлаш деб юритилади. Махкумларни таснифлаш шу билан тугайди, деган гап эмас. Махкумларни таснифлаш уларни жазо ўташ жараёнида ҳам амалга оширилади. Жумладан, махкумларни жазо ижро этиш муассасаларига қабул қилиш жараёнида, жазони ижро этиш жараёнида, отряд ёки бригадаларга тақсимлаш жараёнида, махкумнинг режими тўғри ўзгартирилганида ва бошқа колонияларга ўтказилганида яна таснифланади. Конунга биноан, махкумлар жазони ўташ жараёнида тузалиш йўлига ўтганларида, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганларида уларни қаттиқ ва умумий тартибли колониялардан манзил колонияларига ўтказилиши мумкинлиги белгиланган. Ёки колониянинг ички тартиб-қоидаларига бўйсунмайдиган, сурункали тарзда тартиб-интизомни бузган махкумларга интизомий чоралар қўлланилганида ҳам махкумларнинг хукукий ҳолатлари ўзгариши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳам махкумлар қайта таснифланадилар.

Махкумлар билими, дунёкараши, руҳий муносабатлари ва ҳоказолар бўйича ҳам таснифланадилар. Бундай таснифлаш қоидалари ҳакида кейинги бобларда тўхталиб ўтилади.

Махкумларни таснифлаш, уларни ахлоқан тузатишни йўлга кўйишда, жазони индивидуаллаштириш масаласига ҳам ёрдам беради. Айнан махкумлар таснифланишига қараб уларга нисбатан жазонинг мажбўр тов чораларини алоҳида қўллаш имкониятлари яратилади.

### **3-§. Озодликдан маҳрум қилинган махкумларни таснифлаш жазони ижро этиш муассасаларининг хукукий муносабатларининг субъекти сифатидаги асосини белгилаш манбаидир**

Махкумларни таснифлаш қоидаларини ижро этиш муассасаларининг ахамиятини белгилаб бериш вазифасини ҳам бажаради. Жумладан, муассаса турини, унинг тартибини, махкумларни ахлоқан тузатиш восита ва услубларини йўлга кўйишда, муассаса маъмуриятининг ички тизимини тартибга солишда, махкумларни тақсимлаш ва уларга раҳбарларни белгилашда айнан махкумларни таснифлаш қоидаларига асосан ташкил этилади. Бунинг сабаби шундан иборатки, махкумларни таснифлаш натижасида уларнинг хукукий ҳолатлари белгиланади. Муассасанинг ички тизими ҳам муассасанинг айнан хусусиятига кўра ташкил этилади. Шунингдек, махкумларни суд томонидан таснифлашга асосан ҳамда муассасанинг қонунан турига биноан, хукуқ муносабатларининг тарафи сифатидаги мақоми белгиланади. Албатта, жазони ижро этиш муассасаларининг амал қилиш хусусиятларини ҳам ўрганиб чиқиш лозим.

Жазони ижро этиш муассасалари давлатнинг озодликдан маҳрум қилиш махкумларга нисбатан сиёсий, ижтимоий ва бошқа муносабатларини акс эттирувчи ташкилоти бўлиб ҳисобланади ва айнан

давлат томонидан ташкил этилади. Давлатнинг бу ташкилотлари бошқа ташкилотлардан фарқли жазони ижро этиш тизими органлари деб юритилади. Бу органларниң фаолият тартиблари ҳам давлатнинг ижро тизими негизида ташкил этилади ва шу йўналишда тугатилиши ҳам мумкин. Бу органлар орқали давлатнинг маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни жамиятдан ажратиш ва қайта тарбиялаш функциялари амалга оширилади.

Агар давлатнинг жазони ижро этиш тизимини соҳалари бўйича таҳлил қилинса, бу тизимни давлат аппарати тизимида, уларнинг фаолияти бевосита одил судловни амалга ошириш тизими билан узвий bogliq эканлиги намоён бўлади. Одил судлов мустақил ра-вишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXII бобига мувофиқ ташкил этилади ва ҳар қандай қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлардан ва сиёсий ёки жамоат ташкилотларидан мустақил, холи иш юритадилар. Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақил ҳокимият ҳисобланади.

Жазони ижро этиш давлат органи томонидан амалга ошириш орқали суднинг ҳукмини ижро этиш билан одил судловни амалга оширишни таъминлаб беради. Шунинг билан жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятлари ҳам одил судловни амалга оширишнинг маълум босқичини намойиш этадилар. Бу билан бу органлар суднинг одил судловини амалга ошириш фаолиятини таъминловчи функция сифатида иштирок этадилар.

Жазони ижро этиш муассасалари фаолияти одил судловни амалга оширишни таъминлаш органлари бўлиши билан бирга, улар ҳам ўз фаолиятларини жиноят қонунининг жазонининг вазифаларини ва суднинг ҳукмини амалга ошириш вазифасини таъминлайдилар. Лекин давлатнинг бундай фаолияти ҳам маълум бошқарувга асосланади. Аввало бундай тизим бошқаруви ўзларининг ички бошқаруви, ҳамда уларни назорат қилиш билан амалга ошириладиган бошқарув асосида ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш тизими Ички ишлар вазирлиги тизимида ташкил этилган. Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш муассасаларини ташкил этади, уларни бошқаради, уларнинг бошқарув тизимини белгилайди ва тугатади.

Жазони ижро этиш муассасаларини бошқариш Ички ишлар вазирлигининг маҳсус йўриклари ва буйруқларига мувофиқ амалга оширилади. Бундай йўриқ ва буйруқлар жазони ижро этиш қонунларининг амалга оширилиш вазифаларига мувофиқ бўлиши мумкин. Бу йўриқ ва буйруқлар жазони ижро этиш муассасаларининг ташкил этилиш ва тузилиш фаолиятлари билан бўлиши ҳам, худди шундай муассасаларнинг ички тартиб-коидалари билан боғлиқ бўлишлиги ёки маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатларини белгилаш билан боғлиқ ҳолда бўлишлиги ҳам мумкин. Лекин қандай йўриқ ёки буйруқ бўлишидан қатъи назар бу буйруқлар ва йўриклар айнан жиноят-ижроия қонунларини амалга оширилишига қаратилишидан иборат бўлиши керак. Жазони ижро этишни амалга оширишда бу муассаса-

ларнинг турли хилдаги тизимлари ташкил этилади ва бу тизимлар хам ўзларининг вазифаларини айнан жазони ижро этилишига қаратадилар ва уларнинг фаолиятлари хам бошқарувга асосланади. Бу тизим ва соҳаларни алоҳида талқин қилиниб, бу тизимни жазони ижро этиш тизими деб юритилади.

Жазони ижро этиш тизими ўз ичига дастлабки қамоқ уйлари билан бирга ташкил этилади ва уларни алоҳида-алоҳида тасаввур килиб бўлмайди. Уларни ташкил этиш масаласи ҳам маҳсус жазони ижро этиш қонунлари билан тартибга солинади. Жазони ижро этиш тизими давлат органлари тизимларига киритилиб, улар ҳам одил судловни таъминлашнинг ижро этиш масалаларини ҳал қиласди. Шунга мувофиқ жазони ижро этиш тизими дастлабки тергов ҳибс-хоналари билан биргаликда давлатнинг маҳкумларга бўлган муносабатларини акс эттиради. Жазони ижро этиш муассасалари ўз мохиятига кўра маҳкумларни ахлокан тузатиш, жамиятни бундай шахслардан ҳалос этиш каби вазифаларни амалга оширали.

Жазони ижро этиш тизими давлатнинг иқтисодий асослари билан боғлик ҳисобланиб, улардаги маҳкумлар меҳнати, уларнинг таълим тизими, уларни ташкил этилишининг иқтисодий муаммолари давлат томонидан бартараф этилиши лозим. Уларнинг мавжуд бўлиши жамиятдаги жиноятчиликнинг даражасига боялиқ ва, албатта бундай жойларнинг мавжудлиги ва аксинча жазони ижро этиш тизимининг мавжудлиги маълум даражада маҳкумларни таснифланishiга ҳам боғлик. Жумладан, ҳар бир тоифадаги маҳкумлар учун жазони ижро этиш ва тарбия колониялари мавжуд. Турма қамоги эса юкорида таъкидланганидек, маҳкумлар таснифи факат камера типидаги хоналарнинг ташкил этилишига таъсир этиши мумкин, холос.

Жиноят кодексининг 50- моддасига биноан 18 ёшга етган ва озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони ижро этиши колонияларида сакланадилар. Бу колониялар жазони ижро этиш муассасаларининг тури деб юритилади. Вояга етганлар учун бошқа турдаги жазони ижро этиш муассасаси турма қамоги бўлиши мумкин. Конунга биноан озодликдан маҳрум килиш жазосининг асосий ижро этиш муассасаси бу колониялар ҳисобланади. Турма қамогида эса маҳкумларнинг айрим тоифадагиларигина сакланади.

Жазони ижро этиш колониялари ҳам манзил колонияларига, умумий, қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларга бўлинади. Бу колонияларнинг номланиши ҳам айнан маҳкумларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаларига кўра фарқлаш имкониятларини яратади. Жумладан, умумий тартибли, қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларга факат суднинг айблов ҳукмига биноан юбориш мумкин бўлса, манзил колонияларига эҳтиётсизликдан жиноят содир этганлар, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган маҳкумлар озодликдан маҳрум қилинганларида юборилади. Аёлларни эса ҳатто оғир бўлмаган жиноят содир этганларида ҳам манзил колонияларига юборилишилари мумкин. Бундан ташқари, жазони ўтани жараённида ту-

залиш йўлига ўтган, меҳнатга ҳалол муносабатда бўла оладиган маҳкумларни умумий ва қаттиқ тартибли колониялардан, жазонинг маълум қисмини ўтаб бўлганидан кейин суднинг ажримига биноан, манзил колонияларига ўтказилишлари ҳам мумкин. Манзил колонияларидан маҳкумларнинг хуқукий ҳолатлари озод шахсларнинг шароитига жуда яқинлаштирилган шароитларга эга бўла олади. Шунинг учун ҳам бу жойларга эҳтиётсизликдан жиноят содир этганларнинг ҳаммаси, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахслар юбориладилар. Манзил қолонияларидаги маҳкумларнинг хуқукий ҳолатлари алоҳида ўрганилади.

Умумий тартибли колониялардаги маҳкумларнинг хуқукий ҳолатлари манзил колонияларидаги маҳкумларнинг хуқукий ҳолатларидан фарқ қиласди ва бу турдаги колонияларда қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахслар сакланадилар. Бу турдаги колонияларнинг эркаклар учун алоҳида ва аёллар учун алоҳида турлари мавжуд. Албатта, аёллар учун ижтимоий ҳолатларнинг енгиллаштирилган хуқуклари инобатга олинади ва шунинг учун ҳам умумий тартибли колонияларга аёлларнинг деярли жуда катта қисми юборилиши мумкин. Жумладан, оғир жиноят содир этганларида нечанчи марта озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинишидан катъи назар умумий тартибли колонияларга юбориладилар.

#### **4-§. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни ташкил этиш**

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этилиши Ички ишлар вазиригининг Жазоларни ижро этишнинг Бош бошқармаси томонидан ташкил этилади. Бош бошқарма жазоларни ижро этиш муассасаларини ташкил этади, уларни бошқаради, ўзгартиради ва тугаллаш вазифаларини ҳам амалга оширади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида муассаса маъмурияти қонун-нормаларининг бажарилишини таъминлайди. Бу борада маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш учун меҳнат жамоаларидан, мураббий ва иш ўргатувчи муҳандислик фаолиятларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Муассаса маъмурияти ходимлари иш хизмати ходимлари хисобланади.

Тергов хибсоналари маъмуриятлари жазони ижро этиш муассасалари ходимлари туркумига киради. Жумладан, тергов хибсона маъмурияти томонидан маҳкумларни колонияларга жўнатиш ишлари ташкил этилади. Айнан жазони ижро этишни ташкил этишда, маҳкумларни тергов изоляторлари томонидан жазони ўташ жойларига жўнатиш жараёни катта аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти, биринчидан, жазони ўташ муассасаларида маҳкумлар сонининг ортиб кетмаслиги ёки бошқасида камчиликларни ташкил этиб қолмаслигидан иборат бўлса, иккинчидан қонуний кучга кирган суд хукмida кўрсатилган

мажбуров чораларини ўз вақтида құллашни таъминлашда мухим аҳамияттаға эга бўла олади.

Қонунга биноан тергов ҳибсонаси маъмурияти ҳукм қонуний кучга кирганлиги хақидаги суднинг хабарномасини олган кундан бошлаб ўн кун ичидә жазони ўташ жойига жұнатиши лозим. Бу ўн кунлик муддат ичидә маҳкумнинг тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилади, маҳкумни жұнатиши тартиб-коидалари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка әришганидан бери маҳкумлар давлатимиз худудидаги жазоларни ижро этиш муассасаларида ўтамоқдалар. Бу эса тергов ҳибсоналари билан колонияларнинг ишларини мувофиқлаштириш учун яхши имкониятлар яратади. Бундай имкониятлар натижасида колониялардаги маҳкумларнинг сони кўпайиб кетишининг олди олинмоқда. Бу масалаларни тартибга солиш мақсадида Жазони ижро этиш Бош бошқармаси ҳисобга олиш ва мувофиқлаштириш бўлинмалари ташкил этилган.

Маҳкум ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг, жазони ўташ учун жұнатилгуннига қадар яқин қариндошлари ёки оила аъзолари билан қисқа муддатли дийдор қўришишига рұхсат берилади. Маҳкумнинг қаерга жұнатилаётганлиги унинг оила аъзоларига хабар қилинади. Хабар бериш маҳкум тегишли жойига жұнатилганидан сўнг, уч кунлик муддат ичидә амалга оширилади. Хабарда муассаса манзили ва қачон жұнатилганлиги маълум қилиниши лозим.

Маҳкумни жазони ўташ жойларига жұнатиши Ички ишлар вазирлигининг маҳсус йўриқномаларига биноан амалга оширилади. Жумладан, конвой белгиланади, бу конвой маҳкумни, унинг шахсий ҳужжатларини қабул қилиб олади, белгиланган колонияга олиб бориб топширади, конвой маҳкумни олиб бориши топшириш коидаларига биноан амалга оширади. Маҳкумни олиб боришида автотранспорт ёки темир йўл хизматидан фойдаланилади. Маҳкумларни олиб боришида эркаклар, аёллар, вояга етмаганлар, рецидивистлар, ұлим жазосига ҳукм қилинганлар алоҳида-алоҳида олиб борилади. Шунингдек, соғлом ва касал маҳкумлар ҳам алоҳида-алоҳида олиб борилиши лозим. Зарур ҳолларда касал маҳкумлар маҳсус тиббиёт ходими назоратида олиб борилиши лозим. Маҳкумларни алоҳида-алоҳида олиб бориши, асосан, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва қочиб кетиши мумкинligини олдини олиш мақсадларида амалга оширилади.

Маҳкумларни колонияга олиб боришида улар маҳсус мавсумга мувофиқ кийим-бош билан таъминланадилар ва маҳсус таъминот белгиланади. Сарфланадиган йўл харажатлар давлат ҳисобига кўра амалга оширилади.

Маҳкумни жазони ўташ муассасаларига қабул қилиш жазони ижросини ташкил этишнинг маҳсус босқичи бўлиб ҳисобланади. Айнан маҳкумни қабул қилиш ва унга нисбатан мажбуров чораларини тўғри белгилаш ахлоқан тарбиялашни таъминлашнинг асосий мезони бўлиб ҳисобланади.

Маҳқумларни колонияларга қабул қилиш Ички ишлар вазирлигининг тегишли норматив хўжжатларига асосан белгиланади. Қабул қилишнинг асосини суднинг айблов ҳукми ташкил этади. Айнан ҳукмла кўрсатилган айбловга мос келганидагина маҳқумни колонияга қабул қилинади.

Маҳқумнинг шахсини, хулқ-авторини, шахсий хўжжатларини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигини ўрганиш учун унинг келиб тушганидан бошлаб ўн беш суткагача вақт белгиланади. Бу даврни маҳқумнинг коронтин даври деб юритилади. Бу коида манзил колонияларидагиларга, тергов хибсхоналарининг хўжалик хизматига қолдирилганларга ва турмага юборилганларга нисбатан тагбиқ этилмайди.

Маҳқумларни ўрганиш даврида уларга колониядаги ички тартиб-коидалар тушунтирилади, уларнинг мажбуриятлари ва хукуклири ҳакида тушунтириш ишлари олиб борилади. Бу даврда мажбурий тартибда маҳқумлар шахсий тинтувга ва тиббий кўрикдан ўтказидаилар. Маҳқумни ўрганиш даври тугаши билан уларни отряд ва бригадаларга таксимлайдилар.

Маҳқумларни қабул қилиш амалга оширилганидан сўнг унинг отряди, бригадаси, манзили ҳакида шунингдек, унга берилган имтиёзлар жумладан, лийдор кўришув, посылка ва бандероллар ва хат ёзишмалари ҳакида маълумотнома унинг оиласига ўн кун ичida хабар қилиниши лозим. Маҳқум қайси колонияда жазо ўтаётганлиги ҳакида хукм чиқарган суд хабардор қилиниши лозим.

Одатда, маҳқум жазонинг бутун муддатини битта муассасада ўтиши лозим. Лекин бу маҳқумни бошқа жазони ўташ муассасасига ўтказиши мумкинлигини ҳам инкор этмайди. Бундай ўтказилиш, одатда, турли хилдаги тартиб-коидали колонияларга ўтказилишини назарда тугади. Маҳқумлар бошқа турдаги колонияларга, одатда, рағбатлантирилиш натижасида ўтказилиши мумкин. Маҳқумлар шароитининг бундай ўзгартирилиши ЖИКнинг 104- моддаси талабларига биноан амалга оширилади. Бундай ўзгариш, умумий ва қаттиқ тартибли ҳамда тарбия колониялардан манзил колонияларига ўтказиш вактларида юз беради. Лекин бундай ўтказиш тартиби ҳам алоҳида қонунлаштирилган. Жумладан, маҳқумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хусусияти ва унинг хулқ-автори бу масалани ҳал этишда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Маҳқумнинг содир этган жинояти ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни ташкил этганида умумий жазо муддатининг камида учдан бир қисмини, оғир жинояти учун эса жазонинг камида ярмини, ўта оғир жинояти учун эса учдан икки қисмини ўтаганидан сўнггина суднинг ажримiga асосан ўтказилиши мумкин. Айрим ҳолда бир турдаги колониялардан шу турдаги колонияга ўтказилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Лекин маҳқумни бундай колониядан колонияга кўчириш унинг хавфсизлигини тъминлаш, жазони ўтаётган колониянинг тугатилиши ёки тартиб-коиласининг ўзгартирилганлити, ёки маҳқумнинг соэлигининг

ёмонлашганлиги туфайли булиши мумкин. Лекин бир турдаги бошқа колонияга ўтказиш сабаблари, албатта асослантирилиши лозим. Жумладан, маҳкумнинг хавфсизлигига жиддий путур етказилиши мумкин бўлган тажовуз ёки маҳкумнинг саломатлиги ёмонлашганлиги ҳақида асосли тиббий хulosалар мавжуд булиши лозим. Маҳкумни бир турдаги бошқа колонияга ўтказиш колония бошлигининг тақдимномасига биноан, Жазоларни ижро этиш муассасаларининг Бош бошқармаси томонидан амалга оширилди.

Жазони ижро этиш колонияларида маҳкумлар турли хил тоифалариға кўра бир-бирларидан ажратилган ҳолда сакланадилар. Жумладан, эркаклар аёллардан, вояга етмаганлар вояга етсанлардан, биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганлар илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чикқанлардан ажратилган ҳолда сакланадилар. Бундай ажратилган ҳолда саклашнинг бир қанча сабаблари мавжуд. Жумладан, маҳкумларнинг тоифаларига қараб тарбиявий чораларни белгилаш уларнинг шароитларини белгилаш ҳамда назорат қилиш услубларини қуллашда бундай ажратиб саклаш катта аҳамиятга эга хисобланади. Жумладан, вояга етмаганларнинг ўкув ва билим олишларини ташкил этишда, уларнинг меҳнатларини ташкил этишда катта ёшдагилар билан бирга сакланганларида имконият бўлмаслиги мумкин. Ёки аёлларнинг шароитларини алоҳида инобатга олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам уларни алоҳида саклаш мақсадга мувофиқ хисобланади. Шунингдек, илгари ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чикқанларнинг таъсиридан саклаш мақсадида биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганларни ҳам алоҳида ажратилган ҳолда саклаш мақсадга мувофиқдир.

Фақатгина аёллар колонияларда илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чикқанлар биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганлар билан бирга сакланишларига йўл қўйилиши мумкин. Лекин бундай ҳолда ҳам колония худудида уларни алоҳида ажратиб саклаш чораларини кўриш лозим.

Маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигига кўра ўта хавфли рецидивистлар, ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилганлар ҳам алоҳида сакланадилар. Бу тоифадаги маҳкумларга қўлланиладиган мажбурлов ва тарбиявий чоралар ҳам бошқаларни кидан фарқ қиласди.

Бу тоифадаги маҳкумлар маълум муддатга ҳатто бир-бирларидан ҳам ажратилган ҳолда сакланишлари ҳам мумкин. Бу тоифадаги маҳкумлар учун маҳsusлаштирилган колониялар ташкил этилади.

Қоидага биноан маҳкумларни ажратилган ҳолда саклаш тартиби суд-хукуқ органларининг собиқ ходимларига ҳам алоҳида татбиқ этилади. Бу тоифадаги маҳкумларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам бу қоидани қўллаш лозим. Бу турдаги жазони ўташ колонияларига яна бошқа, масалан, мансабдорлик жиноятларини содир этиб, озодликдан маҳрум қилинганлар ҳам юборилишлари мумкин.

**Жазоларни ижро этиш тизимида маҳсус таносил ёки бошқа юкумли касалларни сақлаш учун мұлжалланган жойлар ташкил этилади.** Бундай жойларга айнан түрли хилдаги юкумли касалларни озодликдан маҳрум қилиш жазосини үташ учун юборадилар. Юкумли касалларни соғлом шахсларга касалликнинг юқишини олдини олиш мақсадида, бундай касаллар ҳам алоҳида, ҳатто бир-бирларидан ҳам алоҳида ҳолда сакланадилар. Бундай тоифадаги маҳкүмларни сақлаш жойларида уларнинг режим турларига риоя қилиш имконияти деярли йўқ. Уларнинг қандай турдаги жазони ижро этиши режим туридан қатъи назар шундай жойда сақланишлари керак. Бундай маҳкүмларнинг режим турлари факат уларга берилиши мумкин бўлган дийдор кўришув, посиљка, йўклов ёки бандерол олиш масаласидагина уларга ҳукмда белгиланган тартиб-коида шартлари татбиқ этилиши мумкин.

Қонунга биноан, ажнабий ёки фуқаролиги бўлмаган маҳкүмлар ҳам алоҳида сақланишлари лозим. Бундай холларда ҳам режим қоидаларини тўлиқ татбиқ этиш имкониятларини таъминлаш қийинчиликларга сабаб бўлади.

## **5-§. Жазони ижро этиш муассасаларида режим**

Жиноят қонунчилигида озодликдан маҳрум қилиш жазосини үташ жойларининг тартиб-коидаларини белгилашда «режим» сўзи ишлатилади. Лекин ЖКнинг 50- моддаси озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчасини ифодалашда «тартиб» сўзи билан ифодаланганлигини ҳам кўриш мумкин. Бу ҳар иккала ибора ҳам бир маънони англатади. Режим сўзи тартиб сўзига ҳам тўғри келиши мумкин. Лекин режим қаттиқлик, озодликдан маҳрум қилинган шахслар учун алоҳида қоида ўрнатилганлигини англатади.

Амалдаги қонунларга биноан, аввалги қонунчиликдан фарқли равишда озодликдан маҳрум қилишнинг режими қоидаларига жиддий ўзгариш киритилганлигини кўриш мумкин. Жазони үташ ва ижро этишнинг умумий қоидалари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг режими тушунчасини белгилаб беради.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ташкил қилишда ва уни үташни белгилашда айнан режим катта аҳамияти эгадир. Жумладан, жазонинг мақсадини амалга ошириш маҳкүмнинг ва унинг содир этган жиноятининг хавфлилигига давлат муносабатини белгилашда айнан режим қоидаларининг белгиланиши катта аҳамият касб этади. Маҳкүмни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашда жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-коидаларининг түрли хилда ташкил этилганлиги режимнинг бир-биридан фарқ қилишлигидан далолат беради. Маҳкүмнинг жазони үташ шароитининг ўзгартирилиши деганда ҳам режимнинг ўзгарганлиги англаради. Конунга биноан, маҳкүмни жазони үташ жараёнида турма қамоғини жазони үташ колонияларига, умумий ёки қаттиқ тартибли колония ўрнига манзил колонияларига ўтказиш мумкинлиги белгиланган. Бундай ўзгариш, асосан, режимнинг ўзгартирилганлигини англаради.

Жазони ижро этиш муассасаларида режим **ЖИК**нинг 62-модда-сида белгиланган талабларга мувофик ташкил этилади. Режим озодликдан маҳрум қилиш жазосини ташкил этиш ва ўташ жараёнида маҳкумларни жамиятдан ажратиш, уларни қўриқлаш ва назорат қилиш, уларга белгиланган мажбуриятларни амалга оширилишини тъминлаш, уларнинг хукуқларини кафолатлаш, маҳкумларнинг ва маъмуриятнинг хавфсизлигини тъминлаш, турли тоифадаги маҳкумларни бир-биридан ажратиш ва ҳоказозяарни ҳал этишда режимнинг аҳамияти катта хисобланади. Режим маҳкумларни ахлоқан тарбиялашда турли хил шароитларни яратиш манбаи вазифаларини ҳам бажаради.

Режим талабларига мувофик жазони ижро этиш муассасаларида ички тартиб-коида талаблари белгиланади ва у тартиб-коидага барча маҳкумлар ҳам, маъмурият ҳам бўйсуниши талаб этилади. Ички тартиб-коида **ЖИК** нормаларига биноан ва Ички ишлар вазирлигининг маҳсус инструкциявий йўриқлари ва буйрукларига мувофик белгиланади. Бу тартиб-коидага биноан маҳкум учун рухсат этилаган кийим-кечак, зарур буюмлар рўйхати, ҳар бир маҳкумга белгиланган ётиш-туриш жойи ва ҳоказолар айнан ички тартиб-коида талабларida белгиланади. Бу коидалар ҳам муассасанинг режим турларига қараб белгиланади. Масалан, турма қамогида белгиланган режим талаблари маҳсус ёки каттиқ тартибли колонияларда белгиланган тартиб-коидадан ёки колонияларнинг барча турларидаги режим коидалари ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Ҳар бир жазо ижро этиш муассасаларида маҳкумларни назорат қилиш, текшириш ёки қўриқлаш коидалари ҳам айнан режимнинг хусусиятига мувофик ташкил этилади. Маҳкумларни назорат қилиш ва текширишда турли хилдаги техникавий воситалардан фойдаланишларига рухсат этилади, жумладан, электрон техник воситалар, ав-лиовизицал воситалар, кузатиш асбоблари ва ҳоказолардан фойдаланишлари мумкин. Лекин маъмурият бу ҳақда, албатта, маҳкумларни огоҳлантириши шарт бўлиб хисобланади. Бундай назорат, асосан, маҳкумларнинг хавфсизлигини тъминлаш уларнинг қочиб кетишларининг олдини олиш ёки бошқача хукуқбузарлик содир этишнинг олдини олиш мақсадида ўрнатилади.

Амалдаги жиноят-ижроия конунчилигига биноан, маҳкумларни назорат қилишнинг тинтуб қилиш ва кўздан кечириш тартиб-коидаси ҳам ўрнатилган. Маъмурият маҳкумнинг яшаш ёки иш жойини маҳкум йўклигига тинтуб қилишга ҳакли. Маҳкумлар борлигига эса кечиктириб бўлмайдиган холатларда тинтуб қилишга йўл қўйилади. Маҳкумни шахсий тинтуб қилишни маъмурият хоҳлаган вақтида ўтказиши мумкин. Шахсий тинтуб қилиш маҳкум билан бир жинсда бўлган шахс томонидан ўтказишга рухсат этилади. Шунингдек, маҳкумнинг буюмларини маъмурият хоҳлаган вақтида кўздан кечириши мумкин. Маҳкумдан тортиб олинган буюмлар маҳкум жазони тўлиқ ўтаб бўлганига қадар саклаб қўйилиши ва озод этилганида

қайтариб берилиши ёки давлат ҳисобига ўтказиб юборилиши, ёхуд йўқ қилиб ташланиши ҳам мумкин. Агар бу буюмлар давлат ҳисобига ўтказиб юбориладиган бўлса, маҳсус баённома билан расмийлаштирилади ва бу баённома прокурор томонидан тасдиқланиши керак бўлади. Маҳкумни, унинг буюмларини ёки муассасада бўлган бошка шахсларни ҳам кўздан кечириш мумкин Бунда, албатта, ички хавфсизлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида амалга оширилади. Кўздан кечириш тинтувдан фарқ қиласди. Кўздан кечиришда маъмурият талабига кўра барча буюмларни ва чўнтақда бўлган нарсаларни тақдим қилишни назарда тутади. Бундай талаб рад этилганида эса мажбурий тинтув ўтказилишига ҳам йўл қўйилади. Ҳар бир муассасада маҳкумларни назорат килиш, уларнинг хукуқбузарлик ёки жиноятларининг олдини олиш ёки содир этилган жиноятларини аниқлаш мақсадида тезкор қидирав фаолияти ташкил этилади. Тезкор қидирав фаолияти маҳкумлар муассасадан қочганида уни ушлаш чораларини кўради. Агар маҳкум умумий режимдан қочган бўлса, у қаттиқ режимли муассасага ўтказилади. Ушланган маҳкумларни бошка маҳкумларга ўрнак бўлишилиги мақсадида шу муассасага олиб келинади.

Тезкор қидирав фаолияти муассасада маҳкумлар ва муассаса ходимларининг хавфсизлиги чораларини ҳам амалга оширади. Уни назорат қилиш, қўриқлаш ҳатто соқчилик фаолиятларини ҳам амалга оширишлари мумкин. Маҳкумлар ёки ходимларнинг хавфсизлиги ҳолатлари бузилганида ёки бузилиш хавфи туғилганида ўқотар курол қўллашга ҳам рухсат этилиши мумкин.

Тезкор қидирав фаолияти муассаса маҳкумларнинг жиноятларини фош этиш ва дастлабки терговни амалга оширишда катта фаолият олиб боради. Жумладан, маҳкумларни содир этган жиноятларини, унинг муассасага тушгунга қадар содир этган жиноятларини аниқлайдилар, суриштирув ва ҳатто тергов ишларини ҳам амалга оширадилар. Маҳкумларнинг илгариги жиноятларини аниқлаш тергов органдарининг сўровномалари асосида амалга оширилиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида фавқулодда ҳолатларда «фавқулодда шароит» эълон қилиниши мумкин. Бундай вактларда ҳам тезкор қидирав фаолиятидан фойдаланилади. Тезкор қидирав фаолияти ташқаридан жиноят қидирав бўлимлари фаолиятидан ёрдам кучлари олишлари ҳам мумкин. Фавқулодда шароит ҳолатлари вакти муассаса бошлиғи томонидан бир ойгача муддатга эълон қилинади ва шу вактда алоҳида қоида жорий этилади. Бундай шароитларда муассаса режимига вактинчалик ўзгаришлар кириши мумкин. Тезкор қидирав фаолияти Ички ишлар вазирлигининг маҳсус буйруқ ва ўйриклари асосида фаолият олиб боради.

Муассасада хавфсизликни таъминлаш ва маҳкумларни тинчлантириш мақсадида бир қатор восита ва усуллардан фойдаланишга йўл қўйилади. Жумладан, резина таёклар, кўл кишанлар, хизмат итлари, тинчлантириш кўйлаги, сув пуркагич ва ҳатто ўқотар курол воситасидан ҳам фойдаланишга йўл қўйилади. Лекин бу воситаларни қўллаш

масалалари ҳам алохиди қонунлаштирилган. Жумладан, тинчлантириш күйлаги маҳсус резинадан эмас, оддий қаттиқ материалдан қилинади. Уни күллаш маҳсус тиббиёт ходими иштирокида, факт икки соатгача ишлатишга йўл қўйилади. Агар тиббиёт ходими, мумкин эмас, деган хulosага келса, тинчлантириш кўйлагидан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Тинчлантириш кўйлаги вояга етмаганларга, аёлларга, юрак касалларга ва соғлиғи кўтармайдиган маҳкумларга қўлланилмайди. Резина таёқчалар, қўл кишанлар, хизмат итлари, сув пурка-гичлари ички хавфсизлик шароитларида ишлатилади. Ички хавфсизлик шароитларига маҳкумларнинг хужуми, оммавий тартибсизликлари, маҳкумларнинг қочиши хавфининг туғилиши каби ҳолатлар тушу-нилади. Маҳсус воситаларни бошқа зарур ҳолларда қўллашга йўл қўйилади. Маҳсус воситаларни вояга етмаганларга, ҳомиладор аёлларга, касаллиги аниқ кўриниб турган маҳкумларга, нафақа ёшидаги-ларга қўлланилмайди. Лекин уларнинг ҳам оммавий ёки гуруҳ тар-кибида таҳдид ёки хужум қилишлари бундан мустасно.

Маҳсус воситалар қўлланилганда маҳкумларга етказилган заар-нинг ҳар бир ҳодисаси ҳакида маҳсус прокурорларга хабар қилина-ди. Бундай оқибатлар жавобгарликка асос бўла олмайди.

Муассаса хавфсизлигини таъминлаш жараённида ўқотар қуролдан фойдаланиш маҳсус қоидалар билан тартибга солинади. Жумладан, бошқа воситаларни қўллаш хеч қандай натижа бермаганида ёки бошқа воситаларни қўллашнинг иложи бўлмаганида ўқотар қуролдан фой-даланилади. Ўқотар қуролдан маҳкумларнинг ёки муассаса ходимла-рининг, ёхуд бошқа шахсларнинг ҳаёти, ёки соғлиғига таҳдид солув-чи хавф туғилганида, маъмуриятга хужум ишлатилганида, иншоот ёки транспорт воситалари, ёхуд бошқа маҳкумлар гаровга олиниб уларни озод қилиш чогида, муассасага, ёки маҳкумларга, ёки муассасага уюштирилганда ва ҳоказо ҳолларда қуролдан фойдаланишга йўл қўйилади. Қуролдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш талаб эти-лади. Бундай қоида жиноят-ижроия қонуни ва бошқа маҳсус инст-рукциялар билан тартибга солинади. Қурол ишлатиш, албатта, огох-лантирувчи ўқ узиш билан ишлатилиши лозим. Лекин шундай вази-ятлар ҳам бўладики, бундай вазиятларда огохлантирувчи ўқ отишга имконият бўлмайдиган вазиятлар. Бундай вазиятларга қўққисидан қилинган хужум, қуролли ёки маҳсус жанговар техника воситалари-дан, учиш аппаратлари ёрдамида ва бошқа қайтариб бўлмас восита-лардан фойдаланган ҳолда хужум жараёнларида огохлантирувчи ўқ отиш талаб этилмайди. Шунингдек, гаровга олингандарни қўққисидан хужум қилиб кутқариш чогида, тунда ёки қоронфиликда ҳам қўққисидан хужум қилиш чогида огохлантирувчи ўқ отиш талаб этилмайди. Ўқотар қурол қўлланилган ҳолат маҳсус баённома тузи-либ, тегишли прокурорга хабар қилинади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг режим турига қараб маҳ-кумларнинг хукукий ҳолатлари бир-биридан фарқ қиласди. Уларнинг хукукий ҳолатлари маҳкумлар шароитидан тортиб уларга сарфлана-

диган сарф-харажатларда, уларнинг озиқ-овқат ёки энг зарур нарсаларни сотиб олишларининг чегараланган кийматларида, маҳкумларга бериладиган дийдор кўришувлар ва телефон орқали сўзлашувларга рухсат бериш, маҳкумларнинг олишига рухсат бериладиган посилка, йўклов, бандерол ва пул жўнатмалари муассаса бухгалтериясидаги маҳкумнинг хисоб варакасидан келиб тушади. Хат олиш ва жўнатиш ҳолатларининг белгиланиши ҳам режимнинг турига қараб фарқ килади.

Маҳкумларга озиқ-овқат ва энг зарур буюмлар сотиб олишда ўзларининг хисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан сарф қилишга рухсат этилади. Уларнинг хисоб рақамидаги жамғарма ўзларининг мажбурий меҳнатдан топган даромадлари ёки яқин қариндошлари томонидан жўнатмалари ҳисобига ташкил этилиши мумкин. Бу харажатлар ҳам маҳсус белгиланган кийматдан ошмаган ҳолда харажат қилишга рухсат берилади. Белгиланган харажатлар киймати рафбатлантириш йўли билан қўшимча харажатларга рухсат беришга йўл қўйилиши мумкин. Жумладан, маҳкумларни енгиллаштирилган саклаш шароитига ўтказилганида, меҳнат режаларини ошириб бажарганида, турли хил байрамларда белгиланган минимал иш ҳақининг ўн фоизи микдорида қўшимча сарфлашга рухсат берилиши мумкин. ЖИКнинг 75- моддаси тўртинчи кисмида муассасанинг режим турига қўра умумий сарфлаш кийматлари белгиланган. Жумладан, умумий, қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларда энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш фоизидан ошмаган микдорда, турмада эллик фоизидан ошмаган микдорда, тарбия колонияларида энг кам ойлик иш ҳақи микдорида сарфлашга рухсат берилади.

Маҳкумнинг соғлиги ёмонлиги ёки саломатлигининг ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида тиббий хulosага биноан қўшимча озиқ-овқат, кийим-бosh ва пойабзal сотиб олишга рухсат берилиши мумкин.

Маҳкумларга режим турига қараб посилка ва бандероллар шунингдек, пул жўнатмалари олиш ва жўнатишга рухсат берилади. Постилка деганда, кийим-кечак, ювениш анжомлари, чекиш сигаретлари ва ҳоказолар жойлаштирилган қопчалар тушунилади. Йўклов деганда, озиқ-овқат маҳсулотлари жойлаштирилган яшикчалар тушунилadi. Бандерол деганда, турли хилдаги китоб, ойнома ва газеталар ўралган жўнатмалар тушунилadi. Бу жўнатмаларнинг хажми ва оғирлиги почта қоидалари билан тартибга солинади. Бу воситаларни бир йилда қанча микдорда олиш масаласи жазони ўташ муассасаларининг режим турига қараб белгиланади.

Маҳкумларга жўнатилган посилка, йўклов ва бандероллар текширувдан ўтказилади ва маҳкумга бериш мумкин эмас, деган хulosага келинса, маҳкумга берилмайди ва қайтариб юборилиши керак.

Маҳкумлар чекланмаган микдорда пул жўнатмалари олишлари ва жўнатишларига рухсат берилади. Маҳкумларга жўнатилган пул жўнатмалари уларнинг хисоб рақамига туширилади. Маҳкумларга пул жўнатмалари уларнинг оила аъзоларидан, яқин қариндошларидан,

бошқа шахслардан ва ҳатто корхона-ташкилотлардан ҳам юборилиши мумкин. Махқумлар томонидан юбориладиган пул жұнатмалари унинг оила аъзоларига, болаларига, қариндошларига булиши мумкин. Бошқа шахсларга ёки корхона ва ташкилотларга пул жұнатмалари муассаса маъмуриятининг рухсати билан юборилади.

Махқумларга уларнинг соғлиғининг ёмонлиги ёки ҳомиладор ёхуд эмизикли боласи бұлған аёлларга, шунингдек, 1- ва 2- гурух ногиронларига турли хил жұнатмалардан ташқари дори-дармоп әки тиббиёт анжомлари олишларига рухсат этилади. Бундай жұнатмалар посылка, йұқлов ва бандероллар рўйхатига киритилмайди.

Махқумларга ўзларининг ҳисобларига адабиётлар, газета ва журналлар сотиб олишларига ёки обуна булишларига рухсат берилади. Лекин бу адабиёт ёки газета ва журналлар шахснинг руҳий онгига, ахлоқ-одобига таъсир қўрсатадиган бўлса рухсат этилмайди. Махқумда адабиёт ёки газета ва журналлар қўпайиб кетса, унинг розилиги билан кутубхонага, ёки сақлаш хоналарига олиниши мумкин, ёки оила аъзоларига жұнатиб юборилиши мумкин. Махқумларга ижод билан шуғуланиши учун чекланмаган миқдорда ёзув ашёлари харид қилишга йўл қўйилади. Бундай харидлар умумий жұнатмалар туркумига киритилмайди.

Махқумларни яқин қариндош-урувлари, оила аъзолари ва болачақлари билан алоқада булиб туриш масалалари ҳам ҳал қилинган. Бу масалалар дийдор кўришув, ҳат ёзишмалари ва телефон орқали сўзлашув билан амалга оширилади.

Дийдор кўришув икки хилда булиши мумкин. Қисқа муддатли ва узок муддатли дийдор кўришув. Қисқа муддатли дийдор кўришув тўрт соатгача алоҳида ажратилган жойда ўзаро сұхбатлашиш учун берилади. Қисқа муддатли учрашув қариндошлари ва бошқа шахсларга ҳам берилиши мумкин. Қисқа муддатли учрашув бошқа шахслар билан факат маҳқумнинг розилигига биноан ҳамда маҳқумнинг ахлоқий ҳолатига птур етказмайдиган ҳолатларда маъмурият вакилининг иштироки билан берилиши мумкин. Агар қисқа муддатли дийдор кўришувда маҳқумга тазийқ ўтказиш ёки таҳдид солишга уринилса, шу вактнинг ўзида учрашув тўхтатилиши мумкин.

Махқумнинг яқин қариндошлари, эр-хотин, ота-она, болалари, ўғил (қиз) қилиб олинган шахслар, aka-укалар, опа-сингиллар, бувалар, неваралар билан узок муддатли учрашувга рухсат берилади.

Узок муддатли учрашув икки турга булинади. Жумладан, муассаса ҳудудида—бир суткадан уч суткагача ва муассаса ҳудудидан ташқарида—уч суткадан беш суткагача берилиши мумкин. ЖИКнинг 82-моддасида: «Махқумларнинг алоҳида ҳолларда муассаса доирасидан четга чиқиши мумкин» дейилган.

Узок муддатли учрашувда маҳқум билан бирга яшаш учун маҳсус алоҳида хоналар ташкил этилади. Узок муддатли учрашув вактида муассасада маҳқумларда булиши мумкин бўлмаган воситалар вактинчалик маъмуриятга топширилиши шарт. Узок муддатли учрашув

вақтида маҳкумлар ишдан озод қилинади ва бу вақт учун уларга иш хақи ёзилмайди. Муассаса ҳудудидан ташқарида узоқ вақтли дийдор кўришувнинг ўзига хос шартлари ҳам мавжуд. Муассаса ҳудудидан ташқарида учрашувга маъмурият маҳкумнинг хавфсизлиги ва жазодан қочиб кетиши мумкин эмас, деган яқин қариндошларининг хуласасига биноан берилиши мумкин. Бундай учрашув маҳкум билан яшаш учун маҳсус ташкил этилган меҳмонхоналарда ёки маҳкумнинг қариндошларининг уйларида учрашувга рухсат берилади. Лекин маъмурият бу учрашув жойларини маҳсус назорат кила олиш имкониятига эга бўлиши лозим. Муассаса ҳудудидан ташқарида учрашув вақти учун маъмурият маҳкумга маҳсус рухсатнома бериши лозим.

Маҳкумларга якинлари билан имконият бўлса, телефон орқали сўзлашувга ҳам рухсат берилади. Телефон орқали сўзлашув маҳкумнинг хисобига муассасанинг турига қараб микдори белгиланади. Лекин алоҳида ҳолда маҳкумнинг илтимосига биноан телефон орқали қўшимча сўзлашув ҳам берилиши мумкин. Телефон орқали сўзлашув вақтида маъмурият ходими бўлиши шарт. Сўзлашув маҳкумнинг хулқига таъсир этувчи сухбат юзасидан бўладиган ҳолларда сухбат тұхтатилади. Телефон орқали сўзлашув маҳкум томонидан амалга оширилади ва унинг якинлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас. Якинлари томонидан факат алоҳида ҳолларда хабар бериш тарзида бўлиши мумкин.

Маҳкумнинг бошқа маҳкум билан телефон орқали сўзлашувига рухсат берилмайди. Телефон орқали сўзлашувни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Маҳкумларнинг якин қариндошлари ва танишларининг ўзаро алоқаси хат ёзишмалари орқали ҳам амалга оширилади. Хат ёзишмалари тартиби ҳам маҳкумнинг ахлоқан тузалиши ва унинг тарбияси ва хулқига ижобий таъсир этиш хусусиятларига қаратилади. Маҳкумларнинг ёзишмалари хат ёзиш ва телеграмма жүнатиш усулида амалга оширилади. Ҳар икки усулдаги ёзишмалар ҳам муассаса маъмурияти томонидан цензурадан ўтказилади. Манзил колонияларида сакланаётган маҳкумлар ёзишмалари бундан мустасно. Агар маҳкумнинг ахлоқига таъсир этадиган ёзишмалар бўлса, унга берилмайди ва жўнатилмайди. Маҳкумларнинг ёзишмаларига чек кўйилмаган. Аввалги қонунда муассасанинг турига қараб ёзишмалар чекланган эди. Янги қонунда чекланмаган микдорда ёзишмаларга рухсат берилади. Хат ва телеграмма жўнатиш коидаси белгиланган. Жумладан, маъмуриятга топширилган хат уч кун ичida жўнатилиши, телеграммалар эса дархол жўнатилиши лозим. Маҳкумларнинг бир-бирларига ёзишмалари тақиқланган. Фақат қариндошлар ўртасида маъмуриятнинг рухсати билан йўл кўйилиши мумкин.

Маҳкумларнинг мансабдор шахсларга, прокурор ёки судга ёзган хатлари цензурага берилиши мумкин эмас, бундай хатлар бир сутканинг ичida тегишли жойга жўнатилиши лозим. Маҳкумнинг ёзишмалари ҳам Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маҳкумлар ёзишмалари очик конвертда, тушунарли тилда ёзилган бўлишилиги талаб этилади. Уларнинг тушуниб бўлмайдиган тилда ёзилган ёки ракамлаб ёзилган, ёхуд жиноятчилар тилида ёзилган хатлари жўнатилмай йўқ килинади. Маҳкумларнинг ёзишмаларига кетадиган харажатлар маҳкум хисобига копланади.

Маҳкумларнинг ахлоқан тузатилишида уларга қўйиб бериладиган кинофильм ва телекўрсатувларнинг роли катта хисобланади. Телекўрсатувлар орқали маҳкумлар жамиятда бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардор бўладилар. Уларга қўйиб бериладиган кинофильмларнинг тарбиявий хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор берилади. Конунга биноан маҳкумларнинг ишдан бўш вактларида, тунги дам олиш вақтидан бошқа вактларда уларга телекўрсатув, радиоэшиттишлар эшлишиларига рухсат берилган. Тарбиявий ахамиятга эга бўлган кинофильмлардан ҳафтада камида битта қўйиб берилиши лозим. Маҳкумларнинг хулки ва ахлоқига таъсир этадиган зўрликни, шахвоний ёки хирсий бузукликларни, кўрқинчли фильмларни қўйиб беришга рухсат этилмайди. Камерада сакланаётган маҳкумларга бундай имкониятдан фойдаланишга рухсат этилмайди.

Маҳкумларнинг радиоэшиттишлардан фойдаланишларига кенг имкониятлар яратилади. Маҳкумларнинг ётотхона, иш жойлари, уларнинг дам олиш учун мўлжалланган жойлари ва бошқа жойлари муассаса хисобидан радиолаштирилади ва доимий равишда маҳкумни ташки дунёда бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардор бўлишиларига имконият яратилади.

Муассаса режим қоидаларига маҳкумларнинг юришлари ва муассасадан ташқарига чиқишилари ҳам киритилади. Бундай массалаларнинг қонунлаштирилиши маҳкумни ҳам мажбуровчи, ҳам хукуқдан фойдаланувчи ҳолатларини белгилайди. Маҳкумнинг юриш қоидаларининг белгиланиши, аввало уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа маҳкумларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлади.

Конунга биноан муассасанинг қўрикланадиган ҳудудидан ташқари жойларда маҳкумлар соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш хукуклирига эгадирлар.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилинганлар, унча оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилинганлар жазонинг учдан бир қисмини ўтаганларида, оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилинганлар жазонинг ярмини ўтаганларидан кейин, ўта оғир жиноят учун, шунингдек илгари жазодан муддатидан олдин шартли озод қилинган, жазоси енгилрок жазо билан алмаштирилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида касддан янги жиноят содир этган шахсга тайинланган жазо муддатининг камидан учдан икки қисмини ўтаган маҳкумлар соқчисиз ёки кузатувчисиз юришларига рухсат берилади.

Интизомий жазоси борларга, юкумли касалликларга чалингандарга, мажбурий даволанишдан ўтаетгандарга, 1- ва 2-гуруҳ ноги-

ронларига, мазкур муассасага келганига олти ой тұлмаган маҳкумларга, үлем жазоси афв этиш тариқасыда озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган шахсларга, үтә хавфли рецидивистларға, уюшган гурұх ёки жиной үюшма ташкилотчиси, ёки қатнашчи сига жавобгарликни оғирлаштиралиған холатларда қасддан одам үлдириш, үн тұрт ёнің тұлмаганлығы айбдорға аён бұлған жабрланувчы номусыға тегищ ёки унға нисбатан зұрлік ишлатиб, жинсий әхтиёжни ғайритабиій үсулда қондириш, ҰЗРГа тинчлик ва инсоният хавфсизлігінде қарши жиноят содир этиш, жиной үюшма ташкил этиш, ядрөвий, кимёвий, биологик ва бошқа хилдаги оммавий қирғын қуролларини ишлаб чиқарып учун фойдаланиш мүмкінлігі аён бұлған материал ва усқуналарни, гиёхвандлық воситалари ёки психотроп моддаларини контрабанда қилиш, гиёхвандлық воситалари ёки психотроп моддаларини құп миқдорда қонунға хилоф равища сотищ учун хукм қилинған маҳкумлар сокчисиз ёки кузатувчисиз юришларига рухсат этилмайды.

Соқчи ёки кузатувчи назорати остида юриш тартиб-қоидалари Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади. Соқчисиз ёки кузатувчисиз юрувчиларнинг сони ва тартиби хам Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Янги ЖИКГа биноан, маҳкумларнинг муассасаса ҳудудидан ташқарыға чиқыш қоидалари белгилаб берилди. Жазони үташ жараёнида түрли хил воқеалар — яқын қариндошининг вафот этғанлығы ёки ҳаёти учун хавфли бұлған оғир касаллиғи, маҳкумға ёки унинг оиласыға жиғддий моддий зарар етғанлығы каби ҳодисалар маҳкумни муассасадан ташқарыға чиқишиға ва уйига бориб келишиға асос бұла олади. Қонунға биноан, маҳкумнинг муассасадан ташқарыға чиқишиға уйга бориб-келиш вакты (тұрт суткагача)дан ташқары етти суткагача вакт берилади. Агар маҳкум янги бахтсиз ҳодиса ёки бошқа унинг қайтиши учун түсік бұладыған воқеалар натижасыда қайта олмаса, маҳкум борған жойдаги ички ишлар органларининг рухсати билан яна беш суткагача рухсат берилиши мүмкін. Бу хакда, албатта, муассаса маъмуриятінде хабар қилинади.

Маҳкум муассасадан ташқарыға чиқиши зарур бұлғанида, зарурат асосини күрсатып маъмурияттә ариза билан мурожаат қилади. Маъмурият аризага бир сутка ичидә жавоб беріши лозим. Маъмурият аризага рад жавоби беришгә ҳам ҳақыл. Маҳкумнинг муассасадан ташқарыға чиқыш харажатлари маҳкум ёки унинг қариндошлари хисобига амалға оширилади. Муассасадан ташқарыға чиқишиға рухсат берилмаган маҳкум үз вактида муассасага қайтмаса, у ички ишлар органлары томонидан ушлаб, муассасага қайтарылади. Бундай ҳол маҳкумни жазони үташдан бүйін товлаган деб хисобланишга асос бўлиши мүмкін. Муассасадан ташқарыға чиқишиға рухсат берилған вакт жазо мулдатига қўшилади.

Үтә хавфли рецидивистларға, үлем жазоси афв этиш тартибіда озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган шахсларга, үтә оғир

жинояти учун озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга, мажбурий даволанаётган ва юқумли касалга чалинган маҳкумларга муассасадан ташқарига чиқишиларига руҳсат берилмайди.

## **6-§. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш**

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ЖИҚнинг 12-боби нормалари билан тартибга солинади. Маҳкумларни ахлоқан тарбиялаш ва уларни ҳалол меҳнатга ўргатиш жараёнида уларнинг моддий-маиший таъминотининг қонун нормалари билан тартибга солинишининг ҳам аҳамияти катта. Маҳкумлар моддий-маиший таъминоти уларнинг яшаш жойи, кийим-бош, уларни озиқ-овқат таъминоти, тиббий-санитария таъминоти каби масалаларни қонунан ҳал қилиб беради. Озодликдан маҳрум қилини маҳкумларнинг яшаш шароитлари ва уларни моддий-маиший таъминоти, албатта озод шахслар шароитидан фарқ қиласди. Уларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш қоидаларининг қўлланилиши натижасида моддий-маиший таъминотида жиддий чеклашлар вужудга келади. Лекин бу масалаларни ҳам қонун билан тартибга солинмаса ва маҳкумларни айнан қонунга биноан таъминлаш қоидаларига ўргатилмаса, уларнинг ахлоқан тузилишини ҳам таъминлаб бўлмайди.

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти масаласи маҳсус Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тартибга солинади. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти нормалари уларнинг қайси тартибли колонияларда сақланадаётгандигига ҳам боғлиқ. Саклаш шароитининг оғирлашиб боргани сари, уларнинг моддий-маиший таъминотларида ҳам камайтирилганлик ҳолатларини кўриш мумкин. Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумларни моддий-маиший шароитларининг чегаралаб қўйилиши, уларни жисмонан ёки руҳан камситиш ёки унга азоб беришни назарда тутмайди, уларни моддий-маиший талабларини хуқуқий ҳимоя қилиш назарда тутилади. Маҳкумларга айрим моддий-маиший талаблари бутунлай ёки қисман чекланиши мумкин, бу ҳам озодликдан маҳрум қилишнинг шароитларидан келиб чиқади.

Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти масалалари ҳам уларнинг жазони ўташ жараёнида ўзгариши мумкин. Жумладан, уларни рафбатлантириш ёки интизомий жазолаш масалаларини қўллаш, уларнинг моддий-маиший таъминот ҳуқуқларида ҳам ўзгаради. Лекин бундай ўзгариш ҳам қонун даражасида тартибга солинади. Матмурият ўзбошимчалик билан маҳкумлар моддий-маиший ҳолатлари талабларини ўзгартира олмайди. Ўзгартиришга уриниш ёки уни бајармаслик маҳкумларнинг ижтимоий ва ҳалқаро ҳуқуқларини бузиш деб баҳоланиши мумкин.

Янги жиноят ижроия қонунчилиги маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти уларни ахлоқан тарбиялашни тўғри амалга оши-

ришни самарали таъминлаш учун янги қоидаларни киритади. Бу ўзгаришларнинг энг аввало, жамиятнинг бозор иқтисодиёти ёки муносабатларига ўтиши, озиқ-овқат ва молиявий масалаларни тартибга солишнинг янгича қоидаларининг жорий этилганлиги хамда жазони ижро этиш тизимининг хўжалик алоқаларининг янгича тартибларининг жорий этилганлигига кўриш мумкин.

Маҳкумларни моддий-маиший таъминлаш масалалари Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ЖИЭББ томонидан тартибга солинади. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминотларида ҳам маҳкумлар тоифасига қараб фарқ килиши мумкин. Жумладан, ҳомиладор, эмизикли, болали аёллар ва вояга етмаганлар таъминоти бошқаларнинг моддий-маиший таъминоти шароитларидан фарқланади.

Жазони ижро этиш ва тарбия колонияларида маҳкумлар умумий турар жойларда ёки хоналарда сакланадилар, турмаларда эса камера-ларда сакланадилар. Маҳкумларнинг турар жойлари шароити санитария-гигиена талабларига мувофиқлаштирилади. ЖИКнинг 84-моддасида ҳар бир маҳкумга яшаш майдонининг энг кам бўлиши мумкин бўлган майдон сатҳлари белгиланган. Жумладан, умумий турар жойларда икки квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак, тергов хибс-хоналари ва турмаларнинг умумий камераларида икки ярим квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак. Аёллар ва вояга етмаганлар сакланадиган колониялардаги умумий турар жойлар уч квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак. Беморлар сакланадиган палаталарда тўрт квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим. Интизомий бўлинмаларнинг камераларида, соқчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳукуқидан фойдаланаётган маҳкумларнинг яشاши учун, шунингдек жазони манзил колонияларида ўтаётган маҳкумлар учун мўлжалланган хоналарда тўрт ярим квадрат метрдан кам бўлмаслиги керак. Бундай қоидаларнинг белгиланиши маҳкумларнинг санитария ва гигиена ҳолатлари талабларига риоя килиш хамда уларнинг яшаш шароитларини тўғри белгилаш имкониятларини яратади. Жазони ижро этиш колонияларининг яшаш учун мўлжалланган қисмida яшаш уйларидан овқатланиш хонаси, дам олиш хонаси, шифохона, ўқиш ва касб-хунар ўрганиш хоналари, магазин, клуб, кир ювиш ва ҳаммом, кутиш ва учрашув хоналари, кир қутиш хонаси, кийим-бош ва пойабзалларни таъмирлаш хоналари, навбатчилар хонаси, маҳкумларнинг штаби, камера типидаги хоналари, назорат қилиш ва ўтказиш жойлари, ёз мавсумларида маҳкумларнинг саф тортиши, спорт билан шуғулланиши ва тарбиявий тадбирларни ўтказиш майдонлари, ибодат қилиш учун мўлжалланган хоналари ва бошқа иншоотлари бўлиши лозим. Маҳкумларнинг яшаш уйларida ювиниш, хожатхоналар, аёллар колонияларида гигиена ҳоналари бўлиши керак.

Қишки мавсумларда маҳкумлар яшаш жойлари маҳсус иситилиб, ҳарорат 18-20° бўлиши таъминланади.

Маҳкумларнинг яшашлари учун мўлжалланган ҳудуддан ташқарида ишлаб чиқариш иншоотлари, муассаса маъмурияти биноси, ҳар-

бий сокчилар жойлаштирилган бино, омборхона, озик-овқат сакланадиган хоналар, гараж, иситиш анжомлари, хұжалик хоналари ва бошқа иншоотлар бұлади.

Муассасаларнинг яшаш ва ишлаб чиқариш қисмлари махсус тиқанли симлардан үралған ва бир-биридан ажратылған бұлиб, унда сокчилар юришлари, коровул итларни сақлаш қисмлари, муассасаларнинг тақиқланған қисмлари билан ажратылади. Муассасалар замона вий сигнал анжомлари ва электрон кузатиши воситалари билан таъминланади. Ҳарбий сокчиларнинг машқлари учун махсус майдонлар, қуролдан ўз-ўзини машқ килиш хоналари билан таъминланади.

Махкумларга алохидә каравот, күрпа-ёстик, иккى кишига битта түмбочка, стул билан таъминланади. Ҳар бир каравотнинг оёк тарағыға маҳкум ҳақидағи маълумотлар ёзилған белгилар осиб құйилади. Яшаш хоналарыда маҳкумларнинг доимий равишида озодаликка риоя қилишлари талаб этилиб, хар куни яшаш хоналари тозаланади, чанглары артилади ва хоказо. Ҳафтада каміда бир марта маҳкумлар ҳаммомга туширилиб, үрин-күрпа жилдлари алмаштырылади. Муассасада тозалик маҳкумларнинг бепул ёрдамларидан фойдаланған ҳолда амалга оширилади.

Муассаса худудида маҳкумларнинг қысқа муддатли ва узок муддатли учрашувлари учун мұлжалланған жойлари ташкил этилади. Бундай жой, одатта, маҳкумларнинг яшаш зоналари жойларыда ташкил этилади ва маъмурият вакили ва соқчилар билан құриқланади. Узок муддатли учрашув жойлари меҳмонхона құрнишида бұлиб, бу жойларда яшаш пуллук амалға оширилади. Бу жойларда махсус овқат пишириш жойлари бұлади ва тегишлича идиш-товоклар билан таъминланади.

Маҳкумларнинг овқати масаласи ЖИКнинг 85-моддаси билан тартибға солинади. Маҳкумнинг овқати, албатта, инсон жисмини нормал ҳаёт кечириши учун талабға жавоб берса оладиган овқат бұлиши лозим. Овқат нормасини белгилашда ҳам маҳкумларнинг тоифасига қараб әмизикли ва ҳомиладор аёлларға, вояга етмаганлар, 1- ва 2-гурұх ногиронлари ва касалманд маҳкумларға ҳамда оғир меҳнатта жалб қилинған маҳкумларға бериладиган овқат бошқаларниңдан фарқ қилиши мүмкін. Уларға оширилған миқдорда овқат берилади. Бир кунда уч маҳал овқатлантирилиш тартибига амал қилинади. Маҳкумларни ишга жалб қылған корхона ёки муассасалар маблаги хисобига құшимча овқат берішга йўл қўйилади.

Маҳкумларнинг овқатлары махсус ошхоналарда ёлланма меҳнат ва маҳкумларнинг үзларидан фойдаланған ҳолда пиширилади ва кун тартибидә белгиланған вактлардагина маҳкумларни овқатланишларига йўл қўйилади. Маҳкумлар овқатлары тарқатилиши олдидан, албатта, унинг сифати бүйича маъмурият вакили ва тиббиёт ходими томонидан текширилади. Овқат учун хом ашёлар махсус саклаш жойларыда сокланади.

Маҳкумларнинг овқатланици тизимида колония ҳудудидаги магазин катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Маҳкумларга белгиланган норма миқдорида кўшимча озиқ-овқат сотиб олишларига рухсат берилади. Бундан ташқари, белгиланган миқдор бўйича посылкалар олишларига йўл кўйилганлиги ҳам уларга кўшимча озиқ-овқат олишларига имконият бўлиб ҳисобланади.

Маҳкумларни уст-бош билан таъминлаш тартиби ҳам қонунга биноан амалга оширилади. Кийим-кечак, пойабзал маҳсус кўринишда белгиланади ва маҳкумларнинг ёши, жинси, соғлифи, бажараётган ишининг хусусиятига кўра ҳам фарқланиши мумкин. Маҳкумларнинг уст-бош кийимлари ҳам мавсумга қараб ўзгартирилади ва сарфланадиган харажатлари давлат ҳисобига амалга оширилади.

Маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш масаласи ҳам йўлга кўйилган. Уларга тиббий хизмат кўрсатиш бирон-бир хукукий чеклашсиз амалга оширилиши мумкин. Лекин жиноят-ижроия қонуни энг муҳим ва умумий қоидаларни тартибга солиш масалаларини қонунлаштиради. Маҳкумларга бевосита тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қонунчилиги ва ўзаро Ички ишлар вазирлиги билан қабул қилинган маҳсус буйруқ, инструкция ва фармойишлар билан тартибга солинади. Жазони ижро этиш муассасалари маъмуриятига маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш учун маҳсус вазифалар белгилаб берилади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун маъмурият таркибida маҳсус тиббий хизмат бўлимлари ташкил этилади. Маҳкумларнинг тиббий-санитария хизмат бўлимлари ўзига хоҳ хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошида маҳсус тиббий бошкарма тузилганки, бу бошкарма жазони ижро этиш муассасаларининг тиббий санитария хизматларини ҳам тартибга солади.

Маҳкумларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун жазони ижро этиш муассасаси қошида даволаш бўлими мавжуд. Бу бўлимлар маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатиш вазифасини амалга оширадилар (Тиббий марказлари, шифохоналари, жумладан руҳий, юқумли касалликлар шифохоналари, қиска муддатли туберкулёз I ва II гурӯҳ ногиронлари учун тиббий рўйхатга олиш учун маҳсус колониялар ташкил этилган. Бу колонияларда кундалик ёки шифохонада даволаниш учун шароитлар яратилган. Юқумли касалликлар, таносил ва орттирилган иммунитет хасталиги касаллиги, гиёхванд ва алкоголь касалларини сақлаш ва даволаш учун маҳсус муассаса ташкил этилади. Таносил қасалликлари билан оғриганлар эса даволаниш жараённида колониянинг тиббий бўлимларида бошқа маҳкумлардан ажратилган ҳолда даволанадилар. Маҳкумлар дастлабки тиббий назорат жараёнларида бошқа маҳкумлар билан бирга сақланадилар. Орттирилган иммунитет хасталиги гиёхванд ва алкогольларни алоҳида сақлаш учун маҳсус колония ёки бўлинмалар назарда тутилмаган. Бундай маҳкумлар бошқа маҳкумлар билан биргаликда сақланадилар. Лекин улар медицина рўйхатига ҳамда назоратига олинадилар, зарур

ҳолларда тегишли даволаниш ёрдамларини оладилар. Жумладан, суд томонидан тайинланган мажбурий гиёхвандлик ёки ичкиликбозлик буйича даволаниш чоралари бундай даволанишнинг тури хисобланади.

Махкумларни айрим зарур ҳолларда соғлиқни саклаш тизими тиббий хизматларидан фойдаланишларига ҳам йўл қўйилиши мумкин. Манзил колонияларида жазони ўтаётган маҳкумлар эса соғлиқни саклаш тизими хизматларидан навбати билан фойдаланишларига йўл қўйилади.

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар учун тиббий-санитария хизматлари давлат ҳисобига амалга оширилади. Барча турдаги тиббий ёрдам бепул амалга оширилади. Лекин белгиланган хизматлардан ташкари талаб этилган хизматлар, масалан, маҳкумларга сунъий тиш қўйдириш каби хизматлар маҳкумларнинг ўзлари ҳисобига амалга оширилиши қонун билан тақиқланмаган.

Маҳкумлар учун ташкил этилган тиббий-санитария хизматларида ҳам маҳсус тиббий бўлинмаларга эга бўлган малакали мутахассислар ҳизмат қўрсатади. Алоҳида ташкил этилган тиббий муассаса бошлиғи бир вактнинг ўзида жазони ижро этиш муассаса бошлиғи бўлиб ҳам хисобланади.

## **7-§. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнати, таълим ва касб тайёргарлиги**

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг ахлоқан тузалишида ва қайта тарбияланишида уларнинг меҳнати, таълим ва касб тайёргарлигининг аҳамияти катта ҳисобланади. Маҳкумларнинг меҳнатини уларнинг таълим ва касб тайёргарлиги билан бирга ташкил этилиши эса меҳнат самарадорлигига, бир-бирини тўлдиришга имкон яратади.

Маҳкумлар меҳнатини жамият аъзоларининг меҳнати билан тенглаштириб бўлмайди. Маҳкумларнинг меҳнати ўз хусусиятига кўра мажбурийлик тамоиллари билан боғлиқ ҳисобланади. Чунки бундай шахсларни меҳнатга жалб қилиш маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва ҳалол меҳнатга жалб этишга қаратилади. Бу вазифаларни амалга ошириш эса маҳкумларни алоҳида меҳнат тамоиллари асосида меҳнат қилишларига эришиш мумкинdir.

Озодликдан маҳрум қилинганлар меҳнати озод шахслар меҳнатидан қўйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласди:

1. Озодликдан маҳрум қилинганлар ўзларининг хохишига кўра иш танлай олмайдилар.

2. Маъмурият томонидан берилган ишларнинг улар учун мажбурийлиги.

3. Маҳкумлар меҳнати вакти меҳнат қонунларининг энг узайтирилган вактларини ташкил этилганлиги.

4. Маҳкумлар меҳнатига тўлов камайтирилган энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланганлиги билан фарқланади.

5. Маҳкумлар жазолаш хусусиятлари уларнинг меҳнатларини ташкил этиш жараёнida ўз аксини топади.

Маҳкумлар меҳнатини ташкил қилишда ҳам зарурий хусусиятларга эътибор қаратилади. Жумладан, маҳкумлар меҳнати фойда келтириш хусусиятида бўлишлиги, агар фойда келтирмайдиган меҳнатга йўл қўйилса, маҳкумларни ахлоқан тузатиш ёки меҳнатга ҳалол муносабатда бўлишга ўргатишга путур етказиши мумкин.

Маҳкумлар меҳнатини ташкил этишда уларнинг қобилияти, жисмоний хусусиятлари, билим малакаси каби хусусиятларни ҳам инобатга олинади. Бу хусусиятларга эътибор бермаслик оқибатларида маҳкумларнинг меҳнатининг самарадорлиги бўлмайди. Жазони ижро этиш муассасасига келиб тушган маҳкумлар медицина ва малакалаштириш ҳамда таснифлаш комиссиясида маҳкумларнинг меҳнат қилиш қобилиятлари ҳам аниқланади.

I ва II гурух ногиронлари тиббий комиссиянинг хулосаларига кўра меҳнат қилиш қобилияти аниқланади. Маҳкумларнинг меҳнат қилиш қобилияти ва касб маҳоратига қараб иш билан таъминланади. Уларнинг меҳнат қилиш қобилиятини малакалаштириш комиссияси аниқлайди. Бу меҳнат унумдорлигини оширишда мухим аҳамиятга эга. Агар маҳкум бирор касбга эга бўлмаса ёки унинг касбига мувофик иш билан таъминлашнинг иложи бўлмаса, маъмуриятнинг хоҳишига биноан иш билан таъминланади. Умуман ҳунар ёки касбга эга бўлмаган маҳкумлар маҳсус касб-хунар ўқишлиарида ҳам ўқитилади.

Маҳкумларни муассасанинг раҳбарий хўжалик ёки савдо-сотик ишларида ишлатиш тавсия этилмайди. Масалан, магазин мудирини моддий жавобгарлик ишларида, озиқ-овқат омбори мудирлигига, назоратчи ва бошқа шу каби ишларда ишлатиш мумкин эмас. Маҳкумларнинг меҳнати, асосан, Ички ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган корхоналарда амалга оширилади.

Бошқа ташкилотлар корхона ва муассасаларида, асосан, келишувга биноан йўлга қўйилиши мумкин. Маҳкумларнинг меҳнатини колониянинг ўз корхонасида ташкил этиш катта аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат унумдорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўла олади.

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг меҳнати маълум тамойилларга асосланиб, жамиятда меҳнатнинг характеристи ва жазони ижро этиш муассасаларининг манфаатларини инобатга олган ҳолда ташкил этилади. Муассаса манфаатларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш деганда, меҳнатдан тушган фойда колониянинг ривожига ва унинг моддий аҳволига ҳам фойдали бўлишлиги тушунилади.

Одатда, ишлаб чиқариш зonasи яшаш зonasига яқин ташкил этилади. Агар яшаш зonasидан ишлаб чиқариш зonasи 3 км масофадан ошса, маҳкум ишга мослаштирилган транспортда олиб борилади. Маҳкумлар, одатда, бригадаларга бўлинган ҳолда ишга таксимланади. Бригадаларнинг таркиби ишнинг турига қараб ташкил этилиши мумкин. Бригадаларга маҳкумлар таркибидан бригадир тайинланади. Бригадалар иложи борича бир хонага жойлаштирилади.

Бригадир бригадага бошчилик қилиб, ишга олиб чиқади, рўйхатдан ўтказади, ишлаб чиқариш нарядларининг тўғри тўлдирилишини

текширади, бригада аъзоларининг иш режасини бажаришини назорат қилиш ва бригада таркибида тартиб-интизомни таъминлаш чораларини кўради. Бригадирлар ишлаб чиқариш бўлинмалари (цехлар) бошликларига буйсунадилар. Бир неча бригадалар отрядни ташкил этади.

Махкумлар меҳнати мамлакат қонунлари ва ЖИК нормалари билан тартибга солинади. ЖИКнинг 90-моддасига биноан, жазони ижро этиш муассасаларида ўтаётган махкум олти кунлик иш хафтаси белгиланган. Уларнинг иш вақти режимини ижро этиш муассасасининг маъмурияти белгилайди ва умумий иш вактининг энг кўп нормасидан ошиб кетмаслиги керак.

Инсон соғлиғига заарли ишларда ишлаганларнинг ва вояга етмаганларнинг иш вақти меҳнат қонунларида кўзда тутилган умумий асосларда белгиланади. Иш вақти давомида бир соат тушлик вақти белгиланади.

Махкумларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этишга, ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўл муддатига риоя этган ҳолда йўл қўйилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий этилганда, махкумлар иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам кунларида ёки тунги ишларга жалб этилган тақдирда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида вояга етмаган шахслар, I ва II гурух ногиронларига нисбатан белгиланган чеклашларга риоя этилиши шарт.

Ишни бошлаш ва тугаллаш вақти колониянинг кун тартибига мувофиқ равишда колониянинг бошлиғи томонидан белгиланади.

Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар жазони ўтаётган вақтда жазо муддати узлуксиз бўлганлиги учун меҳнат таътили олишга рухсат берилмайди.

ЖИКнинг 92-моддасига биноан маҳкумларнинг меҳнатига меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳақ тўланади.

Махкумлар белгиланган иш нормаларини бажарган ҳолларда, белгиланган иш ҳақининг энг кам нормасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

Махкумларга тўланадиган иш ҳақи уларнинг ҳисоб варагига ўтказилади ва ҳақларидан уларнинг барча тўловларига ўтказилиши мумкин, жумладан, нафака тўлаш, даромад солиги, пенсияга ушлаб қолиш каби тўловлардан қолган қийматдан, суднинг ижро варакасига биноан тўланадиган тўловлар ёки бошқа тўловлар тўланиши мумкин. Бундай тўловларнинг умумий қиймати қанча қийматни ташкил этишлигидан катъи назар маҳкумларнинг шахсий ҳисоб варагига, уларга ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтмиш ёшдан ошган эркакларнинг, эллик беш ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гурух ногиронларининг, хомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасаси қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек,

манзил колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг хисоб варагига эса камида эллик фоизи ўтказилиб қўйилиши шарт.

Маҳкумларни ҳақ тўланмайдиган ишларга ҳам жалб қилинишлари мумкин. Ҳақ тўланмайдиган ишларга, асосан, колония худудини ободонлаштириш, маданий-маиший шароитни яхшилаш ҳолатларида жалб қилинадилар. Ҳақ тўланмайдиган ишларга маҳкум ҳафтасига икки соатдан ошмаган ҳолда жалб қилинади.

Маҳкумларнинг меҳнатини ташкил этишда уларнинг касб маҳоратлари ҳам ҳисобга олинади. Агар маҳкумларнинг касб-хунари бўлмаса, уларнинг меҳнати билан биргаликда касб-хунар ўрганиши ҳам ташкил этилади. Касб-хунар ўрганиши ва таянч маълумоти олиши маҳкумнинг меҳнати билан биргаликда ташкил этилади ва ишлаб чиқариш жараёнида унга нисбатан тайинланган иш устаси томонидан ҳунар ўргатиш йўли билан амалга оширилади. Маҳкумнинг ёши ўттиздан ошган бўлса ёки I ва II гурӯҳ ногиронлари касб-хунар таълимига ихтиёрий жалб қилинадилар.

Маҳкумларнинг таянч маълумот олишлари ишдан бўш вақтларида ташкил этилади. Маҳкумларнинг олий ва ўрта маҳсус ўкув юртларида таълим олишларига йўл қўйилмайди. Факат манзил колонияларида сакланаётган маҳкумларга ўкув юртларининг сиртки бўлимларида таълим олишларига йўл қўйилиши мумкин. Маъмурият ўкув юртининг хусусиятларини инобатга олиб, нодавлат ўкув юртларида ўқишларига рухсат бермаслиги мумкин. Маҳкумларнинг сиртдан ўқиш даврларида уларнинг имтиҳонлари учун ажратилган вақтларида ишдан озод қилинадилар. Маҳкумларнинг сиртдан ўқишларига кетадиган харажатлар маҳкумларнинг ўз ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

## **8-§. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатиш**

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадида уларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари қўлланилади. Маҳкумларнинг тарбиявий таъсир чораларининг вазифалари ЖИКнинг 97-моддасида белгилаб берилган. Маҳкумларни ахлоқан тарбиялашнинг асосий вазифаси уларни жамият қонун талабларига, ахлоқ-одоб талабларига, билим ва маданий савияларини оширишга қаратилади. Шунингдек, тарбиявий таъсир чоралари уларнинг жамиятга муносабатини, меҳнатга муносабатини ва унинг руҳий муносабатларини ижобий мукаммалаштиришга қаратилади. Маҳкумларга қўлланиладиган тарбиявий таъсир чораларини қўллаш колония ички кун тартибига ва маҳкумларнинг иш вақтларига таъсир кўрсатмаган ҳолда ташкил этилади.

Маҳкумларнинг маънавий дунёқарашининг тарбияланишида диний билиmlарни тарғиб қилиш ёки унга ўргатиш руҳида ташкил қилинишига йўл қўйилмайди, лекин унинг диний дунёқарашининг ихтиёрий шаклланишига ҳам тўсқинлик қилинмайди. Жазони ижро

Этиш муассасаларида маҳкумларнинг диний урф-одатларини амалга оширишларига ҳам ички кун тартиби қоидалариға зарап етказмаган холда йўл қўйилади.

Маҳкумларни ҳукукий тарбиялаш уларда ҳукукий билимларни оширишга қаратилади. Ҳукукий билимларни ошириш бу давлатнинг конун нормаларини тушунтириш, жиноят қонун нормаларини хурматлаш, ҳукукий мәданиятни оширишга қаратилади. Маҳкумларнинг ҳукукий тарбия ишларини ташкил қилиш ҳар хил бўлиши мумкин. Жумладан, ҳукукий мавзуларда сухбатлар уюштириш, маҳсус учрашувлар ўтасиши, савол-жавоб кечалари уюштириш, деворий ёки кўргазмали таргиготларни ташкил қилиш, кундалик қонуний ўзгаришлар билан таништирилиб бориш шаклларида ташкил этилади. Маҳкумларнинг ҳукукий тарбия ишлари ИИВ томонидан ишлаб берилган ластур асосида олиб борилади. Асосий тадбирлар оммавий тартибда ташкил этилади.

Ижтимоий қонунчиликни ташвиқот қилиш ва таништириб бориш учун ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, муваҳассислар ёки олимлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

Ҳукукий тарбияни йўлга қўйиш борасида маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганларини муддатидан илгари жазодан озод қилиш ёки манзил колонияларига ўтказишни ёхуд ахлоқ тузатиш ишлари жаосига ўтказилишини кўриб чиқиш бўйича шу жойларда ишларни кўриб чиқишлари катта аҳамият касб этади.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг жисмоний тарбиясиги ҳам катта аҳамият берилади. Жумладан, ҳар бир муассасала (маҳсус таргibili колония ва турмадан ташқари) спорт мусобакалари учун ҳамда маҳкумларнинг жисмоний тарбияси учун маҳсус жойлар ташкил этилади. Маҳкумларнинг жисмоний тарбиясига қаратилган чоралар маҳкумлар ўтасида спорт мусобакалари уюштириш, уларни кундалик кун тартибida жисмоний тарбия учун вактларининг яратилганлиги каби ҳолатлар билан амалга оширилади. ИИВ маҳкумлар жисмоний тарбиясига катта аҳамият беради. Айниқса тарбия муассасаларида маҳсус спорт майдонлари ёки хоналарининг жиҳозланганилиги бу масалага алоҳида эътибор қаратилганлигидан да-лолат беради.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг турли хил спорт турлари билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилган. Жумладан, бокс, кураш, гимнастика ва бошқа спорт турлари учун маҳсус гурухларнинг ташкил этилганлиги бунинг далилидир.

Маҳкумларга қўлланадиган тарбиявий таъсир чоралари якка тартибда, гурух ёки оммавий кўринишларда ташкил этилиши мумкин.

Якка таргигдаги тарбиявий таъсир чоралари ҳар бир маҳкумнинг ҳукукий, ахлоқий ва жисмоний хусусиятларини тушунтириш кўринишларида ташкил этилади. Шунингдек, маҳкумнинг содир этган жиноятига нисбатан суд ҳукми муддатларини таҳлил қилиш ва бу муддатларнинг қанча қисми ўталганидан кейин маҳкумларни жа-

зодан озод қилиш ёки енгилрөк жазога үтказиш мумкинлигини тушунтириш асосида олиб борилади. Гурух шаклида тарбиявий таъсир чоралари, асосан, маҳкумларнинг бригадалари таркибида олиб бориладиган таъсир чораларини тушуниш мумкин. Гурух таркибида тарбиявий таъсир чоралари уларнинг меҳнат интизомига риоя қилиш, меҳнат режаларини бажариш, гурух аъзоларини рағбатлантириш ёки жазолаш кўринишларида ташкил этилади. Муассасанинг кун тартибида белгиланган тарбиявий соатлари, асосан, гурух шаклида йифинларни үтказишга қаратилади.

Оммавий шаклдаги тарбиявий ишлар отрядлар таркибида олиб бориладиган чораларни назарда тутади.

Озодликдан маҳрум қилинганларнинг таълим-тарбияси ва уларга қўлланиладиган мажбуровлар чораларини амалга оширишда рағбатлантириш ва интизомий жазолашнинг аҳамияти катта хисобланади. Маҳкумларни рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш чоралари ҳам конунда белгиланган қоидалар билан тартибга солинади. Бу масалаларнинг қонундан ташкари амалга оширилиши мумкин эмас, акс ҳолда, маҳкумларнинг ахлоқан қайта тарбияланишига салбий таъсир этиши мумкин. Амалдаги ЖИКда аввалги қонунлардан фарқли равиша жиддий ўзгаришлар киритилган.

**Рағбатлантириш чоралари** маҳкумларга ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиши, касб-хунар ўрганишдаги ютуқлари, муассасанинг фаолиятидаги фаол иштироки ва тарбиявий ишларини амалга оширишдаги фаоллиги учун қўлланилади. Рағбатлантириш юқорида таъкидланган ҳолатларнинг барчаси учун умумий тарзда ёки алоҳида биттаси учун ҳам қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш чоралари ЖИКнинг 102-моддасида белгилаб берилган ва улар қўйидагилардан иборат: ташаккур эълон қилиш; илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш; ёрлик, кимматли совфа ёки пул мукофоти билан тақдирлаш; қўшимча посилка, йўқлов ёки бандероль олишга рухсат бериш; қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашув хукуки бериш; озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул қийматини кўпайтириш; енгиллаштирилган саклаш шароитига үтказиш ҳолатлари қўлланилади.

Маҳкумларга ЖИКнинг 75-моддаси учинчи қисмида белгиланган маҳкум учун сарфланадиган пул харажатларига яна қўшимча ўн фоиз сарфлашга рухсат берилишидан фарқли пул мукофоти билан тақдирлаш ҳам мумкин. Рағбатлантиришнинг ижтимоий хусусиятлари юкори хисобланади. Маҳкумни ижобий хулқи, ҳатто меҳнатдаги айrim ютуқлари ҳам маълум даражада рағбатлантирилиши мумкин.

Маҳкумни ташаккурнома билан рағбатлантириш оғзаки ёки ёзма шаклда ҳам бўлиши мумкин, бошқа рағбатлантириш чоралари факат ёзма шаклда бўлиши мумкин. Ташаккур эълон қилиш оғзаки усулда эълон қилинган тақдирда ҳам, маҳкумларнинг шахсий варагига киритиб қўйилади. Ташаккур эълон қилиш отряд бошлиғи, тарбиявий

ишлар бүйича колония бошлиғи мувини ва хатто колония бошлиғи томонидан ҳам эълон қилиниши мумкин.

Пул мукофоти, ёрлик ёки қимматли совға билан мукофотлаш муассаса бошлигининг буйруғи билан эълон қилинади. Бу турдаги рағбатлантириш чоралари муассаса молиявий ва иқтисодий ахволидан келиб чиққан ҳолда маҳкумнинг шахси, унинг ички интизом коидаларини бажарғанлиги ёки рағбатлантириш учун сабаб бўлган ходиса аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Маҳкумлар ёрлик ёки қимматли совға билан тақдирланганида унинг ўзига берилади ва маҳкум бу мукофот ёки ёрлиқни ўзининг хоҳининг кўра фойдаланади. Ўзи ишлатиши мумкин, уйига жўнатиб юбориши ёки муассасанинг буюмларни саклаш хоналарига топшибириб қўйиши ҳам мумкин. Маҳкумга ажратилган пул мукофоти унинг хисоб варагига киритилади ва бу мукофотдан маҳкум ўзининг харажатларига сарфлаши мумкин.

Маҳкумларни рағбатлантириш мақсадида қўшимча посилка, йўқлов ҳам муассаса бошлигининг буйруғи билан амалга оширилади ва бир йилда куни билан иккита посилка йўқлов ва бандеролга рухсат берилиши мумкин. Лекин муассасанинг режим турига кўра маҳкумнинг қўшимча посилка, йўқлов ёки бандерол олишга рухсат берилиши конунда белгиланған қоидага кўра амалга оширилади. Маҳкум айнан бу хукуқларнинг қайси бирини олиши мумкинлигини маъмурят ҳал қиласди. Бундай рағбатлантириш маҳкумнинг қонун бўйича олиши мумкин бўлган посилка, йўқлов ёки бандеролдан ташқари белгиланади.

Маҳкумларга қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашувга рухсат бериш масаласини ҳам колония бошлигининг буйруғи билан амалга оширилади. Қонунга биноан неча мартағача қўшимча учрашувга рухсат бериш аник белгилаб берилган. Бу масала маҳкумнинг қандай муассаса ва қандай тартибли колонияда сакланаётганлигига боғлиқ. Масалан, умумий, қаттиқ тартибли колонияларда ва тарбия колонияларида сакланаётганларга нисбатан бир йилда қўшимча бир марта учрашув ва бир марта телефон орқали сўзлашувга рухсат берилса, маҳсус тартибли колонияларда йилига қўшимча бир марта қисқа муддатли учрашув ва бир марта телефон орқали сўзлашувга рухсат берилиши мумкин. Турма қамогида сакланаётганларга эса факат бир марта қисқа муддатли учрашувга рухсат берилиши мумкин, холос.

Маҳкумларга рағбатлантириш усули сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун пул қийматини кўпайтириш бир ойдаги харажатлар билан баҳоланади. Маҳкумларга қўшимча тарзда ёки энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизигача қийматда сарфлашга рухсат берилиши мумкин.

Маҳкумларни рағбатлантириш тарзida енгиллаштирилган саклаш шароитига ўтказиш жазони ижро этиш колонияларида маҳкумга сарфланадиган пул харажатларининг ўн фоизигача ортиши, соқчи-сиз ёки кузатувчисиз юришга рухсат берилиши, бир марта учрашув,

бир марта телефон орқали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов олиш имкониятларининг яратилиши тушунилади.

Турма қамофида енгиллаштирилган саклаш шароитига ўтказиш деганда қўшимча бир марта кисқа муддатли учрашув битта посилка ва йўқлов олишга рухсат берилганлиги тушунилади. Лекин енгиллаштирилган шароитга ўтказиш тарзидаги рагбатлантириш чорасини қўллаш учун айрим талаблар ҳам қўйилади. Жумладан, маҳкумнинг интизомий жазоси бўлмаслиги ёки олиб ташланган бўлиши керак; умумий, қаттиқ ва тарбия колонияларида суд тайинлаган жазонинг камидаги тўртдан бир қисмини ўтаб бўлиши керак, маҳсус тартибли колонияда эса жазонинг учдан бир қисмини, турмада эса жазонинг камидаги олти ойи ўталганидан кейингина қўлланилади.

Маҳкумларга қўлланиладиган рағбатлантириш чоралари гарчанд **ЖИК**нинг 102-моддасида белгилаб берилган бўлишига қарамай яна бошқа ҳолатларни ҳам кўриш мумкин. Жумладан, маҳкумларни муддатидан аввал жазодан озод қилиш ёки енгилроқ жазо билан алмаштириш, умумий, қаттиқ ёки тарбия колонияларидан манзил колониясига ўтказиш, тарбия колониясида сакланаётган маҳкумларнинг учрашув хуқукини, унинг ота-онаси билан кўришиш учун муассасадан ташқарига, саккиз соатга чиқишига рухсат бериш каби чоралар ҳам белгиланган.

Маҳкумларни муддатидан аввал жазодан озод қилиш, бошқа енгилроқ жазо билан алмаштириш ёки колония турининг ўзгартирилиши масаласини колония маъмуриятининг тавсиясига биноан суд карори билан ҳал қилинади.

Маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уни ҳалол меҳнатга ўргатиш ва жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-интизомига бўйсунни таъминлаш учун, унга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган интизомий жазо чоралари ҳам белгиланган. Жумладан, **ЖИК**нинг 105-моддасига биноан маҳкумга нисбатан қўйидаги интизомий чоралар қўлланилади: огоҳлантириш; хайфсан эълон қилиш; енгиллаштирилган саклаш шароитини бекор қилиш; интизомий бўлинмага киритиб қўйиш; жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчи маҳкумларни манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан маҳсус тартибли колонияга, колониядан турмага ўтказиб қўйиш тарзидаги чоралар белгиланган. Маҳкумга нисбатан қўлланиладиган интизомий чораларни қўллаш тартиби ҳам қонунлаштирилган. Жумладан, маҳкумнинг бир неча содир этган интизомсизлиги учун факат битта интизомий чора қўлланилиши мумкин. Интизомий чора қўллашнинг муддати ҳам белгиланган, жумладан, маҳкум содир этган хуқуқбузарлиги учун факат бир ой ичida интизомий чора қўлланилиши мумкин. Бу муддат ўтганидан сўнг интизомий жазоланиши мумкин эмас. Интизомий чора факат муассаса бошлиғи ёки унинг ўринбосарлари томонидан қўлланилиши мумкин. Интизомий чора юзасидан маҳкум юқори турувчи мансабдор шахсларга шикоят қилиш хукукига эга. Юқори турувчи мансаб-

дор шахс, суд ёки прокурор тайинланган интизомий чорани бекор қилиш хукуқига эга.

Махқумга интизомий чора фақат интизомий хукуқбузарлиги учун қўлланилиши мумкин. Махқумнинг меҳнат режасини бажара олмаганлиги, тартиб-қоидаларни бажара олмаганлиги учун, агар у атайлаб қилмаган бўлса, интизомий жазоланиши мумкин эмас, интизомий жазонинг муддати ҳам мавжуд. Жумладан, маҳқум интизомий жазоланганигидан сўнг бир йил мобайнида янги хукуқбузарлик содир этмаган бўлса, интизомий жазо ўз кучини йўқотади. Махқумнинг ижобий хулки, меҳнатга ҳалол муносабати ва шу каби хусусиятлари эвазига маъмурият интизомий жазони бекор қилиш хукуқига ҳам эга.

Махқумга қўлланиладиган ҳайфсан эълон қилиш оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин. Бошқа интизомий чоралар ёзма ра-вишда берилиши мумкин. Огоҳлантириш деганда маҳқумни содир қилган қилмишини қайта содир этмасликни ёки олдини олиш мақсадида қўлланилади. Огоҳлантириш отряд бошлиғи томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Огоҳлантириш олган маҳқум аксарият холларда яна шундай қилишни такрорлаган тақдирда ҳайфсан олиш-лигига сабаб бўлади. Ҳайфсан эълон қилиш одатда маҳқумнинг енгил қилмиши ёки ички интизомини бузганлиги учун қўлланилади. Оғзаки эълон қилинган ҳайфсан ҳам маҳқумнинг шахсий ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Огоҳлантириш ва ҳайфсан эълон қилиш интизомий чоралари бир-бирига ўхшаб кетади ва шунинг учун ҳам олдин огоҳлантириш, кейин ҳайфсан эълон қилинади. Огоҳлантиришни маҳқумнинг ҳужжатида белгиланмаслиги ҳам мумкин.

Енгиллаштирилган сақлаш шароитини бекор қилиш интизомий чора сифатида қўлланилади. Маҳқумнинг ички тартиб-интизомни қасдан бузганида, ёмон хулқ-атвори юзасидан маъмурият енгиллаштирилган сақлаш шароитини белгиланганини бекор қилиши мумкин. Бу интизомий чора қўллангандан кейин бир йил ўтганидан кейингина маҳқумларни яна енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилиши мумкин бўлади.

Маҳқумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш унинг ички тартиб-коидани сурункали бузгани, маҳқумларга нисбатан безорилик ёки зўрлик ишлатгани ва бошқа интизомий хукуқбузарлик содир этганида қўлланилади. Интизомий бўлинмалар ҳар бир муассасада ташкил этилади. Маҳқумни интизомий бўлинмага киритиб қўйиш узоги билан ўн беш суткага белгиланиши, тарбия колонияларида эса ўн сугкагача белгиланиши мумкин. Интизомий қисмга киритиб қўйилган маҳқумнинг шароити жиддий ўзгарилиши мумкин.

Манзил колонияларида хибсхона, умумий қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларда хибсхона ва карцерлар мавжуд. Карцерлар бир кишилилк ёки икки кишилилк, ёки кўпчиликка мўлжалланган бўлиши мумкин.

Интизомий бўлинмаларга киритиб қўйилган маҳкумлар ўзлари-га берилган хукуқлардан маҳрум этилади, уларга нисбатан бошқа оғиррок хукуқий ҳолат белгиланади. Жумладан, озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш учун белгиланган энг кам иш хақи микдорининг ўттиз фоизигача пул сарфлашга, ҳар куни бир ярим соатлик сайр килишга рухсат берилиши мумкин.

## **9-§. Жазони ижро этиш жойлардаги ташаббускор ташкилотлар**

Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотлари деганда маҳкумлар оммасини ўз орқаларидан эргаштира оладиган ва ўзининг яхши фазилатлари билан уларга ибрат бўла оладиган гурух тушунилади. Бу фаол гурух бевосита маҳкумларни ўзларини-ўзлари тарбиялаш ва тартиб-интизомни таъминлаш шаҳобчасини ташкил қиласди.

Ушбу шаҳобча аъзолари маҳкумларни тузалиш ва қайта тарбияланиш ишида муассаса маъмурияти раҳбарлиги остида ишлайди, кўрсатма ва йўл-йўриқларни оғишмай амалга оширади.

Ташаббускор ташкилотларни тузилиши ва турлари:

- бу муассаса Жамоа Кенгаши, туркум жамоа кенгаши ҳамда уларнинг шаҳобчаларидан иборат;
- муассаса Жамоа Кенгашида қўйидаги шаҳобчалар тузилади;
- маҳкумларни ўзларини-ўзлари тарбиялаш ва тартиб-интизомни таъминлаш (МЎЎТ) ва (ТИТШ) шаҳобчаси;
- оммавий ишлаб чиқариш ишлари;
- маданий-оқартув ишлари;
- жисмоний тарбия ва спорт ишлари;
- майший тозалик;
- жамоа овқатланишини таъминлаш;
- кўп сонли рўзноманинг жамоатчи мухбирлари.

Шунингдек, туркум (отряд) жамоа кенгашида қўйидаги шаҳобчалар тузилади:

- маҳкумларни ўзларини-ўзлари тарбиялаш ва тартиб-интизомни таъминлаш шаҳобчаси;
- оммавий ишлаб чиқариш ишлари;
- деворий рўзнома мухарририяти;
- жисмоний тарбия ва спорт ишлари;
- майший тозалик.

Барча шаҳобчалар туркум Жамоа Кенгашининг звенолари ҳисобланади. Муассаса ташаббускор ташкилотларининг таркибига: муассаса деворий рўзномаси таҳририят ҳайъати, бригадирлар кенгаши, кутубхона кенгаши. Жамоа маблағи ташкил қилинади ва бу шаҳобчалар тенг хукуқда ишлайди.

Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотларининг вазифалари:

- жамоа одобини ривожлантириш, уларнинг фойдали ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маҳкумларни тузалиш ва қайта тарбиялашда жамоа таъсирини қаратишга харакат қиласди;
- маҳкумларни тузалиш ва қайта тарбиялаш учун Жазони ижро этиш масаласида ходимларга кўмаклашади;
- маҳкумларнинг жамоа фаоллигини ва фойдали қизикишларини ривожлантиришда муассаса ходимларига доимо ёрдам беради;
- меҳнат мусобақасини ташкил қилишда, ишлаб чиқариш ташкилотларининг топшириқларини бажарилишини таъминлайди;
- меҳнат унумдорлигини ва чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини оширишда ўз хиссасини қўшади;
- маҳкумларни Жазони ижро этиш масаласи ички тартиб-коидаларини қатъий бажарилишида маъмуриятга кўмаклашади;
- оммавий ва маданий-тарбиявий тадбирлар ўтказишида иштирок этади.

Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотларини тузиш ва уларнинг вазифалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг 1992 йил 28 декабрдаги 481-сонли буйруғида қатъий белгилаб берилган.

# **УБОБ. КОЛОНИЯ ВА ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ**

## **I-\$. Колония ва турмалар тизими ва уларда сакланадиган маҳқумларни тоифалаш**

Озодликдан маҳрум қилинган маҳқумлар жазони колония ва турмаларда ўтайдилар. Маҳқумларнинг таснифланишига кўра уларни турли хил колония ва турмаларга таксимланади. Жазони ижро этиш конунчилиги тарихида бу муассасаларнинг такомиллашганигини кўриш мумкин. Колония ва турмаларнинг ривожланиши ва такомиллашиши маҳқумлар шароитининг ўзгариши ва жаҳон андозаларига яқинлашишига ҳам сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 50-моддасига биноан жазони ижро этиш колонияларининг тўрт тури назарда тутилади. Буларга манзил колониялар, умумий қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларга бўлинади. Бундан ташқари, маҳқумларнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятларининг оғирлиги ва оғир жазо тайинланганлиги тақдирда уларни жазонинг муайян қисмини турмада ўтказишликка юборилиши ҳам белгиланган. Турма камоги колониядан фарқланиб колонияларни эркаклар учун алоҳида, аёллар учун алоҳида ташкил этилиши назарда тутилган бўлса, турма қамоғида маҳқумлар факат алоҳида алоҳида камераларда сакланишлигини инобатга олган холда эркаклар ҳам, аёллар ҳам битта турмада сакланиши мумкин.

Вояга етмаганлар озодликдан маҳрум этилганида уларни тарбия колониялари билан вояга етганларнинг колонияларида шароитлари ҳам бир-биридан фарқ қиласи. Албатта, вояга етмаганлар тарбия колонияларида шароитнинг енгиллаштирилганлигини кўриш мумкин.

Маҳқумларни озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун колония турини белгилаш масаласини суд маҳқумга жазо тайинлаш жараёнида ҳал қиласи ва маҳқум жазонинг барча муддатини суд белгиланган колонияда ўташлиги мумкин. Лекин маҳқумнинг ахлоқан тузалганлиги, колония меҳнатга ўрганганлиги ёки вояга етмаганнинг вояга етганлиги муносабати билан бошқа колонияга ёки умуман, бошқа жазо тури билан ҳам алмаштирилиши мумкин. Бу масала ҳам суд томонидан ҳал қилинади.

Маҳқумнинг даволаниши учун оғир бетоблиги туфайли маҳсус колонияларга ўтказилганида унинг оила аъзоларининг аризасига кўра ҳамда маҳқумнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун суд қарорисиз ҳам ўтказилиши мумкин.

Жазони ижро этиш колонияларининг турларига қараб у ерлардаги шароитлари ҳам бир-биридан фарқланади. Бундай фарқланишга, асосан, суд маҳқумнинг шахси, ижтимоий хавфлилиги, жинояти оғирлиги масалаларига тўғри баҳо бериш имконияти яратилган. Жумладан, манзил колониясида сакланаётганларнинг шароити озод шахслар ҳаётига жуда яқинлаштирилган бўлса, маҳсус тартибли ко-

лонияларда маҳкумлар ҳарбий қисмларнинг назорат таркиби назоратчилари ва муассасанинг турма қуринишидаги назоратчилари резина таёк-чалари билан қуролланган назорати остида камера типидаги колонияларда сакланишлiği назарда тутилади. Колонияларнинг бундай фарқланиши маҳкумларни ахлоқан тузалиш ва уларни түғрийулга ўргатиш учун яратилган тизим ҳисобланади.

Колония ва турмада сакланыётган маҳкумларнинг шароити, уларнинг ҳуқуклари ва мажбурловчи холатлари қонун билан белгиланиб, бу тартибни хеч кимнинг, хатто колония маъмуриятининг ҳам бузишга ҳақки йўқ. Колонияларда маҳкумлар қўйидагича тақсимланади:



## 2-§. Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жазони ижро этиш колонияларида ижро этиш

Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг аксарияти жазони ижро этиш колонияларида ижро этилади. Вояга етмаганлар учун белгилangan тарбия колониялари алоҳида қуриб чиқилади.

Умумий тартибли колониялар вояга етганларга қасддан унча оғир бўлмаган ва оғир жинояти учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан тайинланади. Умумий тартибли колонияда бир неча бор озодликдан маҳрум қилинган аёллар ҳам сакланишлари мумкин, лекин бундай аёллар ҳам одатда, биринчи бор озодликдан маҳрум қилинган аёллардан алоҳида сакланадилар.

Колонияларда, асосан, икки хил шароитдаги саклаш жойлари ташкил этилади: оддий, енгиллаштирилган ва оғирлаштирилган шароитларга бўлиниши мумкин. Бундай шароитларни ташкил этиш маҳкумларни саклаш ётоқҳоналарининг алоҳида ташкил этилиши билан тартибга солинади. Оддий шароитдаги колонияга одатда, маҳкум суднинг ҳукми билан келтирилганда киритиб қўйилади. Кейинчалик

бундай шароитдаги колонияга енгиллаштирилган ёки оғирлаштирилган шароитдан үтказилган маҳкумлар ҳам киритилиши мумкин. Бундай шароитдан енгиллаштирилган шароитта үтказиш маҳкумнинг ЖИК-104-моддасида белгиланган қисмини үташи мобайнидаги хулқ-авторига караб маъмурият томонидан ташкил этилган комиссиянинг хulosасига биноан үтказилади. Бу комиссиянинг маҳкумга берилган интизомий ёки рағбатлантириш чораларини ўрганиб чиқишига кўра ҳал қилинади. Енгиллаштирилган шароитта үтказиш маҳкумни ижобий тарбиялашнинг асоси бўлиб ҳисобланади ва яна унинг хулқ-авторининг яхшиланиши натижасида жазони муддатидан аввал бекор қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш ҳақида уқтирилади.

Маҳкумни интизомий жазолаш тури сифатида ҳукуқларини чекланган шароитта үтказиб қўйиш маҳкумнинг олган интизомий жазо чораларига караб эмас, балки унинг ашаддий тартибузар деб ҳисобланганида бўлиши мумкин. Бундай шароитта үтказиб қўйиш оддий шароитдаги ёки енгиллаштирилган шароитда сакланётган маҳкумларда ҳам үтказилиши мумкин.

Ҳукуқлари чекланган шароитда сакланётган маҳкумларни яна кейинчалик ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабатини ҳисобга олиб, бундай ҳукуқий чеклаш ёки карцерда саклаш муддати тугаши билан маҳкумга белгиланган интизомий чора бекор қилиниб, маҳкум яна илгариги ҳукуқларига эга бўлади. Бундай ҳукуқий чеклашларни муддатидан олдин ҳам олиб ташланиши мумкин. Бу масалани ҳам маъмурият комиссияси томонидан ҳал қилинади. Бу коида маҳкум жазони үтаб бўлгаунига қадар ёки муддатидан аввал жазодан озод қилингани, ёки енгилроғи билан алмаштирилгунинг қадар татбиқ этилади.

Маҳкумларга белгиланадиган шароитлар колониянинг режим турига караб бир-биридан фарқланади. Умумий режимли колонияларда оддий шароитда сакланётган маҳкумлар умумий ётокононаларда сакланади ва уларга ҳар ойда озиқ-овқат харид қилиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ фойзигача бўлган қийматда харид қилишларига рухсат берилади. Бундан ташқари, йил мобайнида турт марта қиска муддатли ва уч марта узок муддатли учрашув, турт марта телефон оркали сўзлашув, туртта посилка ёки йўқлов, туртта бандероль олиш ҳукуқи берилади.

Енгиллаштирилган шароитта үтказилган маҳкумларга бундай имтиёзларга яна қўшимча имтиёзлар берилади. Жумладан, озиқ-овқат харид қилиш учун бир ойда қўшимча энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фойзигача пул сарфлашга, йил мобайнида қўшимча бир марта учрашув, бир марта телефон оркали сўзлашув, битта посилка ёки йўқлов олишга рухсат берилиши мумкин. Уларга сокчисиз ёки кузатувчисиз юриш ҳукуки ҳам берилади. Одатда, маҳкумни жазо муддати тугашига яқин қолганида уларни қўпроқ енгиллаштирилган шароитта үтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади ва бундай шароит-

да сақланып келген махкама озодлик белгиларини сезиш ва унга күни-киш имкониятига эга була олади. Соңғисиз ёки кузатувчисиз юриш, ишга чикиш, колония худудида эркин харакатлана олиши махкамни эркин ҳәётта анча яқынлаштиради.

Махкамни хукуклари чекланган шароитта үтказиб, унинг хукукла-рига жиддий таъсир күрсатали. Хукуклари чекланган шароитта үтка-зиб қўйилган махкамлар интизомий бўлинмаларга киритиб қўйила-ди. Озодликдан маҳрум қилинган жойларнинг режим турларига қа-раб интизомий бўлинма ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Манзил ёки тарбия колонияларида хибсоналар; умумий, қаттиқ ва маҳсус тар-тибли колонияларда хибсона ва карцерлар, турмаларда эса карцер-ларга киритиб қўйилиши билан хукуклари чеклаб қўйилган шароит-та үтказилади. Умумий, қаттиқ ва маҳсус тартибли колонияларда хукуклари чеклаб қўйилган шароитта үтказилган махкам аввал хибсонага, агар бу ёрдам бермаса, хукуклари чеклаб қўйилган шароит муддати ичидаги олти ойгача карцерга ҳам киритиб қўйилиши мумкин. Хукуклари чеклаб қўйилган шароитта үтказилган махкамлар кўпи билан олти ойгача, аёллар уч ойгача үтказилиши мумкин. Вояга етмаганларга эса хукуклари чеклаб қўйилган шароитта үтказишнинг ўзига хос тартиблари мавжуд.

Интизомий жазолаш тарикасида хукуклари чекланган шароитта үтказилган махкамларнинг хукукларида ҳам ўзгаришлар содир бўла-ди. Хибсоналарга киритиб қўйилган махкамларга учрашув, телефон орқали сўзлашув, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олиш, посылка, йўқлов ва бандероль олиш ҳамда жўнатиш, хат-лар ва бошқа жўнатмалар юбориш тақиқланади. Уларга чекиши, столда ўйналадиган ўйинлар ўйнаш, кўрпа-тӯшаклардан фойдаланишга рухсат берилмайди. Бериладиган овқат ҳам камайтирилган нормада, уларга бир суткада бир соатгача очик ҳавода сайр қилишга рухсат берилади.

Қаттиқ тартибли колонияларда суд ҳукмига биноан юборилган махкамлар, турма ва маҳсус тартибли колониялардан рафбатланти-риш тарикасида үтказилган махкамлар суд тайинлаган турма қамоги муддатини үташдан сўнг үтказилган махкамлар, суд томонидан ин-тизомий жазо тарзида қайтирилган махкамлар сақланади. Қаттиқ тартибли колонияларда, шунингдек, ўта оғир жиноятчи учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган ва хафвли рецидивист деб топилган аёллар ҳам сақланадилар.

Қаттиқ тартибли колонияларда ҳам умумий енгиллаштирилган ва оғир шароит қоидлари жорий этилади. Лекин қаттиқ тартибли колониялардаги шароитлар ҳам умумий режим колонияларнинг ша-роитларидан қаттиқлаштирилганлиги билан фарқ қиласди. Қаттиқ тартибли колонияларда махкамларнинг умумий турар жойларida яшай-дилар. Махкамларни ахлоқан тузатиш ва ҳалол меҳнатга ўргатиш учун уни ҳам енгил шароитта үтказиши ёки интизомни бузувчи ашад-дий тартибсиз деб топилганида эса оғирлаштирилган шароитта үтка-зини билан огоҳлантирилди ва шу қоидага риоя қилинади. Одатда,

колонияга келиб тушган маҳкум ЖИКнинг 1-қисмида белгиланган муддат ўтгунга қадар шароитини ўзгартириш қодаси татбиқ этилмайди. Бу муддат ўтганидан кейингина уни енгиллантирилган шароитга ўтказиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Маҳкумни енгиллаштирилган шароитга ўтказилганда ўтказиш муддати белгиланмайди. Фақат маҳкумнинг хулқи ёмонлиги ва тартиб-бузарлиги натижасида уни оддий шароитга ёки оғирлаштирилган шароитга ўтказиб қўйилиши ҳам мумкин. Маҳкумни оғирлаштирилган шароитга ўтказиш муддати эса белгиланади. Кўпи билан олти ойга оғирлаштирилган шароитга ўтказилиши мумкин. Енгиллаштирилган ёки хукуклари чекланган шароитларда ҳам маҳсус ички тартиб-қоидалар маҳкумни мажбурий меҳнатга жалб қилиш тартиби, уларга хукуқ ва мажбуриятларни белгилаш қоидалари жорий этилади.

Оддий шароитдаги маҳкумлар қаттиқ тартибли колонияларда бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ фоизигача бўлган қийматда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишга рухсат берилади. Шунингдек, бир йилда кўпи билан уч марта қисқа муддатли ва икки марта узок муддатли учрашув, уч марта телефон орқали сўзлашув, учта посилка ёки йўқлов ёхуд бандероль олиш хукуки берилади. Бу имтиёзлар маҳкумнинг шароитининг ўзгартирилиши билан ўзгариши мумкин. Жумладан, енгиллаштирилган шароитга ўтказилганда яна энг кам ойлик иш ҳақининг ўн фоизигача қийматда пул сарфлаш, қўшимча посилка, бандероль ёки йўқлов олиш хукуқлари телефон орқали сўзлашув хукуки билан таъминланиши мумкин.

Хукуклари чекланган шароитга ўтказилганда эса унга бундай имтиёзлар бекор қилинади ва ЖИКнинг 109-моддасининг туртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида белгиланган хукукий чеклаш турлари ва қўшимча хукуклардан фойдаланишларига рухсат берилади.

Маҳсус тартибли колонияларда маҳкумлар шароити оғирлаштирилганлиги билан ажralиб туради. Умумий шароитдаги маҳсус режимли колонияларда ҳам маҳкум шароитининг алоҳида оғирлаштирилганлигини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам маҳсус тартибли колонияларда фақат ўта хавфли рецидивистлар ёки ўлим жазоси афв этилиб озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумларгина сақланиши мумкин. Маҳсус тартибли колонияга аёллар юборилмайди. Маҳсус тартибли колонияларда маҳкумлар камераларда сакланадилар ва уларни бир кунда кўпи билан бир соатга очик ҳавога олиб чиқилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилганда маҳкум камера типидаги яшаш жойларидан умумий типдаги яшаш жойларига ўтказилади. Маҳсус тартибли колонияларда сакланаётган маҳкумларга бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ фоизигача микдорда озиқ-овқат ва энг зарур буюмлар харид қилишларига рухсат берилиши мумкин. Уларга бир йилда икки марта қисқа муддатли ва бир марта узок муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посилка ёки йўқлов, иккита бандероль олиш хукукига эга.

Махсус тартибли колонияларда жазони ўташ маҳкумларнинг камера типидаги хоналари махсус майший талабларга биноан жиҳозланганлиги билан фарқланади. Камерада маҳкумга ётишга тахта каравот, овқатланиш ва ўтириш учун тахта стол, стул, ювиниш ва хожат жойлари бўлишлиги талаб этилади. Камерада ҳам маҳкум учун кун тартиби белгиланади. Маҳкумларга кинофильм ёки телекўрсатувлар кўришга йўл қўйилмайди.

Махсус тартибли колонияларда сакланнаётган маҳкумлар ҳам жазонинг учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан сўнг енгиллаштирилган шароитга ўтказилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумларга ЖИКнинг 104-моддаси талабларига биноан қўшимча имтиёзлар берилади. Маҳкум қандай шартларга кура енгиллаштириладиган шароитларга ўтказилган бўлса, худди шу тартибда карцерларга ҳам киритиб қўйилишлари мумкин. Карцерга киритиб қўйишга факат ўн беш суткагача йўл қўйилади.

Ўлим жазоси озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилган маҳкумлар одатда алоҳида камераларда сакланадилар.

Камераларда сакланнаётган маҳкумлар меҳнати ҳам камера шаротларига мос равишда ташкил этилади. Махсус тартибли колонияларда сакланнаётган маҳкумлар ҳар куни бир ярим соатгача, енгиллаштирилган шароитга ўтказилганида эса икки соатгача сайрга олиб чиқилишлари мумкин.

Турма ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўташ жойлари хисобланади ва Узбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирилигининг жазоларни ижро этиш бош бошқармаси томонидан умумий раҳбарлик ва назорат қилинади. Турма жойлари ҳам колониялар сингари маҳкумларни ахлоқан тузатиш, уларни тўғри йўлга ўргатиш вазифаларини амалга оширади. Шунга қарамай, турма жойлари колонияларнинг баъзи хусусиятларидан жиддий фарқланади. Жумладан, турмада маҳкумлар доимий камераларга қамалган ҳолда сакланадилар ва уларни жамиятдан ажратишнинг энг огирашган ҳолатларини белгилайди.

Турмаларда ўта хавфли рецидивистлар оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган маҳкумлар ҳамда ички тартиб қоидаларини ашаддий бузганлиги учун колониялардан ўтказилган маҳкумлар сакланадилар.

Колониялардан турмага маҳкум ички тартиб қоидаларни ашаддий бузувчи, маъмурият талабларига бўйсунмайдиган ҳолатларда суднинг қарори билан ўтказилади. Бундай ҳолда маҳкум турма жойи қоидаларига биноан қонунда белгилangan муддатта ўтказилиши мумкин. Бу муддат тугаши билан маҳкум яна суд белгилаган режим тури колониясига ўтказилади.

Турма жойларининг ташкил этилиши ва тузилиши жиҳатидан жиддий фарқланади. Турмалар колонияларга ўхшаб режим турларига бўлинмайди. Лекин турма жойларида маҳкумларнинг оддий шароитдаги, енгиллаштирилган шароитдаги ёки интизомий жазолаш шак-

лидаги хуқуқларға үтказилғанлигини күриш мумкин. Булар оддий шароитдаги камералар ва маҳкумни оғирлаштирилган шароитларга үтказилғанида сақланадиган камералар. Турма жойларида ҳам маҳкумларнинг хўжалик хизматларини ҳам маҳкумлар томонидан амалга оширилади. Бундай ишларга маҳсус шундай ишлар учун колониялардан қолдирилган маҳкумлар амалга оширади.

Маҳкумларни турма қамоғига юборилганида суд унинг шароитини белгилаб бермайди. Ҳар бир турма жойига юборилган маҳкум умумий шароитдаги хуқуқлар белгиланади. Бу жойда жазони ўташ вақтида маҳкумнинг шароити ўзгариши мумкин. Лекин ҳомиладор ёки эмизикли болали аёллар, I ва II гурух ногиронлари турмада енгиллаштирилган шароитда сақланадилар. Уларни оддий ёки оғирлаштирилган шароитларга үтказилишлари мумкин эмас.

Маҳкумни енгиллаштирилган шароитга үтказиш, жазонинг камиди олти ойи үтилганидан кейингина йўл қўйилиши мумкин. Енгиллаштирилган шароитга үтказилган маҳкум ички тартиб-қоидани ашаддий бузувчи деб топилганида уни умумий ёки оғирлаштирилган шароитга үтказишлари ҳам мумкин. Лекин бундай ўзгариш ҳам яна олти ойдан кейин йўл қўйилади.

Маҳкумлар факат ўзлари сақланётган камерадагина эркин ҳаркатланиши ва ёнидаги бошқа маҳкум билан мулоқот қилиши мумкин. Агар маҳкумни алоҳида сақлаш зарурати туғисла ёки хавфсизлик ҳолатлари вужудга келса, бир кишилик камераларга ҳам киритиб қўйилиши мумкин. Маҳкумларни бир кишилик камерага киритиб қўйиш оғирлаштирилган шароитни англатмайди, факат унинг хавфсизлигини таъминлаш чораси хисобланади.

Турма жойларида (камера) маҳкумлар учун барча зарурат шароитлари яратилади. Турма жойларида маҳкумларни очиқ хавода сайр килиш учун олиб чиқишига мўлжалланган маҳсус жойлар ташкил этилади. Маҳкумни кунлик сайрга олиб чиқилишидан ташқари маҳсус ташкил этилган ишчи камераларига олиб чиқилишлари ҳам мумкин. Бундай камераларда маҳкум фойдали меҳнатга жалб қилинадилар. Бу камералар маҳкумларнинг меҳнатларини ташкил этиш учун маҳсус керакли жиҳозлар билан жиҳозланган бўлади.

Турма жойлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг оғирлаштирилган шароитларини назарда тутади. Лекин шунга қарамай маҳкумларнинг хуқукий ҳолати ҳам белгиланган бўлиб озиқ-овқат ёки энг зарур буюмлар сотиб олиш, дийдор кўришув, бандероль олиш хуқуқлари ҳам берилади. Маҳкумларнинг озиқ-овқат ёки энг зарур нарсалар сотиб олиш маҳкумларнинг меҳнатидан тушган маблағи хисобига ёки унинг қариндош ёки яқинлари томонидан пул жўнатмалари хисобига бўлишига ҳам қонун йўл қўяди. Бундай харид масалалари ҳам чегараланган миқдорда рухсат этилиши мумкин.

Турма жойида маҳкумга энг зарур нарсалар ёки озиқ-овқат сотиб олиш учун бир ойда энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача миқдорда рухсат этилади. Агар маҳкум енгиллаштирилган ша-

роитга ўтказилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик фоизигача қийматда сарфлашга рухсат этилади.

Турма жойларида сакланыётган маҳкумга бир йилда бир марта қиска муддатли учрашув, бир марта телефон орқали сўзлашув, иккита бандероль олишга рухсат этилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумга эса қўшимча бир марта қиска муддатли учрашув, битта посылка ёки йўқлов олиш хукуки берилади.

Маҳкум ўзининг хулқи, ички тартиб-коидаларига риоя килиши, меҳнатдаги ютуқларини инобатга олиб, ЖИКнинг 102-моддасида белгиланган рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

Турма жойларида сакланыётган маҳкумларнинг кундалик очик ҳавога сайд қилиши учун олиб чиқилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга ва бу ҳам қонун билан тартибга солинади. Жумладан, маҳкумлар бир суткада ўттиз минутга очик ҳавога чиқариладилар, енгиллаштирилган шароитга ўтказилган маҳкумлар эса бир соатгача очик ҳавога чиқарилишига йўл қўйилади.

### **3-§. Тарбия колонияларида жазони ўташ**

Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларга бўлган эътибор нафақат ижтимоий ёки сиёсий ҳолатларда ва ҳатто, жиноят содир этиб айбли ҳисобланганларида ҳам алоҳида инсонпарварлик муносабатлари қонунлаштириб берилган. Жумладан, вояга етмаганлар жавобгарлиги, уларнинг хукукларининг алоҳида химояланганлиги ва ҳатто жазоларни белгилаш ва ўташ жараёнидаги инсонпарварлик хусусиятлари қонунда алоҳида белгиланган.

Вояга етмаганлар жавобгарлиги ва улар учун жазо масалалари ҳам ЖК ва ЖИКларида алоҳида бобларда ажратиб берилган ва жиддий янгиликларни назарда тутади.

Вояга етмаганларга нисбатан ЖКга биноан озодликдан маҳрум қилиш ўн йилгача, бир неча жиноятлар ёки бир неча хукмлар юзасидан жазо тайинланганида ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин. Бундан ташқари вояга етмаганларнинг озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойлари ҳам алоҳида ташкил этилган, улар бундай жазоларни тарбия колонияларида ўтайдилар. Вояга етмаганлар учун белгиланган тарбия колонияларидағи шароитлари ҳам енгиллаштирилганлиги билан ажralиб туради.

Қонунга биноан тарбия колонияларининг фақат умумий ва кучайтирилган тартибли турлари мавжуд. ЖИКнинг 22-бобида тарбия колонияларининг хусусиятлари алоҳида қонунлаштириб берилган. Умумий ва кучайтирилган тартибли колонияларнинг ички хусусиятлари ҳам катталар учун белгиланган колониялардан енгиллаштирилганлиги билан фарқланади.

Вояга етмаган эркаклар озодликдан маҳрум қилишга биринчи марта хукм қилинганларида ва аёллар неchanчи марта озодликдан

маҳрум қилинган бўлишига қарамай, умумий тартибли тарбия колонияларида сақланадилар. Эркак жинсидаги маҳкумлар илгари озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиқсан бўлсалар, кучайтирилган тартибли колонияларида сақланадилар.

Тарбия колонияларида маҳкумлар вояга етгунга қадар сақланадилар. Вояга етганлигидан сўнг уларни жазони ўташ колонияларига ўтказилишлари мумкин. 18 ёшга етган маҳкумлар жазони ижро этиш колониялариға факат ёмон хулқи билан ажралиб турганларидагина ўтказилади (ЖИКнинг 122-моддаси). Қонунга биноан маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилигига қараб жазони ижро этиш колониясининг тури белгиланади. Унча оғир бўлмаган жиноятни қасдан биринчи марта содир этганлар сақланадиган умумий тартибли колонияга ўтказилади. Ўта оғир жиноятлари учун хукм қилинган шахслар оғир жинояти учун биринчи марта хукм қилинган шахслар сақланадиган умумий тартибли колонияга ўтказиладилар. Эҳтиётсизликдан жиноят содир этганлар ўн саккиз ёшга етганларидан сўнг манзил колонияларига ўтказиладилар.

Маҳкумнинг ижобий хулки, меҳнатга ҳалол муносабати ва бошқаларга ўrnak бўла олишилгини хисобга олиб, маъмурият уни яна йигирма беш ёшга етгунига қадар тарбия колониясида қолдириши ҳам мумкин. Маҳкумни жазони ижро этиш колонияларига ўтказиш масаласини ЖИКнинг 128-129-моддаларига биноан амалга оширилади.

Тарбия колонияларида ҳам маҳкумларни енгиллаштирилган имтиёзли ва оддий шароитлари мавжуд. Бундан ташқари маҳкумнинг интизомсизлиги, ички тартиб-коидаларни доимий бузувчилариға нисбатан қўлланиладиган ҳибсхоналар ҳам мавжуд, ҳибсхоналарга киритиб қўйилган маҳкумларнинг шароити, албатта, оғирлаштирилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказиш маҳкумнинг ижобий хулқи, меҳнатга ҳалол муносабати ҳамда интизомий жазо чорасининг бўлмаслиги ва жазонинг камидаги  $\frac{1}{4}$  кисмини ўтаганидан сўнг қўлланилади.

Маҳкумни енгиллаштирилган шароитдан яна умумий шароитларга ҳам қайтарилиши мумкин. Маҳкумни ҳибсхонага киритиб қўйиш уларнинг ёмон хулқи, доимий интизомий жазолангандиги сабаб бўлиши мумкин. Ҳибсхонага киритиб қўйиш ўн суткадан ошмаслиги лозим.

Тарбия колонияларида маҳкумларга тарбиячилар тайинланади. Тарбиячилар маҳкумларнинг кундалик фаолиятларини белгилаб беради, назорат килади ва бошқаради. Тарбия колонияларида маҳкумни енгиллаштирилган шароитга ўтказиш ёки ҳибсхонага киритиб қўйишни тарбиячининг тавсиясига кўра колония бошлигининг буйруғи билан ҳал қилинади.

Тарбия колонияларида маҳкумлар умумий ётотхоналарда яшайдилар. Умумий тартибли тарбия колониялари билан кучайтирилган тартибли колонияларнинг деярли фарқи йўқ. У ердаги маҳ-

кумлар шароити бир-бирига ўхшайди. Фақат маҳкумларга берилган хукуқлар билангина фарқ қиласди. Ҳар иккала турдаги тарбия колониясида сакланыстағанлар бир йилда олти марта қисқа муддатли ва түрт марта узок муддатли учрашув хукуқига эга. Ҳар иккала турдаги тарбия колонияларида ҳам түрт мартадан телефон орқали сўзлашув хукуқига эга. Фақат посилка ёки йўқлов олиш бўйича фарқланади. Жумладан, умумий тартибли тарбия колониясида олтита посилка ёки йўқлов, олтита бандероль олиш хукуки берилса, кучайтирилган тартибли тарбия колониясида тўртта посилка ёки йўқлов ва тўртта бандероль олиш хукуки берилади. Енгиллаштирилган шароитга ўтказилганларида қўшимча яна биттадан учрашув, телефон орқали сўзлашув, посилка ёки йўқлов олиш хукуки ҳам берилади. Тарбия колонияларида рағбатлантириш чоралари жуда кенг кўлланилади. Вояга етмаганларнинг ахлоқан тузалишида ва уларни қайта тарбияланишларида рағбатлантириш чораларининг аҳамияти жуда сезилади. Рағбатлантириш чоралари маҳкумнинг ҳар бир ютуфи, хулқининг ижобийлиги ёки меҳнат нормаларининг бажарганлиги дарҳол рағбатлантирилади. ЖИКнинг 102-моддасига биноан ташаккур эълон қилиш, илгариги интизомий жазони муддатидан олдин бекор қилиш, мақтov ёрлиги бериш, қимматли совға билан тақдирлаш, пул мукофоти бериш, қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари қўшимча посилка, йўқлов ёки бандероль олиш хукуки бериш, қўшимча учрашув ёки телефон орқали сўзлашувга рухсат бериш, озиқ-овқат ёки зарурий нарсалар сотиб олиш, пул қийматини ошириш каби имтиёзлар берилади. Бундай имтиёзларнинг муддатлари чегараланмаган.



# **VI БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАРНИ САҚЛАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТЛАРИ**

## **1-§. Озодликдан маҳрум этишига ҳукм қилингандарни сақлаш шароитларини ўзгартириш институти ва унинг мазмуни**

«Маҳкумларни сақлаш шароитларини ўзгартириш» тушунчаси хақидаги масала кун тартибига энди қўйилётгани йўқ. Ушбу масала у ёки бу жиҳатдан юридик адабиётда бир неча бор кўриб чиқилган. Мазкур муаммога мурожаат этишимизнинг сабаби, бизнинг фикримизча, у хали ўзининг қатъий ечимини топмаган ва барча томонлари етарлича чукур ўрганилмаган.

Маҳкумларни сақлаш шароитларини ўзгартириш институтининг ижтимоий аҳамияти барчага маълум. У ўз воситалари ёрдамида маҳкумларнинг жазони ўташ давридаги хатти-харакатларини ижтимоий-фойдали йўналишда тузатишни амалга оширишга хизмат килади.

Маҳкумларни сақлаш шароитларини ўзгартириш институтига маҳкумлар хатти-харакатларини тузатишнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари киради.

Маҳкум ижобий хулқ-атворга эга бўлганда унинг ҳукуқлари, унга берилган имтиёзлар кенгайтирилиши мумкин, ўзини салбий тутганда эса—аксинча, ҳукуқларининг хажми камайтирилади, чеклашлар микдори кўпайтирилади.

Маҳкумларни сақлаш шароитларини ўзгартириш институти маҳкумларни жазоловчи-тарбияловчи таъсир кўрсатиш воситаларидан биридир. У маҳкумнинг жазо ўташ даврида хулқ-атвори ва шахсининг ўзгаришига зийраклик билан жавоб бериб, жазоловчи-тарбияловчи жараёнга жадаллик ва мослашувчанлик беради.

Шу муносабат билан А.И.Зубков ва Н.К.Дорофеевларнинг қўидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: жазоловчи-тарбияловчи таъсир доимий харакатда бўлган жараён бўлиб, маҳкумга қўйиладиган талабларнинг мажбурий ва бутун жазо муддати давомида ўзгармай қоладиган жараён эмас. Аксинча, жазо муддатини ўташ жараёнида маҳкумнинг ўзини тувишига, унинг меҳнатга бўлган муносабатига, ахлоқан тузалиш даражасига қараб умуман ушбу жазоловчи-тарбияловчи таъсирлар мажмуаси ўзгаради<sup>1</sup>.

Маҳкум жазо ўташ жараёнида эга бўладиган ҳукуқлар, чеклашлар хажмининг, унга қўйиладиган талаблар рўйхатининг ўзгариши жазони ижро этишини индивидуаллаштириш принцибининг амалга ошувидир. Бунда маҳкум шахснинг индивидуал аҳамиятга эга бўлган

<sup>1</sup> Зубков А.И., Дорофеев Н.К. Строго регламентированный внутренний распорядок ИТУ и его реализация. Томск, 1972. С.22.

хусусиятлари ва аввало, унинг ижтимоий-ахлоқий ўзгариши дара-  
жаси биринчи ўринига чикади<sup>1</sup>.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти  
жазони ижро этишининг такомиллашиши тизимининг муҳим эле-  
ментларидан бирилди. Г.А. Аванесов маҳкумларни саклаш шароитла-  
рини ўзгартириш ҳақидаги масалани кўрар экан, «қайта тарбиялаш  
жараёни ... шундай йўлга қўйиладики, маҳкум кейинги истиқбол йўлида  
жазони ижро этишининг бир неча босқичларидан ўтади. Бунда ушбу  
босқичларнинг хар бирида унинг манфаатларини қондиришда  
мутлақо аниқ ва ҳақиқатда унбу босқичда эришиб бўалиган мақсад  
юзага келади. Уларни тўлиқ қондиришга эса (албатта, озодликдан  
маҳрум этиш шароитидаги имконият доирасида) маҳкум истиқболли  
тизимнинг барча босқичлари орқали ўтганидан сўнг эришади»<sup>2</sup>.

Бунда жазони ўташ босқичларидан ўтиш, шароитларнинг яхши  
ёки ёмон томонга ўзгариши маҳкумнинг ўзига, унинг хулқ-автори-  
га боғлиқ эканлигини ёдда тутиш керак.

Ушбу холатга ўз вактида С.В. Познишев ҳам эътибор бериб,  
жазони ўташ босқичларининг барчасини ўташ маҳкумнинг «пени-  
тенциар муассаса ундан талаб қилаётган нарсаларни ўзлаштириб  
олиш учун қилаётган харакатлари даражасига»<sup>3</sup> боғлиқлигини айт-  
ган эди.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти одатда  
Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг маҳкум-  
ларни саклаш шароитларини битта Жазоларни ижро этиш муассаса-  
си доирасида ва бошқасига ўтказиш йўли билан ўзгартириш мум-  
кинлиги 61-моддасида баён қилинган. Бунда мазкур норма номида  
маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш ҳақида гапирилса-  
да, матнда, битта ЖИЭМ доирасида маҳкумларга яхшироқ сакла-  
ниш шароитларини яратиб бериш ёхуд уларни бекор килиш ҳақида  
сўз боради.

Маҳкумларни саклаш шароитларини битта ЖИЭМ доирасида  
ўзгартириш амалда маҳкумларни саклаш шароитларини ёмон томон-  
га ўзгартириш каби муҳим элементни ўз ичига олмайди. Маҳкум-  
ларни саклашнинг яхшиланган шароитларини бекор қилишни муай-  
ян шарт билангина ёмонлашиш дейиш мумкин, чунки бу маҳкум-  
нинг яхши шароитга ўтказилишидан аввали эга бўлган дастлабки  
сакланиш шароитига қайтарилишига сабаб бўлади.

Маҳкумларни саклаш шароитларини маҳкумни бир турдаги  
муассасадан бошқа турдаги муассасага ўтказиш йўли билан ўзгар-

<sup>1</sup>Қаранг, масалан: Капункин С.А. Принцип индивидуализации исполнения  
наказания и его отражения в исправительно-трудовом законодательстве и  
деятельности исправительно-трудовых колоний. Автореф.дис....канд.юрид.наук.М., 1991. С.7.

<sup>2</sup>Аванесов Г.А. Изменение условий содержания осужденных. М., 1968. С.17.

<sup>3</sup>Познышев С.В. Основы пенитенциарной науки. М., 1923. С.154-155.

тириш шароитларини ўзгаришишнинг анча тўлиқ ва аниқ тизими-дир, чунки шароитларни ҳам яхши, ҳам ёмон томонга ўзгаришиш мумкинлигини назарда тутади.

Махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш институтининг ривожланишида унинг хуқукий моҳияти хақидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутади. Ушбу асосий муаммони ҳал этмай туриб, махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш институтининг жазони ижро этиш элементлари тизимидағи ўрнини тўғри белгилаш, уни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш мумкин эмас.

Адабиётларда ушбу масала бўйича турли қарашлар мавжуд. Махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш институтини кўпчилик муаллифлар амалда жазони ижро этишининг истиқболли тизими билан айнан бир нарса деб карайдилар. Масалан, Н.А. Стручков «прогрессив система ўз мазмуни нуктаи назаридан маҳкумнинг жазони ўташ шароитини унинг хулқ-авторидан келиб чиқиб ўзгаришини тақозо этади»<sup>1</sup> деб тъқидлади.

Кейинчалик у «маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш институтини уларнинг ахлоқан тузалишига боғлиқ равишда ташки белгилари бўйича буржуа-пенитенциар хуқуқининг прогрессив тизим муаммосига ўхшаш, аммо синфий-сиёсий табиати бўйича унга қарама-карши бўлган ахлоқ тузатиш-мехнат хуқуки институти сифатида»<sup>2</sup> қараш зарурлиги хақида гапирган бўлса-да, махкумларни саклаш шароитларини ўрганиш институтининг хеч қандай ўзига хос хусусиятлари келтирилмайди.

Прогрессив тизим элементларига махкумларни саклаш шароитлардаги ҳар қандай ўзгаришишни киритувчи Г.А. Аванесов ҳам аслида шундай нуктаи назарга эга.

Ўйлаймизки, прогрессив тизимни махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш институти билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Прогрессив тизим махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш институтига қараганда кенгрок тушунча. У ўз ичига махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш доирасидан чиқувчи элементларни ҳам қамраб олади. Чунончи, прогрессив тизим махкумларнинг таснифланиши, махкумлар турли гурухларининг тақсимланишини таъминловчи муассасалар тизимлари, муддатидан аввал озод қилиш имконияти мавжудлигини ва бошқа элементларни назарда тутади.

Шу нуктаи назардан «маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш ҳали бутун прогрессив тизимни ифодаламайди. Шу боис прогрессив тизим махкумларни саклаш шароитларини ўзгаришиш

<sup>1</sup>Стручков Н.А. Курс исправительно-трудового права. Проблемы Особенной части. М., 1985. С. 92.

<sup>2</sup>Ўша жойда. 93-6.

билин, шунда ҳам бундай шароитларни ўзгартириш усулларининг оддий тұплами билан бир деб билиш мутлақо асоссиз туюлади», деб хисобловчи О.И. Баженов фикрлари анча тұғри.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти-нинг мазмуни ҳақида гапирганды, назарий ишланмаларда маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш, маҳкумларга бериладиган ҳуқук өткізу үшін имтиёzlар ҳажмининг ўзгариши тушунилади, деган фикр устун туришини таъкидлаш зарур<sup>1</sup>.

Бирок ушбу масалага бошқача ёндашувлар ҳам мавжуд. Масалан, Г.А. Аванесов маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш деганда маҳкум ҳуқуклары ҳажмининг имтиёzlари күринишида амалга ошадиган ўзгаришлар сифатида тушуниш керак деб хисоблады.

Шундай қилиб, Г.А. Аванесов «имтиёzlар» иборасидан воз кечмаган ҳолда уни ҳуқуклар билан бирга маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг мазмунига киритмайды, балки ҳуқуклар амалга ошишининг объектив ифодаси сифатида қарайди.

Таъкидлаш зарурки, «хуқук» ва «имтиёz» тушунчалари бир тартибли тушунчалардир. Агар хуқук деганда давлат кучи билан муҳофаза этиладиган умуммажбурий ижтимоий нормалар тизими тушунилса, имтиёz деганда қонун айрим субъектлар ёки уларнинг гурухлари учун үрнатған афзаликлар тушунилади<sup>2</sup>.

Хуқук ҳам, имтиёzlар ҳам бир манбага әга бүлған ҳодисалардир. Уларнинг асосида давлат үрнатған ижтимоий мухим нормалар ётади. Кенг маңнода «хуқук» тушунчаси, фикримизча, «имтиёz» тушунчасини ҳам қамраб олади. Бирок қаттый белгиланған ҳолатларда айрим субъектларға ёки уларнинг гурухларигагина тааллукли бүлған бир қатор қоидаларни ажратып күрсатып учун «умумий белгиланған қоидадан истисноны ифодалаш учун «имтиёzlар» иборасини ишлатиш ҳам тұғри бўлади.

Шу боис имтиёzlарни ўзига хос мустақил ҳодиса деб эътироф этиш лозим ва уларни ҳуқукларни амалга оширишнинг объектив күриниши сифатида қараб бўлмайди.

Аслида О.И. Баженов ҳам Н.А. Стручковнинг маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг мазмуни ҳақидағы масалага доир фикрларини қўллаб-кувватлади. У мазкур институтни таърифламаса ҳам, у ҳақда маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартиришнинг у ёки бу турини қўллаш имконияти сифатида сўз юритади. Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти масаласига доир кейинги тадқиқотлар аслида ушбу институт мазмунини ифодаловчи ҳеч қандай янги жиҳатлар қўшмади. Масалан, Т.И. Перкова маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгар-

<sup>1</sup>Каранг: Стручков Н.А. Курс исправительно-трудового права. Проблемы особенной части. М., 1985. С. 92.

<sup>2</sup>Каранг: Юридический энциклопедический словарь. М., 1984. С. 272.

тиришнинг моҳияти ҳақидаги масалани кўриб чиқар экан, ушбу институт режим мазмунига киради ва маҳкумнинг хукуқий мақомига жилдий таъсир кўрсатади, «озодликдан маҳрум этиш жойларида жазо ҳажмини амалга оширишни тартибга солишнинг ўзига хос механизми»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди.

Санаб утилган барча элементлар маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти ҳақидаги масалани ҳал қилишга якинлаштиримайди.

Шу билан бирга, Н.А. Стручковнинг мазкур муаммога доир фикрига қўшилган ҳолда маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг юқорида келтирилган таърифида битта элемент тушириб қолдирилган.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти кўп учрайдиган маҳкум хукук ва имтиёzlари ҳажмининг ўзгаришидан иборат.

Ушбу таърифда, бизнингча, битта муҳим жиҳат, яъни муайян турдаги чекловларнинг мавжудлиги назардан четда қолдирилган. Масалан, имтиёzlар истисно тарикасида ва умумий коидадан фарқли равишда берилган афзалликлар шаклида ифодаланган. Аммо афзалликлардан ташқари худди шундай умумий коидалардан фарқли равишда белгиланадиган чекловлар ҳам мавжуд. Масалан, жазони ижро этиш колонияларида ашаддий тартибузарлар жойлаштириладиган алоҳида профилактик қисмлар ташкил этилган. Бундай қисмларнинг вазифаси салбий кайфиятдаги маҳкумларни бошқалардан ажратиш, уларни назорат қилишни ва тарбиялаш ишларини кучайтиришдан иборат.

Алоҳида профилактик қисмларга жойлаштириш муайян чекловлар, масалан, колония худудида ҳаракатланиш, бошқа маҳкумлар билан мулокотда бўлиш кабиларни чеклаш билан боғлик.

Шу нуқтаи назардан бундай маҳкумларни саклаш шароитлари бошқа маҳкумларни кига нисбатан шубҳасиз ўзгаради. Айни пайтда алоҳида профилактик қисмга жойлаштириш маҳкумларнинг жиноят-ижроия қонунчилигида берилган хуқуқларига таъсир этмайди. Бундай қисмларга жойлаштириш жазоchorаси ҳам, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш муайян ўзгаришларни назарда тутади.

Шу боис маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш элементларига яна биттасини—чеклашлар ҳажмини ўзгартиришни ҳам кўшиш лозим.

Энди, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш тушунчаси билан боғлик бошқа масалаларни кўришга ўтишдан аввал, хуқук-

<sup>1</sup>Перкова Т.И. Изменение условий содержания осужденных к лишению свободы путем перевода в исправительно-трудовое учреждение с иным видом режима: Автореф. дис.... канд.юрид. наук М., 1985. С. 9.

лар ҳажми тушунчасини аниклаб олиш лозим. Бошқача айтганда, маҳкумлар аллақачон эга бўлган ҳукуқларга қўшимча ҳукуқлар қўшилмаган ёки, аксинча, улар мавжуд ҳукукларининг бирон биридан айрилмаган ҳолларда ҳукуқлар ҳажми ўзгарадими ёки йўқми, шуни ҳал этиш зарур.

Масалан, маҳкумга колония ҳудудидан ташкарида соқчисиз ҳаркатланишига рухсат берилса, у ҳолда шубҳасиз, ҳукуқлар ҳажмининг кенгайиши, яъни ўзгариши мавжуд бўлади, чунки унга у илгари эга бўлмаган қўшимча ҳукуқ берилади. Агар учрашув ҳукуқига эга бўлган маҳкумга йил давомида яна бир марта учрашиш ҳукуки берилса, ушбу ҳолда унинг ҳукуклари ҳажми ўзгарадими?

Эҳтимол, ушбу саволга салбий жавоб бериш лозимдир.

Ҳукуқлар ҳажми деганда, нафақат турли хил ҳукуқий муносабатларни тартибга соловчи ҳукуқлар тўпламини, балки уларнинг ички, миқдорий, мазмуний томонини ҳам тушуниш керак. Бирок бир марталик рағбатлантириш, масалан, қўшимча учрашув бериш маҳкум ҳукукларининг ҳажмини ўзгартирмайди. Шу боис, агар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 61-моддасининг тартибида маҳкум саклашнинг яхшиланган шароитига ўtkазилса ва унинг учрашувлари сони, сарфлашига рухсат бериладиган пул киймати оширилса, яъни бошқа шароитга ўtkazilmасидан аввал ҳам у эга бўлган ҳукуқлар мазмун жихатидан кўпайса, маҳкумлар ҳукуқлари ҳажми ва уларни саклаш шароитларининг ўзгариши ҳақида гапириш мумкин бўлади. Чунки ушбу ўзгаришлар бир марталик хусусиятга эга бўлмайди, балки маҳкумнинг ҳукукларини номаълум вактга кенгайтиради.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти туғрисидаги масалани кўриб чиқиши чогида юзага келадиган муҳим муаммолардан бири ушбу институтнинг мустақиллик муаммосидир.

Адабиётларда шу масаладаги фикрлар фарқ қиласди. Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг мустақиллиги ҳақидаги нуқтаи назарни химоя қилувчи биринчи гуруҳ муаллифларга Н.А. Стручков, Ю.М. Ткачевский, Г.А. Авансов, А.А. Ахмедеев, А.Л. Ременсон ва бошқаларни киритиш лозим.

Масалан, Н.А. Стручков маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш нафақат рағбатлантириш ёки жазолаш чораларини, балки «маҳкумларнинг ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш асосий воситаларининг бутун мажмуини алоҳида-алоҳида индивидуал равишда кўллаш усулидир»<sup>1</sup>, деб хисоблаган. Сўнгра мисол тарикасида бир муассасадан бошқасига ўтказишни келтириб, у шундай деб ёзган эди: «... маҳкумларни саклаш шароитларини улар-

<sup>1</sup> Стручков Н.А. Курс исправительно-трудового права. Проблемы Особенной части. М., 1985. С. 94.

ни бир муассасадан бошқасига ўтказиш орқали ўзгартириш том маънодаги рағбатлантириш ёки жазолаш эмас, чунки у маҳкумларга рағбатлантириш ва жазолаш чораларини қўллаш институтига кирмайдиган мустақил ахлоқ тузатиш-мехнат ҳуқуки институтини амалга ошириш усулларидан бирининг мазмунини ташкил этади<sup>1</sup>.

Ю.М. Ткачевский ва Г.А. Аванесов маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг мустақиллиги ҳақида гапириб, ўз карашларини микдорий ва мувакқат жиҳатлардан келиб чиқиб асослаб бердилар. Улар рағбатлантириш ва жазолаш чоралари институтининг ўзига хос ҳусусияти ушбу чораларнинг алоҳида ишлар учун қўлланилиши ҳамда рағбатлантириш ва жазолаш чораларининг маҳкумлар ҳуқукий мақомининг узоқ вақт ўзгаришига олиб келмайдиган оддий акт эканлигидан иборат, деб ҳисоблаганлар<sup>2</sup>.

Агар рағбатлантириш муайян ижобий иш (уларнинг мажмуаси) учун, жазо эса интизомий қилмишни содир этганлик учун қўлланилса, маҳкумнинг у ёки бу даражадаги ахлоқан тузалиш даражасига мос хатти-ҳаракатларининг муайян йўналиши маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш учун асос бўлиб хизмат киласи, деб ёзган В.С. Епанешников ҳам деярли шундай далиллар келтиради.

А.Л. Ременсон маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартиришда бериладиган имтиёзлар маҳсус ҳусусиятга эга бўлади ва маҳкумларнинг ҳуқуқ мақомини бир эмас, балки бир неча муҳим муносабатларда ўзгартиради ва шу боис рағбатлантириш ва жазолаш чоралари сифатида қаралиши мумкин эмас, деб таъкидлайди.

Бошка нуқтаи назар тарафдорлари маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтини рағбатлантириш ёки жазолаш чораларига киритадилар. Масалан, А.Ф. Сизий маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартиришга рағбатлантириш ҳусусияти берилган деб ҳисоблайди. А.И. Васильев ҳам худди шундай фикр билдиради. Тўғри, у маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартирувчи нормаларни алоҳида гуруҳга ажратади, аммо улар рағбатлантириш чораларига киради, чунки қонун чиқарувчи орган уларнинг қўлланилишини маҳкумнинг хулк-автори ва меҳнатга муносабати билан bogлайди, деб ҳисоблайди<sup>3</sup>. Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтини рағбатлантириш ёки жазолаш нормаларига киритишнинг юкорида келтирилган асосларидан кўриниб турибдики, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш-

<sup>1</sup> Уша жода.

<sup>2</sup> Каранг: масалан, Ткачевский Ю.М. Проблемы прогрессивной системы исполнения уголовных наказаний // Проблемы совершенствования уголовных наказаний. Рязань, 1983. С. 20; Аванесов Г. Изменение условий содержания осужденных в процессе отбывания лишения свободы (прогрессивная система). М., 1968. С. 10.

<sup>3</sup> Каранг: Васильев А.И. Изменение условий содержания осужденных к лишению свободы. Рязань, 1981. С. 5.

нинг қонунга итоаткор хулқ-атворни рағбатлантиришга қаратилганлиги бундай қарорга келиш учун асосий далил бўлиб хизмат килган.

Ҳақиқатан ҳам, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш уларга сакланиш шароитини яхшилаш имконини бериб, уларнинг ижтимоий-фойдали хулқ-атворини рағбатлантиради ва сакланиш шароитини ёмон томонга ўзгартириш хавфи билан ижтимоий салбий хулқ-атворнинг олдини олади.

Ўз мақсадлари бўйича рағбатлантириш ва жазолаш институти ҳамда маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти мос келади. Ушбу институтлар маҳкумларнинг хулқ-атворини тузатишга қаратилган ушбу мақсадга, айниқса рағбатлантириш ҳақида сўз кетганда, қўпчилик муаллифлар эътиборни қаратадилар. Масалан, Р.К. Қодиров «рагбатлантириш чоралари нафақат маҳкумларнинг ахлокан тузалишига, балки режим талабларига намунали муносабатнинг ўрнатилишига ижобий таъсир кўрсатади»<sup>1</sup>, деб таъкидлайди. В.А. Елеонский ҳам уларнинг одамлар онги, иродаси ва руҳиятига ижтимоий таъсирининг алоҳида хусусиятини» таъкидлайди.

Хулқ-атворни рағбатлантирувчи чоралар ҳам<sup>2</sup> муайян турдаги хатти-харакатлардан тийилишни рағбатлантирувчи чоралар ҳам маҳкумнинг хулқ-атворига умуман олганда худди шундай таъсир этади.

Уларнинг ҳаммаси кўриб чиқилаётган иккала институтга ҳам дахлдор. Рағбатлантириш ва жазолаш чоралари институти ҳамда маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти уларнинг моҳиятидан ҳам бир-биридан фарқ қилмайди. Иккала холда ҳам иккала институт маҳкумларнинг хукуқлари ҳажмига уларни кенгайтириб ёки торайтириб таъсир кўрсатади. Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартиришнинг барча турлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 102—104- моддаларига, яъни рағбатлантириш ёки жазолаш чораларига киритилганлиги тасодифий эмас. Тўғри, жазолаш чоралари ичida маҳкум хукуқларининг ҳажмига таъсир этмайдиган айrim чоралар ҳам бор. Шу муносабат билан рағбатлантириш ва жазолаш чоралари институти маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтидан кенгрок.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти ушбу институтда назарда тутилган таъсир вақти тўлалигича рағбатлантириш ва жазолаш чораларига киради, чунки бир катор рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бир марталик тартибда эмас, балки узок вақт давомида амал қиласди.

<sup>1</sup> Кадыров Р.К. Роль стимулирования в исправлении осужденных // Хукук-Право. Т., 2000. № 3, С. 32.

<sup>2</sup> Елеонский В.А. Поощрительные нормы уголовного права. Хабаровск, 1984, С. 4.

Хуқукий муносабатлар субъектлари масаласида хам ахвол шундай. Улар айни бир субъектлардир.

Шундай қилиб, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти барча муҳим белгилари бўйича рағбатлантириш ва жазолаш чоралари институтига киритилиши ва унинг доирасида қаралиши керак.

Шу билан бирга рағбатлантириш ва жазолаш чоралари институти ўз мазмани бўйича, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтидан анча кенг бўлиб, унга тўла мос келмайди.

Бу маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтини рағбатлантириш ва жазолаш чораларининг алоҳида турига киритиш учун асос бўлади.

Шу нуктаи назардан маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг ўзига хос белгилари кўйидагилардан иборат.

Биринчидан, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтига кирадиган чоралар, албатта, маҳкумнинг хуқуклари ҳажмига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтига кирмайдиган рағбатлантириш ва жазолаш чоралари хуқуклар ҳажмига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бундай чораларга, масалан, ташаккур эълон қилиш, ёрлик билан мукофотлаш, огоҳлантириш ва хайфсан эълон қилиш ва бошкалар киради.

Иккинчидан, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтига кирувчи барча чоралар бир марталик тартибда эмас, балки муайян вакт давомида амал қиласди. Бунда улар орасида мувакқат хусусиятга эга бўлган чоралар (масалан, маҳкумларни интизомий бўлимга киритиш) ва ноаниқ муддат амал қиласдиган чоралар (сайр вактини кўпайтириш, маҳкумларни ЖИЭМГа, каршердан одатдаги яшаш жойларига кўчириш кабилар)ни ажратиш мумкин.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти нормаларининг вақтида амал қилиши мажбурийлиги нуктаи назаридан биз кўшимча битта посилка ёки йўқловга, киска ёки узок муддатли учрашувга, телефон орқали сўзлашувга рухсат бериш каби чораларни маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш чораларига киритмаймиз. Бундай чоралар бир марталик хусусиятга эга чораларга киради ва маҳкум хуқукларининг ҳажмига таъсир этмайди.

Ташқаридан караганда, юқорида санаб ўтилган чоралар маҳкум хуқукларининг ҳажмига таъсир этадигандек туюлади, чунки у микдор жихатдан ўзгаради. Лекин аслида ундан эмас. Айтайлик, кўшимча битта посилка олишга рухсат бериш посилкалар олиш хуқукининг ҳажмини кенгайтирмайди, чунки бир марталик хусусиятга эга бўлади ва маҳкум жазо ўташ даврида олишга ҳақли бўлган посилкалар микдори ўзгармасдан колади.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартирувчи чораларнинг учинчи ўзига хос белгиси шундаки, уларнинг ҳаммаси бирон бир

соҳадаги ҳуқуқка ёки битта имтиёзга эмас, балки маҳкумнинг ҳуқуқлари ёки имтиёзларининг мажмуасига таъсир этади.

Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтининг яна бир мажбурий белгиси, унинг чоралари жазони ўташ даврида амал қилишидир. Буни институтнинг номидан ҳам кўриш мумкин, яъни маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти дастлабки ва кейинги саклаш шароитларининг мавжудлигини, аммо жазони ўташ вактида бўлишини тақозо этади. Агар жазони ўташ тўхтатилса, у холда ҳеч қандай кейинги саклаш шароитлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шу боис маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтига биз шартли муддатидан олдин озод қилишни кирита олмаймиз. Шартли муддатидан аввал озод қилишнинг қўлланилиши жиноий-ижроия ҳуқукий муносабатларнинг тўхтатилиши учун асос бўлади<sup>1</sup>, факат шу доирадагина маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институти мавжуд бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартирувчи чораларга маҳкум ҳуқукларининг ҳажмини ўзгартирувчи ва жазони ўташ даврида қонунда белгиланган вақт давомида амал қилувчи рафбатлантириш ва жазолашнинг ўзига хос чораларини киритиш лозим.

«Маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш» ибораси кўриб чиқилаётган институтнинг моҳиятини тўла акс эттирмайди.

Гап шуңдаки, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш деганда, назарияда ҳам, амалиётда ҳам асосан моддий хусусиятга эга шароитларни ўзгариши, яъни посылкалар, йўқлов, сарфланадиган пул суммаларининг қўпайтирилиши тушунилади. Маҳкумларни саклаш шароитларининг ўзгартириш институти «номоддий» ўзгаришларни (режим кўринишининг ўзгаришлари ва х.к.) ўз ичига олса ҳам, бу, биринчидан, маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартиришга эмас, бошқача ўзгаришларга ўхшатилади ва, иккинчидан, маҳкумнинг ҳуқукларига таъсир этувчи жиддий ўзгаришлар маҳкумларни саклаш шароитларини ўзгартириш институтига кирмайди.

Шу боис, хозирги вақтда жазони ўташ шароитларини ўзгартириш институтини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала пишиб етилди. Ушбу институт маҳкумнинг ҳуқукий мақомига таъсир этувчи барча чораларни, шунингдек, унинг ҳуқукий мақомига даҳлдор бўлмаса-да, бир марталик тартибда ҳуқук ёки имтиёзларнинг микдорий ҳажмини ўзгартирувчи барча чоралардан иборат бўлади.

Бироқ маҳкум ҳуқуклари ва имтиёзлар доираси, унинг ҳуқукий холати ёки ҳуқукий мақоми ҳақидаги масалаларни аниклаб олмай туриб, ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Каранг: Шамансуров А.А. Прекращение наказания и социальная адаптация лиц, освобожденных из мест лишения свободы. Т.: Академия МВД РУз., 1998. С. 5—12.

## **2-§. Шароитлари ўзгартирилган маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати**

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати (ҳуқуқий мақоми) муаммоси биринчи даражали аҳамиятга эга. Ҳозирги вактда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуришга харакат қилинаётган шароитда инсон ҳуқуклари, инсон омили ҳақиқатан ҳам устун аҳамият касб эттаётган, янги қонун ҳужжатлари (нафақат жиноят ва жиноят-ижроия, балки бошқа соҳаларда ҳам) ишлаб чиқилаётган вактда маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми борган сари долзарб бўлиб бормоқда. Умуман жиноят-ижроия тизимининг самарадорлиги, маҳкумларнинг ахлоқан тузалиши вазифасининг бажарилишига эришишнинг реаллиги ушбу муаммонинг ҳал этилишига бутунлай янгича ёндашувлар ишлаб чиқилишига боғлиқ.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини таърифлашга амалдаги ёндашув ўзининг анча самарасизлигини кўрсатди. Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати тартибга солинишининг ноаниклиги, мухим масалаларнинг нафақат қонунда, балки қонун кучига эга бўлган ҳужжатлар, идоравий норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниши, кўплаб нуқсонларнинг мавжудлиги, вактингчалик манфаатлар каби унга хос камчиликлар бир қатор салбий оқибатларга олиб келарди ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Масалан, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатининг аниқ таърифланмаганлиги ва қонунда мустаҳкамланмаганлиги шароитдан келиб чиқмайдиган тақиқлар, чеклашларнинг қўлланишига, қонун-қоидаларнинг турлича талқин этилишига ва амалда турлича қўлланилишига, маҳкумларга қонунда назарда тутилмаган воситалар ва усуслар билан таъсир кўрсатилишига ёрдам берувчи омилдир. Охир оқибатда бундай вазият қонунийликнинг бузилиши учун кулаг замин бўлиб, маҳкумларда жазони ижро этиш чоғида уларга нисбатан қўлланилаётган таъсир чораларининг адолатсизлиги хиссини уйғотишга олиб келади, уларнинг ахлоқан тузалишига салбий таъсир этади.

Масалан, асоссиз тақиқлар органларнинг жазони ижро этувчи ходимларида кониқмаслик хиссини келтириб чиқаради, маҳкумларни фазаблантиради, маъмурият билан маҳкумлар ўртасида зарур алоқанинг ўрнатилишига тўсиқлар яратади, маъмуриятнинг маҳкумларга ижобий таъсир этишини қийинлаштиради.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати муаммоси кўп қиррали, кўп маъноли, аммо жуда мухим муаммо бўлиб, назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этишни талаб этади.

Бироқ бевосита маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги масалага ўтишдан аввал ҳуқуқий ҳолати (мақоми) тушунчасига анча кўп ўрин берилган. Ҳўш, шахснинг ҳуқуқий мақоми дегандা нима тушунилади?

Ушбу масалада турли фикрлар билдирилган. Биринчи нуктаи назарга кўра, шахснинг ҳуқуқий ҳолатига фукаролар қонун бўйича эга бўлган ҳуқук, эркинлик ва мажбуриятлар мажмуасини киритиш лозим.

Бошқа нұқтаи назарға күра шахснинг хуқуқий ҳолати нафакат муайян ҳажмдаги хуқуқ, әркінлик ва мажбуриятлардан, балки хуқуқ ва мажбуриятлар амалға ошувининг кафолатлари хуқуқий ҳолат принциплар, фуқаролик каби турли құшимча элементларни, умумий хуқуқий лаёқат ва фуқароларнинг қонун олдидағи тенглиги принципини, хуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатини үз ичига олади.

Юкорида баён этилган иккі нұқтаи назардан биринчиси тұғри ва бу қуйидаги ҳолатлар билан боғлық.

**Биринчидан**, шахс хуқуқий ҳолати тушунчасининг кенг талкин этилиши хуқуқий мақом тушунчасининг мазмуни ва уни амалга ошириш воситаларининг аралашыб кетишига олиб келади. Аслида эса булар бутунлай фарқ қиласынан мөхиятлардир.

**Иккінчидан**, турли хил элементларнинг аралаштириб юборилиши аслида хуқуқий ҳолатнинг таркибига унга дахлдор бұлса-да, унинг мөхиятими очиб бермайдынан құплаб янги элементларни киритиб, хуқуқий ҳолат тушунчасининг бартараф этилишига олиб келади.

Шахснинг хуқуқий ҳолатини таърифлашта ёндашувлар орасыда В.И. Селиверстовнинг фикри тұғри туюлади. У хуқуқий мақом—шахс хуқуқлари, әркінліктері ва мажбуриятларининг ҳамда мазмуни бүйіча улар билан бир тартибли бұлған бошқа элементларнинг системаси деб ҳисоблайды. Шундан сұнг мұаллиф бундай элементлар сифатида хуқуқий мақом мазмунига шахснинг юридик хуқуқлари ва мажбуриятлардағы бевосита ифодасыни топмаган ва мустаҳкамланмаган, аммо давлат томонидан хуқуқий ҳимоя килиниши лозим бұлған шахснинг қонуний манфаатларини киритиш тұғри бұлади деб ҳисоблайды.

Айни пайтда шахснинг хуқуқий мақоми мазмунига фуқароларнинг хуқуқлари, әркінліктері, қонуний манфаатлары ва мажбуриятларының әмас, балки тақиқларни ҳам кириттеган бұлур әдік. Ана шу элементларнинг мажмуаси шахс ва фуқаронинг хуқуқий мақомини ташкил этади

Махқумларнинг хуқуқий ҳолати ҳақидаги масаланы күриб чи-кишга үтишдан аввал назарияда хуқуқий ҳолат (мақом)нинг уч түри—умумий, махсус ва индивидуал турлары ажратилишини таъкидлаш жоиз.

Умумий хуқуқий мақомга ھеч бир истисносиз барча фуқароларға тегишли бұлған хуқуқий мақом киритилади. Махсус хуқуқий мақомға фуқароларнинг қандайдыр муайян гурухига хос хуқуқий мақом киради. Индивидуал хуқуқий мақом эса муайян шахс (фуқаро)нинг мақомидир.

Махсус хуқуқий мақомнинг ажратилиши фуқароларнинг муайян гурухлары бошқа фуқароларға нисбатан құшимча хуқуқ ва мажбуриятларға ҳамда бошқа хуқуқий мақом элементларига әгалиги (ёки улардан маҳрум этилғанлығы) билан боғлық. Махсус хуқуқий мақом фуқароларнинг айрим гурухлари улар бажарадынан ижтимоий ролларға боғлық равища әга бұладынан ҳолатини ажратишта қаратылған.

Г.В. Малыцев таъкидлаганидек, маҳсус ҳуқуқий мақомнинг мавжудлиги «харакатдаги субъектнинг ижтимоий системага қўшган хиссасини иложи борича аниқроқ белгилаш, унинг мақомини индивидуаллаштириши, унинг фаолияти шароит ва хусусиятларини инобатга олиш зарурлиги билан боғлиқ. Адабиётларда маҳсус мақом умумий мақом ҳуқуклари ва мажбуриятларини қамраб олиши ҳақидаги фикрлар мавжуд.

Ўйлаймизки, ушбу нуктаи назар унчалик тұғри эмас. Агар маҳсус ҳуқуқий мақом умумий мақомнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи ичига олса, умумий мақом маҳсус мақомнинг қисми, холос деган хulosага келишга тұғри келади, бу эса нотүрги.

Умумий ва маҳсус мақом моҳияти бўйича бир хил, лекин мазмуни бўйича ҳар хил ҳодисалардир. Умумий мақомнинг мазмуни барча фуқароларнинг ҳуқуклари ва мажбуриятларидан иборат бўлса, маҳсус мақомнинг мазмуни алоҳида гурухнинг ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятлари, холос.

Бундай ўзига хос гурухларга маҳқумлар киради.

Маҳқумнинг ҳуқуқий мақомига хос хусусиятлар қонунга биноан маҳқумнинг бир қатор ҳуқуклари чекланиши, унга маҳсус мажбуриятлар юкланиши, қўшимча тақиқлар белгиланиши, ниҳоят маҳқумнинг ўзига хос ҳуқуклари мавжудлигидан келиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси маҳқумнинг ҳуқуқий мақомини шахснинг умумий мақомидан ажратиб туради, ҳолбуки, биринчиси иккинчисига асосланади.

Шу муносабат билан, С.И. Зельдов маҳқумлар ва жазони ўташдан озод қилинган, лекин судланганлиги бўлганларнинг ҳуқуқий мақоми ҳақида сўз юритиб, уларнинг мақоми фуқаролар учун жиноят ва ахлоқ тузатиш-мехнат қонунларида ҳам, бошқа тармоқлар (маъмурий, меҳнат, никоҳ ва оила ҳамда бошқалар)да тўлиқ назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий ва умумҳуқуқий хусусиятга эга бўлган айрим чеклашлар билан қонунларда белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар мажмуаси<sup>1</sup> билан белгиланади, деб ёзади.

Маҳқум тўлалигича ҳуқуқий муносабатлар соҳасидан чиқариб юборилмайди, ҳуқуқсиз субъектга айланмайди. Умумфуқаровий ҳуқуклар ва эркинликларнинг бир қисмини тўлалигича, бошқасини, тайинланган жазо хусусияти ва уни ўташ шароитларидан келиб чиқиб, чекланган ҳажмда амалга ошира олади, айрим ҳуқуклари, эркинликлари ва ҳатто мажбуриятларидан у вактинча маҳрум этилади. Шу боис маҳқумнинг ҳуқуқий мақоми шахснинг ўзига хос ўзгартирилган, чекланган ҳуқуқий мақомидир, дейиш мумкин.

<sup>1</sup> Зельдов С.И. Правовые последствия освобождения от отбывания наказания. М., 1981. С. 11.

Адабиётларда маҳкумнинг хуқуқий ҳолати «масъулиятти эди бўлиш»<sup>1</sup> деган фикр мавжуд. Ушбу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Табиийки, маҳкумнинг хуқуқий ҳолати маҳкум учун салбий бўлган жиҳатларни ўз ичига олади ва олиши керак. Лекин хуқуқий ҳолатнинг мазмуни бу билан чекланиб қолмайди. У объектив ижобий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Бусиз маҳкумларга ахлок тузатиш таъсирини кўрсатиб бўлмаган бўлар эди.

Бироқ маҳкумларнинг хуқуқий ҳолати қонунларда белгиланган хуқуқлар, эркинликлар, мажбуриятлар ва такиқлар билан чекланиб қолмайди. Бу айнан суд хукмидан келиб чиқали.

Маҳкумлар учун хуқуқни чеклашлар ушбу турдаги жазони ўташ учун қонунда белгиланган жазони ўташ режимининг натижаси ҳамдир.

Бироқ бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 8-моддасида маҳкумлар учун чеклашлар қонунларда белгиланади, дейилган бўлса-да, улар суд ҳукми ва режимдан келиб чиқади. Уларнинг (чеклашларнинг) ҳаммаси охир-оқибатда қонунда белгилангандир. Дарҳакиқат, суд қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда жазо турини, унинг муддатини белгилайди, мажбурий даволаш чорасини кўллайди, унинг талабларини эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилигидан, айборнинг шахсидан, ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб индивидуаллаштиради.

Муайян турдаги жазони ўташ учун белгиланган режимдан келиб чиқувчи чеклашлар ҳам ана шундай. Ушбу чеклашлар қонунда бевосита кўрсатилмаган бўлса-да, унинг талабларига асосланган.

Шу боис «...суд хукмидан келиб чиқувчи чеклашлар деганда жиноят қонунида белгиланган чеклашлар тушунилади. Ана шуни қонунда акс эттириш керак эди», деган А.Е. Наташеванинг фикрлари назаримизда тўғри. У яна: қонунда режимдан келиб чиқувчи чеклашлар хақида гапирувчи иборанинг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Ахлоқ тузатиш-мехнат муассасалари тўғрисидаги илгари амалда бўлган қоидаларда маҳкумлар собиқ иттифок фуқароларининг барча хуқукларидан фойдаланадилар, факат улар суд бўйича маҳрум этилган ва қамоқда бўлганликлари туфайли фойдалана олмайдиган хуқуклари бундан мустасно, дейилган, яъни хуқукларнинг чекланиши озодликдан маҳрум этиш фактининг ўзидан келиб чиқиши керак эди. Янги қонунларда режимдан келиб чиқувчи чеклашларнинг кўрсатилиши қонунчиликни мустаҳкамлаш ишидаги олга ташланган муҳим қадамдир. Чунки бунда гап энди қонунда белгиланган режим хақида бормоқда, дейилган.

Шундай қилиб, маҳкумларнинг хуқуқий ҳолати барча юкорила санаб ўтилган холларда қонундан келиб чиқади.

<sup>1</sup> Кропачов Н.М., Тарбагаев А.Н. Уголовная ответственность и наказание // Вестник Ленинградского университета. 1987. Вып. 1. Сер. 6. С. 78.

Бирок мустаснолар ҳам мавжуд. Айрим тақиқлар, маҳкумлар хуқуқларини чекланиси қонунлардан эмас, балки жазони ижро этиш тартибини таъкин этувчи идоравий норматив хужжатлардан келиб чиқади.

Масалан, Ахлоқ тузатиш-мехнат ички кун тартиби қоидалари 5-параграфининг 2-моддасида озиқ-овқат маҳсулотлари, шахсий фойдаланинцида бўлган нарсалар, буюмлар ва моддаларни бошқа маҳкумларга сотиш ёки бошқача усуlda бериш тақиқланади.

Уибу қоидани киритишнинг ижобий хусусияти тушунарли ва қисман объектив асосли. Лекин мазкур талаблар жиноят ва жиноят-ижроия қонун хужжатлари талабларидан келиб чиқмайди. Бунинг устига, улар фуқаролик қонун хужжатларига ва, чунончи, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг уларга тегишли фуқаролик хуқуқларини ўз ихтиёrlари билан амалга ошириш мумкинлигини белгиловчи 9-моддасига зиддир.

Амалиётда ушбу талабларга ҳар доим ҳам риоя этилмайди. Ўзаро ёрдам ва қўллаб-куватлаш ҳакида сўз кетган ҳолларда эса буни умуман асослаб бўлмайди.

Аммо ўз мулкини тасарруф этиш хуқуқини амалга ошириш, айни пайтда, маҳкумга зарар келтирмаслиги, уни талаш учун баҳона бўлмаслиги, карта ўйнаб ботган карзларини тўлаш учун восита бўлиб хизмат қилмаслиги ҳам керак. Лекин бу мазкур муаммони мустақил ҳал этишни ва тегишли тақиқлар ва кафолатлар мавжуд бўлишини талаб этувчи бошқа жиҳатидир.

Шу боис, ҳозирги вақтда маҳкумларнинг хуқукий ҳолати факат қонун билан тартибга солинмаётгандигини эътиборга олиб, ушбу вақиятни ўзгартириш ва маҳкумнинг хуқукий мақомини факат қонун билан тартибга солиш зарурлиги түғрисидаги масала юридик адабиётда анчадан бўён ва бир неча бор кўтарилган.

Масалан, С.Г. Новиков маҳкумнинг хуқукий ҳолати муаммосини кўриб чиқар экан, биз маҳкумларнинг, айниқса, оздоликдан маҳрум килишга хукм этилганларнинг хуқукий ҳолати факт давлат ҳокимиятининг юкори органлари томонидан белгиланиши ва маҳкумларнинг хуқукий ҳолатини тартибга солувчи хужжатлар бўлиб, факт ўз юридик кучи бўйича энг олий мақомдаги хужжатлар, яъни қонунлар хизмат килиши керак, — дейди.

Бошқа муаллифлар маҳкумлар учун белгиланган хуқукий чеклашлар тизими ҳақидаги ва маҳкумларнинг хуқукий ҳолатини белгиловчи битта норматив хужжат ишлаб чикиш ва қабул қилиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўтариб, бу борала янада илгари кетдилар.

Идораларнинг хуқукий ҳолатини тартибга солиш масалаларига аралашиш хуқуки бир неча бор шубҳа остига олинган эди. Шу муносабат билан хуқуқнинг умумий назарияси, ахлоқ тузатиш-мехнат хуқуки масалаларига бағишлиланган адабиётларда, юқорида таъкидланганидек, хуқукий ҳолатни факт қонун хужжатлари даражасида тартибга солиш зарурлиги ҳакида фикрлар пайдо бўлди.

Масалан, А.С. Пиголкин идоралар фуқароларга қандайдир мажбуриятларни юклайдиган, улар ва идора ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқукий доирасини белгиловчи ҳужжатларни чиқармасликлари керак. Шахснинг ҳуқукий ҳолатини, унинг ҳуқуклари ва бурчларини тартибга солиш-конун чиқарувчи органларнинг ваколатига киради, леб хисоблайди.

Ушбу гоя қанчалик жозибали қўринмасин, уни амалга ошириб бўлмаса керак. Шахснинг ўтмишдаги, ҳатто ҳозирги вактдаги ҳуқукий ҳолатига доир кўпгина масалалар у ёки бу даражада айнан идоравий норматив ҳужжатлар билан белгиланади. Қисқаси, қарор топган тизим жуда хилма-хил соҳаларда ҳуқукий бўшлиқ мавжуд бўлишига олиб келадики, уни тўлдириш мумкин бўлмайди.

Ушбу масалани ҳал этишда ҳуқукий ҳолат масалаларини тартибга солувчи конун ҳужжатлари идоравий ҳужжатлардан борган сари устунроқ бўладиган вазият қарор топадиган амалий ўтиш зарур.

Шу билан бирга ҳуқукий ҳолат билан боғлиқ муайян доирадаги масалаларни идоравий тартибга солишдан тўла воз кечиш мақсадга мувофиқ эмас. Идоравий норматив ҳужжатлар чиқарилиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш ва уларнинг амалдаги конунларга мос келишини қатъий назорат қилиш ушбу муаммони ҳал этишнинг энг мақбул йўли бўлади.

Бунда ҳуқукий ҳолатнинг у ёки бу жихатлари муҳимлик даражасини ҳам инобатга олиш зарур. Энг муҳим жихатлари, шубҳасиз, конун ҳужжатлари даражасида тартибга солиниши керак. Бироқ шундай масалалар ҳам борки, уларни қонунга киритиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Бу айникса маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолати муаммосига таалуклидир. Бизнинг фикримизча, маҳкумларнинг ЖИЭМ ходимлари билан учрашганда саломлашиш, уйқуга ётишдан ўйқудан тургунгача бўлган даврда отряд хонасидан ташкарида фақат ЖИЭМ маъмуриятининг рухсати билан ҳаракатланиш, ёнида шахсий карточкасига эга бўлиш каби мажбуриятларини фақат идоравий даражада тартибга солиш лозим. Шу билан бирга конунга бундай масалаларни ҳал этиш ваколатини идораларга берувчи бланкет норма киритилиши лозим.

Шу боис ҳуқукий ҳолат ҳам, қонун ҳужжатлари ҳам идоравий норматив ҳужжатлар билан белгиланиши керак.

Маҳкумлар ҳуқукий ҳолатининг юқорида кўриб чиқилган элементларига яна биттасини киритиш лозим. Маълумки, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қатъий белгиланган, жазони ўташнинг бошланғич пайтидан маҳкум озод қилинадиган пайтгача ўзгармайдиган бўлмайди. Жазо муддатини ўташ даврида уларнинг доираси кенгайиши ёки аксинча, торайиши мумкин, яъни маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолати жазони ўташ даврида яхшиланиш ёки ёмонлашиш томонга ўзгариши мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолатининг ўзгариши биринчи навбатда унинг меҳнатга муносабати, ахлоқан тузатиш даражаси ёки ижти-

моий хавфининг ошиш даражаси билан бодлиқ. Ушбу омиллар айрим хуқукий муносабатларнинг тұхтатилишига ва бошқаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Шу муносабат билан А.С.Михлиннинг фикрича, кўпгина ижтимоий муносабатлар маҳкумнинг жазони ўташ муддати бошланиши ёки озодликдан маҳрум этиш жойига келиши билан бир пайтда юзага келади ва ўзгаради. Бу маҳкумнинг хуқукий ҳолатидан келиб чиқувчи унинг хуқуқлари, мажбуриятлари, хуқукий чеклашлар муносабати билан юзага келадиган муносабатларга таалуклидир. Бироқ озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўташ даврида маҳкумнинг шахси ўзгаради... Бундай ўзгаришлар аста-секин жазони ўташнинг бутун даври мобайнида юз беради ва янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши билан кечади.

Бинобарин, маҳкумларнинг хуқукий ҳолати ўзгармас ҳолат эмаслиги ҳақида холоса қилиш мумкин. У жазони ўташ даврида маҳкум шахсининг ўзгаришига боғлиқ равишда жадал ўзгариб боради. Шахснинг ижобий томонга ўзгариши хуқуқ ва имтиёзларнинг кўпайишига, салбий томонга ўзгариши уларнинг торайишига, мажбуриятлар доирасининг кенгайишига, тақиқларнинг кучайишига сабаб бўлади.

Маҳкумларнинг хуқукий ҳолати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши вақтида адабиётларда ушбу тушунчани унинг мазмунига хуқукий ҳолатга таъсир этувчи омилларни киритиш, маҳкум хуқуқ ва мажбуриятларининг тизими мавжудлигини кўрсатиш йўли билан ушбу тушунчани таърифлашга ҳаракатлар бўлган.

Масалан, М.М.Фёдоров маҳкумларнинг хуқукий ҳолатини унинг жазо турига, унинг мақсадларига ва маҳкумнинг жазони ўташ давридаги хатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлган хуқуқ ва мажбуриятларининг йиғиндиси сифатида таърифлашни таклиф этди.

Масалага бундай ёндашув эътиборга лойик. Лекин хуқукий ҳолатнинг таърифида унга таъсир этувчи омилларни киритиш етарлича тўлиқ бўлади, деб бўлмайди. Ахир хуқукий ҳолатга юқорида келтирилганлардан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир этади. Бундан ташқари, мазкур таърифда объектив ва субъектив омилларнинг аралашуви юз бermokda. Аслида эса объектив хусусиятга эга бўлган омиллар хуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисини кўрсатгандаёк ўз ифодасини топмоқда. Маҳкумнинг жазони ўташ давридаги хатти-ҳаракатини ифодаловчи субъектив хусусиятга эга бўлган омилни, унинг шахси ижтимоий маънода қандай суръатлар билан ўзгараётганлигини келтиришнинг ўзи етарли.

Шу боис айнан мазкур ҳолат, хуқукий ҳолатнинг таърифида ўз ифодасини топиши керак.

А.И.Бойцовнинг фикрича, маҳкумларнинг хуқукий ҳолати унинг белгиланган жазонинг хусусияти, уни ўташ тартиби, жазони ўташ давридаги хулқ-атвори ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлган мажбуриятлари ва хуқуқлари тизимиdir.

Мазкур таърифни таҳлил қилиш давомида таъкидлаш лозимки, ушбу ҳолатда ҳуқуқий ҳолатга таъсир этувчи барча омилларнинг «қонунда белгиланган ҳолатлар» деган битта умумлаштирувчи тушунчада бирлаштиришга ҳаракат килинган. Бироқ, юқорида кўрсатганимиздек, белгиловчи ҳолатлар нафақат қонунлардан, балки қонун кучига эга бўлган ҳужжатлардан келиб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, ҳуқуқий ҳолатни таърифлашда тизим тушунчасидан эмас, балки умумийроқ бўлган йифинди тушунчасидан фойдаланиш тўғрирок бўлади. Шу боис маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳамда жазони ўташ даврида маҳкум шахсининг ўзгаришига боғлик равишда ўзгариб борадиган ҳуқуқ ва эркинликлар, қонуний манфаатлар, мажбурият ва тақиқлар йифиндиси сифатида таърифлаш керак.

Ва ниҳоят, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати факат жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқ нормалари билан белгиланмайди. Бир қатор чеклашлар ҳуқуқнинг бошқа тармоқларига тегишли бўлган қонун-қоидалардан келиб чиқади. Масалан, маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафига чақирилмайдилар, Ўзбекистон фуқаролигидан чиқа олмайдилар ва ҳоказо. Ушбу мисоллар маҳкумларнинг ҳуқуқига ўёки бу тариқа даҳлдор бўлган ҳуқуқ тармоқлари ва қонун ҳужжатларининг доираси етарлича кенглигини ва маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатининг умумий таърифида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмиш маҳкумлар ҳуқуқларини чеклашнинг барча манбалари, жумладан Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ижтимоий ҳолатини белгиловчи тармоқ қонунлари ҳам кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Лекин маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси ўзгармас эмас. Маҳкумнинг хулқ-авторига қараб унинг ҳуқуқий ҳолати ҳам ўзгариши мумкин. Қонунда назарда тутилган имкониятлар доирасида ҳуқуқ ва тақиқлар тўплами ўзгариши, айримлари камайиб, бошқалари кўпайиши ўёки аксинча бўлиши мумкин. Маҳкумнинг хулқ-авторига қараб унинг ҳуқуқий ҳолати сифат жихатдан ўзгариб боради.

Қонунларда маҳкумлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилиши улар ҳолатини ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларни бартараф этишга, маҳкумлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини исталганча талқин қилиш имкониятини пасайтиришга, қонунийликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Рағбатлантириш ва жазолаш чоралари рўйхатининг кенгайиши жазони ижро этувчи органлар маъмуриятига маҳкумнинг индивидуал ҳусусиятларини инобатга олган ҳолдаанча мослашувчан тарзда унинг хулқ-авторига қараб иш тутиш имконини беради, маҳкумларнинг ўзларида ҳуқуққа итоаткор ҳатти-харакатни қилиш учун Қўшишимча рағбат яратади. Шу боис жиноий жазо олдига қўйилган мақсадларга эришиш имконияти кўп жихатдан охир-окибатда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати муаммосининг тўғри ҳал этилишига боғлик.

Шу муносабат билан маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати деганда маҳкумнинг қонунлар ва қонун кучига эга бўлган хужжатлардан келиб чиқадиган ва маҳкумнинг жазони ўташ даврида ўзининг қандай тутишига қараб ўзгариб борадиган ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари ва чекловлари йифиндисини белгилаш керак.

Маҳкумнинг шахси ва унинг жазони ўташ давридаги хулк-атвори маҳкумнинг ахлоқан тузалиш (ижтимоий хавфлилик) дара-жасини белгилашга асос бўладиган омиллардир.

Ахлоқан тузалиш даражасини тўғри белгилаш озодликдан маҳ-рум этиш жазосини ижро этиш жараёнида муҳим роль ўйнайди, чунки бир катор ҳолларда қонун муҳим ҳуқуқий оқибатларни ай-нан ахлоқан тузалиш даражаси билан боғлади.

Шундай қилиб, маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати кўп жихатдан ахлоқан тузалиш даражасига боғлиқдир. Шу боис маҳкумнинг ахлоқан тузалиш (ижтимоий хавфлилик) даражаси тушунчаси ҳақи-даги масалани кўриб чиқиш лозим.

### **3-§. Маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифлаш ва унинг аҳамияти**

Жиноий жазони ижро этишни дифференциациялаш ва индиви-дуалаштириш принципи жиноят-ижроия ҳукукида асосий прин-циплардан биридир. Жиноий жазо олдига қўйилган мақсадларга эришиш имконияти унга боғлиқ.

Бироқ жиноий жазони ижро этишнинг ҳозирги вақтда амалда бўлган тизими, унинг мақсадга қаратилганлиги ушбу принципга тўла мос келмайди.

Ижроия тизимининг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қаратил-ганлиги маҳкум шахсини чукур ўрганишни, жазони ўтаётган шахсларга танлаб ва индивидуал таъсир этишнинг ўзгарувчан чораларни ишлаб чиқишини талаб этмасди ва бундай имкониятни кўп даражада истисно этарди. Айнан шу боис жиноий жазонинг таъсир натижалари кўпинча қоникарсиз бўларди.

Айни пайтда маҳкумларга танлаб, сўнгра индивидуал равишда таъсир этиш пенологиянинг<sup>1</sup> асосидир. Маҳкумлар билан ишлаш айнан шу асосга таяниши керак.

Бундан келиб чиқиб, айтиш жоизки, ҳозирги вақтда назария ва амалиётда маҳкумларни таснифлашнинг мослашувчан тизимини ва уларга таъсир этишнинг унга мос тизимини ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келди.

Пенитенциаристлар кенг амалиётининг тажрибаси маҳкумларга са-марали таъсир этиш зарурлигини кўрсатади. Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари 63-моддасининг 1-бандида

<sup>1</sup> Пенология — жиноий жазолар ва жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари тўғри-сидаги фан.

уларга индивидуал ёндашиш зарурлиги “ва, бинобарин, уларни гурухлар бўйича таснифлашнинг мослашувчан тизими мавжудлиги”, ҳамда, бундан ташқари, гурухларни «уларнинг ҳар бири билан ишлашга имкон берадиган алоҳида муассасаларга»<sup>1</sup> жойлаштириш зарурлиги таъкидланади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишда муайян ишлар олиб борилмоқда. Улар маҳкумнинг хулқ-автори билан хукукий ҳолати ўтасида узвийрок алоқа бўлишини назарда тутади. Жиноят-ижроия тизимини ислоҳ қилиш концепциясида маҳкумлар билан ишлашнинг янги йўналиши ва принциплари белгиланган. Унга, чунончи, содир этган жиноятларининг хусусиятларига ва хулқ-авторига қараб тоифаларга бўлинадиган маҳкумларни алоҳида саклаш, жазони ўташ режимини дифференциациялаш ва маҳкумларни саклаш шароитларини уларнинг ахлоқан тузалишига қараб ўзгартириш ҳақидаги коидалар киритилган. Пойтахт минтақа жиноят-ижроия тизимини ривожлантириш концепциясининг лойихаси ишлаб чиқылмоқда.

Аммо жазони ижро этиш муассасаларининг фаолиятини қайта йўналтиришнинг мазкур йўналишларини таснифлаш тизимини ишлаб чиқмай туриб, маҳкумларни асосий, энг муҳим белгилари бўйича гурухларга бўлмай туриб, ва ниҳоят, гурухларни маҳкумларнинг муайян хукукий ҳолатига киритмай туриб амалга ошириб бўлмайди.

Шундай қилиб, ЖИЭМ фаолиятини мувваффақиятли ислоҳ қилиш кўп жиҳатдан маҳкумларни таснифлаш муаммосининг ҳалтилишига боғлиқ. Бу таснифлаш маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даражаси сингари кўрсаткич асосида амалга оширилиши керак.

Маҳкумларни уларнинг ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифлаш ва факат назарий, балки катта амалий аҳамиятга эга.

Жазони ижро этиш жараёнини табакалаштириш айнан маҳкумнинг у ёки бу таснифлаш гурухига мансублигини инобатга олган ҳолда курилиши ва таъминланиши керак.

Маҳкумнинг хукукий ҳолати, турли хил имтиёзлар олиш имконияти ёки, аксинча, бундай имтиёзларнинг камайтирилиши, жазони ўташ шароитларининг ёмонлашуви каби оқибатлар ҳам маҳкумни тузатиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Маҳкумларнинг тузалиш даражасини аниклаш жазони ижро этувчи органлар фаолиятининг асосий жиҳатларидан биридир, чунки улар ишининг самарадорлиги унинг тўғри аникланишига боғлиқ.

Маҳкумларни уларнинг ахлоқан тузалиш даражасига қараб таснифлаш муаммосини тадқик этиш нафақат жазони ўтаётган шахсларга табакалаштирилган ва индивидуал таъсир чораларини ишлаб чиқиши ва қўллаш учун, балки жазони ижро этиш органлари фаолия-

<sup>1</sup> Международная защита прав и свобод человека: Сб. документов. М., 1990. С. 304.

ти пировард натижасини аниклаш, жазони ўтаётган ва уни ўташдан озод қилингган маҳкумларнинг хатти-харакатларини башорат қилиш, ана шу асосда ички ишлар органларининг рецидив (такрорий) жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш учун ҳам ниҳоятда зарур.

Маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифлаш ҳақидаги масалани тадқиқ этиш жиноят ва жиноят-ижроия қонун хужжатларини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан ҳам жуда долзарбdir.

Жиноят ва Жиноят-ижроия кодексларида ахлоқан тузалишнинг турли даражаларини муайян ҳукуқий оқибатлари билан киёслаб келтиришдан кенг фойдаланилган. Бунда қонун чиқарувчи орган таърифларнинг таъкидловчи вариантлари (масалан, «яхши хулқ-атвор, меҳнатга вижданан ёндашиш, тарбиявий тадбирларни ўтказишида фаол иштирок этиш»)ни қўллади.

Аммо бу вазиятда қонунда белгиланган мезонлар бўлмаганлиги туфайли мазкур баҳоловчи тушунчалардан амалда фойдаланиш анча қийин. Қонунни қўллашда ҳатоларга йўл қўйишга, амалиётнинг асоссиз хилма-хил бўлишига олиб келади, бу эса ижтимоий адолат принципининг бузилишига сабаб бўлади.

Амалиётда бир хил жиноят ҳукуқий ва жиноят-ижроия тавсифга (муҳлат, жиноят, жазони ўташ давридаги хулқ-атвори ва ҳ.к.) эга бўлган маҳкумлар жазони ижро этувчи маъмурий органлар томонидан турли даражадаги ахлоқан тузалишга эришган деб баҳоланадиган ҳоллар учраб туради. Бунинг боиси шундаки, қонун чиқарувчи орган ахлоқан тузалишнинг турли даражалари мазмунини очиб бермаган, уларнинг мавжуд талқинлари эса муайян ахлоқан тузалиш даражасининг бошқасидан мазмуний фарқини, хусусиятини кўрсатиб бермайди.

Бундан ташқари, айни бир хил жазони ўташ шароитида, жазони ўтаётган шахслар бир хил тавсифланган ҳолларда ахлоқан тузалишнинг айни бир хил даражасига эришиш турли ҳукуқий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги қоида тўғри эмас. Масалан, умумий режимдаги ЖИЭКда жазо ўтаётган ва ижобий тавсифланаётган маҳкум сокчиларсиз юрадиган қилиниши ҳам, манзил-колонияга ўтказилиши ҳам мумкин.

Маҳкумларнинг ҳукуқий ҳолатини ўзгартириш тўғрисидаги бундай қарорнинг асосланганлиги шубха туғдиради. Ўйлаймизки, назарияга ҳам, амалиётга ҳам маҳкумларни таснифлаш муаммосига анча аниқ ёндашувлар, ахлоқан тузалиш даражасини ҳукуқий оқибатлар билан анча аниқ системали ва табақалашган алоқадорлиги зарур.

Маҳкумларни таснифлаш муаммосини ҳал этишни «классификация» тушунчасини қуриб чиқишдан бошлаш лозим. Ҳўш, классификация деганда нима тушунилади?

Энциклопедияларда классификация деганда ҳодисаларни, материални ёки тушунчаларни муайян фарқ қилувчи белгилариға кўра кисмларга, синфларга, гурухларга бўлиш тушунилади<sup>1</sup>.

Хорижий сўзлар лугатида ҳам: «классификация-объектларни, ҳодисаларни ва тушунчаларни умумий белгилариға қараб синфлар, бўлимлар, тоифаларга ажратиш»<sup>2</sup>, дейилган.

С.И. Ожегов таснифлашга қандайдир бир турдаги предметлар ёки тушунчаларни синфлар, бўлимлар ва хоказолар, муайян умумий белгилар бўйича тақсимлаш сифатида таърифлайди<sup>3</sup>.

Бизнингча «классификация» тушунчасининг мазкур барча таърифлари муайян камчиликлардан холи эмас. Дастрлабки икки таърифда классификация деганда ҳаракат-тақсимлаш тушунилади, холбуки, классификация кўпроқ муайян ҳаракатлар натижасидир. Шу нуткази назардан ҳаракатни таснифлаш деб таърифлаш аникроқ бўларди. «Классификация» тушунчасининг охирги таърифида эса унинг асослари кўрсатилмаган.

Юқоридагиларни жамлаган ҳолда «классификация» тушунчасини, назаримизда, қўйидаги таърифлаш мумкин: классификация - объектларни муайян фарқ қилувчи белгилари бўйича тақсимлаш натижасида ҳосил бўладиган қисмлар, синфлар, гурухлар, гурухчалар, турлар системаси бўлиб, бунда ҳар бир қисм (синф ва ҳ.к.) бошқа қисмга нисбатан аниқ белгиланган ўрин тутади.

Бироқ классификацияни яратишнинг ўзи мақсад эмас. Таснифлаш олдида турган мақсадлар хилма-хил: материални жойлаштиришдаги оддий қулайлиқдан тортиб, объектни ўрганиш, уни кўллаш, хоссаларини ўрганиш чораларини ишлаб чиқишигача ва бошқалар бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан сунъий, яъни объектларни тартибга келтириш қулайлигига асосланган ҳолда кўрилган ва илмий, яъни синфнинг моҳиятини ифодаловчи муайян белгилар бўйича амалга ошириладиган илмий классификация фарқланади. Махкумларни таснифлаш кейингисига киради. Бизнингча, таснифлашнинг аҳамиятини С.С.Алексеев: «У ёки бу нарсалар, ҳодисаларни таснифлаш нафақат тегишли материалга дастрлабки ишлов бериш, уни тартибга келтириш аҳамиятига эга. Таснифлаш тартибга келтириш вазифаларидан ташқари бошқа мураккаб вазифаларни ҳам бажаради: у таснифлаётган материалнинг бутун ҳажмини тадқиқотчи дикқат-эътибори доира-сига жалб қилиш, ўрганилаётган объектларнинг катта диапазонини камраб олиш ва бинобарин, уларни илмий талқин этишда бир томонламаликка йўл қўймаслик имконини беради. Асосийси—тасниф-

<sup>1</sup> Карапт: БСЭ. 2-е изд. М., 1953. С. 363

<sup>2</sup> Словарь иностранных слов // Под. ред. Н.В. Лехина, С.М. Локшиной, Ф.Н. Петрова, Л.С. Шаумяна. М., 1964. С. 300; карапт, шунингдек: Горский Д.Н. Логика. М., 1963. С. 86.

<sup>3</sup> Карапт: Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1984. С. 238.

лаш унинг мезонларини белгилаш чоғида ушбу нарса ва ҳодисаларнинг янги жиҳатларини, сифат хусусиятларини аниқлаш имконини берали<sup>1</sup>, — деб жуда яхши баён этган.

Махқумларга нисбатан айтиш лозимки, уларни у ёки бу таснифий гурухга киритиш доимо муайян омиллар—жазо ижро этилаётган муассаса тури, режими, муддатидан олдин озод бўлиш имконияти сингари кўпгина омиллар билан боғлик бўлади.

Шу боис, юкоридагилардан келиб чиқиб, маҳқумлар классификациясини қўйидагича таърифлаш мумкин. **Махқумлар классификацияси-маҳқумларни муайян фарқ қилувчи белгилари бўйича таксимлаш натижасида ҳосил қилинадиган уларнинг гурухлари тизими бўлиб, бунда ҳар бир гурух бошқасига нисбатан жазони ўташ чоғидаги ҳуқуқий оқибатлар доирасини белгиловчи ёки уларни амалга оширишнинг зарур шарти бўлган қатъий белгиланган ўрин тутади. Таснифлашнинг мақсади-маҳқумларни жазолашни ижро этиш ва уларни тузатиш учун энг кулай шароитлар яратишдир.**

Юридик адабиётда «классификация» тушунчаси билан бир каторда «дифференциация» тушунчаси ҳам кўп ишлатилади. Differetia лотинчадан таржима қилинганда фарқлашни билдиради. Луғатларда ушбу тушунча «бутунни турли хил шакл ва босқичларга ажратиш, айриш, катламларга ажратиш<sup>2</sup> сифатида таърифланади.

Бизнингча, мазкур тушунчалар (классификация ва таснифлаш ҳақидаги айтилганларни инобатга олганда) синонимлардир.

Дарҳакиқат, классификация—ички тузилиши бўйича бир хил, аммо бир-бирига нисбатан турлича бўлган гурухлар системаси бўлса, дифференциация ўзаро фарқ қилувчи, аммо муайян белгилари бўйича ички тузилиши бир хил бўлган гурухлар системасидир. Аслида иккала тушунча бир ҳодисани билдиради.

Шу боис жазони ижро этишни дифференциациялаш принципи «озодликдан маҳкум этишга маҳкум этилганларнинг ҳаммасини уларни алоҳида саклаш... маҳқумларнинг ҳар бир тоифасига тегишлича жазоловчи-тарбияловчи таъсир кўрсатилишини таъминлаш мақсадида бир турдаги тоифаларга ажратишдан иборат объектив зарурат» сифатида таърифлайдиган И.А.Спаренскийнинг фикрига кўшилиш лозим.

Мазкур таърифда ички тузилиши бўйича бир турдаги гурухларни яратиш зарурати ҳам, ушбу гурухларни уларнинг ҳар бири учун жазони ўташнинг тегишли шароитини яратиб, ўзаро фарқлаш зарурати ҳам мавжуд.

Юкорида таъкидланганидек, маҳқумларни таснифлашдан кўзланган мақсад жазони ўташнинг мақбул шароитларини яратиш ва жа-

<sup>1</sup> Алексеев С.С. Правовые средства: постановка проблемы, понятие, классификация // Сов. Государство и право. 1987. №6. С. 16.

<sup>2</sup> Словарь иностранных слов / Под ред. Н.В.Лехина, С.М.Локшиной, Ф.Н.Петрова, Л.С.Шаумяна. М., 1964. С. 223; Ожегов С.И. Словарь русского языка. М., 1984. С. 144.

зодан кўзланган мақсадга эришиш учун маҳкумга таъсир этишнинг самарали чораларини ишлаб чиқишидир.

Бу «маҳкумларни ягона мезонлар асосида қўпроқ ёки камроқ даражада турли хил гурухлар (тоифалар)га бўлишга олиб келадиган таснифлаш иложи борича маҳкумларнинг энг салбий қисмининг жазони ўтаётган бошка шахсларга, аввало, ёшларга, биринчи марта судланганларга ёмон таъсирининг олдини олиш ва айни пайтда хусусияти ва интенсивлик даражаси нуктаи назаридан айнан шу тоифага (классификациявий гурухга) керакли жазоловчи-тарбияловчи таъсир кўрсатишни таъминлаш мақсадида амалга оширилади»<sup>1</sup> деб хисобловчি Н.А.Стручковнинг фикрига ҳам мос келади.

Ушбу фикрдан қўриниб турганидек, Н.А.Стручков ҳам, шунингдек, бошка бир қатор муаллифлар ҳам маҳкумларни таснифлашнинг аҳамиятини факат жазони ўташ даври билан чеклаб қўядилар. Ўйлаймизки, бу унчалик түғри эмас.

Ҳаммага яхши маълумки, жазолаш одамларга турлича таъсир кўрсатади ва ҳар доим ҳам қўйилган мақсадга эришиш билан якунланмайди. Маҳкум жазони ўтаб бўлгач ёки бошка асослар бўйича тузалмаган, жиноий фаолиятини давом эттиришга интилган холда озод бўлган ҳоллар тез-тез учраб туради. Буни И.И.Карпец ҳам таъкидлайди. Унинг фикрича, «жазо турли тоифадаги жиноятчилар учун турли аҳамиятга эга бўлади, уларга турлича таъсир этади». Сунгра муайян тоифадаги жиноятчиларнинг ахлокан тузалиш имконияти тўгрисида шундай деб ёзади: «Бундай одамларни тўла ва батамом тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳақида, эҳтимол ҳом хаёлга бормаслик керакдир»<sup>2</sup>.

Жамият маҳкум жазони ўтагандан сўнг ижтимоий жихатдан тарбиясизлик даражаси қандай эканлиги, ўзини қандай тутиши, жамиятга қанчалик мослашиб кетиши учун бефарқ эмас.

Маҳкумнинг озод килиниши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органдар ва бошка давлат ҳамда жамоат ташкилотлари олдига бир қатор вазифалар қўяди ҳамда уларни назорат қилиш, ахлокан тузалиш даражасига қараб табақалашган тарзда ижтимоий мослашишга ёрдамлашиш чораларини ишлаб чиқиши талааб этади.

Маҳкумларни таснифлашнинг мақсадини жазони ўташ даври билангина чеклаб қўйиш мумкин эмас. Маҳкумни ўёки бу классификациявий гурухга киритиш у озод бўлганидан кейин ҳам катта аҳамиятга эга.

Бинобарин, маҳкумларни таснифлашдан кўзланган мақсад жазони ижро этишнинг оптимал табақалашган шароитларини яратиш, маҳкумларга жазони ўташ даврида ҳам, озод бўлганидан кейин ҳам, унинг янги жиноятни содир этишига йўл қўймасликка қаратилган самарали таъсир чораларини ишлаб чиқишидан иборатдир.

<sup>1</sup> Стручков Н.А. Курс исправительно-трудового права. Проблемы Особенной части. М., 1985. С. 21.

<sup>2</sup> Карпец И.И. Наказание. Социальные, правовые и криминологические проблемы. М., 1973. С. 187–188.

Маҳкумлар турли белгиларига кўра яъни, жинси, ёши, содир этган жинояттининг характери, белгиланган жазо муддати ва бошқалар, шунингдек, аралаш белгилар бўйича таснифланиши мумкин.

Шубҳасиз, ушбу белгилар муҳим аҳамиятга эга, айниқса жазони тайинлаш босқичида, чунки уларнинг мазмунига қараб маҳкумнинг ижтиёйиҳи хавфлилик даражаси аниқланади ва у жазони ўтайдиган муассаса тури тайинланади.

Аммо жазони ижро этиш босқичида улар шартли равища, иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади, чунки жазони ўташ шароитларини табакалаштириш ва индивидуаллаштириш биринчи навбатда маҳкумнинг хулк-атвори, меҳнатга, ўқишга, жазога муносабатига, яъни унинг ахлоқан тузалиш даражасига боғлиқ бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, конунларда маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даражасига кўп эътибор берилади. Масалан, амалдаги жиноят конунларига мурожаат этадиган бўлсак, у ёки бу даражадаги ахлоқан тузалишини кўрсатувчи иккита мезонни кўрамиз (ЖК 73-моддасининг 2-қисми). Улар бир-бирларидан моҳияти (мазмуни) билан фарқ қиласди. Жумладан, жиноятчининг ахлоқан тузалиши ҳақидаги таърифлар ретроспектив хусусиятига эга, аммо ҳозирги даврга ҳам дахлдор. Масалан, «белгиланган режим талабларини бажариш ва меҳнатга вижданан муносабатда бўлиш» таърифи (ЖКнинг 73-, 74-моддалари) юз бериб бўлган фактдан, яъни жиноятчи тузалганидан, қонунга итоаткор фуқаро бўлганидан ва ҳозирги вақтда жамият учун хавфли эмаслигидан далолат беради.

Жиноятчининг ахлоқан тузалишига дахлдор ретроспектив таърифлар конунда анча кўп қўлланилади. Бу, табиийки, тасодифий ҳол эмас. Ахир жиноят хуқуқининг кўпгина институтлари, аввало, айнан жиноятчани тузатиш мумкинлиги ва унинг ахлоан тузалиш дарajasini аниқлашга асосланади. Бусиз жазо тайинлаш, шартли хукм килиш, хукмни ижро этиш муддатини кечиктириш каби масалаларни ҳал этиб бўлмайди.

Ахлоқан тузалиш тушунчасини ўз ичига олган таърифлардан жиноят-ижроия қонунида ҳам худди жиноят қонунлари каби кенг фойдаланилган. Масалан, «ижобий тавсифга эга» таърифи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 113, 116, 118, 120, 124, 131-моддаларига киритилган. Унда «ахлоқан тузалиш» тушунчасига дахлдор бошка таърифлардан, «яхши хулк-атвори, меҳнатга ва таълимга вижданан муносабати» иборасидан фойдаланилган (102-модда).

Мазкур нормаларни таҳлил қилиш ва жиноят қонуни нормалари билан тақкослаш чоғида жиноят қонунининг жиноятчи (маҳкум) ахлоқан тузалишининг у ёки бу жиҳатидан сўз юритувчи нормалари асосан унинг келажакда ахлоқан тузалиш имкониятини кўрсатиб, башиборат қилувчи хусусиятга эга бўлади. Айни пайтда жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари нормаларида деярли хеч бир истисносиз факат маҳкумнинг у ёки бу даражадаги ахлоқан тузалишига оид коидалар келтирилган. Шу жиҳатдан жиноят-ижроия қонунлари нормалари

ретроспектив хусусиятга эга бўлиб, аллақачон мавжуд воеага-маҳкунинг муайян даражадаги ахлоқан тузалишга эришганлигига эътиборни қаратади.

Эҳтимол, жиноят ва жиноят-ижроия қонунларидаги мазкур фарқлар функционал хусусиятларга эга бўлиб, асосланган ҳамда жиноят ва жиноят-ижроия қонунлари олдида турган вазифалардан келиб чиқар. Бизнингча, жиноят қонунлари олдида турган вазифалардан бири жиноятчининг жиноий жазо тайинлаш пайтидаги ижтимоий хавфлилик даражасини аниклаш ва ушбу шахснинг келгуси ҳатти-харакатларини баҳолаш ҳамда шундан келиб чиқиб (табиийки, бошқа ҳолатларни ҳам инобатга олиб), жазони қўллаш, шартли қўллаш ёки жазодан озод қилиш ҳақидаги масалаларни ҳал этишдан иборат.

Жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари олдида ушбу жиҳатдан бироз бошқача вазифа туради. Бизнингча, маҳкумга нисбатан гузатиш воситаларини қўллаш натижасида унинг ижтимоий хавфлилик даражасини пасайтириш, эришилган ахлоқан тузалиш даражасини аниклаш ва шу асосда маҳкумга нисбатан қонунда белгиланган чораларни қўллаш ҳақидаги масалаларни ҳал этишдан иборат.

Бирок, агар жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг нормалари «яхши ҳулқ», «мехнатга вижданан муносабатда бўлиш» тушунчаларидан фойдаланиб, маҳкумнинг келгусида ўзини қандай тутиши мумкинлигини баҳолаш заруратини бевосита кўрсатмаса, улар башорат қилувчи хусусиятга эга бўлмайди, деб таъкидлаш тўғри эмас.

Маҳкум ахлоқан тузалишининг ўёки бу даражаси айни пайтда, унинг келгусидаги ҳулқ-атворини башорат қилиш хусусиятига эга бўлган, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини баҳолашдир. Масалан, маҳкумни ижобий шахс сифатида баҳолаб, унга колониядан ташкарида сокчисиз юриш ҳуқукини берар эканмиз, биз айни пайтда у ушбу янги шароитларда белгиланган ҳуқукий чеклашларни бузмайди деб ўйлаймиз, яъни унинг қонунга итоаткор ҳулқ-атворини башорат қиласиз.

Шу боис жиноят ва жиноят-ижроия қонунларининг жиноятчнинг (маҳкумнинг) ижтимоий хавфлилиги ва ахлоқан тузалиши ҳақидаги коидаларга эга бўлган нормалари башорат қилувчи хусусиятга эга дейишимиз мумкин. Ваҳоланки, жиноят қонунларида бу тўғридан-тўғри кўрсатилади, жиноят-ижроия қонунларида эса назарда тутилади.

Юридик адабиётда «ахлоқан тузалиш» тушунчасининг мазмуни масаласида кенг баҳслар бўлган. Бунда нафақат ахлоқан тузалишининг маъноси, балки бу тушунчанинг «қайта тарбиялаш» тушунчаси билан муносабати ҳам муҳокама килинган.

Мазкур баҳснинг тафсилотларига тўхталмаган ҳолда шу пайтгacha ушбу муаммолар бўйича умумий фикрга келинмаганлигини таъкидлаймиз. Айрим муаллифлар «ахлоқан тузалиш» тушунчаси «қайта тарбиялаш» тушунчаси билан бир хил деб ҳисобласалар, бошқалари

үшбу тушунчалар ўзаро мос келмайди деб хисоблайдилар. Бундан ташқари, турли муаллифлар «ахлоқан тузалиш» тушунчасини турли-ча тағқин этадилар<sup>1</sup>.

Мазкур масаласи бўйича биз қуидагича фикрдамиз: «ахлоқан тузалиш» ва «қайта тарбияланиш» тушунчалари ҳар хил бўлса-да, қонунда «қайта тарбияланиш» тушунчасининг ишлатилиши ортиқча ва амалиёт нуктаи назаридан ҳеч қандай вазифани бажармайди. Шу боис қонун чиқарувчи орган Ўзбекистон Республикаси ЖИЭКдан ушбу изборани олиб ташлаб тўғри қилди.

Турли хил даражада тузалган маҳкумларни сақлаш шароити ахлоқан тузалишнинг эришилган даражасига қараб жиддий фарқ қилиши ва табақаланиши лозим. Бошқача айтганда, сўз жазони ўташ шароитлари, муддатидан олдин озодликка чиқиш имконияти, бошқалардан алоҳида сақланиш даражаси маҳкумнинг хулки, ахлоқан тузалиш даражасига қатъий боғлиқ бўладиган жазони ўташнинг прогрессив системасини яратиш тўғрисида бормокда. Ушбу тезис, табиики, бунда содир этилган жиноятнинг хусусиятини, унинг оғирлик даражасини ва бошқа ҳолатларини инобатга олиш заруратини йўклигини билдирамайди, лекин ҳар ҳолда маҳкумнинг хулки белгиловчи аҳамиятга эга бўлиши керак. Бизнингча, факат шундай ёндашув ахлоқан тузалишга интилишини тъминлаши мумкин. Маҳкум ўз ахволини яхшилиши мумкинлигига кўзи етса ва ушбу имкониятни амалга ошириш факат унга боғлиқлигини англасагина унда ушбу мақсадга эришиш учун интилиш ва, бинобарин, хулқини яхши томонга ўзгартириш мумкин бўлади. Истиқболнинг йўклиги ёки жуда аҳамиятсизлиги (охиргиси амалдаги қонун хужжатларида бор) эса муайян даражада ва бошқа ҳолатлар билан бир қаторда кўпинча маҳкумнинг ўз хулки билан жиддий шуғулланишни истамаслигига олиб келувчи фактдир.

Амалий прогрессив система яратишнинг асоси маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш даражаларининг аниқ ишлаб чиқилган тизимиdir. Аммо бунинг учун ахлоқан тузалишнинг у ёки бу даражаси нима эканлигини, унга қандай мазмун қўйилишини, ахлоқан тузалишнинг бир даражасини бошқасидан ажратишга қандай мезонлар имкон беришни аниқлаб олиш зарур.

Биз юқорида маҳкумни унинг ахлоқан тузалиш даражасига қараб у ёки бу гурухга киритиш муайян даражада унинг келажақдаги хулқ-авторини башпорат қилиш ҳам бўлишини таъкидлаган эдик. Аммо ахлоқан тузалиш даражаси бўйича ташкил қилинган гурухни ажра-

<sup>1</sup> Карап, масалан: Стручков Н.А. Курс исправительно-трудового права. Проблемы Особенной части. М., 1985. С. 163; Ткачевский Ю.М. Освобождение от отбывания наказания. М., 1970. С. 109; Ременсон З.Л. О сущности и критериях исправления осужденных // Вопросы исправления и перевоспитания осужденных. Ростов-на-Дону, 1966. С. 20; Ной И.С. Сущность и функции уголовного наказания в Советском государстве. Саратов, 1973. С. 25; ва бошк.

тиш учун ҳар бир индивидни алохида тавсифловчи белгиларини аниклашнинг ўзи етарли эмас. Муайян ахлоқан тузалиш даражасига эга бўлган барча маҳкумларни тавсифловчи умумий жиҳатларни, яъни айнан тоифа, синфнинг жиҳатларини топиш лозим. Бунда маҳкумнинг шахси «индивид сифатида «йўқолади», «шахсизланади» ва таҳлил объектини кандайдир белги бўйича бирлашган статистик мажмуя ташкил қиласи. Шахс факат ўрталашган ҳолда муайян гурухга тасарруф килинади<sup>1</sup>.

Хўш маҳкумларни уларнинг ахлоқан тузалиш даражаси, ижтимоий хавфлилик даражаси бўйича гурухлаштириш учун қайси омилларни асос килиб олиш керак.

А.И.Васильевнинг фикрича, маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш даражасини белгиловчи энг муҳим омиллар қўйидагилардир: «маҳкумларнинг жазони ўташ давридаги хулқ-автори; маҳкумларнинг меҳнатга муносабати; маҳкумларнинг маълумот даражаси ва уларнинг таълимга муносабати; маҳкумларнинг тарбиявий тадбирларга муносабати ва уларнинг жамоа хаётида иштирок этишга муносабати; содир этган жиноятига ва жазони ўташга муносабати».

Бизнингча, ушбу рўйхат тўлиқ бўлмаса-да, унга қўшилиш мумкин. Лекин маҳкумларнинг хулқ-авторига таъсир этувчи омилларнинг энг тўлиқ рўйхати ҳам ҳали уларни гурухларга бўлиш имконини бермайди. Шу боис таснифлаш учун нафакат маҳкумларнинг хулқ-авторига таъсир этувчи омиллар мажмуаси, балки уларда ва улар орасида айнан маҳкумларнинг муайян гурухига хосларини ажратиш методикаси зарур.

Собик шўролар даврида олимлар маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даражасини аниклаш муаммосига кўп марта мурожаат этганлар. Афсуски, ушбу муаммо кўпинча узук-юлиқ равища, кандайдир муайян жиноят-хуқукий ёки жиноят-ижроия (ахлоқ тузатиш-меҳнат) институтига қўлланган ҳолда кўриб чиқилган.

Ушбу муаммога багишланган маҳсус ишлар кам. Шу боис шу пайтгача унинг кўпгина жиҳатлари ҳал этилмаганлиги, маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш даражалари ва уларнинг мезонларига доир масалалар бўйича ягона фикрга келинмаганлиги ажабланарли эмас.

В.И.Козюберда шахснинг ахлоқий янгиланишидаги икки босқичини ажратади: ахлоқан тузалиш ва қайта тарбияланиш ҳамда конунда кўрсатилган мезонларни: қўйи ва юқори гурухларга бўлади. Шу муносабат билан у қўйидагиларни ёзади: «конунда кўрсатилган барча мезонларни ( меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, конунларни аниқ бажариш, ...умумий турмуш қоидаларини хурмат қилиш) бўлиш мақсадга мувофиқ ва тўғри деб ўйлаймиз. Белгиларнинг қўйи гурухи шахснинг ахлоқий янгиланиш йўлига турган-турмаганлиги-

<sup>1</sup> Магдеев Р.А. Классификация прогнозов антиобщественного поведения в профилактической деятельности правоохранительных органов // Совершенствование профилактической деятельности органов внутренних дел. Т., С. 49.

дан, биринчи босқич ахлоқан тузалиш босқичидан ўтган-ўтмаганлиги далолат берса, белгиларнинг юкори гурухи ушбу жараённинг пировард натижаси—қайта тарбияланиш босқичидан далолат беради<sup>1</sup>.

Ахлоқан тузалиши даражаларининг ва улар мезонларининг таклиф этилган гурухлаштирилиши бизга етарли эмасдек туюлади, чунки маҳкумларнинг хақиқатан мухим синфларини ажратиш улар ўтрасида чегара ўтказиш имконини бермайди. Жазони ижро этишнинг прогрессив тизимини қуриш учун асос бўлиб хизмат қила оладиган батафсил класификация зарур.

Кўпчилик олимлар маҳкумларнинг хулқ-авторида ижобий ўзгаришлар тўғрисида гапириб, ахлоқан тузалишнинг ахлоқан тузалиш йўлига кирди, ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турди, ўзининг тузалганлигини исботлади<sup>2</sup>, деган уч даражасини кўрсатадилар. А.В.Маслихиннинг қарашлари ҳам ушбу қарашлардан унчалик фарқ қилмайди. У ҳам маҳкумларни уч тоифога ажратади, аммо ўзининг таснифида ахлоқан тузалганлигини исботлаганлар гурухини чиқариб таштайди ва бошлангич гурух сифатида ATMга келган маҳкумларни қўяди.

С.И.Дементьев маҳкумларнинг бироз кенгайтирилган таснифини келтиради. У ахлоқан тузалиш даражасини жазони ўташ шароитларининг ўзгариш ҳажмига боғлиқ равишда аниқлаштиришни ва ахлоқан тузалишнинг кўйидаги даражаларини киритишини таклиф этади: ахлоқан тузалиш йўлига кирди, ахлоқан тузалиш йўлида қатъий турди, тузатиш ва қайта тарбиялашга қаратилган кейинги ишларни бошқалардан ажратмаган ҳолда бирор назорат шароитида давом эттириш мумкин ва охирги босқич-ўзининг тузалганлигини исботлади ва муддатидан илгари шартли озод этилди<sup>3</sup>.

Ушбу нұктай назар, шубҳасиз, эътиборга молик, аммо, бизнингча, унинг иккита камчилиги бор. Биринчиси, маҳкумларнинг таснифланиш тизимини қуриш принципига ёндашувда. Иккинчиси эса юкорида келтирилган бошқа қарашларга ҳам хос бўлиб, маҳкумларнинг барча мавжуд гурухларини ўз ичига олмаганлигидадир. Ҳақиқатан ҳам, ахир тасниф гурухларини жазони ўташ шароитларининг ўзгариш ҳажмига боғлиқ қилиб қўядиган муаллиф фикрига қўшилиб бўладими? Аввало, ушбу гурухларни улар шаклланишининг асосий мезони-ахлоқан тузалиш да-

<sup>1</sup> Козуберда В.И. Понятие исправление и перевоспитание лиц, осужденных к лишению свободы и закрепление результатов их исправления после освобождения: Автореф. дис... канд. юрид. наук. Саратов, 1970. С. 9.

<sup>2</sup> Қаранг: масалан: Ткачевский Ю.М. Замена уголовного наказания в процессе исполнения. С. 26; Шмаров П.В. Предупреждение преступлений среди освобожденных от наказания. М., 1974. С. 33; Исправительно-трудовая педагогика. М., 1967. С. 47—48; ва бошк. В.Филимонов «ахлоқан тузалганликларини исботлаганлар» тушунчаси ўрнига «тузалганлик даражаси» тушунчасини қўллашни таклиф этган. Қаранг: Филимонов В. Критерии исправления осужденных // Советская юстиция. 1974. С. 9.

<sup>3</sup> Қаранг: Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1981. С. 62

ражасидан келиб чиқиб белгилаш, сұнгра эса хар бир гурух учун зарур бўлган жазони ўташ шартларини белгилаш тўғрироқ бўларди.

Бизнингча, маҳкумларни таснифлашнинг таклиф этилган тизимлари тўлиқ эмас. Улар маҳкумлар жазони ўтаётган даврда улар билан юз берадиган ижобий ўзгаришлардан ташқари, салбий ўзгаришларни ҳам акс эттириши керак ва шу боис таснифланадиган маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражаси бўйича классификация доирасидан ташқарига чиқариш ва уларни алоҳида кўриб чиқиш максадга мувофиқ. Маҳкумларни таснифлаш тизими яхлит бир бутун бўлиши керак.

Шу нуқтадан назардан маҳкумларни уларнинг ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифлаш тизимини уларнинг хулк-атворида ижобий ва салбий йўналишлардан келиб чиқиб кўрадиган фикрга қўшилиш мумкин.

Чунончи Ф.Р.Сундуров маҳкумларнинг қуйидаги классификациявий гурухларини ажратади:

**ижобий таснифланадиган маҳкумлар:**

- а) ўзларининг тузалганлигини исботлаганлар;
- б) ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турганлар;
- в) ахлоқан тузалиш йўлига кирганлар;

**салбий таснифланадиган маҳкумлар:**

- а) ахлоқан тузалиш йўлига кирмаганлар;
- б) ашаддий тартиббузарлар”<sup>1</sup>.

Маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифлашга бундай ёндашув, назаримизда, энг тўғри ёндашувлардан биридир. Бу маҳкумлар жазони ўташ даврида ўз хулк-атворларини фақат яхши томонга ўзгартирмаганликларидан келиб чиқади. Маҳкум салбий йўналишга эга бўлган маҳкумларнинг, улар гурухларининг таъсирига тушиб колган, янги аксилижтимоий одатлар, кўникмалар, йўналишларга эга бўлган холлар кам эмас. Табиийки, ўзларини аксилижтимоий тутадиган маҳкумлар ҳам классификациявий тизимга киритилиши керак ва уларнинг классификациявий гурухларга тегишли хукукий оқибатлар мос келиши лозим.

Энди маҳкумларнинг классификациявий гурухлари тоифаларига мурожаат этамиз. Бу ўринда маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражаси бўйича гурухларга бўлиш мезонлари масаласида, таснифлаш тизими масаласида бўлгани каби, фанда ҳали ягона фикрга келинмаган. Бирор, умуман олганда, маҳкумларнинг хулк-атвори ва меҳнатга муносабати (уларнинг ижобий ёки салбий йўналишлари, ушбу йўналишнинг ифодаланганлик даражаси) классификациявий гурухларга бўлиш учун асос қилиб олинади.

<sup>1</sup> Сундуров Ф.Р. Социально-психологические и правовые аспекты исправления и перевоспитания правонарушителей. Казань, 1976. С. 59. Маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш даражаси бўйича худди шундай таснифини А.С.Михлин ва С.Б.Ромазин ҳам келтирдилар. Каранг: Михлин А.С., Ромазин С.Б. Условное освобождение с обязательным привлечением к труду // Сов. государство и право. 1979. №1. С. 94.

«Ахлоқан тузалиши йўлига кирди» деган даража: меҳнатга, режим талабларига, сиёсий-тарбиявий ишга умуман ижобий муносабат мезонлар асосида аниқланади. Бироқ айни пайтда илдиз отган аксилижтимоий майлар, одатлар туфайли ўзини тута олмай қолиши мумкинлиги хам кўрсатилади<sup>1</sup>.

Қонунда ахлоқан тузалишнинг ушбу даражаси кўрсатилмаган ва шу боис маҳкумларнинг ушбу даражага эришиши улар учун ҳеч қандай ҳукукий оқибат келтира олмайди. Умуман олганда, у факат маҳкумнинг ўз хулқ-авторининг йўналишини танлашда ҳали муайян йўлни тўлик тутмаганлигини билдиради, холос. Натижада у ижобий баҳоланадиган маҳкумлар гуруҳига ҳам, салбий баҳоланадиган маҳкумлар гуруҳига ҳам қўшила олмайди. Шунинг учун ҳам мазкур босқичдан маҳкумнинг хулқ-авторини тўғри йўлга йўналтириш учун тузатиш мақсадида тўғри фойдаланиш жуда муҳим.

«Ахлоқан тузалиш йўлида қатъий турди» тушунчаси қонунда анча кенг ишлатилган, аммо мезонлари берилмаган. Илгари шахсни ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турган шахсларга киритиш мезонлари, масалан, сабиқ СССР Олий Совети Президиумининг «Ахлоқ тузатиш-меҳнат манзил-колонияларини ташкил қилиш ва ахлоқан тузалиш йўлида қатъий турган озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларни уларга кўчириш тартиби тўғрисида»ги 1963 йил 26 июнь фармонида келтирилган. Ушбу мезонларга намунали хулқ, меҳнатга ҳалол муносабат, ҳаваскорлик ташкилотларида ва маҳкумлар жамоасининг ижтимоий ҳайтида иштирок этиш киритилган.

Адабиётларда ахлоқан тузалишнинг ушбу даражасига эришиш, одатда маҳкум ўзини ижобий тутган, меҳнатга вижданан ёндашган, ҳаваскорлик ташкилотларининг ишида қатнашган даврнинг давомийлиги билан боғланади. Ахлоқан тузалишнинг ушбу даражасида маҳкумнинг хулқ-автори унинг судланувчи курсисига олиб келган ахлоқий нуқсонлари ўзгарганлигидан далолат беради<sup>2</sup>. Бироқ ушбу ўзгаришлар ҳали етарлича мустаҳкам эмас ҳамда эски кўнишка ва одатлар тегишли шароитлар бўлганда яна пайдо бўлиши мумкин.

Бир қатор олимлар ахлоқан тузалиш йўлига қатъий туриш босқичи ҳақида гапириб, айбига икror бўлиш, жазонингadolatлилиги, етказилган зарарни ўз ихтиёри билан қоплаш, турли тадбирларни ўтказишида ташаббускорлик, жамоат ҳайтида иштирок этиш каби омилларни инобатга олиш зарур деб хисоблайдилар.

Келтирилган ва бир қатор бошқа омиллар, шубҳасиз, маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даврида ижтимоий мўлжалларининг ўзгарганлигидан далолат бериши мумкин. Шу боис уларни умуман эътиборга

<sup>1</sup> Карап: Исправительно-трудовая психология / Под ред. К.К. Платонова, А.Д. Глотовкина, К.В. Игошева. Рязань, 1985. С. 253; Исправительно-трудовая педагогика / Под ред. И.Т. Богатырева. М., 1978. С. 67—68.

<sup>2</sup> Шмаров И.В. Предупреждение преступлений среди освобожденных от наказания (Проблемы социальной адаптации). М., 1974. С. 34.

олмаслик түғри бўлмайди. Шу билан бирга уларнинг аҳамияти, назаримизда, турлича бўлиб, эҳтимол, ахлоқан тузалишнинг мажбурий ва факультатив белгиларини ажратиш зарур. Масалан, маҳкум ҳаваскорлик ташкилотларининг ишида фаоллик ва ташаббусини намоён қилиши мумкин ва бу унинг ахлоқан тузалиши жараёнида ижобий ўзгаришлар бўлаётганидан далолат берувчи ҳолатлардан бири бўлади. Бирок ташаббус кўрсатмаслик маҳкум тузалмаётганини билдирамайди. Бу маҳкумнинг табиатидан, бошқалардан ажралишни истамаганлигидан ҳам бўлиши мумкин.

Юқорида баён этилганлардан маҳкумнинг ахлоқан тузалиш дарражасини аниклаш учун истисносиз барча ҳолларда мавжуд бўлиши керак бўлган мезонларни ва индивидуал равишда, муайян маҳкумнинг шахсини инобатга олган ҳолда ўтиборга олинини зарур бўлган мезонларни ажратиш лозим, деган холосага келиш мумкин.

Мажбурий мезонларга маҳкумнинг хулқи (режим талабларига муносабати, маъмурият ва маҳкумлар билан ўзаро муносабати) ва меҳнатга муносабатини киритиш лозим. Факультатив мезонларга қолган барча хатти-ҳаракатлари киритилади. Расман хулқи ва меҳнатга муносабати рафтаглантириш ва жазолаш чораларининг бор-йўклигига, ишлаб чиқариш нормаларини бажаришида, яроқсиз маҳсулотининг йўклигига, корхона мулкига муносабати ва бошқаларда ифодаланиши керак. Аммо бу ўринда тегишли тузатишлар ҳам киритиш зарур, чунки, масалан, режани бажармаслик ва яроқсиз маҳсулот маҳкумнинг айбисиз ҳам чиқарилиши мумкин.

Маҳкум ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турганлигидан далолат берувчи асосий омил, назаримизда, хулқи ва меҳнатга муносабати ижобийлигининг узок вақт ва барқарор давом этишидир.

Маҳкум ижобий хулкининг барқарор бўлиши зарурлиги ҳакида кўплаб илмий китобларда гапирилган, лекин ушбу даврнинг қанча давом этиши кераклиги деярли ҳеч қаерда кўрсатилмаган. Бир томондан, бу тушунарли, чунки ижобий хулқнинг барқарорлиги индивидуал хусусиятта эга. Бошқа томондан, амалиёт учун ҳар ҳолда маҳкум хулқи барқарорлигини аниклашининг лоқал дастлабки аломатларини билиш зарур.

Маҳкум ва у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик дарражаси тайинланган жазонинг тури ва ўлчамида ифодаланади. Шу боис, хулқнинг барқарорлигини аниклашда, аввало, маҳкум жазонинг муайян қисмини ўтаб бўлганидан келиб чиқиш лозим.

Маҳкум ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турганлигини аниклаш учун у белгиланган жазо муддатининг камида ярми давомида ўзини ижобий тутган бўлиши керак.

Бунда ушбу даврдаги (жазо муддатининг 1/2 қисми) ижобий хулқ маҳкумнинг шу даврда жазоланмаганлигини билдирамайди. Мухими унинг шахсига хос умумий ижобий йўналишни аниклаш керак. Айтим камчиликлар ҳаммада ҳам бўлади. Бироқ бундай камчиликлар маҳкумнинг хуқуки ҳакида ижобий холоса қилинганда, унинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда айнан алоҳида, такрорланмайдиган; қилимишнинг қасдан эканлигини кўрсатмайдиган бўлиши зарур.

Шундай қилиб, ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турган деб эътироф этилиши мумкин бўлган маҳкумлар жазони ўташ даврида танбех олган бўлишилари мумкин. Белгиланган жазо муддатининг ярмини ўташ зарурлиги ҳақидаги кўрсатмани маҳкум хато қилмаслиги лозим бўлган муддат деб эмас, балки маҳкумни ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турган деб эътироф этиш ҳақидаги масалани қўйиш учун муддат зарур.

Шу боис С.И.Дементьевнинг ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турган ва ўзининг ахлоқан тузалганлигини исботлаган маҳкумлар деб факат тегишли равища жазо муддатининг ярми ва бутун даври мобайнода қоида бузишга йўл қўймаган маҳкумларгина эътироф этилиши мумкин деган фикрига кўшилмаймиз<sup>1</sup>.

Агар С.И.Дементьев фикрига асосланадиган бўлсак, маҳкумларнинг жуда кам қисмигина ахлоқан тузалиш йўлига қатъий туриши, ўзининг ахлоқан тузалганлигини эса бор-йўғи бир неча маҳкумларгина исботлаши мумкинлигини тан олишга тұғри келади.

Шу билан бирга, бу ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турган маҳкумлар қаторига хатосини тузатмаган ёки жазоси олиб ташланмаган маҳкумлар хам киритилиши мумкинлигини асло билдирмайди.

Табиийки, маҳкумнинг ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турганлигини аниқлаш пайтида унинг тузатилмаган хатолари ва олиб ташланмаган жазолари бўлмаслиги керак. Бундан ташкари, маҳкумнинг қонунга итоаткор хулқи барқарор тус олганлигига ишонч ҳосил қилиш учун хато тузатилганидан ва жазо олиб ташланганидан кейин етарлича катта давр ўтган бўлиши зарур. Ушбу давр жазо бекор қилинганидан сўнг маҳкум хулқининг қандай йўналишда эканлигини аниқлаш учун бемалол етади.

Эҳтимол, маҳкум ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турганлигини аниқлашнинг таклиф этилган варианти, унинг ижобий хулқи, меҳнатга муносабатини, жазони ижро этувчи органлар маъмуриятининг ишончи ва юкорида келтирилган бошқа бир қатор омилларни инобатга олган ҳолда маҳкумнинг ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турганлик даражасини аниқлашга ёндашувларни ишлаб чикишда фойдали бўлар.

Маҳкумнинг ушбу ахлоқан тузалиш даражасига эришиши, одатда, аксилижтимоий қарашлари ва майллари ўзгариб, қонунга итоаткор хулқнинг барқарор кўникмаларига эга бўлиб, «ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турди» деган даражага эришгандаги хулқига қараганда анча узоқ муддатли намунали хулқи ва меҳнатга ҳалол муносабати билан боғланади. Айрим муаллифлар бунга қўшимча қилиб ўз жиноий фаолиятини фаол коралаш, режим талаблари, интизом бузилишининг олдини силишда фаол иштирок этиш сингариларни киритадилар<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Дементьев С.И. Лишение свободы. Уголовно-правовые и исправительно-трудовые аспекты. Ростов, 1091. С. 69.

<sup>2</sup> Қаранг: Исправительно-трудовая психология / Под ред. А.Д. Глотовкина, К.В. Игошева, К.К. Платонова. Рязань, 1985. С. 253.

Ахлоқан тузалишнинг хар қандай даражасини аниқлашда бўлгани каби, маҳкумнинг намунали хулки, меҳнатга ҳалол муносабати, ахлоқан тузалганлигидан далолат берувчи курсаткичларни санаши чексиз давом эттириш мумкин.

«Ўзининг ахлоқан тузалганлигини исботлади» деган даражанинг энг муваффақиятли таърифи И.В.Шмаровга тегишли. Ушбу масала да у шундай деб ёзди; «Ахлоқан тузалиш ва қайта тарбияланишнинг учинчи даражаси жазони ўташ ва ахлоқ тузатиш-меҳнат таъсир чораларини кўллаш жараёнида маҳкумнинг нафакат аксилижтимоий қарашлари ва эътиодлари бутун қадриятлар тизими ўзгарганлигини, балки у ижтимоий-фойдали хулк-авторининг етарлича барқарор кўнилмалари ва одатларини эгаллаганлигини, эркинликдаги ҳаётга, озодликка чиққанидан сўнг дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни енгишга руҳан тайёрлигини билдиради»<sup>1</sup>.

Бирок И.В.Шмаров ахлоқан тузалишнинг мазкур даражаси мазмунини тўғри ифодалайди-ю, аммо ахлоқан тузалганликнинг исботланганлигини аниқлаш учун айнан қандай мезонлар, ёндашувлар кўлланиши мумкинлигини курсатмайди.

Бизнинг ушбу масаладаги фикримиз юқорида «ахлоқан тузалиш йўлига қатъий турди» даражасига нисбатан айтилган фикр билан мос тушади.

Дарҳақиқат, ахлоқан тузалишнинг иккала даражасига ҳам маҳкумнинг намунали хулки, унинг меҳнатга ҳалол муносабати ва бошқалар хос. Лекин баҳолаш мезонларидан ташқари хисоб-китоб учун бошланғич нукта бўладиган энг кам бўлса ҳам формал мезонларни белгилаш лозим. Юқорида айтганимиздек, бундай хисоб нуктаси вазифасини вакт омили бажариши мумкин.

Бизнингча, маҳкумни ахлоқан тузалганлигининг исботлаганлигини тан олиш ҳақидаги масала у белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтаганидан кейин, шунда ҳам ахлоқан тузалганлиги исботланди деб тан олишдан аввалги ярим йил мобайнида маҳкумга танбех берилмаган тақдирдагина қўйилиши мумкин.

Салбий йўналишдаги хулки билан ажralиб турадиган маҳкумлар гурухи ҳақидаги масалага ўтарканмиз, адабиётда мавжуд бўлган ушбу масалага доир икки нуктаи назарни таъкидлаш зарур. Баъзи муаллифлар бундай маҳкумларнинг учта гурухи (хулки ноизчил бўлган, ахлоқан тузалиш йўлига киришин истамайдиган ва умуман истамайдиганлар)ни, бошқаларни эса-икки гурухи (ахлоқан тузалиш йўлига кирмаганлар ва ашаддий тартиббузарлар)ни ажратадилар<sup>2</sup>. Бизга кейинги нуктаи назар тўғрирок кўринади.

<sup>1</sup> Шмаров И.В. Предупреждение преступлений среди освобожденных от наказания (Проблемы социальной адаптации). М., 1974. С. 35.

<sup>2</sup> Каранг, масалан, Исправительно-трудовая психология / Под ред. А.Д. Глотовкина, К.В. Игошева, К.К. Платонова. Рязань, 1985. С. 254; Михлин А.С. Проблемы досрочного освобождения от отбывания наказания. М., 1982. С. 41.

Хулқининг умумий йўналишига кўра, ноизчиллик хос маҳкумларни уларнинг хатти-ҳаракатларида устун йўналишни инобатга олган ҳолда, ахлоқан тузалиш йўлига киргандиган ёки бу йўлга кирмагандарга ажратиш лозим. Агар устун йўналиш аниқланмаганини туфайли буни қилишининг иложи бўлмаса, у ёки бу маҳкум ҳали етарлича ўрганилмаганини ва ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифланиши мумкин эмаслигини тан олиб қўя қолиш керак.

Шу боис салбий тавсифланадиган маҳкумлар тоифасини хулқи аниқ намоён бўлган икки гурухга ажратган маъкул.

«Ахлоқан тузалиш йўлига кирмаган маҳкумлар» тушунчаси мамлакатимиз конун хужжатларида жуда кам ишлатилади. Қонунларда ушбу тушунчага таъриф берилмаган. Назарияда маҳкумларнинг ушбу тоифасига муентазам равишда тартиб бузадиган, меҳнатга вижданан ёндашмайдиган (яроқсиз маҳсулот чиқарадиган, ишлаб чиқариш нормасини бажармайдиган, меҳнат интизомини бузадиган), жамоат ишларида қатнашмайдиган шахслар киритилади.

Маҳкумларнинг ушбу тоифасида аралаш тавсифланадиган, яъни меҳнатда яхши натижаларга эришиб, белгиланган тартибни бузадиган ёки қоидаларга риоя этиб, меҳнатга бепарво ёндашадиган ва бошқа шахслар учраши мумкин.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 111-моддасига «жазони ўташ тартибини қўпол равишида бузиш» тушунчаси киритилгани тўғри бўлди. Кодексда жазони ўташ тартибини қўпол равишида бузиш деганда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган қилингдек, ички тартиб-қоидаларида такикланган нарсалар ва буюмларни саклаш, тарқатиш, истемол қилиш ва ишлатиш тушунилади. Бу билан Ўзбекистон жиноят-ижроия қонунларида «ахлоқан тузалиш йўлига кирмаган маҳкумлар» тушунчасидан воз кечилди. Бирор бу изборани озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганларнинг жазони ўташи муаммолини тадқиқ этувчи муаллифлар ишлатадилар.

Ушбу гурухга кирувчи барча маҳкумларни уларнинг аксилижтимоий хатти-ҳаракатлари, жиноий фаолиятга ижобий муносабати, уларнинг келажакда жиноят содир этишларининг анча катта эҳтимоллиги бирлаштириб туради.

Салбий тавсифланадиган маҳкумларнинг кейинги гурухи—ашаддий тартиббузарлар.

Кодификацияланган қонун хужжатлари илгари ушбу тушунчанинг мазмунини очиб бермас эди. Бир қатор ҳолларда унинг мазмуни амнистияни қўллаш тартибига оид норматив ҳужжатларда тушунтириб берилган. Деярли барча ҳолларда ашаддийлик тушунчаси жазони ўташ даврида интизомни ва тартибни муентазам равишида бузиш ёки ижтимоий-фойдали меҳнатдан муентазам бош тортиш билан боғлаб келинган. Ушбу таърифлардан ашаддийлик факат муентазмлик мавжуд бўлганда мумкин бўлиши ва расман маҳкумнинг хатти-ҳаракатларида белгиланган қоидаларни бузишда муентазмлик

бұлмаганда ҳам, ашаддийлик мавжуд булиши мүмкінлеги ҳақида холоса келиб чыкарди.

Шу билан бирга адабиётларда мазкур хулқ-атвор бир неча бор шубха остига олинган ва бу жуда асослидир. Ҳақиқатан ҳам, ашаддий қоидабузарлық ҳақидағи масалани фақат маҳкүмға нисбатан таъсир чоралари құлланилиб, бирок улар ижобий натижа бермagan ҳоллардағина қўйиш тўғрирок бўларди. Бундай ёндашув эса режим талаблари бир марта бузилганда ашаддийлик мавжудлигини истисно этади.

Содир этиладиган тартиббузарликлар хусусиятини ҳам инобатта олмаслик мүмкін эмас. Уларнинг айримлари унча аҳамиятли бўлмаслиги, ҳеч қандай қасдсиз содир этилган булиши, бошқалари режим ҳолатига таъсир этувчи, маъмуриятнинг ҳаракатларига очик қарши бўлган жиiddий қоидабузарликлар тоифасига киради.

Ашаддийликни таърифлашда аҳамиятли бўлмаган тартиббузарликларни эътиборга олиш тўғри бўлмайди. Ахир қоидабузарликлар хусусияти маҳкум шахсининг нимага йўналганлигини кўрсатиш керак. Масалан, карта ўйнаш, спиртли ичимлик ичиш, зонага тақиқланган нарсаларни олиб кириш, ишлашдан бўйин товлаш, маъмуриятга бўйсунмаслик каби қоидабузарликлар маҳкум ахлоқан тузалиш йулига киришни истамаётганлигидан, ушбу қоидабузарликларнинг такрорланиши, таъсир чораларига эътиборсизлик эса қоидабузарнинг ашаддийлигидан далолат берувчи белги бўлади.

Ашаддий тартиббузарлик белгиларининг анча тўғри рўйхатини ўз вақтида В.Д.Филемонов таклиф этган. У мазкур белгиларга режим талабларини бузишнинг аҳамиятлилиги, уларнинг бир неча бор такрорланиши, режим талабларининг онгли равишда бузилиши, кўрилган таъсир чораларининг натижа бермаслиги кабиларни киритади<sup>1</sup>.

Россия Федерациясининг 1992 йил 12 июль конуни билан Россия ЖИКга бошка ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга ашаддий тартиббузарлика доир ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилган эди. Масалан Россия Жиноят –ижроия кодексининг 62-моддасида конун бўйича ашаддий тартиббузарлик хисобланган қоида бузишлар рўйхати келтирилган эди. Булар меҳнатдан бўйин товлаш, спиртли ичимликларни истемол қилиш, кимор ўйинларида иштирок этиш кабилардир.

Қонунда келтирилган мазкур тартиббузарликларнинг лоақал биттаси мавжуд булиши муайян хуқуқий оқибатлар, жумладан, сакланиш шароитини яхшилашнинг мүмкін эмаслигини келтириб чыкаради.

Аммо Россия Жиноят-ижроия кодекси 62-моддасининг санаб ўтилган тартиббузарликларнинг бирини бир марта содир этган маҳкүмни ашаддий қоидабузарларга киритиш мүмкінми? Бу саволга конун нұктай назаридан жавоб бериш мүмкін эмас, чунки ашаддий қоидабузарлик ва ашаддий қоидабузар тушунчалари бир маънени билдирилмайди. Амалиётда кўпинча бу тушунчалар айнанлаштирилали.

<sup>1</sup> Филемонов В.Д. Индивидуализация уголовной ответственности // Вопросы государства и права. Томск, 1974. С. 121.

Бизнингча, ашаддий коидабузарлик жазо чораси күрилгандан кейин такроран содир этилган тақдирдагина ашаддий коидабузар хақида гапириш мумкин. Шахснинг катыйй йўналганлиги Коидабузарнинг ашаддийлигини тасдиқловчи далил бўлиши мумкин. Ашаддий коидабузарлик бўлса ҳам бир марта содир этилган тартиббузарлик ёзият тақозоси билан тасодифан юз берган бўлиши мумкин. Шу боис аксилижтимоий хулқида тақрорийлик ёки система бўлмаганда ашаддий коидабузар хақида гапириш мумкин эмас. Ўйлаймизки, режим талабларини ашаддий бузишнинг тақлиф этилган белгилари ушбу тушунчанинг тўлиқ манзарасини ҳосил қилиш учун етарли бўлиб, маҳкумлар орасида ашаддий коидабузарлар тоифасини ажратиш учун фойдаланилиши мумкин.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига «сакланиш режими»ни ашаддий бузувчи терминини киритиб тўғри қилган. Агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда ёлиб ташланмаган ёки ҳал қилинмаган бўлса, маҳкумларнинг бундай тоифасига жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол равишида бузган ва бунинг учун интизомий бўлим (хибсона, карцер)га жўнатиш шаклидаги жазо берилган маҳкум киритилади.

Ашаддий тартиббузарлар гурухини ахлоқан тузалиш йўлига киришни умуман истамаслик аксилижтимоий майлнинг барқарорлиги, маъмуриятга фаол каршилик кўрсатиш, бошқа маҳкумларга фаол салбий таъсир қилиш, бундан бўён ҳам жиноий турмуш тарзи кечиришга харакат қилиш бирлаштиради.

Маҳкумларнинг ушбу тоифасига энг кам даражада ахлоқ тузалиш таъсири кўрсатиш мумкин (кўпинча эса умуман мумкин эмас).

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдикি, назарияда ҳам, маъниётда ҳам маҳкумларнинг ахлоқан тузалиши (ижтимоий хавфлиги)нинг у ёки бу даражасидан далолат берувчи қўплаб мезонлар мавжуд. Аммо мезонлар хусусияти ва аҳамияти хақидаги фикрлар бир-биридан фарқ қиласи.

Бирок юкорида айтилганидек, ахлоқан тузалиш даражаларини баҳолашда истиносиз барча ҳолларда инобатга олинадиган мезонларнинг муайян рўйхати зарур.

Шу боис А.С. Мехлиннинг барча ахлоқан тузалиш курсаткичларини икки гурухга мажбурий ва факультатив гурухларга бўлиш лозимлиги хақидаги фикрига кўшилиш керак. Бунда ушбу курсаткичларнинг аҳамияти турлича бўлади. А.С. Мехлин мажбурий курсаткичларга қонунда кўрсатилган намунали хулқ ва меҳнатга, айрим ҳолларда ўкишга ҳалол муносабатни киритишни тақлиф қиласи<sup>1</sup>.

Умуман олганда бу тақлифга кўшилиш мумкин. Лекин қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим. Биринчидан, ахлоқан тузалиш да-

<sup>1</sup> Карчин: Мехлин А.С. Проблемы досрочного освобождения от отбывания наказания. М., 1982. С. 37.

ражасини аниқлашнинг ўзи мақсад эмас, балки муайян хуқукий оқибатлар ёки уларнинг мумкинлиги билан боғлиқ. Ўз навбатида ушбу оқибатлар факат жазони ўташнинг муайян муддати ўтганидан кейингина келиб чиқиши мумкин. Шу боис маҳкум озодликдан маҳрум этиш муддатининг муайян қисмини ўтаб бўлганидан кейингина унинг у ёки бу даражада ахлоқан тузалганлиги ҳақида гапириш мақсадга мувофик ва мантиқан тўғри бўлади. Ушбу муддат жиноятнинг хусусияти, айборнинг шахси, белгиланган жазо муддатига қараб фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун биз мажбурий кўрсаткичларга маҳкумнинг муайян жазо муддатини ўташини хам киритган бўлур эдик.

Иккинчидан, ҳозирги вақтда маҳкумларнинг кўнчилиги иш билан таъминланмаётган шароитда, бу тамойил эса бундан бўён хам ривожланиши мумкин, меҳнатга муносабатни мажбурий белги деб хисоблашни мақсадга мувофик деб бўлмаса керак. Иш билан таъминланмаган шароитда маҳкумларнинг каттагина қисми ўзининг меҳнатга муносабатини ифодалай олмайди. Шу боис меҳнатга муносабатни биз факультатив белгиларга киритган бўлардик.

Шу билан бирга факультатив белгиларга киритиш, унга вижданан муносабатда бўлмаслик ахлоқан тузалиш даражасини аниқлашда эътиборга олинмаслиги мумкинлигини билдирамайди. У факат маҳкум ўзининг меҳнатга муносабатини намоён қилиши учун шароит бўлмаган тақдирда ахлоқан тузалиш даражасини аниқлаш мумкинлигини билдиради, холос.

Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жараёнида маҳкумнинг ахлоқан тузалиш даражаси (ижтимоий хавфлилик даражаси) ва унинг хулк-атворига қараб, жазони ўташ шароити ваколатли органларнинг карори асосида хуқукий ҳолати ўзгариши натижасида ўзгариши мумкин. Жазони ўташ шароитлари маҳкумни рафбатлантириш ёки хулки учун жазолаш тартибида ўзgartирилиши мумкин.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 61-моддаси қоидаларининг тўғри қўлланилиши маҳкумларнинг ахлоқан тузалишида ижтимоий самара беради.

## **VII БОБ. МАҲКУМЛАРНИ САҚЛАШ ШАРОИТИНИ ЎЗГАРТИРИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **1-§. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилингандарнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартириш муаммоларини норматив тартибга солишнинг шаклланиши ва ривожланиши**

Ҳозирги вақтда қарор топган жиноят-ижроия тизими анча вақт мобайнида шаклланди ва ривожланди. Унинг фундаментал асослари, курилиш принциплари эски давлат аппарати синган ва хокимиятга, янги режимга зарур янги органларни ташкил этиш пайтида мавжуд бўлган ижтимоий-иктисодий ва сиёсий шароитлардан келиб чиқсан.

Озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жиноий жазони ижро этиш тизимининг қарор топиши ва ривожланишидаги айrim жихатларни уларнинг тузилиши ва маҳкумларнинг таснифига қараб ўташи шароитларини куриб чиқамиз.

Туркистонда турмалар ислоҳоти асосан 1919 йилда, яъни Турк-МИҚнинг 1918 йил 13 декабрь қарори билан «Озодликдан маҳрум этиш жазо чораси ва уни ўташ тартиби тўғрисида»ги мувакқат йўрикнома<sup>1</sup> қабул қилинганидан сўнг амалга оширила бошланди.

Мувакқат йўрикнома озодликдан маҳрум қилишни ижро этиш тизимининг ҳуқукий асоси бўлган биринчи норматив ҳужжат эди. Ушбу меъёрий ҳужжатда озодликдан маҳрум этиш жойларининг куидаги тизими белгиланган эди:

- 1) умумий қамоқ жойлари (турмалар);
- 2) тарбиявий-жазолаш муассасалари бўлмиш реформаторийлар ва зироатчилик колониялари, бу айникса ёш жиноятчилар учун мўлжалланган эди;
- 3) саклаш режимини юмшатиш ёки муддатидан олдин озод этиш асос бўлган шахслар учун мўлжалланган синов муассасалари;
- 4) сезиларли руҳий нуқсонлари бўлган шахслар учун мўлжалланган тиббий-жазо муассасалари;
- 5) турма шифохоналари.

Мувакқат йўрикномада маҳкумларни тақсимлаш, сокчи билан олиб юриш тартиби, жазо чоралари, саклаш режими батафсил тартибга солинган, меҳнатга лаёқатли маҳкумларни албаттa меҳнатга жалб қилиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, касбга ўргатиш, умумий таълим ва тарбия масалалари назарда тутилган.

Ушбу йўрикнома илк бор вилоят жазо бўлимлари қошида ташкил этиладиган тақсимлаш комиссияларини жорий этди. Ушбу комиссияларнинг вазифаси-озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганларни қамоқ жойларининг турлари бўйича тақсимлаш бўлган. Так-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (МДА), Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-дело, 69—70-вараклар.

симлаш комиссиялари аслида жамоаттчиликнинг озодликдан маҳрум этиш жойлари тизимининг фаолиятида иштирок этишининг биринчи шакли бўлган.

Йўрикнома озодликдан маҳрум этиш жойларини режим турлари бўйича бўлишни назарда тутмаган. Барча қамоқ жойлари учун ягона саклаш тартиби ва шароитлари белгиланган.

Шу билан бирга, тартиб ва интизомни бузувчи ва узрли сабабсиз ишлашдан бўйин товладигин маҳкумларга нисбатан қатағон хусусиятига эга чоралар қўлланилган. Ушбу чоралар уларнинг хукуқий холатини дастлабкисига нисбатан жиддий ўзгартирган.

Йўрикномадан интизомий жазо сифатида учрашиш, хат ёзиш хукуқидан маҳрум этиш, бир ўзини қамаб қўйиш, 14 кун муддатга карцерга жойлаштириш каби чоралар назарда тутилган.

Муваққат йўрикномада тартиб ва интизомни ашаддий бузган ва узрли сабабсиз ишлашни истамаган маҳкумларни сақлаш шароитини ўзгартириш мумкинлиги кўрсатилган. Бундай шахсларга нисбатан «айрим ҳолларда, йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатларни такорран тез-тез содир этганда» бошқа чоралар билан бир қаторда турмадаги хибсона (изолятор)ларга кўчириш қўлланилган.

Туркистонда муваққат йўрикномада назарда тутилган ҳамма ахлоқ тузатиш муассасалари ҳам ривожлантирилгани йўқ. Масалан, архив материалларида турмалар ўрнига фаолияти 1920 йил 1 апрелда Туркレスпублика Адлия комиссарияти томонидан тасдиқланган “Туркистон Республикаси ишчилар уйи учун умумий йўрикнома” билан тартибга солинган ахлоқ тузатиш ишчилар уйи (АТИУ) ташкил этилганлиги ҳакида сўз юритилади<sup>1</sup>.

Йўрикномада АТИУ маъмуриятининг хукуқ ва мажбуриятлари, маҳкумларни қабул қилиш тартиби, моддий-турмуш таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатилиши, ички кун тартиби, маҳкумларга ахлоқ-тузатиш тарбиявий таъсир кўрсатиш тартиблари ва бошқалари ба-тафсил белгиланган. Умумий йўрикномада камера оқсоқоллари ва ҳар уч ойда бир марта сайлаб қўйиладиган ўртоқлик судларини сайлаш тартиби ҳакида маҳсус бўлимлар бўлган. Шунингдек, муваққат йўрикномада назарда тутилган енгиллаштирилган тартибли синов муассасалари ҳам ташкил этилмаган.

Биринчи реформаторий факат 1921 йилга келиб Адлия ҳалқ комиссарлиги 1921 йил 29 майда тасдиқлаган «Вояга етмаган озодликдан маҳрум этилганлар учун мўлжалланган Тошкент меҳнат уйи (реформаторийлар) тўғрисидаги низом» асосида ташкил этилди<sup>2</sup>.

Бироқ Тошкент меҳнат уйи расман реформаторий деб номлансада, максади, вазифалари ва ўсмирларни саклаш шароитлари бўйича

<sup>1</sup> Самарқанд вилоят давлат архиви, 726-фонд, 1-рўйхат, 7-дело, 56—78-вараклар.

<sup>2</sup> ЎЗР МДА, Р-34-фонд, 1-рўйхат, 1400-дело, 6—7-вараклар.

Россияда 1918-1919 йилларда ташкил этилган реформаторийлардан кескин фарқ қиласы эди<sup>1</sup>.

Низомга мувофиқ Тошкент мөхнат уйига суд озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган 14-16 ёшдаги шахслар қабул қилинар, тақсимлаш комиссияси, камдан-кам холларда жисмоний ва ақлий ривожланиши бүйича мөхнат уйи режимига мухтож бўлган 16 ёшли ўсминаларни ҳам юборар эди. Мөхнат уйига кар-соков, кўр ва жисмоний мөхнатга лаёқати бўлмаган шахслар юборилмаган. Тарбияланувчилар бу ерда 18 ёшга тўлгунча сакланиб, кейин ахлоқ тузатиш уйларига юборилганлар. Бироқ мөхнат уйи ҳайъатининг Туркеспублика АҲК ахлоқ тузатиш мөхнат бўлими тасдиқлаган карори бўйича ўсмир 18 ёшга етганидан кейин ҳам мөхнат уйида қолдирилиши мумкин эди.

Вояга етмаган ҳукукбузарларга нисбатан муддатидан илгари озодликка чиқариш чораси қўлланилган. Айтиш жоизки, тарбияланувчиларни ўрганиш учун мөхнат уйи штатларига вазифаси жумладан ўсминаларни руҳий жиҳатдан текширишдан иборат бўлган врач-психиатр лавозими киритилган.

Ушбу Низом кейинчалик Ахлоқ тузатиш-мөхнат кодексининг озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаганларни саклаш қоидаларини белгилаш қисмига доир нормаларни ишлаб чиқиша асос қилиб олинди.

1921 йилда Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида қишлоқ ҳўжалиги колониялари ташкил этилган бўлиб, у ерга ахлоқ тузатиш уйларida ўзларининг ҳулқи билан ишонч қозонган ва жазони енгиллаштирилган шароитда ўташ ҳуқукини қўлга киритган маҳкумлар юборилган.

1922 йил охирида қишлоқ ҳўжалиги колониялари мустақил озодликдан маҳрум этиш жойлари сифатида тугатилиб, ахлоқ тузатиш уйлари ихтиёрига берилган. Бундай қарорга келишга колониялар ахлоқ тузатиш уйлари билан яқин алоқада бўлиб, у ердан маҳкумларнинг зарур контингентини олиб турганлари сабаб бўлган.

1921 йилда Самарқанд вилоятида озодликдан маҳрум этиш жойларининг янги тури – «умумий озодликдан маҳрум этиш жойларида хавфли бўлиши мумкин бўлган ва маҳсус назоратда тутишни талаб қиласиган» маҳкумларни саклашга мўлжалланган Каттакўрон хибсонаси ташкил этилган<sup>2</sup>.

Каттакўрон хибсонасида маҳкумларни саклаш шароитлари ахлоқ тузатиш уйларидагига қараганда қаттикроқ бўлган, камералар ёпиб қўйилган, ишга (даладаги ишлар бундан мустасно) маҳкумлар хибсонадан ташкарига чиқарилмаган.

<sup>1</sup> Ахмадеев А.А. Развитие советского исправительно-трудового законодательства в Узбекистане. Т., 1976. С. 18.

<sup>2</sup> ЎЗР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 224-дело, 101, 391-вараклар.

Мазкур давр ахлоқ тузатиш-мехнат сиёсатининг мақсад ва усуллари ТуркМИКнинг «Озодликдан маҳрум этиш ҳакида»ги 1921 йил 13 июль қарорида конун билан мустаҳкамланди<sup>1</sup>. Унда жазодан кўзланган мақсад, жазони ўташ прогрессив тизимининг тамойиллари, озодликдан маҳрум этиш жазосини қамоқда сақламасдан мажбурий (ахлоқ тузатиш) ишлари билан алмаштириш имконияти, муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби ва шартлари ифодаланди.

Жазонинг энг катта муддати беш йилга озодликдан маҳрум этиш ва озодликдан маҳрум этмаган ҳолда мажбурий (ахлоқ тузатиш) ишларига жалб қилиш билан чекланган.

Судлар озодликдан маҳрум этиш ўрнига мажбурий ишларни тайинлаш ҷоғида ўз ҳукмларида уларнинг турини: ижтимоий-мажбурий ишлар ёки мутахассислик бўйича ишлар, озодликдан маҳрум этиш қўлланганда эса- маҳкум қаттиқроқ ёки юмшоқроқ шароитда сақланиши қўрсатишлари шарт бўлган.

Қарорда, шунингдек, “махкумларни бошқалардан ажратишнинг қаттиқроқ шаклидан юмшоқроқ шаклига ўтказиш, хатто муддатидан олдин озод қилиш” мумкинлиги назарда тутилган.

Мазкур қарорга мувоғик, муддатидан илгари шартли озод қилиш ё жазодан тўлик озод қилишда, ё озодликдан маҳрум этишини бутун қолган жазо муддати ёки унинг бир қисми давомидаги мажбурий ишлар билан алмаштиришда ифодаланганди.

Муддатидан олдин озод қилиш ҳақидаги илтимосномаларни озодликдан маҳрум этилган шахснинг ўзи, унинг яқинлари, шунингдек ташкилотлар, муассасалар (суд органларидан ташқари) ёки мансабдор шахслар маҳкум жазо муддатининг камидаги ярмини ўтаб бўлганидан кейин беришлари мумкин эди.

Қарорда, агар шартли равишда муддатидан аввал озод қилинган шахс жазонинг ўталмаган муддати давомида шундай жиноятни соидир этса, у дархол, суд қароригача, суд (тергов) органининг қарори билан камоққа олиниши назарда тутилган.

Шундай қилиб, Туркистон янги иқтисодий сиёсатга ўтишининг бошлиғи даврига келиб озодликдан маҳрум этиш жойларининг қуидаги тизими қарор топди;

- ◆ хибсҳоналар-терговдагилар учун<sup>2</sup>:
- ◆ ахлоқ тузатиш уйлари-озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганлар учун;
- ◆ қишлоқ ҳўжалиги колониялари—ўзларининг ахлоқ тузатиш уйларидаги хулқлари билан ишонч қозонган ҳамда ишлаш ва нисбатан кўпроқ эркинликдан фойдаланиш хукуқига эга бўлган озодликдан маҳрум этилганлар учун;

<sup>1</sup> Уша жойда, 4-рўйхат, 12-дело, 13-варак.

<sup>2</sup> Хибсҳоналар 1920 йилгача Туркеспублика ИИХК тасарруфида бўлган (ЎзРМДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 75-дело, 14-варак).

- ◆ ҳибсоналар-умумий озодликдан маҳрум этиш жойларида хавфли бўлиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум этилганлар учун;
- ◆ озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар учун меҳнат уйлари (реформаторийлар) – 14-16 ёшдаги ўсмиirlар учун.

Мазкур озодликдан маҳрум этиш жойлари (Туркеспубликада улар 39 та бўлган) 1922 йилгача Адлия ҳалқ комиссарлиги тасарруфида бўлган. Туркистон ХКСнинг 1922 йил 14 ноябрь қарори билан озодликдан маҳрум этиш жойларига раҳбарлик қилиш битта идорага-Ички ишлар ҳалқ комиссарлигига юклатилди<sup>1</sup>. Адлия ҳалқ комиссарлигининг ихтиёрида эса назорат қилиш вазифаси қолдирилди.

Одатдаги озодликдан маҳрум этиш жойлари билан бир каторда жамият учун энг хавфли шахсларни сақлаш учун маҳсус муассасалар ташкил этилди.

1920 йил 9 сентябрда Туркеспублика ХКС Мажбурий ишлари учун лагерлар тўғрисидаги низомни тасдиқлади<sup>2</sup>. Ҳар бири камида 300 кишига мўлжалланган бундай лагерларни ташкил этиш ва Туркистон худудидаги барча лагерларга умумий раҳбарлик қилиш Ички ишлар ҳалқ комиссарлигига юклатилди.

Бундай мажбурий ишлар лагерларига ҳалқ судлари, инқилобий трибуналлар, фавқулодда комиссиялар, маҳсус бўлим ҳамда декретлар ва фармойишлар билан ана шундай ҳуқук берилган бошқа совет органларининг қарорлари чиқарилган шахслар қамалиши лозим эди.

Низомда маҳкумларнинг ҳуқукий ҳолати билан боғлиқ масалалар батафсил тартибга солинмаган эди.. Низомда маҳкумларнинг лагердан ташқарида яшашларини тартибга соладиган қоидалар йўқлигига қарамай, 1921 йил 27 октябрдаги маълумотлар бўйича Тошкент мажбурий лагери маҳкумларининг 68 таси лагердан ташқаридаги ишлар ва ҳусусий хонадонларда яшар эдилар<sup>3</sup>.

Иш ҳакидан лагерь маъмуриятини ва коровул хизматини, маҳкумнинг ўзини сақлаш, шунингдек, хона учун ҳак тўлаш харажатлари ушлаб қолинарди. Ушлаб қолинадиган умумий сумма иш ҳаққининг 3/4 кисмидан ортиши мумкин бўлмаган. Лагерни сақлаш учун ўзини оқлаши керак эди. Маҳкумларнинг овқати жисмоний меҳнат билан машғул шахслар учун белгиланган нормалар бўйича берилган. Маҳкумлар умумий ва бир кишилик камераларга жойлаштирилган.

Туркистонда мажбурий ишлар учун лагерлар 1920 йил охиридан 1922 йилгача мавжуд эди. Янги тарихий шароитларда Туркеспублика ХКСнинг 1923 йил 17 январь қарори билан улар умумий ва маҳсус озодликдан маҳрум этиш жойларига айлантирилди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 224-дело, 98-варак.

<sup>2</sup> Ўша жойда, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 78-дело, 33-варак.

<sup>3</sup> ЎзР МДА, Р-39-фонд, 4-рўйхат, 1-В-дело, 23-26-вараклар.

<sup>4</sup> Туркестанская правда, 1923. 25 января.

Маҳкумларга прогрессив система элементларини қўллаган холда жазолаш-тарбиялаш таъсирининг карор топишига 1921 йилда қабул қилинган «Туркистон Автоном Республикасининг умумий озодликдан маҳрум этиш жойлари хақидаги низом» ёрдам берди<sup>1</sup>.

Ушбу низомга биноан маҳкумлар уч тоифага бўлинди;

биринчисига қасдсиз жиноятлар учун хукм қилинганлар, иккинчисига-қасдан содир этилган жиноятлар учун хукм этилганлар, учинчисига-дастлабки икки тоифадаги жиноятчиларнинг рецедивистлари кирган.

Маҳкумларнинг синовдагилар, жаримадагилар, тузалаётганлар ва намуналилар даражаси белгиланган.

Маҳкумларнинг ҳар бир даражаси учун муайян режим талаблари ва уларнинг хукуқий ҳолатлари белгиланган.

Барча янги келганлар синовдагилар даражасида жойлаштирилган. Биринчи тоифадаги маҳкумлар бу ерда умумий жазо муддатининг 1/4 қисми, аммо камида уч ой, иккинчи тоифадагилар—1/3 муддат, учинчи тоифадагилар—жазо муддатининг ярмини ўтганлар.

Маҳкумлар озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ҳайъат қарори билан белгиланган даражаларига мувофиқ равишда камераларга жойлаштирилган.

Синовдагилар умумий ёки бир кишилик хоналарда сакланганлар, кўпи билан бир хафтада бир марта кариндошлари билан учрашиш хукуқидан фойдаланганлар, иш ҳақларининг кўпи билан ярмини ишлата олганлар, уларни саклаш қийматини ажратиб олинганидан кейин қолган пуллари уларнинг хисоб ва рақаларига ўtkазилган ва озод бўлганларидан кейин уларга берилган. Улар учрашувлар, ёзишмалар, посылкалар масаласида жарима даражасида маҳкумларга нисбатан анча имтиёзли шароитларга эга эдилар.

Ахлоқан тузалиш белгиларини қўрсатган шахслар синовдагилар даражасидан тузалаётган даражасига ўtkazilgan. У ерда эса камида олти ой ўтганидан кейин намунали даражага ўtkaziшлари мумкин бўлган. Намунали даражадагиларга муддатидан илгари шартли озод килиш чорасини қўллашга йўл кўйилган. Ахлоқан тузалиш белгиси бўлмаган синовдагилар жаримадагилар даражасига ўtkazilgan.

Жаримадагилар даражасида бўлганлар бир кишилик камераларда сакланганлар, улар ойига кўпи билан бир марта яқинлари билан учрашиш, ойига бир марта хат жўнатиш, ойига икки марта нарса олиш хукуқига эга бўлганлар, уларни саклаш харажатларидан қолган иш ҳақларининг кўпи билан 1/4 қисмидан фойдалана олганлар.

Тузалаётганлар даражасига киритилганлар умумий камераларда сакланганлар, учрашув ва нарса олиш бўйича уларга хафтасига кўпи билан икки марта рухсат берилган; улар хафтада икки марта хат жўнатиш ва уларни саклаш харажатлари чиқариб ташланган иш ҳақларининг 3/4 қисмидан фойдаланишга ҳақли бўлганлар.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, Р-38-фонд, 2-рўйхат, 224-дело, 98-варак.

Намунали маҳбуслар даражасига киритилганлар алоҳида бўлинмаларда яшаганлар, кун давомида бўлинма доирасида эркин ҳаракатланиш хукуқидан фойдаланганлар; ҳафтасига кўпи билан уч марта учрашув, нарса олиш, хат жўнатишларига рухсат берилган, уларни сакланни ҳаражатлари чиқариб ташланган иш ҳақларидан тўлиқ фойдалана олганлар.

Тузалаётган маҳкумларга намунали хулқи учун йилига бир марта, намунали маҳкумларга эса икки марта етти кундан кўп бўлмаган муддатли таътил берилган.

Таътилга чиқишига тақсимлаш комиссияси озодликдан маҳрум этиш жойларидаги ҳайъат тақдимномаси асосида рухсат берган. Узрли сабабсиз таътилда кеч қайтган тақдирда тақсимлаш комиссияси мавжуд ҳолатларга қараб қамоқ муддатини узайтирган (хар бир кечиккан куни учун бир ҳафта) ёки материалларни маҳкумга интизомий жазо қўллаш учун қамоқхона ҳайъатига берган.

Барча маҳкумлар ҳар куни 30 минутли сайрга олиб чиқилган.

Низомда учрашув бериш тартиби, нарса олиш қоидалари, пулдан фойдаланиш, ёзишмалар қилиш, маҳкумларни бир даражадан бошқасига ўтказиш қоидалари, интизомий чоралар ва бошқалар батафсил тартибга солинган.

Тақсимлаш комиссиясининг буйруғи билан меҳнат интизомини мунтазам бузувчи шахсларнинг қамоқ муддати узайтирилган. Узайтириш муддати чекланмаган. Амалда муддатсиз қамоқ ҳақида сўз юритилиши мумкин бўлган, бу эса ўзбошимчалик учун катта имкониятлар ва номаъкул маҳкумларни хеч нарса билан чекланмаган даражада жазолаш учун шароитлар яратар эди.

Маҳкум ўжарлик қилиб бўйсунмаган ёки ўрнатилган тартибни жуда қаттиқ бузган ҳолларда қамоқхона ҳайъати тақсимлаш комиссиясига тартиббузарни маҳсус ҳибсхонага ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этган.

Қамоқхонадан қочган маҳкумнинг ўтаган жазо муддати (бир йилгача) ҳайъат қарори асосида ўталган жазо муддати сифатида ҳисобга олинмаган. Бир йилдан ортиқ муддати сифатида ҳисобга олмаслик суд қарори билан ҳал этилган. Ушланган қочоқлар жарима даражасига киритилар ва анча қатъий назоратга олинар эди.

Умумий қамоқхоналар ҳақидаги низом маҳкумларнинг меҳнат шароитини аввалги ҳужжатларга қараганда кўпроқ муайянлаштирган. Унда меҳнат маҳкумлар учун тарбиявий ва ахлок тузатиш аҳамиятига эгалиги, уларни қамоқхонадан чиққандан кейин ҳалол яшай олиши учун меҳнатга ўргатиш ва жалб қилиш мақсадига эгалиги таъкидланган.

Маҳкумлар меҳнатга ички ва ташки ишларда жалб қилиниши мумкин бўлган. Ички ишлар ҳўжалик (тўловли ва тўловсиз) ишларга ва устахоналардаги ишларга бўлинган. Ташки ишларга бандитизм, босқинчлилик учун хукм килинганлар ва кочишга мойил бўлганлар чиқарилмаган.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши кенгайиши мұносабати билан маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини тартибга келтириш зарур эди. 1921 йил 4 июня Туркеспублика ХКС, Туркеспублика озодликдан маҳрум этиш жойларида сакланыётган маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлади<sup>1</sup>.

Маҳкумлар меҳнатига тегишли касаба уюшмалари ставкалари бўйича 8 соатли иш кунидан келиб чиқиб ҳақ тўланадиган бўлди. Касаллик вақтида, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз маҳкумлардан уларни саклаш харажатлари ушлаб қолинмаган. Ушлаб қолинадиган сумманинг умумий микдори иш ҳақининг 2/3 кисмини ташкил этган, қолган сумма маҳкумнинг ҳисобвараfigа ўтказилган.

1922 йил февраляда Туркеспублика Адлия халқ комиссарлиги ҳайъати озодликдан маҳрум этиш жойларида устахоналар тўғрисида низом қабул қилди<sup>2</sup>. ўша йилнинг бошида Туркеспублика ХКС Маҳкумлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги янги низомни тасдиқлади<sup>3</sup>. Ушбу низомга мувофиқ айрим қамоқхоналардаги устахоналар ўзини-ӯзи қоплашга ўтказилди.

Умумий қамоқ жойлари тўғрисидаги мазкур низомнинг асосий вазифаси маҳкумларни меҳнат жамоаси шароитларига мослаштириш ва уларни жамиятга етарлича саводли, бирон-бир хунарга эга холда қайтаришдан иборат бўлган маданий-оқартув ишларини ўтказишни хукукий маданият тартибга солган. Маданий-оқартув ишларига доир масалалар «Қамоқ жойларида ўқув-тарбия ишларини ташкил қилиш» номли маҳсус бўлимда тартибга солинган. Тарбиячилар маҳкумларни ўрганишлари ва ҳар ойда уларга бир даражадан бошқа даражага ўтказиш учун тавсифнома ёзишлари шарт эди. Мактабга бориш 50 ёшга тўлмаган барча маҳкумлар учун мажбурий эди.

Жиноят-ижроия тизимини ва ушбу тизимнинг фаолиятини таъминлайдиган қонунларни қарор топтириш ва ривожлантиришга, юқорида таъкидлаганидек, давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузуми, жиноятчилик аҳволи, маҳкумларнинг таркиби ва сони, уларнинг таснифланиши каби бир қатор омиллар таъсир этади.

Жиноий жазони ижро этиш муассасалари тизими мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучлари даражасига, муайян даражада, тарихан қарор топган шароитга ҳам боғлиқ бўлади.

1924 йил кузига келиб Ўрта Осиёда учта кўп миллатли Совет республикаси-Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари мавжуд эди. Улар инқилобгача бўлган маъмурий-худудий бирликлар доирасида ташкил топган эди.

<sup>1</sup> ЎзР МДА, Р-38-фонд, 4-рўйхат, 1-3-дело, 21—22-вараклар.

<sup>2</sup> Ўша жойда, 223-дело, 8-варак.

<sup>3</sup> Ўша жойда, 224-дело, 362-варак.

1924 йилгача ўтказилган Ўрта Осиёдаги миллий-давлатчилик ажратини натижасида Ўзбекистон, Туркманистан ва Ўзбекистон таркибига кирган Тожикистон Автоном Республикаси ташкил топди.

Ўзбекистон Республикаси ташкил топиши конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг янги органлари тузилишига олиб келди. Ўзбекистон Таъсис съездзи чакирилгунига қадар бутун ҳокимият Революцион қўмитага-ҳокимият ва бошқарувнинг вакиллик органлари ташкил этилишини тайёрлаши лозим бўлган конун чиқарувчи, тақсимловчи — ижро этувчи органга ўтди. Ревком амалга оширган ташкилий ишлар республика советларининг Биринчи Таъсис съезддини чакириш учун зарур шароитларни яратди. Ушбу съезд 1925 йил февралида Ўзбекистон Республикасининг ташкил этилганлигини конун даражасида расмийлаштириди ва Ўзбекистон Республикаси советларининг Марказий Ижроия Қўмитасини сайдади.

1925-1926 йилларда Ўзбекистон МИҚ ва ХКС озодликдан маҳрум этиш жойлари фаолияти тўғрисида бир қатор меъёрий хужжатлар қабул килди. Ана шу йилларда афв этиш, амнистия, айрим тоифадаги маҳкумларни муддатилан олдин озод килиш муаммоларига катта эътибор берилди<sup>1</sup>.

Озодликдан маҳрум этиш жойларини яхши тайёргарлик кўрган кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон МИҚ ва ХКС 1926 йил 25-июлда қамоқ жойларидаги хизмат уставини тасдиқлади<sup>2</sup>. Ушбу устав маъмурий-саф қисми шахсларини хизмат қабул қилиш, хизмат ўташ ва хизматдан бўшатиш тартибини белгилаб берди.

Қамоқ жойлари маъмурий-саф таркибидан бўлган ҳодимлар (бошлиқ, унинг ёрдамчиси, назоратчилар) хизмат ўташ ва интизом масаласида ҳарбий хизматчиларга тенглаштирилди, улар учун меъёrlаштирилмаган иш куни белгиланди. Қамоқ жойларига ишга камида 21 ёшга тўлган, саводли, соғлиғи бўйича хизмат ўташга яроқли, сайлов хукуқидан фойдаланадиган шахслар қабул қилинган. Ишга кирувчи қамоқ жойида камида бир йил хизмат қилиш мажбуриятини олган, бу тўғридаги тегишли тилхат берган. Ишга янги қабул қилинаётган шахсга бир ойлик синов муддати белгиланган.

Республикада тадқиқ этилаётган даврда қамоқ жойлари фаолиятига умумий раҳбарликни Ички ишлар ҳалқ комиссарлиги амалга оширган.

Аллия ҳалқ комиссарлиги тўғрисидаги 1925 йил 6 май низомига мувофиқ АҲКга конунийликни кузатишдан ташқари, ИИХК билан биргаликда озодликдан маҳрум этишга ва мажбурий ишларга хукм қилинган шахслар учун ахлок тузатиш-мехнат тизими тўғрисидаги

<sup>1</sup> Мирзажонов К. Амнистия и помилование в уголовной политике. Т., 1991; Мирзажонов К. Амнистия и помилование в уголовной политике как принцип гуманизма. Т., 1995.

<sup>2</sup> СУ УзССР, 1926, № 18, ст. 84.

қоидаларни ишлаб чиқиш ва қамоқ жойларининг түғри фаолият кўрсатишини назорат қилиш вазифаси юклатилган.

Шундай қилиб, 1918-25-йилларда Ўзбекистонда ахлоқ тузатиш-мехнат қонунчилиги тизими мустаҳкам қарор топди, аммо у ҳали кодификацияланмаган эди.

Ахлоқ тузатиш мехнат қонунчилигини кодификациялаш бўйича фаол ишлар 1925 йилда бошланди. Бу қийин ва мураккаб иш эди. Ўзбекистон худудининг турли қисмлари (ТАССР, БХСР, ХХСР) иктиносидий ва маданий жиҳатдан бир даражада ривожланмаган эди. Республикадаги барча ҳалкларнинг ижтимоий муносабатларини, маданий ривожланиш даражасини, сиёсий онгини чукур ўрганиш керак эди.

Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Советлари МИҚ тўртингчى сессияси 1926 йил 16 июнда Ўзбекистоннинг биринчи Ахлоқ тузатиш-мехнат кодексини тасдиқлади<sup>1</sup>. У умумий қоидалар ҳамда 231 та моддани ўз ичига олган 10 та бўлимдан иборат эди.

Биринчи моддада кодекснинг вазифаси озодликдан маҳрум этиш ва қамоқда сақламаган ҳолда мажбурий (ахлоқ тузатиш) ишларини тегишлича ташкил қилиш орқали Ўзбекистон худудида жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини юритишга доир қоидаларни ўрнатишдан иборатлиги белгиланган.

Тўртингчى моддада турмалар ўрнига кишлоқ хўжалик, ҳунармандчилик, фабрика колонияларини ва уларга ўтадиган ахлоқ тузатиш-мехнат уйлари тармоғини такомиллаштириш ва иложи борича кўпроқ ривожлантириш зарурлиги таъкидланган.

Кодексда озодликдан маҳрум этишнинг тарбиявий мақсадлари аниқ ифодалаб берилган. Олтинчى моддада АТММда сақлаш маҳкумнинг янги жиноятлар содир этишининг олдини олиб, унга муайян таъсир кўрсатиши, мақсадга мувофиқ бўлиши ҳамда жисмоний изтиробларга кўйиш ва инсон кадр-қимматини ерга уриш мақсадига эга бўлmasлиги керак.

Кодексда АТММда прогрессив тизим бўйича озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ назарда тутилган бўлиб, унинг асосида озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганлар турли хил ахлоқ тузатиш-мехнат муассасалари бўйича таксимланар ва уларда тоифаларга бўлинар эди. Маҳкумлар шахсининг хусусиятлари, ижтимоий ҳолати, содир этган жиноятининг мотивлари ва сабаблари, хулкавори, меҳнатга ва ўқишига муносабатига қараб бир тоифадан бошқасига ўтказиларди.

АТМКда жиноий жазони ижро этишнинг синфий принципи ўз ифодасини топди. Ахлоқ тузатиш-мехнат тизимининг қуввати, биринчи навбатда, илк бор, тасодифан ёки оғир моддий шароит оқибатида жиноят содир этган меҳнаткашлар орасидан чиқсан маҳкумларни қайта тарбиялашга қаратилган эди. Меҳнаткашлар синфига

<sup>1</sup> Сулейманова Х.С. Собр. соч. Т. 11-12. С. 55.

мансуб бўлмаган ва синфий одатлари, қарашлари ва манфаатлари туфайли жиноят содир этгандар махсус ҳибсоналарда сакланарди.

Шундан хуоса килиш мумкинки, кодекс билан жорий этилаётган прогрессив тизим ўзининг мақсадларига тўла мувофиқ келмас эди. Шу билан бирга бу кўп жиҳатдан маҳкумларга алоҳида-алоҳида ва якка тартибда ёндашишни таъминлашга мувофиқ келар, уларнинг хуқуқий мақомини озодликдан маҳрум этиш жойларида ва мажбурий ишларни ўташ чоғидаги хатти-харакати билан узвий алокадорликда куриш имконини берарди.

Кодексда қамоқ жойларининг қуйидаги уч тоифаси:

а) ахлоқ тузатиш хусусиятига эга муассасалар (қамоқ уйлари; ахлоқ тузатиш-мехнат уйлари; мехнат колониялари-қишлоқ ҳўжалик, ҳунармандчилик ва фабрикалар қошидаги: махсус ҳибсоналар; ўтиш даври ахлоқ тузатиш- мехнат уйлари);

б) тиббий-педагогик йўсингидаги муассасалар (вояга етмаган хукуқбузарлар ва ишчи-дехқон ўшлар орасидан чиққан хукуқбузарлар учун мўлжалланган мехнат уйлари);

с) тиббий йўсингидаги муассасалар (психоневротиклар ва бошқа бемор маҳкумлар учун колониялар, психиатрия экспертизаси институти, касалхоналар ва ш.к.) назарда тутилган эди.

Қамоқ уйлари иши терговда бўлғанлар ва олти ойгача муддатга озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганлар учун мўлжалланган эди.

Ахлоқ тузатиш- мехнат уйларига олти ойдан ортиқ муддатга хукм қилинганлар, бошқа қамоқ жойларида сакланиши мумкин бўлмаган шахслар жўнатилар эди.

Мехнат колонияларида ўзлари англамаган ҳолда биринчи марта, тасодифан ёки оғир моддий шароит натижасида жиноят содир этган ва ахлоқан тузалишига ишонса бўладиган ҳамда олти ойдан беш йилгача бўлган муддатга қаттиқ ажратмаган ҳолда озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганлар жазо ўтарди.

Махсус ҳибсоналарда қаттиқ ажратиш билан озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган, синфий одатлари, қарашлари ёки манфаатлари орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, синфий мансублигидан катъи назар, ўта хавфли жиноятчилар сакланарди.

Ўтиш даври ахлоқ тузатиш-мехнат уйларида (ярим эркин режимли муассасаларда) жазонинг бир қисмини ўтаб бўлган ва ўзларининг ахлоқан тузалганлигини исботлаган шахслар сакланиши кепрек эди. Бу ерга, шунингдек, озодликка чиққанларга қўмаклашиш қўмитасининг илтимосномаси бўлган ва улар меҳнат интизомига бўйсунган тақдирда қамоқдан озод этилган шахслар ҳам қабул қилинарди.

Вояга етмаган хукуқбузарлар учун мўлжалланган меҳнат уйларига озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган 14-15 ёшли ишчи-дехқон ўшларидан чиққан хукуқбузарларнинг меҳнат уйларида эса 16-20 ёшли шахслар жўнатиларди.

Тиббий хусусиятга эга бўлган муассасаларга қонунда белгиланган тартибда тегишли қарор чиқарилган маҳкумлар жойлаштирилар эди.

Ўзбекистонда Ахлоқ тузатишнинг меҳнат кодекси (АТМК) кабул қилиниши билан яна мустақил ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари сифатидаги қишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги колониялар ташкил этила бошлади.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси тақсимлаш комиссияларига анча кенгрок ҳукуклар бериб, уларни қонуний мустаҳкамлади.

Туркистон Автоном Республикаси АХК АТМБ қошидаги тақсимлаш комиссияси тузилган пайтдан бошлаб Республика тақсимлаш комиссияси вазифасини бажара бошлади. ЎзР АТМКда у Марказий тақсимлаш комиссияси (МТК) номига эга бўлди. Бу комиссия қамоқ жойлари бошқармаси қошида тузилиб, бевосита ЎзР МИКга бўйсунар эди. МТКга вилоят тақсимлаш комиссиялари қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш, шунингдек, маҳкумларни республика даражасидаги ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари (махсус ҳибсоналар) бўйича тақсимлаш ва уларни республика доирасида бир АТММдан бошқасига ўтказиш вазифаси юклатилган эди.

Вилоят тақсимлаш комиссияларига озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларни вилоят доирасидаги ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларига тақсимлаш ва бир АТММдан бошқасига ўтказиш; маҳкумларни муддатидан аввал бир тоифадан бошқасига ўтказиш; судга жазони ўташ даврида ахлоқан тузалганлигини исботламаган вояга етмаганларнинг жазо муддатини узайтириш масаласида илтимос қилиш; жазодан муддатидан илгари шартли ва шартсиз озод қилиш; икки кунлик иш муддатини уч кунлик озодликдан маҳрум этиш муддатига ёки қамоқда сакламаган холда мажбурий ишлаш муддатига ҳисоблаш каби вазифалар юклатилган эди.

Тақсимлаш комиссиялари, шунингдек, тегишли органларга янги АТММ ташкил қилиш, қамоқда саклаш жазосини бекор қилиш ёки ахлоқ тузатиш-меҳнат таъсирининг ёхуд жиноятнинг олдини олишга қаратилган бошқа чора билан алмаштириш ҳакида илтимоснома бера олардилар.

Ўзбекистон Республикаси АТМКда тақсимлаш комиссияларидан ташқари кузатув комиссияларининг фаолияти ҳам назарда тутилган эди (19-модда). Кузатув комиссиялари ҳар бир қамоқ жойида АТММ бошлиғи (раис), ҳалқ судьяси (раис үринбосари) ва касаба уюшмасининг вакилидан иборат таркибда тузиларди. Кузатув комиссиясининг мажлисига прокурор ёки унинг ёрдамчиси таклиф этиларди, қамоқхона айрим қисмлари (хизматлари)нинг мудирлари ҳамда соғлиқни саклаш булимининг вакили бўлган врач иштирок этиши мумкин эди. Вояга етмаганлар ишлари кўрилганда мажлисга ҳал қилув овозига эга бўлган ҳалқ таълими вакили таклиф этилар эди.

Кузатув комиссияларининг зиммасига маҳкумларнинг тақсимланишини кузатиш ва уларни қайта тақсимлаш; маҳкумларнинг бир даражадан бошқасига ўтказилишини назорат қилиш ва нотўғри ўтказишларни бекор қилиш; муддатидан олдин озод қилиш, бир

АТММдан бошқасига ўтказиш ҳақидаги таклифларни мухокама қилиш ва тақсимлаш комиссиясига тақдим этиш; маҳкумларнинг таътилга чишишига рухсат бериш ва таътилдан кеч қайтганлиги учун интизомий жазо беринш, шунингдек, ўрта даражадаги маҳкумларга бевосита учрашув беринш; вилоят прокурорига маҳкумларнинг белгиланган муддатдан ортиқ қамоқда ушлаб турилганлиги ҳолатлари бўйича хабар бериш каби вазифалар юклатилган эди (АТМКнинг 20-моддаси).

Кузатув комиссиялари ваколатларини таҳлил қилиш улар ахлоқ тузатиш-мехнат муассасалари фаолиятини назорат қилувчи органлар бўлганлигини, маҳкумларнинг тўғри тақсимланиши, бир даражадан бошқасига тўғри ўтказилишини кузатиб борганлигини кўрсатади. Шу боис Н.А. Беляевнинг кузатув комиссиялари тақсимлаш комиссияларининг ёрдамчи органлари бўлиб, АТММ фаолиятини назорат қилмаган деган фикрига қўшилиш мумкин эмас<sup>1</sup>. Кузатув комиссиялари АТММ ишини Ахлоқ тузатиш-мехнат кодексида берилган хукуклар доирасида текширади. Бундан ташқари, кузатув комиссиялари ўрта даражадаги маҳкумларга бевосита учрашувлар, таътиллар бериш ва таътилдан кеч қайтганлик учун интизомий жазо бериш билан боғлиқ бир катор масалаларни мустакил ҳал этардилар.

Кейинчалик тажриба тақсимлаш комиссияларини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди ва 1929-30-йилларда улар ҳамма жойларда йўқ қилинди, бинобарин, кузатув комиссияларининг функциялари кенгайтирилди. АТММ фаолиятини ижтимоий назорат қилиш органлари сифатида кузатув комиссиялари ўзини амалда оқлади.

Кодекс маҳкумларни уч тоифа (биринчи, иккинчи, учинчи)га, уч даракча (бошланғич, ўрта ва олий)га бўлиб, уларнинг ҳар бири учун жазо ўташнинг муайян шароитларини белгилаган. Маҳкумнинг тоифаси ёки даражаси қанчалик баланд бўлса, шунчалик кўп хукуқ ва афзалликларга эга бўлган.

Биринчи тоифага қатъий ажратилган холда озодликдан маҳрум этишга хукм қилинганлар иккинчисига—профессионал жиноятчилар, шунингдек, меҳнаткашлардан чиқмаган ва синфий одатлари, қарашлари ва манфаатлари туфайли жиноят содир этган маҳкумлар, учинчисига—дастлабки икки тоифага кирмаган бошка барча маҳкумлар киритилган.

Маҳкумлар АТММга келиб тушганларида биринчи даражада сифатида рўйхатга олинганлар ушбу даражада биринчи тоифадаги маҳкумлар суд белгилаган муддатнинг камида ярми мобайнида, иккинчи тоифадагилар эса-камида чорак кисми мобайнида сақланганлар. Учинчи тоифадаги маҳкумлар кузатув комиссияларининг асослантирил-

<sup>1</sup> Беляев Н.А. Общественный контроль за деятельностью исправительно-трудовых учреждений и воспитательных колоний. М., 1962. С. 9.

тап карорлари бўйича дархол хар қандай даражага киритилишлари мумкин бўлган, лекин улар учун бошлангич даражада бўлиш мудлатлари белгиланмаган.

Махкумлар ўрта даражада жазо муддатининг учдан бир қисми мобайнида, лекин камида олти ой бўлиб, шундан сўнг олий даражага ўтказилганлар.

Ахлок тузатиш-мехнат муассасасининг бошлиги маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражасига қараб ва ижтимоий келиб чиқишини инобатга олган ҳолда бир даражадан бошқасига ўтказган. Иккинчи ва учинчи тоифадаги маҳкумларни ўрта ва олий даражага белгиланган муддатидан олдин ўтказишни таксимлаш комиссиялари, юкори даражадан куйи даражага ўтказишни эса таксимлаш комиссияси кузатув комиссиясининг розилиги билан амалга оширган.

Хар бир даражага учун муайян режим жорий этилган. Бошлангич даражада маҳкумлар яқинлари билан учрашиш ва уларга хат жўнатиш (икки хафтада бир марта), посилка олиш (хафтасига бир марта) хукуқидан фойдаланганлар. Уларга хисоб варакларидаги пулнинг кўпич билан учдан бир қисмини ишлатишга рухсат берилган. Яқинлари билан учрашув маҳсус жиҳозланган хоналарда ўтказилган, хар куни бир соатли сайрга рухсат берилган. Камералар сутка давомида кулфлаб қўйилган.

Ўрта даражадаги маҳкумлар учрашиш, хат жўнатиш ва посилкалар олиш хукуқидан (хафтасига бир марта) фойдаланганлар. Улар ўзларининг хисобваракларидаги пулнинг учдан икки қисмини сарфлашга ҳамда ушбу даражада икки ой бўлганларидан кейин календарь йили давомида етти кунлик таътилдан фойдаланишга ҳакли эдилар. Камералар сутка давомида кулфлаб қўйилган, маҳкумларга хар куни бир соатли сайрга рухсат берилган.

Олий даражадаги маҳкумлар учрашиш, хат жўнатиш ва посилкалар олиш хукуқидан (хафтасига икки марта) фойдаланганлар, ўзларининг хисобваракларидаги пулнинг тўртдан уч қисмини сарфлашга ҳамда ушбу даражада бир ой бўлганларидан кейин 14 кунлик таътилдан фойдаланишга ҳакли эдилар. Маҳкумлар бутун кун давомида бўлинма худуди доирасида эркин харакатланиб юрганлар.

Кодекс меҳнат колонияларида ўтиш даври ахлок тузатиш-мехнат уйларида маҳсус хибсоналарда ва вояга етмаган хукуқбузарлар учун мўлжалланган меҳнат уйларида сақлаш режимини тартибга соларди.

Мехнат колониялари асосан «тасодифан ёки мажбуран жиноятга кўй урган меҳнаткашлар орасидан» чиккан хукуқбузарлар учун ташкил этиларди. Уларда ярим эркин режим ўрнатиларди. Маҳкумлар меҳнат куни давомида колония худудида эркин юришлари, назоратчисиз колония худудидан ташқарида турли топширикларни бажарилари мумкин эди. Улар сокчисиз, аммо назорат остида сакланганлар.

Ўтиш даври ахлок тузатиш-мехнат уйларига бошқа ахлок тузатиш-мехнат муассасасида муддатининг бир қисмини ўтаб, ахлоқан тузалиш йўлига кирган маҳкумлар юборилар эди. Бу ерда ярим

эркин режим шароитида уларнинг эркинликдаги ахлоқ тузатиш-мехнатига қанчалик мослашганлигини аниглаш зарур эди. Махкумлар ахлоқ тузатиш-мехнат уйларининг олий даражасидагига қараганда кўпроқ афзаликларга эга бўлганлар. Улар муассасаса худудида эркин ҳаракатланиб, хат ёзиш, ўз хисоб ва рақларидаги пулларини (чеклашларсиз) ишлатиш ҳукуқидан фойдаланганлар. Кун ора посилкалар олиш ва учрашиш имконига эга бўлганлар. Уларга таътилдан ташқари дам олиш куни арафасидаги кечқурундан кейинги кун эрталабгача ахлоқ тузатиш-мехнат муассасасида кисқа муддат давомида бўлмасликка рухсат этиларди. Махкумлар турли топшириклар билан кузатувчиларсиз колониялардан ташқарига чиқишилари мумкин эди. Ушбу муассасаларда интизомий жазонинг факат икки тури-танбех ва бошқа қамоқ жойига ўтказиш қўлланилган.

Махкумлар озодликка чиқишидан аввал синов муддатини ўташлари учун ташкил этилган ушбу ўтиш даври ахлоқ тузатиш-мехнат уйлари тажриба тариқасидаги муассасалар бўлди, улар ўзини окламади ва ривожлантирилмади.

Махкумларни маҳсус ҳибсоналарда сақлаш режими бошқа ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаларидағига қараганда анча қаттиқ бўлган, чунки уларда жамият учун хавфли жиноятчилар сақланган. Махкумларни ҳибсонадан ташқарида ишлатиш мумкин эмас эди. Уларга посилкалар олиш ва яқинлари билан учрашиш (икки ҳафтада бир марта), қамоқхонада ишлаб топган пулларини (купи билан учдан бир қисмини) сарфлашга рухсат этилган. Ҳибсоналарда маҳкумлар дастлабки даражада бўлганлар ва ўрта даражага қабул қилинишлари билан умумий асосларда ахлоқ тузатиш-мехнат уйларига ўтказилганлар. Ўзбекистон Республикаси АТМК (174-194-моддалари)да вояга етмаган ҳукуқбузарлар учун ташкил этилган меҳнат уйларида жазони ўташнинг ўша вақтлардаги тартибини мустаҳкамлади, шу билан бирга меҳнат уйи педагогик кенгашига таксимлаш ва кузатиш комиссиялари ҳукуқининг берилиши кодексдаги янгиликни ташкил этди. Бирор вояга етмаганларни муддатидан олдин озод қилиш ва уларни сақлаш муддатини узайтириш масалалари умумий тартибда ҳал қилинган.

Юкоридагилардан кўриниб турганидек, Ўзбекистон Республикасининг 1926 йилги АТМКда асосан битта ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаси доирасида маҳкумларни сақлашнинг ҳукукий ҳолати ва шароитларини ўзгартиш билан боғлиқ прогрессив система бўйича ахлоқ тузатиш бўйича режимни назарда тутган.

Кодекснинг 51-моддасида маҳкумларнинг меҳнати тарбиявий ва ахлоқ тузатиш ахамиятига эгалиги кўрсатилган эди. Меҳнат ва унга қобилиятли барча маҳкумлар учун мажбурий деб эътироф этилганди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг шароитлари, маҳкумларнинг иш вакти меҳнат ҳақидаги қонунлар ва АТМК билан тартибга солинади.

Маҳқумларнинг меҳнатига вактбай ва ишбай асосда ҳақ тўланарди. Уларга бажарилган иш, иш ҳақи ва ушлаб қолинган суммалар белгиланадиган ҳисоб-китоб дафтарчasi берилар эди. Тақсимлаш комиссиялари маҳкумнинг ахлоқан тузалганидан далолат берувчи ўта маҳсулдор меҳнати, профессионал билимларга ва меҳнат кўнижмаларига эга бўлганлиги учун тақдирлаш тарзида икки иш кунини уч кунлик озодликдан маҳрум этиш муддатига ҳисоблашлари мумкин эди<sup>1</sup>.

Кодексда маҳқумлар орасида маданий-оқартув ишларини олиб боришга катта аҳамият берилган. Ушбу ишга раҳбарлик қилиш учун ҳар бир АТММда маданий-тарбиявий қисм ташкил қилинарди. Умумтаълим мактабларидан ташқари АТММда мавжуд ишлаб чиқаришга йўналтирилган хунар ва профессионал-ишлаб чиқариш типидаги мактабларни ташкил этиш назарда тутилганди. Мактабга бориш 50 ёшга тўлмаган барча саводсиз ва камсавод шахслар учун мажбурий эди.

Кодексда озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинганларга ёрдам бериш кўмиталарининг фаолияти назарда тутилган эди. Кўмиталар ҳар бир вилоятда ташкил этиларди. Уларнинг мақсади озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларга доимий яшаш жойларига келгандаридан сунг ёрдам кўрсатиш: дастлабки вактда имтиёзли шартлар асосида турар-жой ва озиқ-овқат билан таъминлаш, иш қуроллари сотиб олиш, зарур уй жихозларига эга бўлиши учун қарз бериш, иш билан таъминлаш учун устахоналар ва корхоналар ташкил қилиш, иш топиб бериш, хуқукий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, уларга касб-хунар ва умумтаълим маълумотини бериш кабилардан иборат.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси жазони ижро этиш ва ўташни хуқукий тартибга солиш ишини қонунлаштириди. Унинг қабул қилиниши натижасида жазони ўташ идоравий норматив хужжатлар билан эмас, балки қонун билан тартибга солинадиган бўлди.

Кодекс жазо ўташнинг прогрессив тизимини ўрнатди, жамоатчиликнинг тақсимлаш, кузатиш комиссиялари шаклидаги иштирокини, шунингдек, маҳқумларга ва қамоқдан бўшатилганларга ёрдам кўрсатиш кўмиталарининг фаолиятини тартибга солди.

Жазони ўташга синфий ёндашувнинг мавжудлиги ва маҳқумларнинг ахлоқан тузалиш даражасини белгилашнинг аник мезонлари йўклигини Кодекснинг камчиликларидан бири деб ҳисоблаш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи ахлоқ тузатиш меҳнат кодекси қабул қилинганидан сунг унинг нормаларини амалга ошириш чоралари кўрилди. Хусусан, маҳқумларни тақсимлашнинг тўғрилигини, уларнинг сакланиш шароитларини, қамокхоналарнинг ахво-

<sup>1</sup> Иш кунларини ҳисоблаш факат меҳнаткашлардан чиққан маҳқумларга тааллуклиdir.

лини, уларнинг қадрлар билан таъминланганлигини ва бошқа масалаларни текшириш учун маҳсус комиссиялар тузилади.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, озодликдан маҳрум этиш жойларининг фаолиятини яхшилаш масалаларига 1927 йил март ойида бўлиб ўтган Бугунўзбек Советларининг II съездидаги катта эътибор берди. Ўзбекистон Республикаси хукуматининг маърузаси бўйича қабул килинган қарорда съезд қонунийликни мустаҳкамлаш соҳасидаги алоҳида вазифалар сифатида маҳаллий адлия органларини янада мустаҳкамлаш, озодликдан маҳрум этиш ахволини яхшилаш ва улардан маданий-оқартув ишларини ва меҳнат жараёнларини йўлга кўйишга эътибор бериш зарурлигини кўрсатиб ўтди<sup>1</sup>.

20-йиллар охирига келиб мавжуд режимни ва синфий курашни кучайтириш томон йўл тутилди. Марказлаштириш тамойили борган сари кучлироқ кўрина бошлади, иттифоқ республикаси ваколатига кирган кўпгина масалалар умумиттифоқ миқёсида ҳалқилина бошлади<sup>2</sup>.

Собиқ Иттифоқ МИҚ ва ХКСнинг 1929 йил 6 ноябрда қабул килинган «Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларининг 13,18,22 ва 38-моддаларини ўзгартириш тўғрисидаги» қарори билан ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари тизимига, иттифоқдош республикалар ва Иттифоқнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат хукуки соҳасидаги қонунларнинг нисбатига жиддий ўзгартишлар киритилди.

Бу ўзгаришлар аввало, озодликдан маҳрум этиш шаклидаги жазога дахлдор бўлди. Озодликдан маҳрум этиш жазони ўташ жойи ва муддати билан фарқланадиган икки турга, яъни собиқ Иттифоқнинг узоқ жойларидаги ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерларида уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳамда умумий қамоқ жойларида уч йилгача озодликдан маҳрум этишга (умумий қоидага кўра ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ўталадиган) бўлиши белгилаб кўйилди.

Шундай қилиб, озодликдан маҳрум этишнинг икки тури ва тегишли равишда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг икки асосий тури- ахлоқ тузатиш-меҳнат лагери (АТМЛ) ва ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси (АТМК) қарор топди.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерларида жазони ўташ тартибини Иттифоқ, Ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўташ тартибини эса иттифоқдош республика ўрнатадиган бўлди.

Собиқ Иттифоқ ХКСМ 1930 йил 7 апрел қарори билан Ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари АТМП тўғрисидаги низом тасдиқланди.

АТМЛда маҳкумлар ижтимоий ахволи ва содир этган жиноятининг хусусиятига кўра уч тоифага: меҳнаткашлар орасидан чикқан,

<sup>1</sup> ЎзР МДА, Р-432-фонд, 4-рўйхат, 202-дело, 129–130-вараклар.

<sup>2</sup> Ахмедов Г.А. Компетенция союзной республики в области уголовного законодательства. Т., 1976. С. 46.

беш йилдан кўп бўлмаган муддатга биринчи марта жазоланган ва аксил инқилобий жиноят содир этмаган маҳкумларга; беш йилдан ортиқ муддатга жазоланган худди шу маҳкумларга; барча меҳнаткаш бўлмаган унсурлар ва аксил инқилобий жиноятлар учун хукм қилинган шахсларга бўлинадилар.

Маҳкумларга нисбатан АТМЛда уч турдаги: дастлабки, енгиллаштирилган ва имтиёзли режим қўлланилган. Маҳкумни дастлабки режимдан кейингиларига ўтказиш учун зарур бўлган вақт уларнинг «тоифаси»га қараб табакалаштирилган. Масалан, биринчи тоифадаги маҳкумлар дастлабки режимда камида ярим йил, иккинчиси-бир йил, учинчиси-икки йил бўлишлари керак эди.

АТМЛда маҳкумларни саклаш шароитлари, уларга хизмат кўрсатиш, ахлок тузатиш-меҳнат таъсирини кўрсатиш ва озод қилиш тартиби умумий қамоқхоналардаги шароитлардан деярли фарқ қилмаган. Фарки факат муддатидан илгари шартли озод қилингандар одатда, жазонинг қолган муддатини ўташ учун лагерь жойлашган туманга жойлаштирилганлар.

Дастлабки режимда маҳкумлар умумий ишларга жалб қилингандар, лагерь худудида маҳсус хоналарда яшагандар ва улардан эркин чиқиш ҳуқуқига эга бўлмагандар.

Енгиллаштирилган режимда маҳкумлар корхоналарда ишлагандар, корхоналарга бириктирилган ёткохоналарда яшаб, кетиб-келиб туриш ҳуқуқига эга бўлганлар.

Имтиёзли режим лагерь худудидан чиқиш ҳамда лагерь бошқаруви ва ишлаб чиқаришда маъмурий-хўжалик лавозимларини эгаллашлари мумкинлигини назарда тутган.

Жазо чораси сифатида режимни ўзгартириш жазо ҳибсхоналарига жойлаштириш, жазо ишларига юбориш кабилардан фойдаланилган.

Ахлок тузатиш меҳнат лагерлари тўғрисидаги низомда жазони ижро этишнинг бироз қисқартирилган шаклдаги прогрессив тизимининг элементлари саклаб қолинган. Низомда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини яхшироқ ёки ёмонроқ томонга ўзгартиришга қаратилган аниқ тизим бўлмаган.

1930 йил охирига келиб, бошқарув органларининг тузилиши ва ахлок тузатиш-меҳнат муассасалари тизими ўзгартирилди: Собик СССР МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 15 декабр қарори билан иттифоқдош республикалар учун ички ишлар халқ комиссарликлари туғатилди, уларга бўйсунган умумий қамоқхоналар ва уларнинг бошқаруви иттифоқдош республикалар АХКга берилди.

Ахлок тузатиш-меҳнат лагерлари тизими мустақил бўлиб қолаверди. У собик Иттифоқ ХК кошидаги ОГПУга қарашли эди.

Ўзбекистон Республикаси АХК ташаббуси ва МИҚнинг 1934 йил 19 июн қарори билан Ўзбекистоннинг иккинчи Ахлок тузатиш-меҳнат кодекси қабул қилинди. Кодекс фақат Адлия комиссарлигига қарашли ахлок тузатиш-меҳнат муассасаларининг фаолиятини тартибга соларди.

1934 йилги кодексда озодликдан маҳрум этиш жойларининг қўйидаги тизими, яъни: терговдагилар сақланадиган хибсоналар, кўчирип масканлари, ахлоқ тузатиш-мехнат колониялари (фабрика-заводлар, кишлок хўжалиги, оммавий ишлар ва жарима ишлари), вояга етмаганилар учун мўлжалланган саноат ёки кишлок хўжалиги типидаги ФЗУ мактаблари, беморлар учун мўлжалланган муассасалар, (психиатрия экспертизалиари институтлари, сил касаллиги билан оғриган bemорлар учун колониялар ва бошқалар) назарда тутилган.

Маҳкумлар турли хил ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларига синфи белгиси асосида таксимланган; Масалан, фабрика- завод ва кишлок хўжалик колонияларига меҳнаткашлар орасидан чикқан маҳкумлар жўнатилган.

Оммавий ишлар учун мўлжалланган колонияларга душман синф элементларидан бўлган озодликдан маҳрум этилганлар ҳамда меҳнаткашлар орасидан чикқан бўлсада, содир этган жиноятининг хусусиятига кўра синфи жиҳатдан энг хавфли бўлган шахслар юборилган.

Жарима колонияларида илгари бошқа колонияларда бўлган ва тартибни ёки меҳнат интизомини мунтазам равишда бузган маҳкумлар жазо ўтаганлар.

Кодексда маҳкумларнинг тоифалари назарда тутилмаган, уларнинг ахлоқан тузалиш даражаси жазо ўташ давридаги хукуқий ҳолатларига жуда кам таъсир кўрсата олган. Турли хил колониялардаги маҳкумларнинг сакланиш шароити, жарима колониялари бундан мустасно, бир-биридан деярли фарқ қилмаган.

Жазони ўташнинг прогрессив тизими амалда тугатилган эди. Шу билан бирга, кодексда ахлоқ тузатиш-мехнат сиёсатининг умумий принциплари ифодаланган, ахлоқ тузатиш-мехнат муассасасининг аҳволи ва ривожланиш истиқболларини, маҳкумларнинг ахлоқан тузалиш жараёнини ташкил этишнинг асосий йўналишларини белгиловчи коидалар эълон қилинди.

Маҳкумларга ахлоқ тузатиш-мехнат таъсири кўрсатишнинг асосий воситалари орасида 1926 йилги кодексда кўрсатилган «Маданий-тарбиявий» ишлар ўрнига киритилган «сиёсий-тарбиявий» ишлар айтиб ўтилган эди. Бу маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг йўналиши ва мазмунини ўзгартириши лозим эди.

АТММ тизимидағи кейинги бундай ўзгаришлар собиқ Иттифок МИҚнинг умумиттифок Ички ишлар ҳалқ комиссарлигини ташкил этиш тўғрисидаги 1934 йил 10 июль қарори асосида юз берди<sup>1</sup>.

Иттифоқдош республикалар адлия ҳалқ комиссарликларига бўйсунувчи барча ахлоқ тузатиш—мехнат муассасалари Иттифок ИИХК ва унинг маҳаллий органларига берилди. Иттифок ИИХК ахлоқ тузатиш-мехнат лагерлари, меҳнат колониялари ва бошқа қамоқчоналар бош бошқармаси (қисқача ГУЛАГ) ташкил этилган. Иттифок МИҚ ва

<sup>1</sup> СУ УЗССР, 1934, №36, Ст.283.

ХКСнинг «Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларига қўшимчалар кирииш тўғрисида»ги 1936 йил 8 август қарори билан турмаларга қамаш жорий қилинди ва АТММ тизимида ҳам ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаларининг янги тури сифатида турма пайдо бўлди.

Ушбу қарор билан вилоят даражасидаги ва ундан юқори судларга энг хавфли жиноятларни содир этгани учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган шахсларга нисбатан турмага қамаш шаклидаги жазо бериш хуқуки жорий этилди, ИИХК органларига эса лагерлар ва колонияларда жазо ўтаётган шахсларнинг муассасалар ички тартибини мунтазам равишда бузаётган, ундан қочаётган шахсларни турмага ўтказишларига рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1934 йилги АТМК бошқа иттифоқдош республикалар АТМКлари каби, ўзининг амалий аҳамиятини аста-секин ўйкота бошлади. ИИХК чиқарадиган идоравий хужжатлар биринчи ўринга чиқиб қолди. Масалан, 1939 йилда муддатидан аввал шартли озод қилиш ва иш кунларини меҳнат стажига кирииш қоидаси бекор қилинди, ваҳоланки, иттифоқдош республикалар ахлоқ тузатиш-мехнат кодексларининг ушбу масалаларга доир нормаларини ҳеч ким бекор қилмаган эди.

Урушдан кейинги йилларда маҳкумларнинг жазо ўташ давридаги хулқ-атворига, тарбиявий таъсир жараёнига, маҳкумларнинг ахлоқан тузалишига кўпроқ эътибор берила бошланди.

1954 йил 1 июля Иттифоқ Министрлар Совети Иттифоқ ИИВ ахлоқ тузатиш-мехнат лагерлари ва колониялари тўғрисидаги низомни тасдиқлади. Ушбу Низом иш кунларини хисобга олиш институтини тиклади.

Низомга кўра факат уч йилгача бўлган муддатга озодликдан маҳрум этишга хукм этилганлар, ижтимоий хавфи кўп бўлмаган мансабдорлик, хўжалик ва бошқа жиноятлар содир этгани учун биринчи марта хукм қилинганларгина ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларига жўнатилилар эди.

Маҳкумларнинг қолган тоифалари ахлоқ тузатиш-мехнат лагерларида жазо ўташлари керак эди.

Низомда лагерлар ва колониялардаги режимнинг уч тури: умумий, енгиллаштирилган ва каттиқ режимлар белгиланди.

Қамоқда сақлашнинг енгиллаштирилган режимига ўтказилган маҳкумлар бир қатор имтиёзлар ва афзалликларга эга эдилар. Чунончи, уларга дам олиш кунларици колония ёки енгиллаштирилган режимли маҳсус лагерь бўлинмасидан ташқарида ўтказиш хуқуки берилган эди.

Ўзларининг яхши хулқи ва меҳнатга вижданан муносабати билан бундан бўён қамоқда сақланиши шарт эмаслигини исботлаган маҳкумларга ўталмаган муддат давомида колония (лагер)дан ташқа-

рида яшаш ва иш кунларини хисобга олиш хуқуки берилиши мумкин эди. Махкүмларнинг ушбу тоифаси қўриқланадиган ҳудуддан ташқарида маҳсус ташкил этилган ётотхоналарда, хусусий хонадонларда яшашлари мумкин эди. Улар бирга яшаш учун оиласини чақириб олиши, маъмуриятнинг рухсати билан улар учун белгиланган туар-жойдан бошқа ерга кўчиши мумкин бўлган ва х.к.

Енгиллаштирилган режимда сақлашга ўтказиш маҳкүмларнинг хуқуқий холатини жиддий ўзгартирган ва қонунга итоаткор хулққа эга бўлишни рафбатлантирувчи жиддий омил бўлган.

Кейинчалик амалиётнинг кўрсатганидек, озодликдан маҳрум этишини ижро этувчи муассасаларнинг икки тури—ахлоқ тузатиш-мехнат лагерлари ва ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларининг мавжуд бўлиши ўзини оқламади.

1956 йил 25 октябрда сабиқ Иттифоқ Министрлар Советининг кўшма қарори билан ахлоқ тузатиш-мехнат лагерлари тугатилди. Ахлоқ тузатиш-мехнат колониялари ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаларининг асосий тури бўлиб қолди.

1958 йил 8 декабрда Иттифоқ Министрлар Советининг фармойиши билан Иттифоқ ИИВ ахлоқ тузатиш-мехнат колониялари ва турмалари тўғрисидаги низом эълон қилинди.

Ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларида умумий, енгиллаштирилган ва қаттиқ режимлар бўлиши назарда тутилган эди. Режимлар бир-биридан маҳкүмларнинг бошқалардан ажратилиш даражаси, уларга ахлоқ тузатиш-мехнат таъсири кўрсатиш шакллари, усуллари ва во-ситалари, маҳкүмларни сақлаш шароитлари, уларга бериладиган учрашувлар, посилкалар сони ва бошқалар билан ажralиб турарди.

Режимнинг тури жазони ўташ даврида маҳкүмларнинг хулқига караб ўзгариб туриши мумкин эди. Бу эса маҳкүмларнинг хуқукий холати ва сақланиш шароити ўзгаришига олиб келди. Режим турининг ўзгариши мазкур хужжатда прогрессив тизим элементларининг сақланиб қолганлигидан далолат беради.

Енгиллаштирилган режим маҳкүмларнинг туар-жой зonasida сокчиларсиз, аммо муассаса маъмуриятининг кузатуви остида яшашларини назарда тутади. Агар маҳкүмлар ахлоқан тузалиш йўлига қатый кирган бўлса, белгиланган жазо муддатининг учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан сунг унга колониядан ташқарида ётотхонада ёхуд хусусий хонадонда яшаш имкони бериларди. Ушбу маҳкүмлар уй қуриши ёки сотиб олиши, унинг эгаси бўлганидан сунг оиласини чакириб олиши, қонунда белгиланган тартибда никоҳга кириши мумкин эди.

Бирок Иттифоқ ИИВ АТМК ва турмалари тўғрисидаги 1958 йил 8 декабр низоми узок амал қилмади. Бунинг боиси шунда эдики, у умумиттифоқ миқёсидаги хужжат бўлиб, иттифоқдош республикалар ахлоқ тузатиш-мехнат конун хужжатларининг хусусиятларини ифодаламас эди, унда Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунчилиги асосларига 1958 йил охирида киритилган ўзга-

ришлар ҳамда кейинчалик қабул килинган иттифоқдош республикалар жиноят кодекслари ҳам хисобга олинмаган эди.

1960 йил бошида Иттифоқ ИИВ тугатилганлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Ахлоқ тузатиш-мехнат муассасалари тизими ягона мувофиқлаштирувчи марказдан ажратилди. АТММ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги даражасида бошқарила бошланди.

Ўзбекистон Республикасининг учинчи ахлоқ тузатиш-мехнат кодекси қабул килингунича, Ўзбекистонда АТММ фаолиятини тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат вазифасини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ахлоқ тузатиш-мехнат колониялари ва турмалари тўғрисидаги 1961 йил 26 июль низоми бажарди.

Низомда ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларининг тўртта тури умумий, кучайтирилган, қаттиқ ва маҳсус режимлардаги колониялар назарда тутилган АТМКнинг турларини суд ҳукм чиқариш чоғида белгилаган. Бироқ суд айрим ҳолларда режим турини белгилашнинг умумий қоидасидан чекиниши ҳам мумкин эди. Суд жиноят хусусияти ва айбдорнинг шахсини, у содир этган жиноятнинг хусусияти ва даражасини ҳамда ишнинг ҳолатларини инобатга олиб, маҳкумга маҳсус режимдан бошқа исталган режим тури тайинлаши мумкин эди.

Умумий қоидадан чекинилган барча ҳолларда суд ҳукм матнида қабул килган қарорининг мотивларини кўрсатиши шарт эди.

Ушбу Низомни қараб чиқар эканмиз, айтиш жоизки, унда маҳкумларнинг сакланиш шароити ва хукукий ҳолатини ўзгартириш анча қискартирилган бўлиб, учрашувлар, посилкалар олиш сонини кўпайтириш ёки камайтиришдангина иборат эди. Шароитларни ўзгартириш асосан битта ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаси доирасида амалга ошириларди. Енгиллаштирилган режимдаги колониялар тугатилди.

1969 йил 11 июнда Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар ахлоқ тузатиш-мехнат қонунчилиги асосларини қабул қилди. У ахлоқ тузатиш-мехнат хукуки масалалари бўйича биринчи ва системалашган умумиттифоқ қонуни бўлиб қолди. Қонун 1969 йил 1 ноябрдан кучга кирди. Қонунда умумиттифоқ ва республика ахлоқ тузатиш-мехнат қонунчилиги аниқ ажратиб қўйилди.

Саккизинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1970 йил 24 июнда бўлиб ўтган еттинчи сессияси Ўзбекистон Республикаси Ахлоқ тузатиш-мехнат кодексининг лойиҳасини тасдиқлади ва уни 1970 йил 1 ноябрдан бошлаб амалга киритиш хақида қарор чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси 1970 йилги АТМК жиноий жазони ўтаётган шахсларнинг хукукий ҳолати тўғрисидаги норма мавжуд бўлиб (8-модда), маҳкумларнинг хукуклари ва эркинликларини кафолатлаш борасида олға ташланган мухим кадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси АТМК 21-моддасида маҳкумларнинг сақланиш шароитини уларнинг хулки, меҳнатга ва ўқишига муносабатига қараб битта АТММ доирасида ҳам, бошқа ўтказиш йўли билан ҳам ўзгартириш мумкинлиги назарда тутилди.

АТМК ва турмаларда сақлашнинг яхшироқ шароитларига ўтказиш маҳкум жазо муддатининг камидаги ярмини ўтаб бўлганидан сўнг амалга ошириларди.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат колониялари режими нинг туридан қатъи назар, маҳкумга унинг сақланиш шароитини яхшилаш чоғида қўшимча битта узоқ муддатли, яқин қариндошлари бўлмагандаги эса-битта қисқа муддатли учрашишга рухсат бериларди. АТМК режимининг турига қараб озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар харид қилиш учун сарфлашга рухсат бериладиган пул миқдори ҳам ошириларди. АТМКда жазо ўтаётган маҳкумларнинг посилка ва йўқлов олишига жазо муддатининг ярми ўтганидан сўнг рухсат бериларди, бунинг натижасида уларнинг хукукий ҳолати яхшироқ шароитга ўтказилмаса ҳам ўзгарди.

Умумий ва қаттиқ режимдаги турмаларда посилка ва йўқловлар олишига рухсат берилмасди.

Тарбия-меҳнат колонияларида маҳкумлар посилка ва жўнатмаларни колонияга келган кунидан бошлаб олишлари мумкин эди. Улар жазо муддатининг учдан бир қисми ўтганидан сўнг яхшироқ шароитга ўтказилар эди. Ушбу ҳолда уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг керакли нарсаларни харид қилишлари учун қўшимча пул сарфлашларига ва қисқа муддатли учрашув олишларига рухсат бериларди.

Турмаларда яхшиланган шароит факат умумий режимда берилиши мумкин эди. Бунда уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг керакли нарсаларни харид қилишлари учун қўшимча пул сарфлашларига рухсат этиларди.

Шундай қилиб, битта АТММ доирасида маҳкумларнинг сақланиш шароитини яхшилаш амалда маҳкумларнинг хукукий ҳолатига таъсир этмасди. Чунки унинг натижасида хукуклар ҳажми эмас, балки мавжуд хукукларини амалга ошириш ҳажмигина ошар эди.

АТМК 35-моддасида назарда тутилган ва битта АТММ доирасида маҳкумнинг хукукий ҳолати ўзгаришига таъсир этадиган рағбатлантириш чоралари орасида жазо муддатининг камидаги учдан бирини ўтаган маҳкумларни маҳсус режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларига ўтказиш, камера типидаги хоналардан ўша колониядаги одатдаги турар-жойларига кўчириш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

АТМК 67-моддасига мувофик АТММ доирасида қўлланилган огохлантириш ёки хайфсан, озодликдан маҳрум этиш жойлари хоналари ва ҳудудини йигиштириш бўйича навбатдан ташқари навбатчилик, навбатдаги учрашувдан маҳрум этиш, навбатдаги посилка, жўнатма олиш хукуқидан маҳрум этиш, бир ойгача бўлган муддатга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишни тақиқлаш каби жазолар маҳкумларнинг хукукий ҳолатига амалда таъсир этмас эди.

Битта ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаси доирасида маҳкумларнинг хуқуқий ҳолатига дахл қилувчи жазо чораларига: сакланиш шароитини яхшилашни бекор қилиш; умумий, кучайтирилган ва қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларида сакланаётган маҳкумларни олти ойгача бўлган муддатга камера типидаги хонага, маҳсус режимли колониялардаги маҳкумларни—бир йилгача бўлган муддатга бир кишилик камерага, турмалардаги маҳкумларни-икки ойдан олти ойгача қаттиқ режимга ўтказиш киради.

Битта АТММ доирасида қўлланилган ушбу жазо турлари маҳкумнинг қандайдир битта имтиёзига таъсир қилибгина қолмай, балки жазо чорасининг хусусиятидан келиб чиқувчи турли йўналишлардаги хуқуқларини чеклаб қўярди.

Битта АТММ доирасида маҳкумларнинг сакланиш шароитини ўзгартириш учун муассаса бошлигининг қарори юридик асос бўлиб хизмат килади.

Битта АТММ доирасида сакланиш шароитини ўзгартириш маҳкумни озодликка чиқаришга тайёрлаш усулига қараганда қўпроқ режимни таъминлаш воситаси эди .

Маҳкумларни ахлоқан тузалишга ундовчи рафбатлантириш воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаларидан озод қилингандарни тезроқ жамиятда яшашга кўнигириш мақсадида 1970 йилги Ўзбекистон Республикаси АТМКда маҳкумларни қаттиқроқ режимли ахлоқ тузатиш-мехнат муассасасидан унча қаттиқ бўлмаган режимли АТММга ўтказиш мумкинлиги назарда тутилган эди.

Ахлоқан тузалишга интилмаётган, жазо ўташ режимини бузаётган маҳкумларни қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш-мехнат муассасаларига ўтказиш мумкинлиги назарда тутилган эди.

Маҳкумларни саклаш шароитларини уларни бир АТММдан бошқасига ўтказиш куйидагича амалга ошириларди:

а) умумий, кучайтирилган ва қаттиқ режимли АТМКдан манзил колонияга ўтказиш;

б) турмадан АТМКга ўтказиш;

в) маҳсус режимли колониядан қаттиқ режимли колонияга ўтказиш;

г) манзил колониядан илгари суд белгилаган режимдаги АТМКга ўтказиш;

д) қаттиқ режимли колониядан маҳсус режимли колонияга ўтказиш;

е) қолган жазо муддатини колонияда ўташ шарти билан уч йилгача бўлган муддатга АТМКдан турмага ўтказиш ;

ж) умумий режимли тарбиявий меҳнат колониясида кучайтирилган режимли тарбиявий-меҳнат колониясига ўтказиш.

Маҳкумларни бир АТММдан бошқасига ўтказиш йўли билан уларни саклаш шароитини ўзгартириш учун юридик асос вазифасини суд ажрими бажарган.

Энди бундай күчиришларнинг шартлари ва мохиятини батофсил кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон ҳудудидаги ахлоқ тузатиш-мехнат манзил-колониялари Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1963 йил 15 июлдаги фармонига мувофиқ ташкил этилган эди. Дастрраб манзил-колонияларда ахлоқан тузалиш йўлига аниқ кирган, умумий, кучайтирилган ва каттиқ режимли ахлоқ тузатиш-мехнат колонияларидан ўтказилган маҳкумлар, агар уларга нисбатан қонун бўйича муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлса—жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганларидан сўнг, агар уларга нисбатан қонун бўйича муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилиши мумкин бўлмаса—жазо муддатининг учдан бир қисмини ўтаб бўлганларидан сўнг ўтаганлар.

Кейинчалик, Ўзбекистон Республикаси Олий Совет Президиумининг 1977 йил 31 март ва 1985 йил 29 август фармонлари билан Кодекснинг 27-моддасига қўшимчалар ва ўзgartиришлар киритилди. Чунончи, манзил колонияларнинг яна икки тури, яъни: эҳтиёtsизлик оркасида жиноят содир этган шахслар учун, оғир бўлмаган қасддан содир этилган жиноятлари учун беш йилгача бўлган муддатга биринчи марта озодликдан маҳрум этилган шахслар учун жорий этилди.

Манзил-колонияларида ярим эркин режим ўрнатилди. Улар маҳкумларни жазони ўташдан озод этилганларидан кейинги ҳаётга мослаштириш функциясини бажаарди. Манзил-колонияларидаги маҳкумлар сокчисиз, аммо назорат остида сакланардилар, уйкудан турганларидан уйқуга ётгунларича колониянинг бутун ҳудудида, улар бажарадиган иш хусусияти шуни ғалаб қиласа ёхуд ўқиш муносабати билан колония маъмуриятининг рухсати бўлганда эса колония ҳудудидан ташқарида ҳам, лекин вилоят доирасида ёхуд Коракалпогистон Автоном Республикаси доирасида эркин ҳаракатланиш хукукига эга эди. Маҳкумларга фуқаролар киядиган кийимларни кийиш, ёнида пул ва қимматбаҳо буюмлар олиб юриш, ҳеч бир чеклашсиз пул ишлатиш, ёзишмалар алмашиш, учрашувлар, посылка, жўнатма ва бандеролларни ҳам чеклашларсиз олишларга рухсат бериларди. Колония маъмуриятининг рухсати билан яшаш шароити бўлган тақдирда колония ҳудудида оиласи билан яшаш, амалдаги қонунларга мувофиқ ҳолда уй сотиб олиш ва шахсий хўжалик юритишлари мумкин эди.

Барча турдаги манзил-колонияларда жазони ўтаётган маҳкумлар ишга вижданан ёндашган ва намунали хулқقا эга бўлган суд жазони ижро этишга масъул орган ва кузатув комиссиясининг биргаликда берган илтимосномаси бўйича уларнинг манзил колонияларда ишлаган вактини умумий меҳнат стажига қўшиши мумкин эди.

АТМК 68-моддасида маҳкумларни турмадан ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига ўтказиш мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу норма суд ҳукми бўйича турмада жазони ўташга ҳукм қилинган маҳкумларга нисбатангина қўлланилган.

Ахлоқан тузалиш йўлига қатъий кирган ва жазоси муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар турмадан колонияга муддатидан илгари ўтказилиши мумкин эди. Маҳкум ҳукм чиқарилаётган пайтда белгиланган режимдаги ахлоқ тузалиш-мехнат колониясига ўтказилган.

Кодекснинг 65-моддасига биноан маҳсус режимли колонияларда жазо ўтаётган маҳкумлар маҳсус режимли колонияда суд белгилаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганларидан сўнг жазонинг қолган қисмини ўташ учун қаттиқ режимли колонияга ўтказилиши мумкин эди. Қаттиқ режимли колонияга ўтказиш учун факат ахлоқан тузалиш йўлига қатъий кирган маҳкумларгина тақдим этилган.

Режим талабини ашаддий бузайтган маҳкумлар жазони ўташ учун манзил-колониядан суд уларга илгари белгилаган режимдаги ахлоқ тузалиш-мехнат колонияларига ўтказишга тақдим этилиши мумкин эди. Эҳтиётсизлик орқасида содир этган жиноятлари учун эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар учун мўлжалланган манзил-колонияларда жазо ўташга ҳукм қилинган шахслар ва қасддан содир этган жиноятлари учун қасддан жиноят содир этган шахслар учун мўлжалланган манзил колонияларда жазо ўташга ҳукм қилинган шахслар умумий режимли колонияларга ўтказилиши мумкин эди.

Илгари маҳсус режимли колониядан қаттиқ режимли колонияга ўтказилган маҳкумлар ушбу колониядаги режим талабларини ашаддий бузганлиги учун қаттиқ режимли колонияга ўтказиш учун тақдим этилишлари мумкин эди.

АТМК 67-моддасида колониядаги режим талабларини ашаддий бузайтган маҳкумлар жазони бундан бўён ўташ учун кўпич билан уч йилга колонияда жазо муддатини ўташ учун турмага ўтказишга тақдим этилишлари мумкинлиги назарда тутилганди. Турмага ўтказилган маҳкумлар икки ойдан олти ойгача бўлган муддат давомида қаттиқ режимда сакланардилар.

Умумий режимли тарбиявий-мехнат колониясида сакланайтган режим талабларини ашаддий бузайтган маҳкумлар жазони ўташ учун қаттиқ режимли тарбиявий-мехнат колониясига ўтказиш учун тақдим этилиши мумкин бўлган.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, узок вакт давомида озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ даврида маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолати яхши томонга жиддий ўзгариши мумкин бўлмаган. Ҳуқуқий ҳолатини бошқа АТММга ўтказиш йўли билан ўзгартириш учун тайинланган жазо муддатининг каттагина қисмини ўташи зарур эди.

Ҳуқуқий ҳолатни ёмон томонга ўзгартириш ҳам муайян камчиликларга эга эди.

Мисол тариқасида қуйидаги ҳолатни кўриб чикамиз. Маҳкумлар жазо муддатининг ярмини ёхуд учдан икки қисмини ўтаб бўлганларидан кейин, уларга нисбатан конунга мувофиқ муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилган ёки қўлланилмаганидан келиб чи-киб, манзил-колонияга ўтказишга йўл қўйилган.

Яхши шароитда саклаш чораси, юқорида таъкидланганидек, маҳкум жазо муддатининг ярмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланидиши мумкин бўлган. Бунда шуниси эътиборлики, маҳкум жазо муддатининг ярмини ўтаб бўлмагунича унинг сакланиш шароити асло ўзгартирилмаган. Жазонинг ярмини ўтаганидан сўнг дарҳол прогрессив тизимнинг уч элементини қўллаш имконияти берилган. Саклашнинг яхшиланган шароитига ўтказиш, манзил-колонияга ўтказиш, муддатидан илгари шартли озод килиш, шу муносабат билан яхшиланган шароитта ўтказиш қоидаларини ўзгартириш ҳақида таклифлар берилган.

Ўзбекистоннинг 1970 йилда қабул қилинган Ахлоқ тузатиш-мехнат кодекси 27 йил амал қилди.

Ахлоқ тузатиш-мехнат хуқуки фани ривожланди. Шу вакт давомида хуқукнинг ушбу соҳаси олимлари ва амалиётчи ходимлари жиной жазони ижро этишни такомиллаштиришга қаратилган, жумладан, бизнинг мавзудаги муаммоларга доир 60 дан ортиқ таклиф киритдилар. Кўпгина қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган ва 1997 йил 1 октябридан амалга киритилган Жиноят-ижроия кодексида ўз аксини топди<sup>1</sup>.

Энди амалдаги жиноят-ижроя қонунчилиги нормаларига муовофик маҳкумларнинг сакланиш шароити ва хуқукий холатидаги ўзгаришларни кўриб чикиш лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 6-сон, 175-модда.

# **VIII БОБ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ХИЗМАТ БҮЙИЧА ЧЕКЛАШ, ҚАМОҚ ВА ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖҮНАТИШ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ**

## **1-§. Ҳарбий хизматчилар жазоси түшунчаси ва моҳияти**

«Ўзбекистон Республикасини химоя килиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни үташга мажбурдирлар» (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси).

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тұғрисида»ғи, «Мудофаа тұғрисида» (янги таҳрирда)ғи қонунларга асосан, 18 ёшга тұлған Ўзбекистон фуқаролари ҳарбий ёки муқобил хизматни үташлари шарт. Ҳарбий хизматни үтаётган шахс ҳарбий қисм ички тартиб-қоидаларига (муқобил хизматчилар эса меҳнат фаолиятини олиб бораётган корхона ички қоидаларига), хизмат шароит ва талабларига, үқотар қуроллари ва портловчи моддалардан хавфсизлик чораларига риоя қылған ҳолда фойдаланиш; офицер таркибиға киравчы шахсларнинг ўз ваколатларини сүйестемол қылmasлиги ва ваколат доирасидан чиқmasлиги, хокимият ҳаракатсизлигига йўл қўйmasлиги қатъиyan талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг «Ички хизмат Низоми» ва «Гарнizon ҳамда коровуллик хизмати Низом»ларига мувофиқ ҳарбий хизматни үтаётган шахс давлат ёки ҳарбий мулкка әхтиёткорона муносабатда бўлиш, улардан самарали фойдаланиш ва нобуд бўлишни олдини олиш чораларини кўриши лозим.

Қонунда кўрсатилган юқоридаги талаблар бузилган ҳолларда ва ҳар бир ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг барча аломатлари аниқланганда жиноий жавобгарлик масаласи вужудга келади.

1997 йил 25 апрелда кабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия Кодексига биринчи марта ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ва интизомий қисмга жўнатиш тарикасидаги қоидалар киритилган.

Ушбу нормалар Кодекснинг 6-бўлим, 25—26-боб, 141—160-моддаларида акс эттирилган бўлиб, у:

— хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазони ижро этиш тартибини ва ушбу жазони үташ муддатини ҳисоблаш, хизмат бўйича чеклаш вақтида пул таъминотидан чегириб қолиш, тарбиявий ишларни олиб бориш тартиби, маҳкумнинг хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазо ижросини тугатиш, ҳарбий хизматдан бўшатилганда жазони алмаштириш, қамоқ тарикасидаги жазони үташ тартибини;

— интизомий қисмга жўнатиш тарикасидаги жазони ижро этиш тартиби, моддий-маиший таъминот ва тиббий хизмат кўрсатиш, маҳ-

кумларнинг посилкалар, йўқловлар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиши ҳамда юборини, маҳкумларнинг ёзишмалари, маҳкумларнинг таътиллари ва меҳнати, маҳкумларнинг тарбияси ва таълими, уларни рағбатлантириш чоралари, уларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари, рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўлиш тартиби, жазони ўташ вактини ҳарбий хизмат муддатига қўшиб хисоблани қоидаларини ўз ичига олади.

## **2-§. Хизмат бўйича чеклаш жазосини ижро этиш асослари ва тартиби**

Ҳарбий хизмат бўйича чеклаш жазоси Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 47-моддасида назарда тутилган бўлиб, унга кўра ҳарбий хизматни ўтаётган маҳкум ҳарбий хизматчиларга 2 ойдан 3 йилгача муддатга тайинланади. Ушбу жазо ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматга қарши қаратилган жиноят содир эттанди, шунингдек контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари ўрнига тайинланади. Шу тариқа, ҳарбий хизмат бўйича чеклаш жазоси контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нафакат улар жавобгарликка тортилаётган қонун санкциясида бундай жазо назарда тутилган ҳолларда, балки модда санкциясида ахлоқ тузатиш жазоси назарда тутилган ҳолларда ҳам қўлланилиши мумкин. Охири ҳолатда гап қоида тарикасида, хизмат билан боғлиқ бўлмаган, ҳарбий хизматчиларнинг жинояти устида кетмоқда.

Жиноят қонуни ушбу жазо мазмунини судланувчининг пул таъминотидан маълум миқдорда (10 % дан 30% гача) ушлаб қолиш, жазони ўташ муддатида мансаб ва ҳарбий унвонни оширмаслиги, жазони ўтаётган вакт кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки маҳсус унвон ҳамда пенсия олишда хисобга олинмаслиги билан белгиланади. Бундан ташқари, ушбу жазонинг ҳарактерли хусусияти шундан иборатки, маҳкум ўзининг ҳарбий қисмидаги унга ижобий тарбиявий таъсир ўтказиши мумкин бўлган ҳарбий жамоасида ҳарбий хизматни ўташни давом эттираверади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси ушбу турдаги жазони ижро этишга етарли даражада катта эътибор берган. Кодексининг 141- моддасига мувофиқ, ушбу жазо тайинланган ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматни ўтаётган қисм, тузилма, ташкилот, орган ва ҳарбий тузилмалар қўмандонликлари томонидан амалга оширилади.

Суднинг ҳукми қонуний кучга киргандан кейин ва унинг нусхаси ҳамда суднинг ҳукмини ижро этиш тўғрисидаги топшириғи қисмга келганидан кейин ҳарбий қисм командири З кундан кечиктирмай, тегишли буйруқ чиқариши шарт. Буйруқда, қайси асосга кўра ва қанча муддат давомида ҳарбий хизматчи бўлган маҳкум мансаби оширилмаслиги ва кейинги ҳарбий унвон ололмаслиги, қанча муддат

кўп йил ишлаганлик учун навбатдаги ҳарбий унвон олиш учун хисобланмаслиги эълон килинади. Унда шунингдек, маҳкум ҳарбий хизматчининг пул таъминотидан хизмат бўйича чеклаш жазосини ўташ давомида, суднинг ҳукмига кўра тегишли бюджетга ўtkазилиши лозим бўлган микдор кўрсатилади. Ушбу буйруқ ҳарбий қисм бўйича эълон килинади, маҳкум ҳарбий хизматчи эътиборига етказилади ва ижро этишга киришилади. Ушбу буйруқнинг нусхаси бошқа хужжатлар билан биргаликда З кунлик муддатда ҳукм чиқарган судга юборилади.

Ҳарбий қисм командири суд ҳукмини ижро этишдан бўйин товлаганда, у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг, суд қарорини бажармаганлиги учун жавобгарликни назарда тутивчи 232-моддасига асосан жавобгарликка тортилади. Хусусан, маҳкум ҳарбий хизматчига нисбатан хизмат бўйича чеклаш жазосининг ижроси маҳкум маош олаётган кунда суднинг ҳукми билан кўрсатилган суммани ушлаб қолишдан бошланади.

Ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар ойлик маошидан ташкари турли устамалар (кўп йиллик хизмати, алоҳида шароитларда хизмати учун ва хоказолар), шунингдек, қўшимча пуллик тўловлар (календарь йил якунлари бўйича тўланадиган тўловлар, таътилга чиққанда, янги ҳарбий хизмат жойига ўтиш муносабати билан ва бошқалар) хам олишади. Ушлаб қолиш кўрсатилган тўловларнинг барча кўринишларига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

Маҳкум ҳарбий хизматчининг унга пуллик таъминоти бўлмаган суммаларда ушлаб қолинмайди. Масалан, ҳарбий хизмат давомида касалланганлиги учун олинадиган суғурта пули, санатория, курорт, даволаниши учун компенсациялари ва шунга ўхшаш тўловлар.

Ушбу турдаги жазони ижро этилишининг маҳкум учун салбий оқибати маҳкум ҳарбий хизматчининг хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазо муддати мобайнида унинг лавозими ва ҳарбий унвони оширилиши мумкин эмас. Айниқса, бўлинманинг шахсий таркибини тайёрлаш, уни тарбиялаш билан боғлиқ бўлса, бундай ҳарбий хизматни амалга ошириш ва ҳарбий бурчига нисбатан вижданан намунивий муносабатда бўлишини такозо этган ҳолда ифодаланади.

Муайян қарор қабул килишда биргина буйрукни ижро этиш мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан эмас, шунинг билан бирга ҳарбий қисмда тенг мавқели мансабнинг мавжудлиги хам, шунинг билан бирга ҳарбий қисмда тенг мавқели мансабдорнинг мавжудлиги хам, қўшимча сифатида ушбу масалада маҳкумнинг фикри, хоҳиши хам инобатга олинади, масалан, бошқа ҳудудда хизмат қилиш; ушбу масалада қарор қабул килишда маҳкумнинг бошқа ҳудудда хизмат қилиш хоҳиши хам инобатга олинади.

Маҳкумнинг бошқа қисм ёки ҳудудга кўчириш ҳолати ҳакила хам суд хабардор килинади.

Жиноят-ижроия кодексида мазкур турдаги жазони тарбиявий таъсир чоралари билан зарурий боғлиқ ҳолда амалга оширилиши

лозимлиги назарда тутилған. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижрония кодексининг 144-моддаси маҳкум ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматни ўтётган ҳарбий қисм қўмондонлигига у билан тарбиявий ишларни ўтказиш мажбуриятигини юклайди.

Қонун бундай тарбиявий ишларни ўтказишнинг шакли ва методини белгиламаса-да, бу тадбирлар улар содир этган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини ва маҳкумнинг шахси, шунингдек хулк-автори ҳамда ҳарбий хизматга муносабатини инобатга олган ҳолда олиб борилиши, яъни бундай ишларни амалга ошириш ва уларни ташкил этиш тўлиқ ҳолда индивидуал ёндашишни талаб этилишини англатади.

Қонун тарбиявий ишларни ўтказиш мажбуриятини ҳарбий қисм командирига юкламаса-да, коида тариқасида уни ташкиллаштириш ва амалга оширишни қисм бўйича шахсий таркиб билан тарбиявий ишлар бўйича командир ўринbosарлари, шахсий таркибда тарбиявий ишлар бўйича инструктор, улар билан биргаликда факатгина офицер ва сержант таркибидаги малакали ва мавқели ҳарбий хизматчилар эмас, шунингдек, қисмда мавжуд бўлган ва фаолият курсататётган ижтимоий тузилмалар (офицерлар мажлиси, ахлоқ судлари, аеллар кенгаси ва бошқалар) ҳам амалга оширадилар.

Командир бу ишни ўзи назорат қилиб бориши шарт. У шунингдек, маҳкум билан алоҳида у ёки бу тарбиявий тадбирларни амалга ошириши мумкин, асосийси, бу ишларни систематик ва мазмунли характерда ўтказиш, бошқача қилиб айтганда, биринчи навбатда ҳарбий хизматчининг ушбу жиноятни содир этишга сабабчи бўлган шахсий хусусиятларни бартараф қилишга ургу берилиши лозим.

Суд томонидан белгиланган (қисм бўйича чиқарилган буйрукда белгиланган) жазо муддатининг тугашига 3 кун қолганда қисм командири ҳарбий хизмат бўйича чеклаш кўринишидаги жазони ижро этишни тугатиш тўғрисида буйрук чиқаради. Буйруқнинг нусхаси ҳукм чиқарган ҳарбий судга хабардор қилинади ҳамда буйруқнинг қонунийлигини текшириш учун юборилади. Ушбу буйрукда биринчи навбатда жазони ижро этишнинг тугатилиш куни кўрсатилади. Бундан ташқари, буйрукда ҳарбий хизматчининг пул таъминотидан саклаб қолишининг тугатилганлиги тўғрисида, ҳарбий унвони бўйича кўтарилиши мумкинлиги белгиланади.

Қонун ҳарбий хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш муддатидан олдин тугатилишини ҳам назарда тутади.

Муддатидан олдин озод қилиш асослари турли хил бўлиши мумкин. Биринчидан, шартли равишда муддатидан олдин озод қилиш ёки ушбу турдаги жазони енгилроқ жазо билан алмаштириш, иккинчидан, афв қилиш ёки амнистия актларининг қўлланилиши, учинчидан, ушбу жазо билан жазоланган ҳарбий хизматчининг хизматни ўташнинг алоҳида шароитлари билан боғлиқ ҳолатларни белгилаш.

Баъзи ҳолларда хизмат бўйича ҳукм қилинган шахс ҳукмда белгиланган жазо муллати тугагунга қадар ҳарбий хизматдан бўша-

тилиши мумкин ва бу ҳақда тегишли буйруқ чиқарилади, буйруқ нусхаси эса ҳукм чиқарган судга ҳарбий хизмат бўйича чеклаш жазосини бошқа жазо билан алмаштириш тўғрисида ёки жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилиш тўғрисида қарор чиқариш учун юборилади.

### **3-§. Маҳкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш**

Маҳкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 148- моддаси билан тартибга солинади. Жиноят қонунчилиги ҳарбий хизматчиларга нисбатан гауптвахталарда ўталадиган қамоқ тариқасидаги жазонинг кўлланилиши мумкинлигини назарда тутади. Илгари амалда бўлган қонунчилик билан таққослагандан қамоқ ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқ тузатиш жазосини гауптвахталарда саклаш билан алмаштириш сифатида эмас, балки мустақил жазо тури сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг алоҳида бўлимида ушбу турдаги жазони ҳарбий хизматчиларга нисбатан ижро этилиш тартиби батафсил ифодаланган бўлиб, ҳарбий қисмларда қамоқ жазосини ижро этиш, ўташ тартиби ва шароитлари кодекснинг 8- бобида белгиланган фуқаролар доирасида ушбу жазони амалга ошириш тартиби билан таққосланганда ўзининг алоҳида специфик хусусиятлари билан фарқ қиласи.

Қамоқ суд томонидан 1 ойдан 6 ойгача муддатга тайинланади. Қамоқ кўринишидаги жазо ҳарбий хизматчи аскарлар, матрослар, солдатлар, прaporщиклар, мичманлар ва офицерларга тайинланади. Қамоқ тариқасидаги жазони ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан шартли муддатидан олдин озод қилиш, амнистия ва афв қилиш ҳақидаги умумий қоидалар амал қиласи. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамоқ жазоларда маҳсус ташкил этилган жойлар гауптвахталарда ижро этилади. Гарнizon ёки қўшин гауптвахталари бўлиши мумкин. Гауптвахталар алоҳида ажратилган хоналарда ташкил этилади.

Гауптвахталар даражали ҳарбий хизматчиларни, нафақат қамоқ тариқасидаги жазони ўташ учун саклашга мўлжалланган, балки ҳарбий тартиб-интизомни бузганлиги учун маст ҳолда ушланган прокурор санкцияси билан қамоқда сакланётганлар (3 суткагача, агар уларни тергов изоляторига келтириш имконияти алоқа йўлларининг узоклиги ёки мавжуд эмаслиги билан чегараланган бўлса, 30 суткагача), судланаётганлар бўлса( судда жиноят ишини кўриш тугагунига қадар) ҳарбий суд томонидан озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилингандарга (ҳукм нусхасини олгунча), ҳарбий суд томонидан интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилингандарга (ҳукм қонуний кучга киргунча) ҳам мўлжалланган.

Ҳарбий суд томонидан судланган, судланувчилар, айланувчи ва гумон қилинувчи бўлган ҳарбий хизматчилар интизомий тартибда ушланган ва қамалгандардан алоҳида сакланади. Бу ҳолатда маҳкумлар судланувчи ва айланувчилардан алоҳида сакланади.

**Гауптвахталарда алоҳида саклаш** ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвонига қараб ҳам назарда тутилади. Офицерлик таркибидаги шахслар бошқа категориядаги маҳкум ҳарбий хизматчилардан алоҳида сакланади. Шунингдек, яъни прaporщик, мичман, старшина, сержант унвонига эга бўлган ҳарбий хизматчилар ҳам оддий таркибидаги маҳкум ҳарбий хизматчилардан алоҳида сакланади.

Алоҳида саклаш хақидаги талаб ҳарбий хизматни ўташ асосларига ҳам татбиқ этилади, яъни чакирик бўйича ҳарбий хизматни ўтаётганлар ва камоқ жазосига тортилган, контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётганлар ҳарбий хизматчилардан алоҳида сакланади.

Қамоқ тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкум ҳарбий хизматчиларни бундай чукурлаштирилган алоҳидалаштирилиши нафақат ҳарбий субординация муносабатлари ва ёш хусусиятлари билан, шунинг билан бирга, айрим жойларда «дедовщина» муносабатларининг мавжудлиги билан асосланади. Бундан ташкари, маҳкумларнинг ягона турдаги таркиби тарбиявий таъсирини самаралироқ ташкил этиш имконини беради .

Ҳарбий хизматчини қамоқ тариқасидаги жазога хукм қилган ҳарбий суд ҳарбий қисмга 10 кунлик муддатда ҳарбий хизматчини қамоқ ўташ учун гауптвахтага жўнатишга мажбур. Ҳарбий хизматчи уни гауптвахтага жўнатиш учун кабул қилинган пайтдан ўзи мустақил борган ҳолда гарнizon, гауптвахта бошлиғи томонидан қўшиндаги гауптвахтада ҳарбий қисм бўйича навбатчи томонидан қабул килиб олинган пайтдан бошлаб қамалган хисобланади.

Қамоқка олингандарни гарнizon гауптвахталарига жўнатиш учун гарнizon ҳарбий комендантининг буйруғига қўра (харакат қисм штаби бошлиғи) транспорт воситаси ажратилади, конвой таркиби, унинг мажбурияти ва қўриклиш тартиби белгиланади. Маҳкумлар билан шаҳар ва йирик аҳоли пунктларида пиёда юриб бориш, шунингдек жамоат траспортида юриш тақиқланади.

Маҳкум ҳарбий хизматчилар томонидан қамокни ўташ тартиби ва шароитлари нафақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси асосий қоидалари билан, шунинг билан бирга Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг норматив-хукукий актлари ва маҳкум ҳарбий хизматчиларнинг жиноий жазоларни ўташ қоидалари билан белгиланади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан узоқ муддат давомида қамоқ жазосининг қўлланилиши, гауптвахтага қабул килиш ва саклаш шароитлари амалиёти шаклланди.

Маҳкум ҳарбий хизматчи гауптвахтага етиб келганида гауптвахта бошлиғи (ҳарбий қисм бўйича навбатчи қоровул бошлиғи) унда нималар борлигини текширади, шахсий тинтуб килади, камари, шунингдек, камерада эга бўлиши тақиқланган нарсалар ва кимматлик-

лари, барча хизмат хужжатлари сақлаш учун олиб қўйилади, қамалганлар китоби ва шахсий рўйхатига ҳарбий суд ҳукмининг нусхасидаги барча маълумотлар, шунингдек, бошқа зарур маълумотлар киритилади. Махкумлардан олиб қўйилган нарсалар, пуллар, хужжатларга маълумотнома берилади, ўзи эса омборхонага сақлаш учун топширилади.

Махкум ҳарбий хизматчилар машғулотлар ва ишларга чикарилмайди, ётиш учун шинеллар, матраслар ва ёстиқлар чойшаблари билан бирга берилади, чекишга эса маҳсус белгиланган алоҳида жойларда йўл қўйилади. Бошқа асосларда интизомий тартибда сақлананётган ҳарбий хизматчилар билан тенглаштирилади. Махкум ҳарбий хизматчилар билан учрашувлар гауптваҳта бошлиғи томонидан бериладиган учрашув учун маҳсус ордер асосида амалга оширилади. Ҳарбий прокурор гауптваҳталарга доимий бориб туриб, қамоқ тарикасидаги жазонинг тўғри ўталаётганилиги устидан назоратни амалга оширади.

Ҳарбий хизматга вижданан муносабатда булиш ва намунали хулқатворни шакллантириш мақсадида маҳкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан маҳсус ёки ўзига хос рагбатлантириш ва интизомий жазо чоралари тизими татбиқ этилади. Ушбу чоралар турли-туман бўлиб, маҳкум ҳарбий хизматчиларни нафақат ҳуқукка хилоф харакатларни содир этишдан сақланишга, шу билан бирга, уларнинг самарали тузалишига ёрдам бериш имконини беради.

Махкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан куйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин: ташаккур эълон қилиш, илгари қўлланилган интизомий жазо чорасини олиб ташлаш, ҳар куни сайдекини I соатга кўпайтириш, қамоқда бўлган вақтининг ҳаммасини ёки бир қисмини ҳарбий хизматни ўташнинг умумий муддатига қўшиш. Бундай турдаги рағбатлантириш чораларини қўллаш учун асос бўлиб маҳкум ҳарбий хизматчиларнинг намунали хулқатвори нафақат ҳуқукка итоаткор хулқида, шунингдек гауптваҳта доирасида амалга ошириладиган турли хилдаги тадбирларда фаол қатнашишида ҳам ифодаланиши лозим.

Табиийки, унда интизомий жазо чоралари қўлланиладиган ҳуқукбузарликлар бўлмаслиги керак. Ушбу талаб, айниқса, қамоқдаги вақтини ҳарбий хизматнинг умумий муддатга тўлиқ ёки қисман қўшиш масаласи қўрилаётганда мухимdir.

Махкум ҳарбий хизматчиларга интизомий жазо чоралари сифатида хайфсан, 10 суткагача бўлган муддатга карцерга ўтказиш қўлланилиши мумкин. Махкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш учун асос жазо ўташ тартибини бузган харакатлари бўлиши мумкин. Бундай бузилишларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг норматив-ҳуқуқий актлари билан белгиланади. Интизомий жазо чоралари биргина қўлмишнинг офирилиги ва маҳкум ҳарбий хизматчининг шахси билан эмас, шунинг билан бирга гауптваҳтада шаклланган одат ва ҳолат-

ларни хисобга олган ҳолда педагогик мақсадга мувофиқлиги билан ҳам асосланади.

Махкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш хуқуқидан ҳарбий комендант ва гарнizon бошлиғи фойдаланади. Лекин қамоқда бўлган даврни ҳарбий хизматни ўташнинг умумий муддатига қўшиш тариқасидаги рағбатлантириш чорасини факат гарнizon бошлиғи қўллаш хуқуқига эга. Ушбу хуқук ҳарбий хизматчининг манфаатларини амалга ошириш билан боғлик, яъни чакируви бўйича ёки контракт бўйича хизмат даври қамоқ муддатига қискартирилади ёки аксинча кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 8-моддаси маҳкумлар хуқуқий ҳолатининг асосларини белгилайди. Бу айниқса ўзининг хаёти ва тақдирини ҳарбий хизмат билан боғлаган ва ўзи ҳарбий хизматчи сифатидаги хуқуқий мақомини сақлаб қолишдан манфаатдор шахслар учун ахамияти катта .

Махкум ҳарбий хизматчилар учун жазони ўташ давридаги биргина моддий ахамиятли элемент шундай ҳолат бўлиши мумкинки, уларга пул таъминоти ҳарбий унвони бўйича маош микдорида тўланади, бу айниқса офицерлик маоши ва бошлиқлар маошлари учун сезиларлидир.

Қамоқни ўташ даври ҳарбий хизматни ўташнинг умумий микдорига қўшилмайди, бу ҳолат ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўталганда ҳам пенсияга чиқаётган вақтда, шунингдек бошқа ҳолларда ўзининг салбий таъсирини билдиради. Ушбу муддат навбатдаги ҳарбий унвон олишда хисобга олинмайди.

Бундай ҳолатда навбатдаги ҳарбий унвонни олиш учун зарур муддат қамоқни ўташ муддати тугагунга қадар тўхталиб турилади ва ушбу жазони ўталгандан кейин қайта тикланади.

Махкум ҳарбий хизматчиларга нисбатан бошқа чекловлар ҳам мавжуд: улар навбатдаги ҳарбий унвонни олишга тақдим этилмайди, юқори лавозимга тайинланмайди (янги хизмат жойига кўчириш ва соғлиқ ҳолати бўйича нолойик бўлиб қолган ҳоллардан ташқари), ҳарбий хизматдан бушалиши мумкин. Охирги ҳолатда суд бундай турдаги қамоқ жазосини ўташдан маҳкумни озод қилиши ёки бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.

#### **4-§. Интизомий қисмда сақлаш тариқасидаги жазони ижро этиш**

Интизомий қисмда сақлаш кўринишидаги жазони асосий тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 149-моддасида белгиланган. Ушбу жазо чакирик бўйича, шунингдек оддий аскар ва сержант таркибидаги лавозимларда контракт бўйича хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга нисбатан тайинланади. Агар суднинг хукми чиқарилган вақтда белгиланган ҳарбий хизматни ўтаб

бўлмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ҳарбий хизматга қарши қаратилган жиноят содир этганда 3 ойдан 1 йилгача муддатга тайинланади, шунингдек жиноятнинг хусусияти, айборнинг шахси озодликдан маҳрум этишни алмаштириш имконини берса ва у 3 йилдан ошиқ бўлмаса, шу муддатга уни интизомий қисмда саклаш мумкин. Бунда озодликдан маҳрум этишнинг 1 куни интизомий қисмда саклашнинг 1 кунига тўғри келади.

Интизомий қисмда саклаш ҳарбий жазолар ичида энг каттиги деб айтса ҳам бўлади. Ушбу жазо Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг нафақат умумий қисмидаги, балки Махсус қисмидаги озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни тартибга солувчи ҳолатлар билан ҳам кўп томондан боғлик. Бу интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ижро этиш жараёнида барча турдаги жазоларни ижро этишнинг асосларида мужассамлашган умумий ҳолатлар, тамойиллар ва институтлари билан бир қаторда озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этишнинг режимига, тарбиявий ишлар, маҳкумларда фойдали ташаббускорликни ривожлантириш ва бошқаларга тааллукли қоидаларни қўллаш имконини беради.

Қўриб ўтилаётган жазо тури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида интизомий қисм тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади. Амалдаги низом интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазони ўташнинг тартиби ва шароитларини, шунингдек интизомий қисм фаолияти тартибини белгилайди.

Интизомий қисм ички тартиби анча қаттик бўлган ҳарбий қисм бўлиб, махсус штат билан таъминланади. Интизомий қисмнинг ташкилий структураси ва сони Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

Маҳкумларни интизомий қисмда саклаш учун қонуний кучга кирган суд ҳукми асос бўлиб хизмат қиласи. Интизомий қисмлар махсуслаштирилган структуравий тузилмалар ҳисобланмайди, улар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига киради.

Интизомий қисм гарнизоннинг бошқа ҳарбий қисмларидан ажратилган ҳолда жойлаштирилади. Интизомий қисмга раҳбарлик Мудофаа вазирлигига юқлатилади. Маҳкумларни жойлаштириш ва хизмат кўрсатишга мўлжалланган бинолар жойлашган худуд мустаҳкам девор ва 2,5 метрдан паст бўлмаган 2 қаторли сикилув сим тортилган ва лозим техник қўриклов воситалари билан таъминланган бўлиши шарт. Интизомий қисмнинг кириш дарвозалари доимо ёпиқ бўлиши ва факат қисм навбатчисининг буйруғига биноан очилиши лозим. Маҳкумлар сакланадиган бинонинг дераза ва эшикларида темир панжара бўлиши шарт.

Интизомий қисмга жўнатишга ҳукм қилинган шахслар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар гауптвахтада сакланади.

Маҳкум суднинг хукми қонуний кучга киргандан ва унинг ижроси тұғрисидаги байруқ чиқарылғаныдан сүнг интизомий қисмга жұнатылады, қонуний кучга киргап суд хукмининг ижроси тұғрисидаги суднинг байруғига асосан қисм командири З кунлик муддат ичіда суднинг қонуний кучга киргап хукмини ижро этиш буйына байруғи асосида қисм командири маҳкумни конвой билан интизомий қисмга жұнатылады.

Конвой бошлиғи махкум ҳарбий хизматчига тааллукли қуидати ҳужжатларга эга бўлиши шарт: кузатиш ҳужжатлари; ҳукм нусхаси ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукмини ижро этиш тўғрисидаги бўйруғи, ҳукм ўзгартирилган ҳолларда, кассацион ёки аппеляцион суд ажрими нусхаси; махкумнинг хизмат карточкаси ва тибий дафтари, ҳарбий билети, озиқ-овқат, нарса, пул, аттестатлари. Ҳамма ҳужжатлар икки нусхада тузиладиган рўйхатга олинадиган ҳужжатга киритилади ва унга қисм командири ёки қисм штаби командири ва махкум томонидан имзо қўйилади. Рўйхатга, шунингдек, махкумда мавжуд бўлган орден, медаль, кўкрак нишонлари, уларнинг ҳужжатлари, пуллар ва бошқа нодир нарсалар киритилади.

Ташқи (асосий) ва ички чегара ўртасидаги худуд тақиқланган зонаны ташкил этади ва кенглиги 10 метр ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Тақиқланган зона техник қўриқлов воситалари билан таъминланади. Тўсиқнинг ташқи томонигача тортилган кенглиги 5 метрдан кам бўлмаган назорат изи чизиги тортилади ва унда «тақиқланган зона—ўтиш тақиқланади» деб ёзилган белги қўйилади. Тақиқланган зона постларининг жойлашган схемасида кўрсатилади ва маҳкумларга эълон қилинади.

Махкум ҳарбий хизматчиларга интизомий ҳарбий қисмда үрнатылған режим талабларига риоя қилиш мажбурияты юқлатылади. Бұталабларни бажармаслик оқибатида интизомий жазо чораларини құллаш тариқасидаги жавобгарлық келиб чиқади. Айникса, бу ерда махкум ҳарбий хизматчининг одатдаги ҳарбий хизматни үташ даврида бажарилиши шарт бұлған ҳарбий интизомнинг барча талабларини сұзсиз бажариши ҳарбий хизмат ва ҳарбий тайёргарликка бұлған муносабат каби мажбуриятларни алохуда таъкидлаб үтиш лозим.

Махкум харбий хизматчиларнинг ҳукукий ҳолати олдинги эгаллаб турган мансаби, харбий унвонларидан қатти назар, бир хilda оддий аскар (матрос) ҳолатида буладилар ва уларга ушбу интизомий қисм учун бир хил кийим берилади ва фарқлов белгилари, шу жумладан, оддий аскар ва матрос погонлари тақилади. Махкумларга уларнинг унвони ва фамилиясини айтиб мурожаат қилинади. Интизомий қисмдаги кун тартиби интизомий батальон (рота) командири томонидан ўрнатилади. Унда қуйидагилар мажбурий тартибда белгиланган:

- ишлаб чиқарыш, мөхнат – 8 соат;
  - тунги уйқу - 8 соат;
  - бир кунда 3 маҳал овқат;
  - хафтада бир марта (шанба куни) жанговар ва сиёсий тайёр-гардик бўйича машғулот.

Кун тартибida 8 соатлик ишлаб чиқариш мөхнати, 3 маҳал овқат, ҳафтада (шанба куни) жанговар ва гуманитар тайёргарлик бўйича машгулот назарда тутилади.

Интизомий қисм режими ўзининг специфик хусусиятига ҳам эга, бу ерда маҳкум ҳарбий хизматчилар томонидан жўнатиладиган ва қабул қилиб олинидиган корреспонденцияга цензура ўрнатилмаган, лекин маҳкумга келаётган посилкалар, жўнатмалар ва бандероллар текширилади. Уларни кўздан кечириш ва топшириш тартиби интизомий қисм командири томонидан ўрнатилади. Шу ўринда посилкалар, йўқловлар, бандероллар очиш ва унинг ичидаги нарсаларни қисм бўйича навбатчи ёки рота офицери иштирокида, кимга жўнатилган бўлса, ўша маҳкум томонидан амалга оширилади.

Жазони ўташ давомида маҳкумга бир ойда битта посилка (жўнатма) олиш мумкин ва унинг оғирлиги алоқа ташкилотлари томонидан ўрнатилган энг кўп микдордан ошмаслиги лозим. Келаётган хатларни топшириш рота старшинаси ёки взвод командири ўринбосари томонидан амалга оширилади ва маҳкум улар олдида хатни очиши лозим. Хат мазмуни текширилмайди.

Маҳкумлар номига келиб тушаётган пуллар, уларга маълум қилинган ҳолда, уларнинг шахсий хисоб варакаларига ёзилади. Бу пуллар уларга интизомий қисмдан озод қилинганда қайтариб берилади.

Маҳкумлар томонидан жўнатилаётган хатлар печатланган ҳолда рота девонхонасига топширилади. Хатларни очиш тақиқланади.

Маҳкум ҳарбий хизматчилар зарур ҳолларда тинтуб қилинади, уларнинг нарсалари эса кўздан кечирилади. У қисқа муддатли ва узок муддатли учрашув хуқуқига эга. Қисқа муддатли учрашув имконияти 1 ойда 1 марта 4 соатгача, узок муддатли учрашув эса 1 йилда 3 суткадан 3 марта берилади.

Бундан ташқари, интизомий қисм командири рухсати билан судланишдан олдин хизматни ўтаган ҳарбий қисм вакиллари ва бошқа шахслар билан учрашишга йўл қўйилади. Бундай қисқа муддатли учрашувларга адвокат ёки бошқа юридик ёрдам кўрсатиш мумкин бўлган шахслар билан учрашишни тенглаштиrsa бўлади, маҳкум хохишига кўра бундай учрашувлар қисм қўмондонлиги назоратисиз ҳам амалга оширилиши мумкин. Қариндошлари ёки бошқа шахсларнинг қисқа ёки узок муддатли учрашувлари телефон сўзлашувлари орқали амалга оширилиши мумкин.

Маҳкум ҳарбий хизматчиларга посилка жўнатиш ва бандероль олиш имтиёзли тартиби ўрнатилган. Посилкаларни хар ойда 1 марта, бандеролларни эса чекланмаган микдорда олишлари мумкин.

Маҳкум ҳарбий хизматчиларга пул кўчирмалари қабул қилишда ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмас, келиб тушаётган барча сумма уларнинг шахсий хисоб варагига ёзилади ва улар хабардор қилинадилар. Маҳкумлар интизомий қисм дўконларида нақд пулсиз, хисобкитоб билан озиқ-овқат ва бирламчи заруратдаги предметларни сошиб олишлари мумкин.

Маҳкум ҳарбий хизматчиларга сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар тури деярли чекланмаган (спиртли ичимликлар, пиво, дрожа ва бошқалардан ташкари). Озодликдан маҳрум этиш жойларида сакланадиган ҳарбий хизматчиларга нисбатан интизомий қисмдаги маҳкум ҳарбий хизматчиларнинг қисм ташкарисига чиқиш бўйича имкониятлари кам. Биринчидан, маҳкум ҳарбий хизматчиларга умумий ҳарбий хизматни ўтаётганлар учун ўрнатилган тартиб белгиланмаган. Иккинчидан эса, истисноли шахсий ҳолат муносабати билан (яқин кариндошнинг ўлими ёки оғир касаллиги, ҳарбий хизматчи ва унинг оиласига катта моддий заرار етказган табиий оғат ва бошқалар) бундай чиқишга рухсат этилади. Бундай чиқишнинг муддати йўлда бўлган вақтни хисобга олмагандан 7 сутка хисобланади, ушбу муддат жазони ўташ муддатига қўшилади.

Интизомий ҳарбий қисмда саклаш тариқасидаги жазо олдида турган вазифалар, шунинг билан бирга маҳкум ҳарбий хизматчиларни ҳарбий интизомга тарбиялаш, ҳарбий хизматга онгли муносабатда бўлиш, уларга юклатилган ҳарбий мажбуриятларни ва ҳарбий тайёргарлик талабларини бажаришини ҳам назарда тутади. Маҳкум ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги, уларни ҳарбий таълим ва тарбияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган маҳсус дастурлар асосида амалга оширилади.

Маҳкум ҳарбий хизматчилар ҳарбий тайёргарлик билан бирга меҳнат ҳам қилишлари керак. Меҳнат ушбу ҳолатда жазо воситаси сифатида эмас, шахсни тарбиялашнинг, ундаги турли ижобий хусусиятларни, шу жумладан, ахлоқий фазилатларни шакллантиришнинг кучли омили сифатида намоён булади. Улар интизомий қисмнинг ишлаб чиқариш корхоналарида, устахоналарида, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг курилиш ва бошқа обьектларига ишга жалб қилинади. Маҳкумлар томонидан қўшин эҳтиёжи учун бажарилган меҳнат учун пул суммалари хисобга киритилмайди ва давлат бюджетига топширилмайди.

Интизомий қисмларда ўзининг меҳнатга ва ҳарбий хизматга нисбатан вижданан муносабатини кўрсатган шахслар орасидан жамоат кенгашлари тузилади. Жамоат кенгашлари маҳкум ҳарбий хизматчилар йиғилишида сайланади. Жиноят кодекси маҳкумларнинг жамоат органи сифатида, қисм қўмандонлигига турли тарбиявий тадбирларни ташкил этиши ва амалга оширишда ёрдам кўрсатади. Масалан, бадиий ижодни кўрсатишда, спорт тадбирларини ўtkазиш, деворий газета чиқариш, санитария-гигиена коидаларини тъминлаш (бошқа тадбирларни ўtkазиш) да иштирок этади.

Интизомий қисмда маҳкум ҳарбий хизматчиларнинг жазони ўташнинг икки шароити: умумий ва енгиллаштирилгани ўрнатилади.

Интизомий қисмга келган барча ҳарбий хизматчилар умумий шароитли жазони ўташга жойлаштириллади. Улар бу ерда суд томонидан белгиланган муддатнинг камида 1/3 қисмини ўташади. Муддат ўтгандан кейин улар ҳарбий хизматга ва меҳнатга вижданан

муносабатда бўлсалар, жазони ўташнинг енгиллаштирилган шароитига ўтказилиши мумкин.

Енгиллаштирилган шароитларда маҳкумлар ўзларининг хисоб варакаларида пуллардан озиқ-овқат ва биринчи заруратдаги төварлар сотиб олиш учун ишлатишга, бир йил давомида 2 та узок муддатли учрашув олишга, агар ўз хизмат вазифасини бажариш характеристига кўра зарур бўлса, кисм чегарасидан ташқарида конвойиз юришга хакли.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси маҳкум ҳарбий хизматчilarни рагбатлантирувчи кенг доирадаги чоралар тизимини назарда тутади. Уларга қуидаги рагбатлантириш чоралари қўлланилади:

- а) ташаккур эълон қилиш;
  - б) илгари қўлланилган интизомий жазони олиб ташлаш ;
  - в) бир ойга қўшимча бир марта учрашув ёки телефон орқали сўзлашувга рухсат бериш;
  - г) маҳкумни ахлоқан тузалганлар қаторига қўшиш;
- Маҳкум-ҳарбий хизматчilarга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари:
- в) ҳайфсан;
  - б) қаттиқ ҳайфсан;
  - в) навбатдан ташқари бештагача нарядни тайинлаш;
  - г) 15 суткагача гауптвахтага жойлаштириш;
  - д) ахлоқан тузалаётганлар қаторидан чиқариш.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари хизматининг ички устави талаблари асосида маҳкумларга яшаш учун зарур майший шароитлар яратиб берилади. Маҳкумлар озиқ-овқат билан аскар пайкалари бўйича, совун билан эса умумий ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчilari учун белгиланган норма бўйича таъминланади.

Ҳаммом, кир ювиш хизмати — умумий ҳарбий хизмат хизматчilari учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Маҳкумларни моддий пул таъминоти умумий ҳарбий хизмат аскарлари учун назарда тутилган 1-разряд бўйича тўланадиган миқдорда уларнинг шахсий хисоб варакаларига ўтказилади ва интизомий кисмдан чиқаётган вактда қўлига берилади.

Маҳкум ҳарбий хизматчilarга ўзларида совун, тиш чёткаси, тиш пастаси ёки порошоги, тарок, рўмолча, тамаки маҳсулотлари, гугурт, ёзиш қофози, китоблар, конвертлар, ручка, қалам саклашларига рухсат этилади. Кўрсатилган нарсалар, норма бўйича бериладиганлардан ташқари, тартиб билан уларнинг шахсий хисоб варакаларидан нақд пулсиз тартибда сотиб олинади.

Маҳкумларнинг тиббий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ички хизмат низоми талаблари асосида амалга оширилади. Агар маҳкум ҳарбий хизматчini стационар иморатларда даволаш зарур бўлса, кисм қўмондонлиги бу шахсларни ҳарбий госпиталга кўчирилишини таъминлайди. Бундай шахслар госпи-

талнинг маҳсус таъмирланган палаталарида сақланади. Уларнинг қўриқланиши госпитал жойлашган гарнizon бошлигининг кучлари ва воситалари билан таъминланади. Тузалган маҳкум ҳарбий хизматчиларни интизомий қисмга келтириш ҳам конвой орқали амалга оширилади. Ҳарбий госпиталларда маҳкумлар учун камида иккита палата (6 та жой) таъмирланади, уларнинг ойналари ва эшиклари панжара ҳамда қулф билан ёпилган бўлиши керак.

Улар палатаси ёнида конвой хонаси тайёрланади. Касал маҳкумнинг даволанаётган бошқа касаллар билан алоқа қилиши тақиқланади. Госпиталда бўлган вақт жазони ўташ муддатига қўшиб ҳисобланади. Жазони ўтагандан кейин бу шахслар ўтамаган ҳарбий хизматларини давом этишлари лозим.

**Маҳкумлар:**

- а) суд ҳукми билан курсатилган муддат давомида жазони ўтаб бўлгандан кейин;
- б) амнистия афв акти асосида;
- с) суднинг жиноят ишини тугатиш муносабати билан ҳукмни бекор қилиши, шартли ҳукм қилиш муносабати билан ҳукмни ўзгариши, касаллиги бўйича интизомий қисмдан озод қилинади.

Интизомий қисмда жазони ўтаган, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда ундан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланади.

## **IX БОБ. ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ**

### **1-§ Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг амалдаги қонунлари бўйича ўлим жазосининг қиёсий таҳлили**

Бутун дунёда жиноий жазо сифатида ўлим жазосини қўллаш муаммоси энг асосий муаммолардан бири сифатида мухокама қилинмоқда. Айрим давлатларда бу жазо тақиқланган, айримларида эса ўлим жазосига нисбатан мораторий киритилган. БМТнинг 1977 йил 8 декабрдаги Бош Ассамблеяси дунё ҳамжамияти бу масалага якдиллик билан фикр билдириди, унда «Ўлим жазосида, асосий мақсад шундан иборатки, хукуқбузарликларни бу жазодан халос этиб, секинаста бошқа жазолар билан алмаштиришдан ибораттир» дейилган.

Ўзбекистондаги ўлим жазосини қўллаш бўйича жиноий-хукукий масалалар халқаро андозаларга тўлиқ мос келади ва ўзида инсонпарварлик тамойилини ифода этади, бу холат ҳалқимизнинг қадимий анъаналари ва Конституцияга ҳам мувофиқдир, чунки бизда инсон хаётига ҳар доим олий қадрият сифатида қаралган.

1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида ўлим жазоси 13 та модданинг санкцияларида мавжуд эди. 1998 йилда эса бу жазо Жиноят кодексининг 5 та моддаси санкцияларидан олиб ташланиб, амалдаги жиноят қонуни 8 та моддаси ўлим жазосини назарда тутди. 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодекслари ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунида тўртта модда кисқартирилди. Булар каторига халқаро нормаларда ҳам ўта оғир жиноят деб қаралувчи ва энг оғир жазога лойиқ бўлган агрессия, геноцид, терроризм кабиларни киритишими мумкин. Ўлим жазоси яна оғирлаштирувчи холатларда қасдан одам ўлдириш жиноятига ҳам қўлланилиши мумкин. «Қасдан одам ўлдириш – деган эди Президент И.А.Каримов – ўта оғир жиноятлар каторига киради ва оғирлаштирувчи холатларда бундай жиноятни содир этадиганларга ўлим жазоси қўлланилиши мумкин». Яшаш ҳукуки – ҳар бир инсоннинг узвий ҳукуқидир. Бу ҳукуқ қонун билан мухофаза этилади. Ўлим жазосини бекор қилмаган давлатлардан, олий жазо факат оғир жиноятлар учун – жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган қонунга мос ҳолда тайинланиши мумкин. Бу қонун халқаро Пактлар ва Конвенцияларга, хусусан, фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга зид келмаслиги керак. БМТ нинг Бош Ассамблеяси 1989 йил 15 декабря «Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисидаги Пакт»га ўлим жазосини бекор қилишга йўналтирилган Қўшимча Протоколни қа-

бул қилған ва барча имконияти бор хукуматларни уни имзолаш ва ратификация қилинүү масаласини күриб чиқишига чакирган эди. Хозирги кунда 58 та давлатнинг қонунчилиги ўлим жазосини қўллашни истисно этади. 14 та давлатда эса бу жазо фақатгина алоҳида ҳолларда, масалан, уруп вактларида қўлланилиши мумкин.

Ўлим жазоси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида фавқулодда жазо сифатида назарда тутилган. Бу масала жиноят қонунчилигидаги янги мавзу эмас, у кўп асрлик тарихга эга. Жиноий жазолар орасида ўлим жазоси жуда кам жойни банд этади, бошқача қилиб айтганда, улар бизда саноқли. 1994 йилги Жиноят кодексига ўзгартириш киритилиб, ўлим жазоси (54-модда) 4 та жиноятда белгиланган:

- қасдан одам ўлдириш (ЖК 97-мод. 2-кисми);
- агрессия (ЖК 151-мод. 2-кисми);
- геноцид (ЖК 153-мод.);
- терроризм (ЖК 155-мод., 3-кисм).

Ўлим жазосини назарда тутувчи барча санкцияларга муқобил жазо сифатида 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган.

Бутун дунёда, конунда ўлим жазосини саклаб колиш керакми, деган масала юзасидан қизгин баҳс кетмоқда. Бу жазога қарши чиқувчилар инсон хаёти худо ва табиат томонидан берилган улуф неъмат ва инсонлар бу неъматни тортиб олиш хукуқига эга эмаслар деган фояга асосланадилар. Бундан ташқари, суд жараённида содир бўлиши мумкин бўлган хатоларни хам тузатишнинг иложи бўлмаслигини эътироф этишади. Аёлларга келганда, улар бундай жиноятларни эркакларга қараганда анча кам содир этадилар.

Бундан ташқари, бу ерда конунчиликнинг аёлларга нисбатан инсонпарварлик муносабати хам мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг жиноят конунчилиги бўйича аёлларга, шунингдек 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ўлим жазоси тайинланмайди (ЖК.51-мод. 2-кисми).

Хорижий мамлакатларнинг амалдаги конунчилиги маҳкумларнинг айrim тоифаларига нисбатан ўлим жазосини қўлламасликни назарда тутувчи нормаларга эга. Бу 18 ёшга тўлмаган шахсларга таалукли. Маълумки, Жанубий Корея, Бирма, Зимбабве, Судан ва бошқа мамлакатларда бу ёш—16, Хиндистон, Ирокда эса у чегараланмаган. АҚШнинг ўлим жазоси саклаб колган 38 та штатидан 11 тасида катл этилиши мумкин бўлган энг кам ёш 18 ёш, 15 та штатида эса 12—17 ёш оралиғида, 11 штат ва федерал округларда у умуман ўрнатилмаган. 1989 йил июнда Кентукки ва Миссури штатларида котиллик содир этган 16—17 ёшли ўсмирларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилди. Масалан, 1996 йил 13 ёшли бола ўз синдошини

ўлдириди. Худди шу йили бир гурух вояга етмаганлар немис саёҳатчи-сининг номусига тегади. Кентукки штатида 14 ёшли ўсмир 1990 йил-нинг май ойида 11 ёшли болани ўлдиради. Жами булиб 1986 йилдан бошлаб АҚШда 35 та вояга етмаганлар ўлим жазосига хукм килинганди.

Шундай қилиб, ўсмирилик ёшида жиноят содир этганларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилмаслигига асос бор. Бу даврда ёш инсон ўз харакатлари учун ҳали тўлиқ жавоб бера олиш имкониятига эга эмас, шу билан бирга унинг хаётий тажрибаси ҳам етишмайди. Кўплаб ёшлар жуда таъсирчан, рухий тетик бўлмасдан, уларнинг характерларида ўзларини тутишнинг шаклланган кўринишлари етишмайди. Кекса кишиларга ўлим жазоси қўлланилмаслиги ҳам инсонпарварварликка асосланади. Кўплаб сабабларга, жумладан, физиологик сабабларга ҳам кўра улар котиллик жиноятини жуда кам содир этишади. Бу ёшдаги маҳкумлар орасида рецидив-жинояти деярли йўқ. Шундан келиб чиқиб, бу тоифадаги маҳкумларга нисбатан ўлим жазосини саклаб қолишга асос йўқ. Ўлим жазосини саклаб қолиш тарафдорлари кўпчилик давлатларда бу жазонинг факат оғир жиноятлар учунгина қўлла-нилиши, яъни ўзга шахсларни хаётидан маҳрум этганларга нисбатан жорий этилишига асосланадилар. Улар ўзгани яашдан маҳрум этиб, ўзларига ҳам яашга хукуқ колдирмайдилар деб хисоблашади. Шунингдек, ўлим жазосини бекор қилишга ахолининг салбий муносабати кўрсатилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, дунёning барча мамлакатларида ҳам ўлим жазоси кисқартирилаётгани йўқ. 1965 йилдан бўён 50 та давлат ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар рўйхатини кенгайтирди; 21 давлат бу жазони хавфсизлигига боғлиқ жиноятлар учун белгилади (жосуслик, хоинлик, аксилинкилоб ва инқилобий фаолият); 13 давлат терроризмга нисбатан ўлим жазосини белгилади, бу қаторда Ўзбекистон ҳам бор. Айрим давлатларда жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган одам ўғирлаш жинояти учун ушбу жазони қўллашни белгилади.

Қатор Шарқ давлатларида хиёнат, номусга тегиш, бесоколбозлик, мусулмон бўлмаганлар билан жинсий алока қилиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш (уч маротаба судлангандан сўнг) учун ҳам ўлим жазоси белгиланган.

Хозирги вақтда Буюк Британияда ўлим жазоси:

1. «Буюк хиёнат» — суверенга ёки давлатга хоинлик қилиш ва душманга ёрдам бериш.

2. Қарокчилик—1837 йилдаги «Қарокчилик тўғрисида»ги конунга мувофиқ.

3. Бир қатор харбий жиноятларга нисбатан қўлланилади.

Ўлим жазоси 18 ёшга тўлмаганлар ва ҳомиладор аёлларга нисбатан қўлланилмайди. Биринчи холда жазо номаълум муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилади, лекин бир умрга эмас, иккинчи холатда—бир умрга озодликдан маҳрум этилади. Охириги 20 йилда хоинлик ва қарокчилик учун хеч ким жазоланмади.

Британия парламенти аъзолари ўртасидаги сўровнома бу жазо чораларини келажакда ҳам қўллашга ҳеч қандай асос йўклигини кўрсатди.

Англияда қонунчиликка ва умумий хукуққа мувофик ўлим жазоси билан жазоланадиган жиноятлар тўғрисидаги ишлар оғир жиноий қилмишларга нисбатан қўлланадиган умумий процессуал хукуқ асосида амалга оширилади. Уларга, хусусан, дастлабки терговдан бошлаб бир ёки икки химоячининг қатнашиши, айлов хулосасини тузиш, мажбурий равишда ишни маслахатчилар иштирокида кўриш (айбдорлик масаласи малакали қўпчилик томонидан ҳал этилади) аппеляция шикоятини кўриб чиқишида аппелянтга қатнашиш хукуқини бериш кабилар тааллуқлидир.

Қўпгина замонавий давлатлардан фаркли равишида Англияда ҳозиргача осиб ўлдириш жазоси қўлланилади. Лекин у оддий осишдан фарқ қилиб, унда ўлим нафас йўлларининг бўғилиб колиши оқибатида эмас, балки дублинлик профессор Хотон томонидан ихтиро этилган «узун сиртмоқ» усули билан амалга оширилади. Унга кўра «узун сиртмоқ» ёрдамида осилувчи умурткасида узилиш юзага келади, умурт-қа погонаси синади, натижада, бирдан ўлим келиб чиқади. Бу турдаги қатлнинг камчилиги шундаки, уни бевосита инсон — жаллод амалга ошириб — бу бир шахсдан иккинчи шахснинг ўч олиш характерига эга бўлади. Бу ҳозирги даврдаги жамият ривожига мутлако номувофик, чунки ўлим жазоси авваламбор жисмонан йўқотиш, инсоннинг бундан бўён оғир жиноят содир этмаслигининг кафолатидир, юқорида гидек жиноятчидан ўч олиш эмас. Шу билан биргаликда ўлим жазоси билан жазоланадиган ишларни кўришда айрим маҳсус процессуал нормалар қўлланилади.

Япониядаги жазолар тизимига Жиноят кодексининг 2-боби бағишиланган бўлиб, унда жиноий жазолар турлари кўрсатилган ҳамда улар асосий ва қўшимча жазоларга ажратилган.

Япония Жиноят кодексида 13 та жиноят таркиби учун ўлим жазосини назарда тутилган. Давлатга қарши жиноятлар — ички қўзғонлар ёки ташқи ҳарбий агрессия билан боғлиқ ҳаракатлар; жамиятга қарши тажовузлар — уй-жойга ўт қўйиш ёки шикаст етказиш, портлатиш, одамлар ўлимини келтириб чиқарган темир йўл ҳаракатларига сабаб бўлувчи ҳаракатни содир этиш, транспортга хафв солиш, водопровод сувини заҳарлаш; шахсга қарши тажовузлар — қотиллик, ўлимiga олиб келган ёки номусга тегиш билан бирга содир этилган боскинчилик хужуми кабилардир.

Ўлим жазоси — жиноят хукуқига маълум бўлган энг қадимги жазолардан бири. Ўлим жазоси муаммоси инсонларни барча жиноят-хукукий муаммолардан кўра кўпроқ ташвишга солади. Бу жазо турини сақлаб қолиш ёки тугатиш масаласида адабиётларда қўплаб муқобил нуктаи назарлар баён этилган. Шундай қилиб, кейинги вактларда бу муаммо атрофида анча қизиқарли баҳслар олиб борилмоқда. Бу жазо жиноятни тўхтатиб қолиш учун омил бўла оладими? Бу жазо

инсон хукукларини бузадими? Замонавий таракқиётда уни құлланышартми ёки йўқ? Давлат бундай турдаги жазо чораларини хукукийтартиботни мустаҳкамлашдаги хизматини күрсата ёки исботлай оладими? Бу саволларга олимлар, юристлар, амалиётчилар, ёзувчилар, фуқаролар турлича жавоб беради. Лекин, авваламбор, юкорида келтирилган барча саволларга жавоб бериш учун ўлим жазосининг мақсадда вазифалари нимадан иборат деган саволга тушунча бериб ўтиш лозим бўлади. Айнан ана шу саволда шу турдаги жазонинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги яширган бўлиб, бу саволга жавобни ўлим жазосига нисбатан жамоатчиликнинг фикри белгилаб беради. Ўлим жазоси қўлланилаётган мамлакатларда қўпчилик юристлар бу жазо зарур, лекин у хеч қачон доимий бўлиб қолмайди деган фикрга қўшилиши тўғрисида холоса қилиш мумкин. Вактлар ўтиши билан ўлим жазоси жазонинг бошқа, яъни инсонпарварроқ турларига алмаштириб борилади. Лекин на жамият, на конун чиқарувчилар, на юрист амалиётчилар, бундай алмаштирилишга тайёр эмаслар. Шунингдек, жиноятчиликнинг холатлари хам бунга хозирча йўл қўймайди, чунки давлатнинг манфаатларини химояловчи бундан қулайроқ восита хозирча мавжуд эмас.

## 2-§. Маҳкумларни саклаш шартлари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-Ижроия кодекси 136-моддасига мувофик, ўлимга хукм этилган шахс кучайтирилган қўриқловдава қатъий ажратилган холда икки кишидан кўп бўлмаган камерада сакланади. Уларга нисбатан турмага хукм қилинганларга қўлланувчи саклаш қоидалари жорий этилади.

Амалдаги конунчилик хукм чиккандан сўнг, уни амалга оширишнинг аник муддатини белгиламайди, шунинг учун хукмдан сўнг унинг ижросига анча муддат, ҳатто йиллар ўтиши мумкин.

Ўлимга хукм қилинган маҳкумларга нисбатан турма режимидаги саклаш шартлари қўлланилади. Шунинг учун улар, авваламбор, кучайтирилган қўриқловда, қатъий изоляцияда ва ходимларнинг хавфсизлигига таҳдид солмайдиган шароитда сакланади. Шундан келиб чиқиб, маҳкумлар, одатда, якка кишилик камераларда ёки икки кишидан кўп бўлмаган камераларда сакланади. Бундай камералар қоидага кўра, жазони ўташ жойларининг алоҳида кисмида жойлашган бўлади. Бу камераларга киришга чекланган шахсларгагина рухсат этилади. Камералар кочиш учун имконият бермайди — девор бузиш, лаҳм ковлаш, панжарани қиркиш, эшикни бузиш каби ҳолатларнинг олди олинган. Камеранинг бутун майдонини биргина кўз тешигидан куриш мумкин. Камерага овқат олиб келиниб, дераза орқали узатилади. Камерада канализация ва ювингич бўлади.

Маҳкумлардан иккитаси бир камерада сакланса, улар ҳар иккаласи хам ўлим жазосига хукм қилинган бўлсагина йўл қўйилади. Маҳкумлар айланишга навбат билан чиқишиади, бошқа маҳкумлар билан

учраштирилмайди. Камералар ҳар куни текширилади ва назорат килинади. Мажхумларни кариндошлари билан учраштириш махсус коидалар асосида амалга оширилади, чунки бундай ҳолларда, мажхум ҳамда ходимларга, шунингдек у билан учрашадиганларга хафв ту-филмаслиги лозим.

Хукм чикқандан сўнг мажхум ўта хавфли жиноятчилар кийиши лозим бўлган, махсус турдаги кийим билан таъминланади.

Бундай хукм қилинганларни турмага хукм қилинганларга белгиланганидек коидалар жорий қилинса-да, яхши шароитларга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Ўлим жазосига хукм қилинганларга зарурий майший шароитлар ташкил этилади: улар доимо чойшаб билан таъминланади, уларга уч маҳал овқат берилади ва улар меҳнатга жалб этилмайди.

### **3-§. Ўлим жазосига мажхум этилганларнинг хуқукий ҳолати**

Қонунга мувофиқ жазо хуқукий чеклашларнинг муайян мажмуини ташкил этаркан, бу ҳол фуқаронинг хуқукий мақомига таъсир кўрсатади. Айтилганларга асосан, мажхумнинг хуқукий мақоми, фуқаролик мақомига teng бўлмаган ҳолда, мустакил равишда кўриб чиқилишга муҳтождир.

Умуман айтиш мумкинки, мажхумларнинг хуқукий ҳолати субъектив мажбуриятлар йигиндиси билан характерланади, шунингдек уларга жазони амалга оширишда хуқуқлар ҳам берилади.

Асосий ғоя шундаки, мажхум жазони ўташ даврида ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолади, чунки Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган ҳар кандай жазони қўллаш конун мазмуни ва рухига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум қилишни келтириб чиқармайди. Бундан келиб чикқан ҳолда мажхумларга нисбатан жазони ўташ вактида, Ўзбекистон фуқароси сифатида караш лозимдир.

Мажхумларни Республика фуқароси сифатида тан олиш катта ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Аввало, бу Ўзбекистон БМТ нинг инсон хуқукларига оид Умумжахон Деклорациясини тан олишининг амалий исботини кўрсатади, зеро БМТ хужжатининг Низомида маҳбусларга нисбатан муомала килиш коидалари кўрсатиб ўтилган. Унда кўрсатилган ҳолат маҳбусларнинг хуқукий ҳолатини мувофиқ келувчи нормалар орқали амалга оширишни назарда тутади. Айни вактда, мажхумларни давлатнинг фуқароси сифатида тан олиш моҳияттан фуқаролик ҳисларини хурмат килиш, тарбиянинг ижобийлашишига хизмат қиласди.

Шундай қилиб, мажхумларнинг хуқукий ҳолатини аниқлашда уларнинг фуқаролиги ва фуқаролар эга бўлган хуқуқ ва мажбуриятлардан келиб чикиш керак. Улар эса ўз навбатида давлат, маъмурий, фуқаролик, оила, меҳнат, жиноят, жиноий-ижроия ва процессуал хуқуқ каби соҳаларида акс этган.

Жиноят-ижроия қонунчилитига күра ўлим жазосига хукм этилганларга бир катор ҳукуклар берилганды, бу ҳукуклар ижрони амалга оширувчи органлар томонидан түшнүтирилиши ва таъминланиши зарур.

Ўлим жазосига хукм этилганлар хукм қонуний күчига киргунга қадар қандай ҳукукларга эга бўлган бўлса, қонунда белгиланган тартибда фуқаролик-хукукий, оила-хукукий муносабатларга киришишлиари мумкин. Булар васиятнома, совфа шартномаси, олди-сотди, никоҳ, оталикни тан олиш кабиларда акс этади. Махкум зарурий ишларини юргизиш учун ишончнома бериши ҳам мумкин. Махкум, шунингдек, юридик ёрдам олиш ҳукукига ҳам эга, у ўз адвокати билан сони чегараланмаган ҳолда ва вақтидан қатъи назар учрашиши, гаплашиши мумкин. Махкумнинг адвокат билан учрашишдан максади, суд ҳукмидан арз қилиш, кечириш учун илтимоснома бериш, васиятнома, шартнома тайёрлаш ва бошқа хизматлардан иборат бўлади.

Махкумнинг адвокат билан учрашуви шундай ташкил этилиши лозимки, муассаса хизматчилари уларни кўриб туриши, лекин эшитмаслиги керак. Адвокатнинг маҳкум билан учрашуви учун шу маҳкум ишни олиб бораётганлигини кўрсатувчи ордер ёки бошқа бирор ҳужжати бўлиши шарт. Бундан ташқари, маҳкумнинг адвокати ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ҳам тақдим этади. Ўлимга хукм этилганлар чегараланмаган миқдорда хатларни қабул қилиши ва юбориши мумкин. Юборилган ва қабул қилиб олинган хатлар жазони ижро этиш муассасаси, органларнинг маҳсус хизматчилари томонидан текшириб кўрилади. Почта харажатлари маҳкум ҳисобига копланади. Агар унинг бунга маблағи топилмаса, жазони ижро этиш муассасаси томонидан унинг қариндошларига жўнатилади.

Ўлимга хукм этилган маҳбусни саклаб туриш вақтида у изоляторда яқин қариндошлари билан учрашиш ҳукукига эга. Уларга ҳар ойда қиска муддатли учрашув вақти белгиланада. Ҳукм қонуний күчига киргандан сўнг, бундай учрашувлар муассаса ёки орган раҳбари ёхуд унинг ўринbosари рухсати билан амалга оширилиши лозим.

Махкумнинг илтимосига биноан, у диний муассасалар ходимлари билан диний расм-руsumларни адо этиш максадида учрашиши мумкин. Бу амалдош «Диний ташкилотлар ва виждан эркинлиги тўғрисидаги» конунга мос келиши лозим, лекин бу холат ўрнатилган тартиб ва қундалик режимга ҳалақит бермаслиги керак. Яна шуни ҳисобга олиш керакки, ўлимга хукм этилган маҳкум ўз қариндошлари, диний ходим, адвокат, никоҳга киришувчи шахс, ФХДЕ органи ходими ва бошқалар билан учрашар экан, ҳар доим хавфсизлик чораларини кўриш, қочишнинг олдини олиш ёки бошқа ҳукуқбузарликни содир этишдан сакланиши зарур бўлади (гаровга олиш, бу шахсларга ҳужум қилиш ва х.к.).

Зарурат тугилганда ўлим билан жазоланган маҳкумларга тиббий ёрдам кўрсатилиши керак. Бундай ёрдам камерада, зарурий ҳолларда камерадан ташкарида кўрсатилади (операция, тиш даволаш ва х.к.). Бу вақтда тиббиёт ходимига тугиладиган хавфнинг олдини олиш керак бўлади.

## **4-§. Афв этиш ҳақида илтимоснома бериш**

Ҳар йили айрим анжуманлар арафасида Узбекистон Республикаси Президенти Фармони билан жиноят содир этган шахсларга, ўз айбига чин дилдан иқорор бўлиб, тузалиш йўлига киргандарга амнистия эълон қилиш анъана бўлиб қолди.

Мустақилликнинг ўн йиллиги муносабати билан Узбекистон Республикаси Президенти Фармони чиқиб, унга кўра умумий афвага мос келувчи маҳкумлар доираси анча кенгайди. 50 мингдан ортик фукаро у ёки бу килмиши учун умумий афв олди.

Фармон ўлим жазоси озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилган шахсларга, шунингдек қасддан жиноят содир этганларга нисбатан жорий этилмайди. Бундан ташкири, илгари амнистия билан озодликка чиқиб қайта жиноят содир этганларга нисбатан ҳам қўлланмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, амнистия акти билан ўлимга хукм қилинган шахсларга нисбатан афв этиш акти ўртасида фарқлар мавжуд. Агар амнистия байрам муносабати билан ёки адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланиб эълон қилинса, маҳкумларга нисбатан афв этиш Республика Президенти томонидан маҳсус тасдиқланган жараёнда амалга оширилади (масалан, ўлимга хукм этилганларнинг жазосини озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириш каби). Чиқарилган хукм конуний кучга киргандан сўнг ўлим жазосига хукм қилинган шахс қатор конуний хукукларга ҳам эга бўлади; унинг энг асосий хукукларидан бири — Президентга афв этиш тўғрисида мурожаат этишдир. Афв этиш хукуки деярли барча давлатлардаги давлат раҳбарларининг асосий конституцион ваколатларидан бири хисобланади. Афв этиш институти шахсга нисбатан меҳрибонликни акс эттирувчи индивидуал актдир. Афв этиш актини қўллаш турлича (маҳкумнинг чин дилдан пушаймон булиши ёки инсонпарварлик юзасидан) асослантирилган булиши мумкин. Бизнинг Республикаимида афв этиш хукуки 1992 йилдаги Узбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Президент ваколатига киради. Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисида ги халқаро Пактга мувофиқ (6-модда 4-кисм) ўлим жазосига хукм этилган шахс афв этиш ёки хукмни юмшатиш тўғрисида сўраш хукуқига эга. Амнистия, афв этиш, жазони алмаштириш ҳар кандай холларда берилиши мумкин. Афв этиш тўғрисида мурожаат қилинганда жазони ижро этиш Президентдан жавоб келгунга кадар тұхтатиб турилади. Ўлим жазосини афв этиш ёки уни рад этиш ҳақидағи акт Узбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 16 сентябрдаги Фармонига асосан амалга оширилади. Агар маҳкум Президентга илтимоснома ёзишни рад қилса, муассаса маъмурияти прокурор иштирокида ишга тегишли акт тузади. Муассаса маъмурияти бу ҳақда тезлик билан Президент аппаратининг афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўрувчи қисмга хабар бериши лозим, бу хабар илтимос-

номани кўриб чиқишдаги янги шароитлар тўғрисида бўлади (ўлим, оғир касаллик, хукмнинг ўзгариши ёки бекор бўлиши, у томонидан содир этилган янги жиноят ва х.к.) Ўлимга хукм этилганларнинг олдига вақт-вақти билан прокурор келиб туради. Ўлим жазосига хукм этиш кассация ёки назорат тартибидаги норозилик имкониятларига сабаб бўлиши мумкин. Ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар факат Коракалпогистон Республикаси Олий Суди, вилоятлар, Тошкент шахар судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан кўрилиши мумкин. Барча судларнинг хукмлари устидан шикоят, норозилик билдириш мумкин. Шикоят ва норозилик - жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми ёки Президиуми томонидан кўриб чиқилади. ЖКП 490-моддасига кўра маҳкумнинг адвокати Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва прокуратурасига назорат тартибида шикоят килиши мумкин. Бу муассасаларнинг раҳбарлари хукмни ўзgartириш ёки бекор қилиш юзасидан протест келтириш хуқукига эгадирлар. Ўлим жазосига хукм қилинган шахс, хукм қонуний кучга кириши билан барча шикоятлари рад этилса, афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат этиши мумкин. Бу илтимоснома дастлаб Президент хузуридаги Махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади. Шу билан биргаликда илтимосномага қўшиб, биринчи инстанция судининг хукми ва кассация инстанциясининг ажрими қўшиб жўнатилади. Агар иш назорат тартибида кўрилган бўлса, шу ишга тааллуқли барча суд қарорлари қўшиб жўнатилади. Шунингдек, комиссия маҳкум тўғрисидаги тўлиқ маълумотни, унинг судланганлиги, қамоқдаги хулқ-атвори кабиларни олади.

## **5-§. Ўлим жазосини ижро этишининг асослари**

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ ўлим жазосини ижро этиш асоси қуйидагилардан иборат:

- а) суднинг қонуний кучга кирган хукми;
- б) маҳкум илтимосномасининг рад этилганлигини ёки уни афв этишини рад қилишни билдириш;
- в) суднинг жазони ижро этиш учун фармойиши.

Ўлим жазосига хукм этилган шахснинг иши мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида ўрганиб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Раиси ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори шу иш бўйича ўз хulosасини беради. Бу хulosса назорат тартибида кўрилган суд хукмига нисбатан протест келтиришга асослар йўқлиги хақидаги уларнинг фикридан иборат бўлади. Бундай асослар етарли бўлган тақдирда хукмга протест келтирилиб, бу вақт давомида иш афв этиш комиссиясига келиб тушмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурори ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди раислари хуносаларининг нусхалари Президент хузуридаги афв этиш комиссиясига юборилади. Барча материаллар қабул қилиб олингандан сўнг афв этиш комиссияси илтимосномани кўриб чиқади ва Президентга ўз фикрларини билдирган ҳолда тақдим этади, маҳкумнинг тақдири тўғрисидаги ҳал килув қарорини (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-модданинг 20-банди) Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қиласи. Маҳкум илтимоснома билан мурожаат этишни рад этса, у сакланавётган муассасанинг маъмурияти прокурор иштирикida бу тўғрида акт тузади.

## **6-§. Ўлим жазосини ижро этиш тартиби**

Жиноят қонунчилигида ўлим жазосини ижро этишнинг бирдан-бир усули отиш деб эътироф этилган. Қонун ўлим ҳукмини омманинг олдида ижро этишни тақиқлайди. Шунингдек радио, телевидение орқали ўлим жазосини ижро этишни намойиш килиш тақиқланади. Бир неча шахсларга нисбатан ўлим жазосини жорий этиш, уларнинг ҳар бирига алоҳида, қолганлари мавжуд бўлмаган ҳолда ижро этилади.

Ҳукмни ижро этишдан олдин маҳкумнинг шахси яна бир бор текшириб кўрилади. Агар маҳкумнинг руҳий ҳолатида шубҳали белгилар пайдо бўлса, у тиббий-мутахассислар комиссиясига аниқлаш учун топширилади ва бу хақда баённома тузилади. Агар маҳкумда ўз-ўзини англай олмайдиган даражадаги руҳий ҳолат пайдо бўлса, ҳукм ижроси тўхтатилади ва баённома ҳукм чиқарган судга жўнатилади. Тиббий комиссиянинг хуносасига асосан суд маҳкумни ЖКнинг 75-модда, I-қисмига кўра жазодан озод этиш масаласини кўриб чиқади, айни вактда унга нисбатан тиббий ҳарактердаги чоралар кўрилади. Маҳкум содир этган жиноятининг оғирлигини ва хавфлилик даражасини хисобга олиб, даволаш чоралари маҳсус назорат остидаги руҳий стационарларда давом эттирилиши мумкин.

Бундай шахслар согайиб кетган тақдирда жазо ижро этилади.

Ўлим жазосини ижро этиш вактида прокурор (жазони ижро этиш органининг раҳбари ва врач иштирокида) ижро этади. Қонунда ҳукмни ижро этиш вактида иштирок этиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхати қаттий белгиланган. Бошқа шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

Маҳкумнинг ўлими врач томонидан тасдиқланади, бу тўғрида ҳукмни ижро этиш вактида иштирок этганлар томонидан имзо кўйилиб, акт тузилади.

Жазони ижро этган орган маъмурияти уч қунлик вакт ичida ҳукм чиқарган судга маълум қиласи. Суд бу хақда маҳкумнинг яқин қариндошларига хабар беради. Маҳкумнинг яқин қариндошлари ўз илтимосларига биноан маҳкумнинг ўлими тўғрисида гувоҳнома олишади. Маҳкумнинг мурдаси берилмайди, мурда дафн этилган жой хақида хабар берилмайди.

## 1-§. Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби

Қонунга биноан шахсни оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганилиги боис суд унинг шахсини хисобга олиб, уни ҳарбий ёки маҳсус унвонидан маҳрум этиши мумкин. Бу турдаги жазоларнинг моҳияти шундан иборатки, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва айбдорнинг шахсини хисобга олиб суд унинг жиноят содир этиши, касби ёки лавозими билан бөглиқ деган хulosага келади ва унинг бу унвон ёки мансабда колиши кейинги жиноий фаолиятнинг давом этишига олиб келади деган хulosага келиши мумкин. Суд ўзининг қарори билан маҳкумнинг содир қилган оғир ёки ўта оғир жинояти унинг маҳсус ёки ҳарбий унвонига дардкаш бўлиши ёки доғ туширишини қайл қиласи. Маҳсус унвонлар жумласига бошкарув функция ва ваколатларни амалга оширувчи бир қатор идора ва хизматлар тушунилади: божхона хизмати, солик хизмати, ички ишлар органлари хизматлари.

Ҳарбий унвонлар жумласига ФВВ, МХХ, ГУВВ қуролли кучлар ва бошқа органлардаги хизматлар киради (уларга: солдатлар, матрослар, сержантлар, кичик ва катта сержантлар ва офицерлар киради). Амалиётда факат офицерлар таркибидаги унвонлар ҳақида гап боради. Унвондан маҳрум этиш масаласи хизматдаги ёки истеъфодаги ва захирадаги хизматчиларга бир хилда ҳал этилади.

Давлат унвонларидан, орден ва медалларидан маҳрум қилиш жиноий жазога кирмайди ва у жиноий жазонинг оқибати хисобланади. Оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахснинг давлат томонидан берилган унвон ва медалларидан маҳрум қилиш масаласини суд тегишли органга ўзининг ажрими билан талаб қиласи. Қонунга биноан суд бу ҳақда ажримни хукм конуний кучга киргандан сўнг қабул қиласи ва тегишли идорага маълум қиласи.

Ҳал килувчи қарор назорат тартибидаги жиноий ҳодиса содир бўлмаганлиги сабабли, килмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ва жиноятга даҳлдор бўлмаслиги сабабли бекор бўлганлиги боис, судлар ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш ҳақида илтимоснома юборилган идораларга бу унвонни тиклаш учун юборади. Қонунда кўрсатилган унвонлардан маҳрум қилиш факат қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. Бу, албатта, асосий жазога тўлдирувчи ва маҳкумга руҳий таъсир воситаси бўлиб хизмат қиласи.

Жиноят кодекси бу турдаги жазони ижро этишнинг чегараларини белгилаб беради. Биринчидан, бу жазо факат оғир ва ўта оғир жиноят содир қилган маҳкумларгагина қўлланилиши мумкин. Иккинчидан, конун жазо қўллашдан олдин маҳкумнинг шахсини хисобга олишни тақозо этади. Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш таркиби жиноят-ижроия ҳуқуқи нормалари

билан тартибга солинади. Уларга биноан суд махкумни харбий ёки маҳсус унвондан маҳрум килиш тӯғрисидаги хукмнинг нусхасини шу унвонни берган органга юборади. Захирадаги ҳарбий хизматчига тааллукли хукм нусхасини унинг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўлимига юборилади.

Унвон берган органнинг мансабдор шахси махкумни унвондан маҳрум килиш тӯғрисидаги ёзувни белгиланган тартибда тегишли хужжатларга киритади, бу унвон билан ҳуқуқ ва имтиёзларни тугатиш чораларини қўради ҳамда хукм чиқарган судга хукмнинг нусхаси олинган кундан 1 ойлик муддат ичida унинг ижро этилганлиги ни хабардор қиласи. Суд махкумнинг олий даражадаги ва илмий унвонларидан маҳрум этиши мумкин эмас.

# **XI БОБ. ЖАЗОНИ ЎТАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ**

## **1-§. Жазони ўташдан озод қилиш тушунчаси ва турлари**

Жазони ўташдан озод қилиш — бу жиноят процессуал ва жиноят-ижроия хукуқини қамраб олувчи тушунча. 1994 йилда қабул ки-лингган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазони ўташдан озод қилишнинг қўйидаги турларини назарда тутади:

1. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш. (ЖК 69-мод.)

2. Шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги муносабати билан уни жазодан озод қилиш. (ЖК 70-мод.)

3. Айборни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш. (ЖК 71-мод.)

4. Шартли жазо белгилаш. (ЖК 72-мод.)

5. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш. (ЖК 73-мод.)

6. Жазони енгилроғи билан алмаштириш. (ЖК 74-мод.)

7. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод қилиш. (ЖК 75-мод.)

8. Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилиш. (ЖК 76-мод.)

9. Мажбуров чораларини қўлланган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш (ЖК 77-мод.)

10. Мажбуров чораларини қўллаш орқали жазодан озод қилиш (ЖК 78-мод.)

11. Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш (ЖК 79-мод.)

12. Жазонинг енгилроғи билан алмаштирилиши сабабли жазодан озод қилиш (ЖК 80-мод.)

Охирги икки тури жазодан озод қилишнинг алоҳида турлари хисобланади.

Жазо муддатини ўтаб бўлиш, жазодан озод қилишнинг кенг тарқалган тури хисобланади.

Жазо ижросидан ўз вақтида озод қилиш учун жазо ўташ муддатини тўғри хисоблаш керак. Шунинг учун маҳкумни жазони ижро этиш муассасасига келиши биланоқ, муассаса маъмурияти муддатнинг бошланиши ва тугашини аниқлаган ҳолда маҳкумнинг шахсий ишини ўрганиб чиқиши, муддатнинг белгиланиши ва тугашини белгилаши, дастлабки қамоқда ушлаб турилган муддатни жазони ижро этиш муддатига қўшиб хисоблаш тўғри эканлигини текшириб чиқиши керак. Ноаниқликлар аниқланган вақтда ёки хатоликлар аниқланган вақтда маъмурият хукм эълон қилган суд олдига хатоликларни ва ноаниқликларни аниқлаш ва тузатиш масаласини ҳал қилишини сўрайди.

Ишнинг ёпилиши билан хукмнинг бекор қилиниши, шахснинг оқланиши учун асос бўлади. Бундай шахс барча хукуклари тикланиб, зудлик билан озод қилиниши керак.

## 2-§. Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш

Қонун жазони муддатидан илгари озод қилишнинг бир қанча асосларини беради:

- муддатидан илгари шартли озод қилиш;
- жазо енгилроғи билан алмаштирилган ҳолда;
- касаллиги ёки меҳнат кобилиягини йўқотганлиги туфайли;
- амнистия ёки афв этилганлиги туфайли.

Ҳаммага маълумки, қилмишнинг жинойлигини истисно қилалиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг ахволини бошқача тарзда енгиллаштирадиган қонун оркага қайтиш кучига эга. Шундай қилиб, Жиноят кодексининг бирор-бир моддаси *декриминализация* қилинса, шу модда билан жазоланган шахслар жазони ўташдан озод қилинадилар. Жазонинг максимал муддатини ўтаган шахслар ҳам жазодан озод қилинадилар.

Ўзининг моҳиятига кўра жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони кейинги қисмини ўташдан озод қилишда ифодаланади. Жазони ўташдан шартли озод қилиш моҳияти суд томонидан тайинланган жазонинг ўталмаган қисмida маҳкум янги жиноят содир қилмаслиги шарти билан озод қилишда ифодаланади.

Шундай қилиб, жазонинг ўталмаган қисми ўзининг моҳияти жиҳатидан синов муддати ҳисобланади ва шу муддатда маҳкум янги жиноят содир этса, суд янги содир этилган жиноятнинг жазо муддатига (60-мод.) ўталмай қолган жазо муддатини қўшиб ҳисоблайди.

Бундай жазодан озод қилишни кўллаш учун маҳкум жазонинг 1/3, 2/3, 3/4 қисмидан кам бўлмаган муддатини ўтаган бўлиши ва суд маҳкумнинг қолган жазонинг муддатини ўташга муҳтож эмаслигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Муддатидан илгари шартли озод қилиниши учун маҳкумлар айрим талабларни бажаришлари керак. Уларни озод қилиш учун уларни устидан назорат олиб борилади. Бир қанча асослар ичизда маҳкум қонун талабларига бўйсуниши, ўзини назорат қилувчи орган олдида ҳисобот бериши, турар жойи ёки иш жойини ўзгартирган тақдирда ички ишлар органларига хабар қилиши каби талабларни бажариши лозим.

Кўпгина давлатларда ҳокимиятнинг тегишли муассасалари алоҳида маҳкумларга нисбатан маҳсус шароитларни белгилашда кенг ваколатларга эгадирлар.

Масалан: улар озод қилинган маълум жойда яшаш тўғрисида буйруқ беришлари, куннинг маълум вактида уйда бўлиш шартини, спиртлик ичимлик сотадиган магазинга киришини тақиқлаш каби шартларни кўйишлари мумкин.

Бу шартлар кўпгина давлатларда янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Юкоридаги шартларга риоя қилинмаслик оқибатида маҳкум қайтадан хибсга олиниши ва камокқа олиниши мумкин бўлади.

Қўпгина давлатларда жазодан озод қилингандарни назорат қилишнинг турли хил тизимлари мавжуд. Айрим мамлакатларда кўпчиликларнинг (жамоат вакиллари) белул хизматидан фойдаланадилар.

Бизнинг мамлакатимизда озод қилингандар устидан назорат қилиш бошқача тартибда амалга оширилади. Муддатидан илгари шартли озод қилингандарни суд томонидан маъмурий назорат қилиш ўрнатилган бўлса, рўйхатга олиш ва улар устидан назорат участка инспекторлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг фаолияти ИИВ нинг Низоми билан тартибга солинади. Шартли озод қилиш, умуман олганда, шахсни жамиятга ўрганишга ва турмадан ташқарида тузалишига имкон бериш учун қўлланилади. Аммо бу ишлар муайян муаммолар билан боғлик. Бу ўринда суд органларини шартли озод қилиш жараёнини ишлаб чиқиш ва дастурларни бажаришга жалб қилиш керак. Муваффакият озод қилишга лойик маҳкумларни тұғри танлашга боғлик. Маҳкумларни муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби ва шартлари Жиноят-ижроия кодексининг 164-моддаси ва Жиноят кодексининг 73-моддаси билан тартибга солинади.

Жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилрок жазо билан алмаштириш, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан судья томонидан қўлланилади. Тақдимнома муассаса раҳбари томонидан имзоланади. Тақдимномада маҳкумнинг хулк-автори меҳнатга, ишга ва ўқишига муносабати акс этган ҳамма маълумотлар мавжуд бўлиши керак. Маҳкумни жазодан шартли равишда муддатидан олдин озод қилишга тақдим этиш тұғрисидаги масала ижобий ҳал этилгандан сўнг, жазони муддатидан олдин шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимнома, характеристика ва маҳкумнинг шахсий иши судга юборилади.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки орган маъмурияти маҳкум жазонинг конунда кўрсатилган муайян қисмини ўтаганидан сўнг масалани бир ой ичida қўриб чиқиб, уни маҳкумни жазодан шартли озод қилишга тақдим этиш ёки этмаслик ҳакида қарорга келиши лозим. Агар маъмурият маҳкумни жазодан шартли озод қилишни рад этса, маҳкум ёки унинг адвокати судга тегишли илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 4-бандида маҳкумларни шартли озод қилиш умуман қўлланилмайдиган тоифаси кўрсатилган. Вояга етмаган ёшда маҳкумлар жиноят содир этган шахслар ЖКнинг 89-моддасига биноан имтиёзли асосда жазони 1/3 ва 2/3 қисмини ўтаганидан кейин озод этиладилар. Жазони ўталмай колган қисмини енгилроғи билан алмаштириш шундай фойдаланиладики, унда суд томонидан тайинланган жазодан енгилроқ жазо қўлланилади. Ўзининг моҳиятига кўра жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш жазони ижро этиш босқичида амалга оширилади. Нисбатан енгил жазо деб жазо тизимидағи ўрни жихатидан куйироқда жойлашған (ЖКнинг 43-моддаси) жазо тушунилади. Нисбатан енгилроқ жазо тури, қонун белгилаган муддатда шу

жазога белгиланган муддат, аммо ўталмай қолган муддатидан ошмаган равишда тайнинаниши лозим. Бу ўринда маҳкумларнинг қандай тоифасига жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланиши мумкинлигини кўрсатиш лозим. Жазони енгилроғи билан алмаштириш факат кўйидаги 2 турдаги жазога тортилган маҳбусларга қўлланилали:

— озодликдан маҳрум этилган ва ахлоқ тузатиш ишларига маҳкум этилган. ЖКнинг 74- ва 80-моддаларидаги белгиланишига кўра маҳкумга, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш учун шахс суд томонидан тайнинланган жазони муайян қисмини ўташи лозим. Бу муддат шахснинг содир этган жинояти ижтимоий хавфлилигининг характеристиришни даражаси ҳамда маҳкумнинг шахси билан боғлик равишда белгиланади. Жазони енгилроғи билан алмаштирганда, одил судлов органи шахс тарбияланиш йўлига ўтганлигига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Маҳкум жазо ўташни барча вақти учун тавсифланиши керак. Бу, салбий хулқ-атвори билан ажрабиб юрган, енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин бўлган вақтгача 4-5 ой қолганда эса ўзини «қайта тузалганлигини» намоён қилувчи маҳбусларга жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришга йўл қўймаслик максадида қилинади. Агар суд маҳкумнинг хулқ-атворини баҳолаб, жазони ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштиришни лозим топмаса, конунда белгиланган муддатда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти судга қайта тавсифнома киритиши мумкин. Маҳкум жазони ўталмаган қисми давомида тайнинланган енгил жазога нисбатан бошқа, оғир жиноят содир этса, янги хукм бўйича тайнинланган жазога енгилроқ жазонинг ўталмаган қисми тўла ёки қисман қўшилиб жазо тайнинланади.

Жиноят конуни, ўз характеристарини англаш ёки уларни бошқариш имкониятидан маҳрум қиласидан руҳий касалликка учраган маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан олдин озод қилишни ҳам назарда тутади. Агарда, маҳкум касаллик туфайли муддатидан олдин озод қилиш учун асос бўла оладиган касалликлар рўйхатига киравчи касаллик билан хасталанган деб хисоблаш учун асос бўлса, ахлоқ тузатиш муассасаси ёки жазони ижро этувчи бошқа идора бошлиғи маҳкумни тиббиёт комиссиясига йўллайди.

Агар тиббиёт комиссияси маҳкумнинг бу турдаги касалликка чалинганлигини инкор этса, маҳкумга эълон қилинган ҳолда хulosса тутади. Аммо касаллик кўрсатилган рўйхатга киради, деган хulosага келинса, асослантирилган хulosса тузилиб, у шахс жазони ўтаётган муассасанинг бошлиғига юборилади. Руҳий касаллик билан хасталанган шахсга тааллукли бўлган хulosада маҳкумга тиббий йўсиндаги мажбуровлор чораси ва унинг шаклини тайнинлаш кераклиги кўрсатилади.

Маҳкумни руҳий касал ёки ўз характеристарини бошқара олмаслиги туфайли жазодан муддатидан олдин озод қилиш ҳақидаги масалани қўйиш учун судга тақдимнома, тиббиёт комиссияси хulosаси, тавсифнома ва шахсий иши тақдим этилади. Маҳкумни касаллиги туфайли озод этиш асослари, яъни касалликлар рўйхати Соғликни

сақлаштырылған томонидан тағдилданаңыз да Ички ишлар вазири-  
тігі томонидан өтпел килиналады.

Суд жонни ижро этиш муассасаси раҳбари тақдимномаси ва кузатув комиссияси илтимосномаси ёки прокурорнинг илтимосномасига биноли ишни кўради. Маҳкум касаллиги туфайли жазони ўташдан озод килинадан, суд унга нисбатан тиббий мажбурлов чоралари ёки согликни сайдини муассасаси ҳомийлигига топшириш ҳакида қарор чиқаради.

**Оғир касалликка чалинган маҳкумларни (рухий касалликларга чалинган касаллардан ташқари) жазодан озод қилиш масаласини ҳал қилишда суд маҳкумнинг содир этган жиноятининг ижтимоий ҳавфлилик даражасини, маҳкумнинг шахсий хулқ-атвори ва бошқа ҳолатларни хисобга олади.**

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 534-моддасига биноан маҳкум жазони ўтаётган вақтида жазони ўташга тўсик бўладиган сурункали руҳий касалликка ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлган тақдирда судвия жазони ижро қилинишига мутасадди органнинг тақдимномасига биноан, маҳсус тиббий комиссиянинг холосасига асосан, маҳкумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли.

Махкумни меҳнат қобилиягини йўқотганлиги туфайли жазодан озод килиш хақида судга тақдимнома киритилади. Махкумни муддатидан илгари жазодан озод килиш масаласини суд кўриб чиқади. Агар ногиронлик махкумнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан бўғлиқ бўлмаган равишда содир бўлган бўлса, суд махкумни муддатидан олдин жазони ижро этишдан озод қиласлиги ва қайта озодликдан маҳрум этиш жойига юбориши мумкин.

Агар жазони ижро этиш муассасаси раҳбари тиббий меҳнат комиссиясининг маҳкумни жазони ўташдан озод қилиш хақидаги хуносаси нотўғри чикарилган деб ҳисобласа, у ишни ўзининг асослантирилган эътиrozлари билан судга тақдим этади.

Махкумни ногирон деб топиш ва ногиронлик группасини белгилаш факат тиббий медицина эксперт комиссиясининг (ТМЭК) хуносасига асосан белгиланади. Махкум ТМЭКга ўзининг ташаббусига кўра ёки жазони ижро этиш муассасаси ташаббусига кўра ёки лаволаш врачи ташаббуси билан боради ва кўрикдан ўтади. ТМЭК хуносасига асосан жазони ижро этиш идораси судга озод килиш хақида тақдимнома киритади.

Харбий хизматчиларни озод этиш муайян хусусиятга эга. Жиноят-ижроия кодексининг 165-моддаси 5-кисмида кўрсатилишича, харбий хизматчиларни интизомий қисмга жўнатиш ёки хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома тегишли харбий-тиббий комиссиянинг уларни харбий хизматга яроксиз деб топиш ҳақидаги хуносаси асосида киритилади. Аёл харбий хизматчилар хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан ҳомиладорлик ва туғиш таътили берилиши муносабати билан ҳам озод қилинади.

Харбий хизматта яроқлы ёки яроқсизлик масаласини харбий-тиббий комиссияси ҳал этади. Агар комиссия махкумни соғлиғи

ёмонлиги сабабли ҳарбий хизматга яроқсиз деб топса (жазони ижро этиш қисмидаги), ҳарбий қисм қўмондонлиги судга маҳкумни жазодан озод қилиш ёки ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш ҳақидаги тақдимномани судга тақдим этади.

Жазони ўташ давомида маҳкумнинг соғлиғига боғлиқ бўлмаган равишда ҳарбий хизматдан ҳайдалиш асосларида ҳам жазо ўташнинг муайян тартиби мавжуд. Бундай тақдирда ҳарбий қисм қўмондонлиги ҳарбий судга маҳкумни муддатидан олдин озод қилиш ҳақида тақдимнома киритади. Суд ихтиёрига кўра маҳкумни жазони ўташ муддатидан бутунлай озод қилиш ёки унинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш мумкин. Натижада маҳкум ўз-ўзидан ҳарбий хизматдан бўшатилади.

Қонун ҳомиладорлик туфайли келиб чиқадиган меҳнатга лаёқатсизликни аёл ҳарбий хизматчиларни хизмат бўйича чеклаш жазосидан муддатидан олдин озод қилиш учун қўшимча асос сифатида кўрсатган. Бундай тақдирда жазони ижро этиш муассасаси ёки органи раҳбари ЖК 75-моддаси ва ЖИК 165-моддасига асосан жазони ўташни кейинга қолдириш тўғрисидаги тақдимномани судга тақдим этади. Тақдимнома билан бирга судга (ҳомиладорлик тўғрисидаги) тиббий маълумотнома ва маҳкумнинг шахсий иши тақдим этилади. Ҳомиладорлик ва тувиш таътили берилган вақтдан бошлаб суд маҳкумни кейинги жазони ўташдан озод қиласди.

Амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод этиш тартиби Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг алоҳида Фармони билан тартибга солинади ва белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 2-қисмига биноан Амнистия ва афв этиш актини қабул қилиш факат Президент ваколатига киради. Амнистия акти индивидуал акт эмас. Улар одатда жазодан озод қилинадиган муайян қилмишларини ёки муайян шахсларни (демографик, ижтимоий ёш) белгилаб беради.

Афв этиш бу Президентнинг индивидуал акти ҳисобланади. Унда жиноят содир қилинганинг жазосидан озод қилинади ёки енгилаштирилади. Шундан келиб чиқиб, хукуқни муҳофаза қилиш органлари афв этиш актидаги кўрсатмаларни сўзсиз бажаришлари талаб қилинади. Афв этиш акти амнистия актидан фарқли равища каттиқ индивидуал акт бўлиб, унда муайян тоифа жиноятлар ёки шахслар белгиланмайди. Афв этиш акти чиқариш шахснинг Президентга илтимоснома юбориши билан амалга оширилади ва илтимоснома билан қуйидагилар илова қилинади:

- маҳкумнинг анкетаси;
- жазони ижро этиш муассасасининг характеристикаси (тавсифнома);
- соғлиғи тўғрисидаги маълумотнома;
- даъвонинг баҳоси тўланганлиги тўғрисида маълумотнома;
- маҳкумнинг маълумотномаси.

### 3-§. Жазо ижросини тугатиш

Жазони ижро этишдан озод қилиш институтининг таркибий қисмидан бири — бу жазо ижросини тугатиш ҳисобланади. Жазо шахсни ахлоқан тузатиш, тарбиялаш ва шахсни ҳамда бошқа шахслар томонидан жиноят содир этишнинг олдини олиш мақсадида кўлланилади. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказган заарарнинг хусусияти ва миқдорини, айборнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни хисобга олади. Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо сўнгги босқичда жазони ижро этиш жойидан озод этишда маҳкумнинг ахлоқи ўрганилади.

Жиноий жазонинг ижросини тугатиш давлат томонидан маҳкумнинг кейинги жазо муддатидан озод қилиш билан ва жазодан кўлланилган максадга эришилган тақдирда озод қилинади.

Қонунда белгиланишича, жазо ижросини тугатиш тўлиқ ёки қисман булиши мумкин. Тўлиқ озод этишда суд томонидан белгиланган жазодан озод қилиш тушунилади. Қисман жазодан озод қилишда жазонинг муайян қисмидан озод қилинади ёки қолган қисми енгилрок жазо билан алмаштирилади.

**ЖИК**нинг 167-моддасига мувофиқ жазо ижросини тугатиш асослари берилган. Булар:

- маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб булиши;
- **ЖИК**нинг 163-моддасида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташ муддатидан илгари озод қилиниши;
- суд хукмининг бекор булиши ва иш юритишнинг тугатилиши;
- хукмнинг назорат тартибида ўзгартирилиши ва жазонинг шартли хукм билан алмаштирилиши;
- маҳкумнинг ўлими.

Жазо ижросини тугатиш вакти суд хукми билан белгиланадиган алоҳида босқич ҳисобланади. Жазони ижро этувчи органлар жазо ўташнинг охирги кунини аниқлашда шу муддатларга асосланади, жазони ижро этишнинг охирги кунини белгилайдилар. Бу кун суд хукмига қонунга мувофиқ киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришларни хисобга олган ҳолда хисобланади ва белгиланади.

Суд томонидан хукм чиқарилиб, маҳкум жазонинг бир қисмини ўтаганидан сўнг, у биринчи жинояти учун чиқарилган хукмдан олдин бошқа жиноятда ҳам айборлиги маълум бўлган, шунингдек жазо ўташ вактида маҳкум томонидан янги жиноят содир этилган тақдирда охирги жазонинг муддати оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, маҳкумни озод қилишга тайёрлашнинг қайтиш тизими мавжуд. Бунга мувофиқ қонунга, жазо муддатини охирги кунининг биринчи ярмида, муддат дам олиш ёки байрам кунлари тугаган тақдирда эса олдинги кунда озод қилишни амалга ошириш-

ни талаб қиласи. Қонун бошқа кунлари жазони ўташдан озод қилишни тақиқлайди.

Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам куни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам кунидан бир кун олдин озод қилинади.

Муддат ойлар билан ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли куни, агар мазкур ойда шундай кун бўлмаса, шу ойнинг охирги куни тугайди. Маҳкумни ўз вактида озод қилмаслик ҳоллари аниқланган тақдирда, хизмат суриши туруви олиб борилади.

**ЖИКнинг 168-моддаси 3-қисмида берилишича:**

— жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти маҳкумни муддатидан илгари озод қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни иш куни тугагунга қадар олган бўлса, улар шу заҳоти, иш куни тугагандан кейин олган бўлса, эртаси куни эрталаб ижро этилади. Жазони ижро этиш муассасаси маҳкумнинг ҳамма буюмлари, шахсий ҳужжатлари ва бошқа қимматбаҳо нарсаларини қайтариб беради ҳамда жазони ўтаб бўлганлик ёки озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада маълумотнома беради. Маълумотнома муҳр билан тасдиқланади.

Инсонпарварлик ва одиллик принципидан келиб чишиб, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти маҳкумга тегишли ҳамда унинг шахсий ва рақасида мавжуд ҳужжатларини олиш имкониятини яратади.

Жазони ижро этиш муддати тугаганидан сўнг уни озод қилишдан бир ой олдин, маҳкумнинг турар жойидаги ички ишлар органига билдиришнома юборилади. Муддатидан олдин озод қилинаётганларга эса хабарнома ўша куннинг ўзида берилади. Билдиришнома хабарномадан шуниси билан фарқ қиласиди, билдиришномада маҳбус ҳақида батафсил маълумотлар берилади.

**Муассаса маъмурияти билдиришномада:**

— Узбекистон Республикасининг «Маъмурий назорат ҳақида»ги қонунига биноан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги ҳақидаги асослантирилган хulosалари;

— ОИТС, сил, гиёхвандлик ва бошқа диспансерларига маҳкум даволаниши лозим бўлганида бериладиган хабарнома;

— I ва II гурух ногиронларининг, ҳомиладор ёки эмизикли ёш болали аёлларнинг ёхуд вояга етмаганларнинг оила аъзоларига озод қилинганлари ҳақида хабарнома юборилади;

— жазодан озод қилинганида маҳкум ҳақида у яшаб турган худуд ҳокимлигидан маҳсус соғломлаштириш марказларига унинг меҳнатига ёки маиший мухтожликлари ҳақида хабарнома;

— маҳкумнинг яшаш жойи ёки тахминий у жўнаб кетаётган худуд ички ишлар органларига унинг жиноятчилик фаолияти, хулки ва жиноятчилигининг олдини олиш чоралари ҳақида хабарнома жўнатилади.

**ЖИКнинг 169-моддаси 1-қисмида берилишича:**

Ахлок тузатиш ишлари муддати тугаётган куни жазоларни ижро этиш инспекцияси жазони ўтаётган шахс ишлаётган корхона, муас-

саса ёки ташкилот маъмуриятини иш ҳақидан чегириб қолишни тугатиш ва бошқа чеклашларни олиб ташлаш тўғрисида хабардор қилиди. Иш ҳақидан ноконуний ушлаб қолинган тўловлар қайтарилади. Жазо ижро этишнинг тугатилишидан яна бир асос бу маҳкумнинг ўлимидир. Маҳкумнинг ўлими ҳар хил сабабларга кўра келиб чиқиши мумкин (касаллиги туфайли, баҳтсиз ҳодиса туфайли, ўз жонига сунқасд туфайли, кочганлиги учун маъмуриятнинг курол қўллаши натижасида). Ўлимнинг сабаби маҳкум вафоти ҳақида, мархумнинг яқин қариндошларига хабар қилишни инкор этмайди. Маҳкум жазони ижро этиш муассасасида зўрлик ишлатилиши натижасида, юкумли касаллик туфайли ёки бошқа ҳолатларга кўра ўлган тақдирда муассасадан юқори турувчи органнинг рухсати билан берилиши мумкин. Агар юқори турувчи орган жасадни бериш мумкин эмас, деган хulosага келса, ИИВ белгилаб қўйган тартибда дафн килинади.

Чет эллик фуқароларнинг ўлими алоҳида аҳамият касб этади.

Уларнинг ўлими ҳақида халқаро хукуқ нормаларидан келиб чиқиб тегишли орган ва муассасага хабар қилинади. Жиноят-ижроия хукукида жазони ўташ ҳамда маҳкумлар билан муомала қилиш билан боғлиқ халқаро хукуқ нормалари инобатга олинади.

Маҳкум вафот этган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу ҳақда зудлик билан мархумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилиди. Агар мархум ҳақида хабар берилганидан кейин 48 соат ичida унинг оила аъзолари жасадни олиб кетмаса, муассаса маъмурияти маҳкумни ўзлари дафн этадилар.

#### **4-§. Жазони ижро этиш муассасасидан озод қилиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган қонунийлик ва хукуқ тартиботини таҳлил қилганда, шу нарса кўриняптики, республикада олиб борилаётган (иктисодий, ижтимоий) ислохотлар бирмунча салбий оқибатларга ҳам олиб келяпти. Жумладан, аҳолининг кўпайиши, ишсизликни өшиши, ўз навбатида, жиноятчиликни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Муассасаларда хукуқбузарлик, жиноятлар сони бир қанча кўпайиپти. Вужудга келган шароит тегишли хукуқ соҳаларини, чунончи, жиноят-ижроия хукукини ҳам ислоҳ қилишни талаб қиляпти. Жиноятчиликка қарши кураш амалиёти, юкоридаги ислохотларга жазони ижро этиш муассасаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиши кераклигидан далолат беради.

Жиноятчининг шахсини жиноят-хукукий, криминологик, ижтимоий-психологик жиҳатларини ҳар томонлама ўрганиш жазони ижро этиш босқичида тузалиш ва тарбияланишни таъкидлаш керак.

Жиноятчиларни тарбиялаш муаммосини ҳал қилиш учун уларни озодликдан маҳрум этиш жойларида янги ҳаётга ва жамиятга киритиш учун уларнинг хукукий ва ахлоқий тарбиясини, уларнинг

дунёқарашини ва касбий-илмий тайёргарлигини ошириш масалаларини тарғиб қилиш керак. Маҳкумларни тарбиялаш ишлари факат гина жазони ижро этиш муассасаларида гина тутатилмасдан балки бу муассасалардан ташқарида ҳам олиб борилади. Тарбиявий ишларни мустаҳкамлашда алоҳида ролни милиция органлари, жамоат ташкилотлари, ўқиш, ишлаш ва тураги жойдаги жамоатчилик катта роль ўйнайди. Тарбиявий ишлар давлат органлари ва жамоатчилик ташкилий тузилмалари ўргасида ўзаро келишиб ва ҳамфирлиликда олиб борилса, ўзининг самарасини беради.

Маҳкумни ҳаётга эркинликда мослашиши унинг янги ҳаётга қадам қўйиши ва унинг тарбияланган даражаси билан боғлиқ. Шунинг учун асосий ролни унинг ахлоқий тарбияланиши масаласи ўйнайди.

Адабиётларда маҳкумни озодликдан маҳрум этиш жойидан озод килишга тайёргарлик тушунчасининг ягона талқини йўқ. Айрим муаллифлар хисоблашича, маҳкумни озодликка тайёрлаш уни руҳий, меҳнатга муносабатини ўзгартириш, уй-жойга, хўжаликка бўлган тарбияланиш билан бирга олиб бориш жараёни. Бу тушунча комплекс тадбирларни қамраб олиб, маҳкумни янги ҳаёт шароитида ўрганиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш билан характерланади. Маҳкумни озодликка тайёрлаш ўз самарасини нафақат уларни жазони ижро этиш муассасасида тарбиялаш билан, балки маҳкум тушган мухит билан ҳам боғлиқ. У қандай ижтимоий мухитга тушиши ҳам унинг руҳий ахволига сезиларли даражада таъсир курсатади.

Ҳамма маҳкумлар ўзларига ёрдам кўрсатилишига ишонишлари ва ҳаётга, оиласа янги қадам билан меҳнатга киришишлари ва иш жойига эга булишига имконият яратилиши керак. Бунинг учун маҳсус ўқув курслари ва муайян тартиб-қоидалар ишлаб чиқилмоқда.

Узок муддатга озодликдан маҳрум этилганларни ҳаётга қайта-риш муттасил равишда олиб борилиши керак. Бу мақсадга эришиш учун маълум бир дастур ва тизим ишлаб чиқилиши ва жамоатчилик кўмагида уларнинг тарбияси мувофиқлаштирилиб олиб борилиши керак. Жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти ўзининг фоалиятини ижтимоий-социал тузилмалар ва жамоатчилик кўмагида олиб бориши ва оиласи ҳаётига қайтарилишини ва жамиятда ўзининг ўрнини топишга кўмаклашиши зарур.

Ижтимоий ташкилотлар хизматларининг ва жамоат бирлашмаларининг ваколатли вакиллари бунинг учун озодликдан маҳрум этиш жойига бориб маҳкумлар билан учрашиб туришлари ва ташвиқоттарбиявий ишларни олиб боришлари керак. Ва уларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларини олиб бориш керак. Ҳукукнинг бу соҳадаги қийинчиликлари, асосан, ресурсларнинг этишмовчилиги ва таълимнинг паст даражадалиги билан боғлиқ. Зарур маъмурий чоратадбирларни ўрнатилган тартиб қоидаларга мувофиқлаштирилган холда кенг ташкил этиш керак

ЖИКнинг 171-моддасига мувофиқ жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс-

нинг жазони ўташ муддати тугашига узоги билан З ой қолганда уни озодликка чиқаришга тайёрлаш, меҳнат ва турмушда ўрганишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, унинг муассасадан озод бўлгандан кейинги хукуқлари ва мажбуриятларини тушунтириш мақсадида маҳкум билан тарбиявий ишларни олиб боради. Ишда ва турмушда ўрганишга муҳтож шахслар аниқланган тақдирда муассаса маъмурияти олдиндан маҳкум яшашни мўлжаллаётган жойдаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказини унинг озод қилиниши, турар-жойи бор-йўклиги, меҳнат қобилияти ва ихтисоси тўғрисида хабардор этади.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлар, органларнинг кўмагисиз ишга жойлашишни маъкул кўрадилар. Шундай мақсадда улар турар-жойларидаги ижтимоий мослашув марказига ва ҳокимият ҳузуридаги ижтимоий комиссияларга мурожаат этишлари мумкин. (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 133-сонли Қарори). Бу марказ ва комиссиялар озодликдан маҳрум этиш жойидан озод қилинганларга ҳаётий ва меҳнат шароитига хамда ишга жойлашишларига ёрдам бериш, шу билан бирга бу марказ ва комиссия уларга моддий кўмак бериш ва вақтингчалик турар-жой билан таъминлаб беришлари мумкин. Жазони ижро этиш муассасаси озод қилинганларга яшашни мўлжаллаётган жойга етиб олиши учун йўл хужжатлари, белгиланган норма бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари ёки пул компенсацияси билан таъминланадилар. Озод қилинаётган шахсларга мавсумий кийим ва пойабзал, шунингдек, уларни сотиб олишга пул бўлмаса, улар кийим ва пойабзал билан бепул таъминланадилар. Шу мақсадлар учун озод қилинаётганга бир йўла тўланадиган пул нафақаси берилиши мумкин.

Жазони ижро этиш маъмурияти озод қилинаётган шахсни, уни кутиб олишлари учун оила аъзолари ва қариндошлари огохлантирилади. Зарурат туғилганда ЖИКнинг 173-моддасида кўрсатилган шахслар (1- ва 2-гурух ногиронлари, ҳомиладор аёллар, ёш боласи бор аёллар) ва (вояга етмаган маҳкумлар) озод қилинаётганлиги ҳақида ҳомийлик ва васийлик органи, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг орган ва муассасалари хабардор қилинадилар. 173-моддада кўрсатилган шахсларни олиб кетиш учун ҳеч ким келмаса, уларни турар-жойларига кузатиш учун жазони ижро этиш муассасасидан вакил юборилади.

Назарий маънода, маҳкумларни жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилиш билан боғлиқ кўриб чиқилаётган ижтимоий муносабатлар ўзининг ижтимоий аҳамиятига кўра хукукий тартибга солишининг объекти ҳисобланади.

Бу ҳолатни жиноий-хукукий, криминологик ва ижтимоий-демографик томонидан синтез қилиб кўрсак, маҳкумларнинг 20%и жамият кутганидек бўлмаётгани ва бу ижтимоий муносабат субъектларининг хукукий мақомини (жазони ижро этиш органлари ва бошқа

давлат органлари) уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини аниқ белгиланишини такозо этади. Жазодан озод қилишнинг тегишли тартиби жиноят-ижроия, жиноят, жиноят-процессуал ҳуқук нормалари билан тартибга солинмокда. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш асослари ва жазодан озод қилиш шартлари белгиланади. Жиноят-ижроия ҳукукий муносабатлар субъектлари бу жазони ижро этиш муассасаси томонидан амалга оширилаётган маҳкумни озод қилишга тайёрлаш ишлари уларни янги жиноят содир этиш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш воситаси сифатида хизмат қилиши керак.

## XII БОБ. БОШҚА ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

### 1-§. Бошқа жиноят-хуқуқий таъсир чораларининг турлари ва уларни ижро этиш асоси

Амалдаги Жиноят-ижроия кодексининг 174-моддасига кўра бошқа жиноят хуқуқий таъсир чораларига: шартли хукм қилиш, тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари ҳамда вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари киради.

Шартли хукм қилинган шахслар устидан ички ишлар органлари ёки ҳарбий кисм қўмондонлиги белгиланган синов муддати давомида уларнинг хулқ-автори устидан назоратни амалга оширади. Албатта, шартли хукмда белгиланған мажбуриятларни тўлик ёки қисман бекор қилиш, унга қўшимча мажбуриятлар юклаш тўғрисидаги суднинг ажрими назорат қилувчи органлар тақдимномасига асосланган бўлиши лозим.

Шартли хукм қилинган шахс синов муддати давомида хукмда унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузгандиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулки устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, хукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Тиббий йўсингдаги мажбурлов чоралари жиноий жазо хисобланмайди. Мажбурий даволаниш суд ажрими билан белгиланади ва тутатилади, аммо суд даволаниш муддатини белгиламайди. Шахснинг соғайғағлиги ёки руҳий ҳолатида яхшиланиш сезилганда ёки у томондан йўжимиюй хавф йўқолганда, мажбурий даволаниш даволаш муассасаси маъмуриятининг тақдимномасига биноан қиска муддат ичida бўлса ҳам бекор қилиниши мумкин. Йўжимиюй хавфли қилмишни содир этган ақли норасо шахсларга нисбатан қўлланиладиган тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларининг мақсади—бу уларни даволаш ҳамда бу шахслар томонидан янги жиноятларни содир этилишининг олдини олиш хисобланади.

Шундай экан, тиббий йўсингдаги мажбурлов чораларининг вазифаси руҳий касал томонидан содир этилиши мумкин бўлган янги йўжимиюй хавфли қилмишларнинг олдини олиш бўлиб, унга беморни руҳий ҳолатидан келиб чикиб, уни жамиятдан ажратилган ҳолда ёки руҳий касалликлар шифохонасиға жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ўзининг мазмунига кўра тарбиявий характерга суд жиноят кодекси 87-моддаси 2-қисмидаги назарда тутилган асослар мавжуд деб

топса, вояга етмаган шахсни жиноий жазодан озод қилиб мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин. Бу билан вояга етмаган шахсни аллоқан тузатиш ва жазонинг бошқа мақсадларини амалга оширишда суд ишонтириш методига асосланади. Мажбурлов чорасининг қўлланилиши вояга етмаган шахснинг илгариги хулқ-авторининг ножӯялиги ва унга эндиликда йўл қўймасликни англаб етишга олиб келади.

Вояга етмаган шахсларга қўлланиладиган мажбурлов чораларининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Улар суд томонидан вояга етмаган шахснинг содир килган килмишига ҳуқукий баҳо бериб, албатта, салбий чора қўлланилади.

2. Вояга етмаган шахс ҳоҳиш-иродасига боғлик бўлмаган ҳолда ижро этилади.

3. Уларнинг ижроси давлат томонидан тъминланади.

Жиноят ҳуқукий таъсир ўтказилиши ҳар бир чораси кассация шикояти ва ҳукм устидан протест билдириш муддати тугагандан сўнг қонуний кучга киради ва ижро этилади. Кассация шикояти берилган ёки протест билдирилган тақдирда, ҳукм қилинмаган бўлса, ишни юкори суд кўриб чиққан куни қонуний кучга киради. Маҳкумлар икки ва ундан кўп бўлган тақдирда, башарти улардан лоақал бирига нисбатан ҳукм устидан шикоят берилган ёки протест билдирилган бўлса, юкори суд ишни кўриб чиққунига қадар маҳкумларнинг ҳаммасига нисбатан ҳукм ижроси кечиктирилади ва қонуний кучга кирмай туради.

Ҳукм қонуний кучга кирган ёки иш кассация инстанцияси судидан қайтарилган кундан бошлаб уч кундан кечикмай, ҳукм чиқарган суд томонидан ижро эттирилади. Иш факат биринчи инстанция судига юборилиши лозим бўлиб, прокурорга ёки бошқа судга юборилиши мумкин эмас. Шундай экан ҳукм, ажримни ижро эттириш суднинг ижро органи зиммасига юклатилади.

## **2-§. Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат**

Шартли ҳукм қилинган вояга етган шахслар устидан назорат—ички ишлар органи таркибидан жазони ижро этиш инспекцияси томонидан олиб борилади. Шартли ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар устидан назорат эса уларнинг ҳарбий қисми ёки муассаса қўмондонлиги томонидан олиб борилади. Бу назорат Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳуқукий хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Назорат ўтказиш давомида айrim муаммолар келиб чиққан ҳолларда масалан, маҳбусни яшаш жойида, жамоат жойларида уларнинг хулқ-автори устидан назорат олиб бориш ёки маҳбус қидиривда бўлганда уни топиш учун ички ишлар органларининг бошқа хизматчи ва ходимларини, жумладан, милиция участка инспекторларини, патруль пост хизмати ходимларини ва бошқа ички ишлар хиз-

мат ходимларини ҳам жалб килиш мумкин, аммо уларнинг иштироки шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилувчи инспекциянинг жавобгарлигини камайтирмайди. Жазо ижро қилувчи инспекция шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат ўрнатилишида куйи-даги вазифаларни амалга оширади:

а) Синов муддати давомида маҳбуснинг шахсий ҳисоб рўйхатини олиб бориш;

б) Маҳбусни тартиб-интизомга риоя этишини кузатиш;

в) Суд томонидан маҳбусга юклатилган мажбуриятларни бажарилаётганлигини назорат қилиш;

г) Маҳбусга тайинланган қўшимча жазолар ижросини таъминлаш;

д) Маҳкум устидан назорат қилувчи бошқа органлар, масалан, ҳарбий қисм қўмондонлиги билан доимий мулоқотда бўлиш;

е) Шартли ҳукм килган суд билан муносабатда бўлиш ва бошқалар.

Шартли ҳукм қилинган шахслар хулқ-атвори устидан назорат олиб боришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш талаб этилади;

а) Маҳбуснинг шахсини, унинг турмуш шароитини, унинг атрофидаги мухитни ўрганиш;

б) Муайян шахсни иш жойидан ёки ўқиш жойидан ва яаш жойидан унинг хулқ-атвори тиклангани ҳақидаги маълумотларни йиғиб шартли ҳукмни муддатидан илгари бекор қилиш; маҳбусдан судланганликни олиб ташлаш; синов муддатини кисқартириш ёки узайтириш масалаларини ҳал этиш;

в) Ҳукмда белгиланган синов муддати давомида маҳбус томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик актлари ҳақида ваколатли органларни хабардор қилиб туриш;

г) Шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан суд белгилаган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш, ёки қўшимча мажбуриятлар юклаш ҳақида; синов муддатини узайтириш ҳақида; жиноий жазодан озод қилиб шартли ҳукмни бекор қилиш ёки белгилangan жиноий жазони қўллашни сўраб, судга тақдимнома тайёрлаш каби вазифалар амалга оширилади.

Шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат қилиш жиноят ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари принципларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва инсонга жисмоний азоб бериш ёки унинг кадр-қимматини камситишга йўл қўймайди.

Жазони ижро этиш инспекцияси айрим мажбурлов характеридаги ваколатларга ҳам эга, жумладан, улар маҳбусларни сухбатга таклиф қилиш; маҳбусларни хулқ-атвори ҳақида исбот талаб қилиш; узрсиз сабабларга кўра келмаган бўлса, мажбурий келтириш; турар жойи маълум бўлмаган ёки жазони ўташдан бош тортган маҳбусларга нисбатан қидирув ишларини олиб бориш ваколатига эга.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳарбий хизматга чакирилганда, у жазони ижро этиш инспекцияси рўйхатидан чиқарилади ва у хизмат қилаётган ҳарбий қисм қўмандонига эса суд ҳукми ва маҳбуснинг инспекцияда рўйхатда турган давридаги хулқ-атвори ҳакида ва унга нисбатан қўлланилган ҳуқукий чеклашлар ҳакида маълумот юборилади.

Ҳарбий қисм (муассаса) қўмандонлиги ўн кунлик муддат ичидага маҳкум рўйхатга олингандиги тўғрисида, хизматни тутаганидан кейин эса жўнаб кетганлиги тўғрисида жазоларнинг ижро этиш инспекцияси га ҳабар қилиши шарт. Агар шундай ҳабар келмаса, инспекция ҳарбий қисмiga сўровнома юбориши лозим. Маҳбус ҳарбий хизматни шу муддатда тамомламаса, ҳарбий қисм қўмандонлиги шартли ҳукм қилинган турар-жойидаги инспекцияга уни ҳарбий қисмдан ёки муассасадан чиқиб кетаётганлиги тўғрисида ҳабар бериши лозим. Агар шунда синов муддати тугамаган бўлса, жазони ижро этиш инспекцияси маҳбусни рўйхатга олади ва назорат қилиш учун бошқа чора-тадбирларни олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 177-моддасига асосан шартли ҳукм қилинган шахслар суд томонидан зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш, шунингдек, чакирувга биноан жазолар ижро этиш инспекциясида ҳозир бўлиши шарт, узрли сабабсиз ҳозир бўлмаган маҳкум белгиланган тартибда мажбуран келтирилиши мумкин.

Шундай экан, шартли ҳукм қилинганларнинг мажбуриятлари бу:  
а) синов муддати давомида тузалганлигини исботловчи хулқ-атворда бўлиш; б) юклangan мажбуриятларни (масалан, ижро этиш инспекциясини ҳабардор қилмасдан ўкиш, иш, яшаш жойини ўзgartирмаслик, алкоголизм, гиёхвандлик, заҳарвандлик ёки таносил қасаллигини даволатиш, оиласини моддий жиҳатдан қувватлаш).

Юқорида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик қўйидаги ҳуқукий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади: а) маҳбусга суд томонидан қўшимча мажбуриятлар юклатилади; б) синов муддати узайтирилади; в) шартли ҳукм қилинганликни бекор қилиб, суд ҳукми билан тайинланган жазони ижро этилиши мумкин.

Бу ҳуқукий оқибатлар шартли ҳукм қилинган шахснинг хулқ-атвори устидан назорат қилувчи органнинг тақдимномасига кўра суд томонидан амалга оширилади.

Агар маҳбус бир неча маротаба жамоат қоидаларини бузса ёки унга юклатилган мажбуриятларни ва инспекциянинг қонуний талабларини бир неча маротаба бажармаса, жазони ижро этиш инспекцияси томонидан қўшимча мажбуриятларни юклатиш ёки синов муддатини узайтириш ҳакида судга тақдимнома юборилади. Мажбуриятлар бузилганида шартли ҳукм қилинганликни бекор қилиши мумкинлиги ҳакида маҳбус ёзма равишда огохлантирилгандан сўнг

тақдимнома судга юборилади. Маъмурий хуқуқбузарликлар содир этилганлиги фактлари маълум бир расмийлаштирилган протоколлар билан тасдиқланиши керак.

Жиноят ва жиноят-ижроия қонун ҳужжатлари нормаларини солиштириш шуни қўрсатадики, агар шартли ҳукм қилинган шахс ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятни эҳтиёtsизлик ёки қасдан содир этса, шартли ҳукм қилинганликни бекор қилиш, синов муддатини узайтириш ёки маҳбусга қўшимча мажбуриятларни юқлаш хақидаги масалалар суднинг ўзини ташаббуси билан кўриб чиқилади, ижро этиш инспекцияси томонидан тақдимнома киритиш шарт эмас. Унча оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир жиноятлар содир этилганда ҳам тақдимнома талаб қилинмайди, чунки бу ҳолда шартли ҳукм қилинганлик бекор қилиниши шарт.

Жазони ижро этиш инспекциясини шартли ҳукм қилинганликни бекор қилиш хақидаги тақдимномаси кўйидаги ҳолларда киритилади: а) агар маҳбус унга юқлаган мажбуриятларни бажаришдан бош тортса; б) агар у маъмурий ёки интизомий жавобгарликка торгилса. Иккала ҳолда ҳам шартли ҳукм қилинганни файри-қонуний хулқ-атворини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлдирилиши лозим.

Шартли ҳукм қилинганда тайинланган синов муддатини ҳисоблаш тартиби ЖПК га кўра аниқланади. Жиноят кодекси 72-моддасига биноан шартли ҳукм қилинган шахсга нисбатан синов муддати белгиланади, бу муддат давомида маҳкум ўзининг хулқ-атвori билан ахлоқан тузалганлигини исботлаши керак.

Синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар иш кассация инстанциясида кўриб чиқилиб, қайтарилганда суд уч кундан кечитирмай, ҳукм нусхасини ички ишлар органига юбориши лозим. Маҳкумга юқлатилган мажбуриятларни бажариш муддати – жазони ижро этавчи инспекция ҳукм нусхасини олиб, маҳкумни ҳисобга олган кундан бошланади.

Шартли ҳукм қилинган шахсни жазони ижро этувчи инспекция ҳисобга олганлиги тўғрисида ҳукм чиқарган судга, шунингдек, маҳкум ишлаётган ёки ўқиётган жой маъмуриятига хабар берилади. Агар маҳкум мажбурий ҳарбий хизматни ўташ ёшига етган бўлса, мудофаа ишлари бўйича худудий бўлинма хабардор қилиниши лозим.

Маҳкум ҳисобга олингандан сўнг жазони ижро этиш инспекцияси тегишли бўлган ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарининг олдига сухбат учун таклиф қилинади. Бу сухбатда унга синов муддатини хуқукий макоми, унинг хусусиятлари, синов муддати давомида инспекция олдидағи мажбуриятлари ва уларни бузганлик учун жавобгарлик масалалари тушунтирилади. Вояга етмаган шахс рўйхатга олинганида у билан сухбатда унинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслар иштирок этишлари мумкин.

Шартли ҳукм қилинган шахс ҳулк-атвори устидан назорат синов муддати тамом бўлиши билан тугатилади ва маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияси ёки ҳарбий қисм қўмондонлиги рўйхатидан чиқарилади.

Жиноят-ижроия қонунига синов муддатининг тугатилиши хисобдан чиқаришнинг ягона асоси қилиб белгиланган. Лекин бошқа асосларга кўра ҳам хисобдан чиқариш мумкин бўлиб, буларга: янги жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум қилинганида; маҳкум ўзининг муносиб ҳулк-атвори туфайли муддатидан илгари шартли ҳукмни олиб ташлашга сабаб бўлганида; шартли ҳукм бекор қилиниб, маҳкум ҳукмда кўрсатилган жазони ўташ учун колонияга юборилганда; маҳкум вафот этганида; суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда ва маҳкумни яшаш манзили ўзгарганида хисобдан чиқарилиши мумкин. Охирги ҳолатда хисобдан чиқариш назоратни тугатилишга сабаб бўла олмайди. Маҳкумнинг хужжатлари янги яшаш жойидаги жазони ижро этиш инспекциясига юборилади.

### **3-§. Тиббий йўсиндаги мажбуровлар чөраларини ижро этиш**

Руҳий касалларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлар чөраларини қўллаш жараёни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуровлар чөраларини қўллаш ҳакидаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган йўрикномаси билан тартибга солинади. Ички ишлар органларининг ёрдами билан соғлиқни саклаш муассасалари касал шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги суд ажримининг ижросини таъминлайдилар. Касал шахснинг яшаш жойига энг яқин бўлган руҳий касалликлар муассасасида мажбурий даволаниш амалга оширилади. Бу эса беморга қариндошлари билан мунтазам алокада бўлиш имкониятини яратади. Барча руҳий касаллар, шу жумладан, тиббий йўсиндаги мажбурий чөралари қўлланилаётганлари ҳам уларнинг руҳий ҳолатига қараб узлуксиз даволаниш усуllibарини оладилар. Улар касаллик ҳолатига мос келадиган йўналиш бўйича руҳий касалликлар шифохонасининг бўлимларига жойлаштирилади.

Мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек, руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкин.

Касалнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниqlашда бир катор клиник-руҳийпатологик ва ижтимоий руҳий ҳолатларни

инобатга олиши керак. Рухий патологиянинг куйидаги шаклари ижтимоий хавфли хатти-харакатнинг клиник рухий патологик омиллари га киритиш мумкин: а) хулқ-автор юкори фаоллашган рухий танқислик; б) кескин ҳаракат билан изоҳланадиган ва аниқ бир шахсга ёки корхонага қаратилган, маълум маънога эга бўлган алаҳсираш фоялар; в) тез-тез кўзгалиб турувга эга бўлган ва тажовуз билан изоҳланадиган ҳолат; г) ўзини айблаш васвасаси билан рухий азбланиш ҳолати ва бошқалар.

Демак, беморни жамиятдан батамом ажратиб мажбурий даволаш – унинг рухий ҳолатига қараб, умумий тартибли рухий касалликлар шифохоналарининг соғлиқни тиклаш бўлинмаларида ёхуд кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохоналари ёки бўлинмаларида ўтказилади.

Маҳбусларни жамоадан ажратиб қўйиш билан боғлик бўлмаган жазоларни тайинлаш, Ўзбекистон Республикасининг «Сурункали алкоголизм ва гиёхвандликка чалингандарни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунга биноан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 майдаги 195-сонли қарори билан сурункали алкоголизм ва гиёхванд касалларни мажбурий даволаш учун маҳсус даволаш – профилактик муассасаларни ташкил қилиш тўғрисидаги Низоми тасдиқланди. Бу Низомнинг 2-бандига кўра, маҳсус даволаш-профилактик муассасаларига алкоголизм ва гиёхвандларни мажбурий даволаниш учун соғлиқни сақлаш органларининг наркологик муассасасида даволанишдан бўйин товлаган, жамоат тартибини бузган, аҳолини соғлиғига хавф соладиган касаллар жойлаштирилади. Мажбурий даволанишнинг муддати касал даволанишга ётқизилгандан бошлаб 5 кун ичida комиссия тартибида даволаш муассасаси томонидан ҳал этилади. Рухий касалларнинг мажбурий даволаниши шахс даволанаётган муассаса комиссиясининг қарори асосида тугатилади. Даволаниш муддати 1,5 йилдан ошмаслиги керак.

Юкорида қайд этилган шахсларни тиббий муассасага юбориш тўғрисидаги хужжатлар bemornинг оила аъзолари, кариндош-уруглари, соғлиқни сақлаш муассасалари илтимосларига асосан ёки тиббий хулоса мавжуд бўлганда ички ишлар органлари ёки гиёхвандлик ва ичкиликбозликка қарши кураш комиссияси ёрдами билан ҳам тайёрлаб юборилиши мумкин. Мажбурий даволанишга юбориш масаласи 20 кунлик муддат ичida касал яшаб турган жойдаги суд томонидан унинг иштирокида ҳал этилади. Касал узрсиз сабабларга кўра келмаса, ички ишлар органи ёрдамида мажбурий келтирилади.

Тиббий йўсиндаги мажбуров чораларини қўллаш ҳақидаги суднинг ажрими чиқарилган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва унинг вакили томонидан шикоят, прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Суд ҳукми асосида қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган гиёхвандлик, алкоголизм, заҳарвандликка йўлиқкан маҳкумлар режим турига қараб Республика Ички Ишлар вазирлигининг соглиқни сақлаш муассасаларида мажбурий даволанишга жалб этиладилар. Махсус тартибли колонияда ёки турмада сақланаётган маҳкумларнинг даволаниши жазо ўталаётган жойда амалга оширилади. Жазони ижро этувчи муассаса маъмурияти маҳкумларнинг колонияда бўлган даврида касалхона ва шифохонада даволаниши учун шароит яратиб беради.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган маҳбусларга қўллаш тартиби мажбурий даволанишни ташкил қилиш тўғрисидаги йўриқнома билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлигининг идоравий ҳужжатлари соғлиқни сақлаш ташкилотларининг маҳсус-даволаш профилактик, гиёхвандлик муассасалари билан ички ишлар органларининг гиёхвандлик, токсикомания, сурункали гиёхвандлик билан касалланганларни мажбурий даволаш муассасалари фаолияти билан уйғунашувини таъминлайди. Республика вилоятлари бўйича маҳсус даволаш-профилактик муассасалар жойлаштирилган. Ички Ишлар органлари сурункали алкогизм, гиёхвандлик, заҳарвандликка йўлиқкан ва мажбурий даволаш талаб этиладиган ҳолатлар бўйича рўйхатга олишни таъминлайди. Шу билан бирга маҳсус даволаш профилактик муассасалардан чиқкан шахсларнинг хулки устидан назорат қилиш ва маҳсус муассасаларга юбориш учун ҳужжатларни тайёрлаш харакатларини ҳам амалга оширади.

Ҳибса ушлаб турилган шахсларнинг суд-рухий экспертизаси суриштирув, тергов, прокуратура органининг қарори ёки суднинг ажрими, қамоқ жазосига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса қамоқ уйи ёки жазони ижро этиш муассасаси бошлигининг қарори асосида тайинланади.

Суд-рухий экспертиза бўлимида руҳий ҳолатини текшириш учун юборилган шахсларга уларнинг яшаши, жойлашиши, учрашуви, сайр килиши, меҳнат қилишда иштирок этиши ташкил қилиниб, шунингдек, унинг қочиб кетишига йўл қўймаслик учун тартиб коидалар белгиланган.

Эксперт комиссияси томонидан руҳий ҳолати текширилаётган шахс руҳий касалликка чалинмаган, ақли расо ва суд-рухий экспертиза бўлимида сакланиши керак эмас деб топилган шахслар экспертиза ўтказиш учун юборган муассаса маблағи хисобидан тезда бўлимдан кўчирилиши керак.

Шахс жиноят содир этгандан сўнг, лекин суднинг ҳукми эълон қилинмасдан олдин руҳий хасталикка учраган тақдирда, тузалгунга қадар мажбурий даволанишга юбориш ҳакидаги суд ажримидан сўнг

умумий турдаги рухий шифохоналарнинг махсус қайта тикланиш бўлимларига ёки Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг республика рухий касалликлар шифохонасига кузатуви кучайтирилган бўлимига жойлаштирилади.

Эксперт комиссияси томонидан рухий холати текширилаётган шахс суд ажрими билан рухий касал ёки акли норасо деб тан олиниб, уларга нисбатан қўзгатилган жиноят иши тугатилган шахслар суд-рухий экспертиза бўлимидан чиқарилади ва а) беморнинг яқин кариндошлари ва яшаш жойидаги рухий-асаб касаллиги муассасасининг назорати остида улар қаромогига ўтказилади; б) Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг махсус қайта тикланиш бўлимининг республика рухий касалликлар шифохонасининг кузатуви кучайтирилган умумий турдаги бўлимига ёки рухшуносга умумий тартибда мажбурий даволанишга юборилади. Уларни кўрсатилган жойга ўтказиш экспертизага юборган муассаса маъмуриятининг кучи ва ёрдамида амалга оширилади, зарур холларда эса тиббий ходимлар ёрдамидан фойдаланади.

Рухий касалларни шифохонага ўтказиш ёки бир касалхонадан иккинчисига ўтказишида тегишли қарор ёки ажрим чиқарган органлар хабардор қилинади. Бу органлар кўчириш учун транспорт ва кўрикловни таъминлайди.

Тўхтатилган жиноий иш ўз юритуvida бўлган тергов ёки суд органлари хабардор қилингач, мажбурий даволанаётган рухий касални рухий шифохонанинг бир бўлимидан иккинчи бўлимига ўтказиш мумкин:

- шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси худудида соғликни саклаш органининг бош рухшуноси томонидан;
- республикамиз худудидаги бир вилоятдан иккинчисига ўтказиш — Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлигининг бош рухшуноси томонидан ўтказилади.

Рухий касалликлар шифохоналарида даволанаётган bemорлар кўйидаги хуқуқ ва мажбуриятларга эга. Улар ҳар куни сайр қилиш, хатлар, посылка, йўқлов ва бандероллар, шунингдек, пул жўнатмалари олиш ва юбориш; кариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашиш; бошқа маҳбусларга ҳалакит бермаган ҳолда намоз ўкиш; озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиб, ўз ёнида саклашлари мумкин. Учрашув ўтказиш, передача, бандероль ва йўқловлар олиш шифохонанинг ички тартиб-коидалари билан тартибга солинади.

Касалликнинг холати ва даволаниш манфаатларини қўзлаб даволовчи шифокор бўлим бошлигини хабардор килган ҳолда касаллик вақтингчалик учрашувни (карантин муносабати билан бирга) тақиқлаб кўйиши мумкин.

Касаллар ўзларининг яқин кишилари ва кариндошлари билан қочиши имкониятлари чекланган махсус жихозланган бинода шифо-

хонанинг қўриқлаш билан шуғулланадиган ички ишлар органлари бўлинмасининг назоратчиси ва тибиёт ходимлари вакиллари иштирокида учрашишлари мумкин. Учрашув учун ажрим чиқарган суднинг розилиги талаб этилади.

Беморнинг касаллик тарихи варакасида касалнинг рухий ҳолати бўйича тегишли муассасалардан олинган хужжатлар қариндошлари ўргасилаги ёзишмалар сақлаб қўйилади. Бош шифокор томонидан рухий шифохона ходимларининг касалларга нисбатан нотуғри муносабатлари устидан қилинган шикоятлар зудлик билан қўриб чиқилиши лозим. Касалларнинг ёки уларнинг қариндошлари томонидан келтирилган ёзма аризалар ва шикоятлар белгиланган тартибда кайд қилинади ва қўриб чиқилади.

Касалларнинг меҳнат жараёнларида, спорт тадбирларида иштироки, маданий даволаш муолажалари (кино, телевизор қўриш, концерtlар уюштириш)га жалб этилиши тиббий ходимлар томонидан ташкил этилади. Рухий касалларнинг меҳнат, маданий муолажалари вактида, шунингдек, сайр қилиш ва учрашув давомида устидан назорат қилиш ва кузатиш тиббий ходимлар томонидан ёки касалларни қўрикловчи ички ишлар органларининг маҳсус йўлланмаси томонидан амалга оширилади.

Касалларни рухий шифохона худудидан четга чиқишлари тақиқланади. Тайинланган муолажани олишдан bemor бош тортса, у мажбурий равишда амалга оширилиши мумкин.

Рухий касалликлар шифохоналарида bemorлар касаллик тури, хулк-авторининг хусусияти, рухий ва жисмоний ҳолатини хисобга олиб, уларни батамом ажратиб қўйишининг таъминловчи ҳамда улар томонидан янги ижтимоий-хавфли қилмиш содир этиш, қочиш, сақлаш режимини бузиш эҳтимолининг олдини олишни таъминлайдиган шароити бор палаталарга жойлаштирилади. Албатта, эркаклар ва аёллар, катталар ва вояга етмаган шахслар алоҳида сакланади.

Касалларнинг кун тартиби, овқатланиш ва дам олиш вақтлари бош шифокор томонидан тасдиқланган касалхона ички тартиб-қоидалари билан белгиланади. Беморга овқат ва касалхона кийими бепул берилади. Беморларни овқат ва уст-боши билан таъминлаш нормативи Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади.

Рухий касалликлар шифохоналарида bemorларга узок муддатли учрашув берилмайди. Агар шахсда маҳсус гувохнома ёки рухсатнома бўлса, касалхонанинг худудидаги ёки даволаш бўлимларига кириш рухсат этилади. Рухсатномаси бўлган бегона шахс назоратчи томонидан кузатиб борилиши шарт. Касалхона худудига кираётган ва ундан чиқаётган шахсларнинг нарсалари ва кийимлари кўздан кечирилади.

Мажбурий даволанишда бўлган рухий касал қочиб кетган тақдирда қўриқлаш бўлими шу захотиёқ кидирувни ташкиллаштиради ва унинг қочиш ҳолатларини аниқлайди. Касалхонани ўзбошимча-

лик билан ташлаб кетган беморнинг хужжатларини тұлдириб бориш ман этилади. Ҳар сағар қочиши холатлари аникланганда рухий касалликлар шифохонаси маъмурияти зұлпик билан уни кидириб топиш учун чоралар күриб, дархол бу ҳақда шифохона жойлашган ердаги ва бемор, унинг қариндошлари яшайдиган ҳудуд прокурорини, ички ишлар органдарини, рухий асаб шифохонасини, шунингдек мажбурий даволанишини тайинланган судни хабардор килиши шарт.

Агар қочиб кетган бемор ушлаб олинса ва даволаш муассасасига қайтариб олиб келинса, унинг тақроран қочиши имконини олдини олини имкониятлари хавфсизлигининг күчайтирилган чоралари құлланилиши лозим.

Мажбурий даволанишда бұлған бемор вафот этса, даволаш муассасаси маъмурияти унинг қариндошларига, конуний вакилларига, прокурорга, тиббий йўсингидаги мажбурлов чораси құлланиши ҳакида аж-рим чиқарған судга, шунингдек, бемор яшаган жойдаги рухий асаб шифохонасига хабар беради.

Даволаш муассасаси маъмурияти рухий бемор қочиб кетгандығы ёки вафот этгандығы тұхтатылған жиноий иш ўз иш юритувида бұлған тергов органдыға ёки судга ҳам хабар килиши лозим. Вафот этган беморнинг ўлеми сабабларини құрсатувчи суднинг талабига күра уларга тақдим этилади. Вафот этган беморнинг жасади паталогоанатомик текширилиб, бу ҳақда батағсыл қайднома тұлдирилади.

Агар вафот этган беморнинг қариндошлари ва конуний вакиллари жасадни күмиш учун олиб кетиш хохишларини билдирилса, улар касал үлгандығы ҳакида хабарномани олғанларидан сұнг 24 соат ичіда касалхона маъмуриятига мурожаат килишлари керак. Агар бу шахслар үлган беморнинг мурдасини олиб кетиш хохишини билдиришмаса, ўлим ҳақидаги хабарнома берилганидан сұнг, касалхонага хабар берилгандан сұнг 48 соат үтгач, ўзи дағн этиши мумкин. Агар ўлим ўта хавфли юқумли касаллар оқибатида келиб чиққан бұлса, мархұмнинг жасади қариндошларига ва конуний вакилларига берилмайды.

Агар беморнинг ўлеми зұравонлық ишлатиш натижасыда келиб чиққан бұлса, рухий касалхона маъмурияти, шу захоти, бу ҳақда касалхона жойлашган жойдаги прокуратурага ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош рухшуносига керакли чораларни күриш учун хабар беради.

Мажбурий даволанишда бұлған барча рухий касалларни уларнинг рухий холатини аниклаш учун ва суд олдига тиббий йўсингидаги мажбурлов чорасини ўзgartириш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалаланы ҳал қилиш учун ҳар 3—6 ой ичіда камиде бир марта даволаш муассасаси бош шифокори тақдимномасига асосан тузилған ва соғлиқни сақлаш органды (бўйсуниш тартибида) томонидан тасдиқланган шифокорлар комиссияси текширувидан ўтиб туришлари

керак. Агар беморнинг рухиятида ўзгариш сезилса, бундай тадбирлар бойни ичидан исталган вақтида амалга оширилиши мумкин.

Агар бемор соғайса ёки унинг рухий холати ўзгарса, жамоат учун хавфи камайса ва мажбурий тартибда касалхонада сақлаш ва даволаш керак эмас деб топилса, шифокорлар комиссияси холосасига асосан, даволаш муассасасининг соғлиқни сақлаш органининг бош рухшуноси тақдимномасига асосан, мажбурий даволанишини бекор қилиш суд томонидан амалга оширилади.

Шифокорлар комиссияси холосаси чиккан кундан бошлаб 10 кун ичидан, бош рухшунос тиббий йўсиндаги мажбуров чорасини бекор қилиш хақидаги тақдимномаси билан судга мурожаат қилиши шарт.

Суднинг тиббий йўсиндаги мажбуров чорасини ўзгартириш, яъни умумий тартибли рухий касалликлар шифохонаси нинг соғлиқни тиқлаш маҳсус бўлимидан мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва рухий касаллик мутахассисида даволанишга ўтказиш ёки аксинча, кузатув кучайтирилган рухий касалликлар шифохонасида ёки бўлинмасида мажбурий даволанишга ўтказиш хақидаги ажрими Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ижро этилади.

Суд мажбурий даволашни бекор қилганидан сўнг, бемор чиқишигача 10 суткадан кечиктирмасдан рухий касалликлар шифохонаси маъмурияти bemorning яшаш жойидаги рухий асаб диспансерига амбулатория картасидан кўчирма юборади ҳамда унинг якин кариндошларини ёки конуний вакилларини, шунингдек, туар жойидаги милиция бўлимини унинг асаб касаллиги ёки ичқиликбозлиги хақида хабардор қиласди.

Рухий bemorlar tuzalganiidan keyin kasalxonadan chiqarili shartibi, shu kasalxonaning turiga boғlik bўlib, bu respublika Soflikni saqlaш vazirligi tomonidan belgilanganadi.

Рухий касалхонадан чиқарилган шахсларга касалхонада даволанишда бўлган вақти хақида маълумотнома берилади. Бундай маълумотнома bemorni kuzatib boradigan shahsga bering yoboriladi. Bemor kasalxonadan chiqarilgandan sonг kasallik tarixi kasalxonada koladi, kanzeliariyada rўyhatga olinib, arxivga topshiriladi. Keyinchaliq, kerak bўlganda, undan nusxa tayёrlab olish учун, у кайта talab қилиниши мумкин.

Рухий касалликлар шифохонасидан чиқарилган bemorlar axwoliga қараб кариндошлари, конуний вакиллари ёки тиббий ходимлар кузатувида яшаш жойларига юбориладилар. Рухий касалхонадан чиқарилган bemorlarга яшаш жойига бориш учун йўл харажатлари (агар у бошқа аҳоли яшаш жойида жойлашган бўлса) касалхона xisobidan tulanadi.

Беморлар ва ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, bemorlar-ning ruhiy kасалликлар шифохонаси доирасидан ташқарига ўзбoshimchалик билан чиқиб кетишининг олдини олиш максадида назорат рухсатнома тизими жорий этилади.

Доимий кузатувда бўлган руҳий касалхонага кириш тартиби Ўзбекистон Республикаси ИИВ билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги йўрикномаси билан амалга оширилади.

Руҳий касаллар шифохонаси ҳудудига ва даволаш муассасаларига кириш факат кўриклиш бўлими ходимларига, республика Соғликни саклаш бош рухшуносига, касалхона жойлашган жойдаги соғликни саклаш бошкармаси бош рухшуносига, прокурорга рухсат этилади ва назоратчилар кузатиб қўйиши шарт. Касаллар даволаш биноларида, палаталарда назорат остида бўладилар.

Кариндошлар билан учрашиш, bemorlar kochib keta olmайдigan, maxsus jixozlanangan xonalarda amalga oширилади, bunday xonalarda учрашув пайтида bemor томонидан sodir қилинадиган xар xil kungil-siz ходисаларнинг олдини олиш учун тиббий ходим ҳам бўлиши шарт.

Агар учрашув вактида bemor ўз ҳаракатларини назорат кила олмаса ва тиббий ходимга ёки учрашувга келган шахсга жисмоний қаршилик кўрсатса, унга шифокор назорати остида кишан солиниши, тинчлантириш кўйлагини кийгизишлари ёки бошқа уни хулк-авторини тинчлантирадиган воситалар қўллашлари мумкин. Лекин бу воситалар факат киска муддат қўлланилиши лозим, тики bemor-ning соғлигига бошқа томондан зарар етмасин.

Суд томондан тайинланган тиббий йўсиндаги мажбуров чорасини қўллаш даврида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилади.

Руҳий касалхонада мажбурий даволашни ўз вактида ва тўғри ўтказиш устидан назорат «Соғликни саклаш хақидаги» Республика конунига мувофик, соғликни саклаш органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғликни саклаш вазирлиги рухсати билан руҳий муассасаларга ҳалқаро тиббий ташкилотлар вакиллари ташриф буюришлари мумкин. Уларга иш давомида, муассаса ҳудудида Соғликни саклаш вазирлигининг маъсул ходимлари ҳамроҳ бўлиб, кузатиб боришлари шарт.

Қамоқ жазосига ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ичкиликбозлик, гиёхвандлик ва заҳарвандликка йўлиқкан шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбуров чораларини қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Республика Соғликни саклаш вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган.

#### **4-§. Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш**

Амалдаги жиноят қонунида вояга етмаган шахсларга нисбатан куйидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

А) суд белгиланган шаклда айборга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

Б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблаги хисобидан ёки меҳнати билан тўлаш ёки бартараф килиш мажбуриятини юклаш;

В) вояга етмаган шахсни маҳсус ўкув-тарбия муассасига жойлаштириш.

Узр сўрашнинг шакллари суднинг ажримида кўрсатилган жойда ва белгиланган вактида ўтказилади. Тарбиявий мақсадларда суд вояга етмаганлар ишлаётган жойда вояга етмаган шахснинг ўкиш ёки ишлаш жойида узр сўралади.

Агар узр сўраш кўпчиликнинг олдида ўтказилаётган бўлса, маҳalla қўмитасининг вакили ва участка нозирини иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Албатта, узр сўраш қачон, каерда, кандай шаклда ва кимларнинг иштирокида ўтказилганлиги, жабрланувчи каноат ҳосил қўлганлиги ҳакида баённома тузилади. Якка тартибда узр сўралганида эса жабрланувчи судга бўлиб ўтган кечирим ҳакида хабар бериши шарт. Бундай хабар оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин.

Вояга етмаган шахс томонидан жабрланувчидан узр сўраш амалиёти хали етарлича шаклланмаган. Шунинг учун суд вояга етмаганлар комиссияси ёрдамида бу йўналишда ижодий ёндошиши мумкин.

Вояга етмаган шахснинг етказилган зарарни ўз маблағлари хисобидан ёки ўз меҳнати билан тўлаши ёхуд бартараф этиши суд томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Агар суд вояга етмаган шахснинг даромади етарлича эмаслиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлса, бу чора қўлланилмайди.

Агар заар бир неча вояга етмаганлар томонидан етказилган бўлса, етказилган зааррга улар биргаликда жавобгар бўладилар, айрим холларда эса уларнинг ота-оналари ёки васийларига умумий-мулкий жавобгарликнинг бир қисми юклатилиши мумкин. Лекин бу уларга суднинг чиқарган ҳукми ёки қарори билан жавобгарлик юклатилганда мажбурий тўлов уларнинг мулкига каратилиши мумкин. Шунинг учун вояга етмаган шахснинг ота-оналари, васий ёки хомийлари суд томонидан жиноят ишида фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари тарикасида жалб этилиши мумкин. Бу ҳакда суд ажрим чиқаради.

Вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят иши бўйича етказилган зарарини бартараф этиш мажбурияти айбланувчига юклатилган бўлса-да, ота-оналар ёки қонуний вакиллар суд ёки прокурорнинг

ташаббуси билан ишга жалб қилинмаган бўлса ҳам, мустакил даъво бўйича уларни қўшимча жалб қилиш мумкин. Жиноят ишида бўлган мулкий талабларни қўйиш учун фуқаролик процессуал тартибида даъво қўзғатиб вояга етмаган шахснинг қонуний вакилларини ҳам жавобгар сифатида ишга қатнаштириш ҳам мумкин. Лекин ҳар кандай ҳолатда ҳам суд томонидан ёзма тартибда мажбурий чораларни, яъни етказилган зарарни вояга етмаганинг ўз даромади ёки меҳнати билан тўлдириши мажбурияти хакида ахборот берилishi лозим.

Вояга етмаган шахслар ҳалқ таълими органларининг маҳсус ўкув-тарбия муассасаларига қонун хужжатларида белгиланган тартибда жойлаштирилади. Одатда, бу ўкув муассасалари ва ички ишлар органининг вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи инспекциясида рўйхатда турган вояга етмаганларнинг кўпчилигини 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ташкил этади. Бу ёшдаги ўсмирлар ҳамма нарсага ўта таъсиран ва қизиқувчан бўладилар. Бу ёшдагилар оиласда тарбияси бўш бўлса, катталар таъсирига тез тушиб қолади ва албатта, ўз навбатида оддий шўхлик уни қониктирмасдан ўсмир жиддийроқ ишларга, масалан, жиноятга ҳам қўл уриши мумкин. Шуларни хисобга олган ҳолда юқорида кўрсатилган муассасаларга юбориш учун хужжатларни расмийлаштириш вояга етмаганлар иши билан шугулланувчи инспекцияга юклатилган.

Маҳсус ўкув-тарбия муассасасига жойлаштирилган вояга етмаганларга аксарият ҳолларда илгари уларга тарбиявий ва бошка турдаги чоралар қўлланилган бўлади. Шунинг учун вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи инспекция вояга етмаганлар билан чуқурроқ ва каттиқроқ йўналишда тарбиявий чоралар қўллаши лозим.

## ИЛОВАЛАР

1-ЖАЛЫГ

**Махкумларни таълимга муносабатига карараб ахлоқан тузалиш  
даражаси бўйича таксимлаш (% хисобида)**

		Ахлоқан тузалиш даражаси				Ахлоқан тузалиш даражаси		
		Ахлоқан тузалиш йўлига катъий турди (5 балл)	Ахлоқан тузалиш йўлига турди (4 балл)	Ахлоқан тузалиш йўлига турмади (1 балл)	Етарири урганилмаган (3 балл)	Жами	Ахлоқан тузалиш даражаси сининг ўртача баҳоси (балл)	
Таълимга муносабати тузалган-лигини исботлади (6 балл)	7,6	37,7	32,5	7,7	9,7	5,5	100	4,0
Узрли сабабга кўра ўқимайди	0,0	12,5	62,5	12,5	0,0	12,5	100	3,7
Мактаб йўқ	10,5	28,6	56,2	4,7	0,0	0,0	100	4
Ўқишига вижданан ёндашади	0,0	0,0	0,0	50,0	50,0	0,0	100	1,5
Ўқишига вижданан ёнлашмайди	0,0	3,7	3,7	33,3	55,6	3,7	100	1,6
Узрли сабабларсиз ўқимайди								

## ИЛОВАЛДАР

2-жадвал

**Мажкумларни хаваскорлик ташкилотларининг ишида иштирок этишининг караб ахлоқан тузалиш даражаси бўйича тақсимлаш (% хисобида)**

Хаваскорлик ташкилотида иштирок этади	Ахлоқан тузалиш даражаси					Ахлоқан тузалиш даражаси сининг ўртacha баҳоси (балл)		
	Ахлоқан тузалиш йўлига каттий турди (5 балл)	Ахлоқан тузалиш йўлига турди (4 балл)	Ахлоқан тузалиш йўлига турди (2 балл)	Ашаддий тартиб-бузар турмади (1 балл)	Етарли ўрганилмаган (3 балл)			
Фаол иштирок этади	11,4	57,7	27,4	1,0	0,5	2,0	100	4,7
Иштирок этади, аммо фаол эмас	4,0	12,0	68,0	8,0	2,0	6,0	100	3,9
Иштирок этмайди ва иштирок эммаган	0,0	6,7	19,1	23,7	44,9	5,6	100	2,2

Ушбу жадваллар доц. Ш.Х. Иноғомов маълумотлари асосида берилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.КАРИМОВ. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида. Т., «Ўзбекистон», 1997 й., 85-бет.
2. Инсонпарварлик тамойиллари асосида. (Ўзбекистон Республикасида жазони ижро этиш муассасалари фаолияти тўғрисида). Халқ сўзи, 2000 й., 23 август.
3. МЕХЛИН А. Смертная казнь: за и против/Российская газета 1.04.1997 г.
4. ШАМАНСУРОВ А.А. Пенитенциар тизим кадрларини тайёрлашнинг баъзи муаммолари // Хуқук—Право—Laut, 1999, №2. -С. 70—73.
5. МИРЗАЖОНОВ К., КЕРЖНЕР М.Ю. Амнистия ва афв — жазони инсонийлаштириш принципи. // Хуқук—Право—Laut, 2000, №1. -С. 36—39.
6. КАДЫРОВ Р.К. О мерах дисциплинарного воздействия в местах лишения свободы // Хуқук—Право—Laut, 2000, №1. -С.56—58.
7. КАДЫРОВ Р.К. Роль стимулирования в исправлении осужденных // Хуқук—Право—Laut, 2000, №3. -С.32—33.
8. КАДЫРОВ Р.К. Правовое регулирование и практика применения мер дисциплинарного воздействия в колониях-поселениях // Хуқук—Право—Laut, 2002, №2. -С. 33—37.
9. ФАЙЗУЛЛАЕВА В. Озодликдан маҳрум этиш жойларида микромухитнинг криминалогик холати // Хуқук—Право—Laut, 2000, №1. -С.63—66.
10. ИСМОИЛОВ Б.И., КЕРЖНЕР М.Ю. Проблемы пенитенциарной системы // Хуқук—Право—Laut, 2001, №2. -С. 55—58.
11. ИНОФОМОВ Ш.Х. Маҳкумларни озодликдан маҳрум этиш жойларида саклаш шароитларини мақбуллаштириш — долзарб вазифа // Хуқук—Право—Laut, 2001, №3. -С. 37—40.
12. ШАМАНСУРОВ А.А. Альтернативные наказания как средство уголовной политики демократического государства // Хуқук—Право—Laut, 2001, №2. -С.62—64.
13. ШАМАНСУРОВ А.А., ДАВЛЕТОВ А.Д. Общественные работы как альтернатива лишению свободы // Хуқук—Право—Laut, 2001, №4. -С. 53—55.
14. ПУЛАТОВ Ю.С., КЕРЖНЕР М.Ю. Не прибегая к тюремному заключению // Хуқук—Право—Laut, 2001, №3. -С. 57—59.
15. ПУЛАТОВ Ю.С., КЕРЖНЕР М.Ю. О результатах анкетирования по проблемам наказаний, альтернативные лишению свободы // Хуқук—Право—Laut, 2001, №4. -С.47—50.

16. ПУЛАТОВ Ю.С. О гуманизации условного осуждения в уголовном и уголовно-исполнительном законодательстве // Ҳуқук—Право—Laut, 2002, №1. -С. 26—28.

17. ИСМОИЛОВ И. Уй қамоги озодликдан маҳрум килишнинг мукобили сифатида // Ҳуқук—Право—Laut, 2002, №2. -С. 55—59.

18. ШАМАНСУРОВ А.А. Обеспечение правовой и социальной защиты персонала пенитенциарной системы— залог успешной борьбы с преступностью // Экстремизм, терроризм, гурухий ва уюшган жиноятиликка қарши кураш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. -С. 69—72.

19. ШАМАНСУРОВ А.А. Конституционное гарантии в условиях реформирования пенитенциарной системы // Конституция ва инсон манфаатлари: Ҳалқаро илмий-амалий анжуман материаллари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1997. -С. 264—266.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИННИГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ</b>	
1-§. Жиноят-ижроия ҳуқуки фани конунчилиги, унинг максади ва вазифалари .....	5
2-§. Жиноят-ижроия ҳуқуқига биноан маҳкумлар ҳуқукий ҳолатининг ўзига хос ҳусусиятлари .....	12
3-§. Жазоларни ва бошқа жинойт-ҳуқукий таъсир чораларини ижро этувчи орган ва муассасалар тушунчаси ва тизими ҳамда уларни текшириш ва назорат қилиш .....	15
<b>II БОБ. МАҲКУМНИ ЖАМИЯТДАН АЖРАТМАГАН ҲОЛДА ЖАЗОЛАШ ИЖРОСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	
1-§. Жарима жазосини ижро этиш асослари ва тартиби .....	18
2-§. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосининг ижро этиш асослари ва тартиби .....	20
3-§. Ахлок тузатиш ишлари тарикасидаги жазони ижро этиш асослари ва тартиби .....	22
<b>III БОБ. ҚАМОҚ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ</b>	
1-§. Қамоқ тарикасидаги жазонинг ҳуқукий мохияти .....	26
2-§. Қамоқ жазосини ижро этиш .....	27
<b>IV БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ</b>	
1-§. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси тушунчаси, белгилари ва аҳамияти .....	33
2-§. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни таснифлаш тушунчаси ва мохияти .....	37
3-§. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни таснифлаш, жазони ижро этиш муассасаларининг ҳуқукий муносабатларининг субъекти сифатидаги асосини белгилаш манбай .....	42
4-§. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишни ташкил этиш .....	45
5-§. Жазони ижро этиш муассасаларида режим .....	49
6-§. Маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти ва уларга тиббий хизмат кўрсатиш .....	57
7-§. Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг меҳнат, таълим ва касбга тайёргарлиги .....	61

8-§ . Озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатиш .....	64
9-§ . Жазони ижро этиши жойларидағи ташаббускор ташкилотлар .....	70

## V БОБ. КОЛОНДИЯ ВА ТУРМАЛАРДА ЖАЗОНИ ЎТАШ

1-§ . Колондия ва турмалар тизими ва уларда сакланадиган маҳкумларни тоифалаш .....	72
2-§ . Озодликдан маҳрум қилиш жазосининг жазони ижро этиш колонияларида ижро этиш .....	73
3-§ . Тарбия колонияларида жазони ўташ .....	79

## VI БОБ. ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ЭТИШГА ХУКМ ҚИЛИНГАН-ЛАРНИ САҚЛАШ ШАРОИТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ҲОЛАТЛАРИ

1-§ . Озодликдан маҳрум этишга хукм қилингандарни саклаш шароитларини ўзгартириш институти ва унинг мазмуни .....	82
2-§ . Шароитлари ўзгартирилган маҳкумларнинг хуқукий ҳолати .....	92
3-§ . Маҳкумларни ахлоқан тузалиш даражаси бўйича таснифлаш ва унинг аҳамияти .....	100

## VII БОБ. МАҲКУМЛАРНИ САҚЛАШ ШАРОИТИНИ ЎЗГАРТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

1-§ . Озодликдан маҳрум этишга хукм қилингандарнинг хуқукий ҳолатини ўзгартириш муаммоларини норматив тартибга солишнинг шаклланиши ва ривожланиши .....	120
--	-----

## VIII БОБ. ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА НИСБАТАН ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ, ҚАМОҚ ВА ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖЎНАТИШ ТАРИКАСИДАГИ ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

1-§ . Ҳарбий хизматчилар жазоси тушунчаси ва моҳияти .....	147
2-§ . Хизмат бўйича чеклаш жазосини ижро этиш асослари ва тартиби .....	148
3-§ . Ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамок тарикасидаги жазони ижро этиш .....	151
4-§ . Интизомий қисмда саклаш тарикасидаги жазони ижро этиш .....	154

## IX БОБ. ЎЛИМ ЖАЗОСИНИ ИЖРО ЭТИШ

1-§ . Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатлардаги амалдаги қонунлари бўйича ўлим жазосининг қиёсий тахлили .....	161
2-§ . Маҳкумларни саклаш шартлари .....	165
3-§ . Ўлим жазосига хукм этилганларнинг хуқукий ҳолати .....	166
4-§ . Афв этиши ҳақида илтимоснома берини .....	168
5-§ . Ўлим жазосини ижро этишининг асослари .....	169
6-§ . Ўлим жазосини ижро этиши тартиби .....	170

## Х БОБ. ҚҰШИМЧА ЖАЗОЛАРНИ ИЖРО ЭТИШ

1-§. Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум килиш тариқасидаги жазони ижро этиш тартиби ..... 171

### XI БОБ. ЖАЗОНИ ҰТАШДАН ОЗОД КИЛИШ

1-§. Жазони ұташдан озод килиш түшунчаси ва турлари ..... 173

2-§. Жазони ұташдан муддатидан илгари озод килиш ..... 174

3-§. Жазо ижросини тугатиш ..... 179

4-§. Жазони ижро этиш муассасасидан озод килиш тартиби ..... 181

### XII БОБ. БОШҚА ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ

1-§. Бошқа жиной таъсир чораларининг турлари ва уларни ижро этиш асоси ..... 185

2-§. Шартли ҳукм қилинган шахслар устидан назорат ..... 186

3-§. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этиш ..... 190

4-§. Вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш ..... 198

Иловалар ..... 200

Фойдаланилган адабиётлар ..... 202

*Муаллифлар жамоаси*

## **ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ**

*Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича  
таълим олаётган талабалар учун*

*Тошкент «Ўқитувчи» — 2002*

*Муҳаррир С. Мирзахўжаев  
Бадиий муҳаррир М. Калинин  
Техник муҳаррир М. Суркова  
Мусахҳиха М. Иброҳимова, Д. Умарова  
Компьютерда саҳифаловчи Н. Саитова*

ИБ № 8126

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 22.08.2002 й. Бичими 60x90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>  
Кегли 10 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.  
Шартли б.т. 13,0. Шартли кр.-отт. 13,5. Нашр т. 12,6. 1000 нусхада босилди.  
Буюртма № 2028

«Ўқитувчи» нашиёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 07-108—  
2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 1-босмахонасида  
босилди. Тошкент, Сағрон кўчаси, 1-берк кўча, 2-йи. 2002 .

**67.411**

**Ж64**

**Жиноят-ижроия ҳуқуқи:** Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларига мўлжалланган /Муаллифлар: Б.Ахроров, М.Рустамбоев, Ш.Иногомов ва бошк.; Масъул мухаррир: Б.Ж.Ахроров.-Т.: «Ўқитувчи», 2002.-2086.

Сарл.олдида: ЎзР Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат Юридик институти.

1. Ахроров Б., ва бошк.

**ББК 67.411я73**

